



ОДИНАХОН МУҲАММАД СОДИҚ

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
**ШИФОСИ**  
САВОЛ



ИККИНЧИ КИТОБ

**66488** Оданахон Мухаммад Содик.  
Билимсизликнинг шифоси савол  
2-китоб 64 596  
Тошкент-2020 4 нусха







ОДИНАХОН МУҲАММАД СОДИК

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
**ШИФОСИ**  
САВОЛ



ИККИНЧИ КИТОБ



HILOL NASHR

ТОШКЕНТ

2021

УЎК 28(076.3)

КБК 86.38в6

C-75



وَمَا تَوْفِيقٍ إِلَّا بِاللَّهِ عَلَيْهِ تَوَكِّلُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ

«Муваффақиятим фақат Аллоҳга  
боғлиқ. Унгагина таваккул қилдим.

Унгагина қайтаман».

(Худ сураси, 88-оят)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги  
Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2018 йил 9 октябрдаги  
5548-ракамли хulosаси асосида чоп этилди.

C-75

Одинахон Мухаммад Содик

Билимсизликнинг шифоси – савол.

Т.: «Hilol-Nashr», 2021. – 272 б.

УЎК 28(076.3)  
КБК 86.38в6

ISBN 978-9943-5774-9-7

© Одинахон Мухаммад Содик  
© «HILOL-NASHR» нашириёти, 2019, 2021.

## ҚУРЬОН

247-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Ҳайз ҳолатида-  
ли аёл Қуръони Карим сураларини үқиса бўладими?  
(Мусҳафдан эмас, Қуръони Карим суралари ёзилган  
бошқа бир китобдан.)*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳайз пайтида хоҳ Мусҳафдан бўлсин, хоҳ бошқа китобдан бўлсин ёки ёддан бўлсин, Қуръони Каримни тиловат қилиш жоиз эмас.


Жунуб ва нифосли шахс каби, ҳайзли аёл ҳам кичик бетаҳоратга хилоф ўлароқ, қироат қилмайди. Яъни жунуб, нифосли ва ҳайзли кишилар Қуръон қироат қилишлари мумкин эмас.

عَنْ أَبْنَى عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: لَا تَقْرِئُ الْحَائِضُ وَلَا  
الْجُنُبُ شَيْئًا مِنْ الْقُرْآنِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهُ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади:  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайзли аёл ҳам, жунуб ҳам Қуръондан ҳеч нарсани қироат қилмайди», дедилар».*

*Имом Термизий ва Ибн Можса ривоят қилган.*

Аммо ҳайзли аёл таълим учун калима-калима қилиб үқиши жоизлигига уламолар фатво берганлар («Кифоя»дан). *Валлоҳу аълам.*





## 248-САВОЛ



*Ассалому алайкум. Агар аёл боласини доим таҳоратли ҳолда эмизишни ният қилган бўлса, нифос ва ҳайз пайтида нима қилиши керак? У пайтида таҳорати бўлмайди-ку. Масалан, мен боламни эмизаётганимда баъзида Ёсин сурасини ўқиб тураман. Буни ҳайз пайтимда китобни қўлимга олмасдан, ёддан ҳам ўқийверардим. Лекин бир кишининг айтишига кўра, Куръонни ҳайз пайтида қўлга олиб ҳам, олмасдан ҳам умуман ўқиши мумкин эмас экан. Шу тўгрими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бола эмизаётган пайтда таҳоратли бўлиш ва Ёсин сурасини қироат қилиш фазилатли иш, албатта. Лекин бу мажбурий эмас. Ўзингиз айтганингиздек, нопок ҳолатлар туфайли, яна ёш боланинг тез-тез йиглаб қолишини ҳисобга олганда бунинг уддасидан чиқа олмай қолиш мумкин. Бунинг имкони бўлганда қилиш яхши, аммо бошқа пайт ўзини маşaқкатга қўйиш керак эмас. Ҳайз ва нифос ҳолатларида Куръон ўқиши ҳам, ёддан тиловат қилиш ҳам жоизмас. *Валлоҳу аълат.*

## 249-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Устоз, вактингизни аямасдан, билмаганимизни ўргатаётганингиз учун ташаккур. Менинг ёшим 19 да. Кеч бўлса ҳам Куръонни ёд олиш ниятим бор эди. Лекин бир илми опам: «Ёд олиш учун кеч қолдингиз. Энди қабул қилишингиз қийин бўлади», деяптилар. Аввало, Куръони Каримни Аллоҳ учун, ота-онамнинг розилиги учун ёд олмоқчи эдим. Ёдлай олармикинман? Қандай маслаҳат берасиз? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

## **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайқум ассалом. Қуръони Каримни ёд олишнинг эрта-кечи йўқ, Аллоҳдан мадад сўраб, бошлайверинг. Мен ҳам 17 ёшимдан бошлаганман. Ёшлиқда ёдлаш катта ёшда ёд олишдан кўра осонроқ ва ёшлиқда ёдланган нарса мустаҳкамроқ бўлади, деган мулоҳаза бор, холос. Аксар саҳобалар ҳам Қуръони Каримни катта ёшда ёд олишган. *Валлоҳу аълам.*

### 250-САВОЛ

*Одинахон опа, шу сайtingиз орқали менга ўхшаган мусоғир юртларда яшайдиган аёллар учун онлайн дарслар ташкил қила олмайсизларми? Қуръон ўрганишини ва чиройли қироат билан, тушуниб ўқишини хоҳтайман. Илтинос, ёрдам беринг.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Иншааллоҳ! Ҳозирда диний саводхонликни ошириш борасида раҳбаримиз бошчиликларида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ажаб эмас, сиз сўраган иш ҳам бўлиб қолса. Дуо қилиб туриңг. Унгача «quron.uz» каналимизда бериб борилаётган дарслардан фойдаланишингизни тавсия қиласиз. *Валлоҳу аълам.*

### 251-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Ҳурматли Одинахон опа, мен ҳар ойда Қуръон хатм қиласман. Эшишишимча, Қуръон хатм қилишдан олдин бирор нарсани ният қилиши керак экан (масалан, фарзандларим тарбияси яхши бўлсин, деб). Шу тўгрими? Аллоҳ илмингизни зиёда қиласин.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Қуръони Карим мақсадлар ҳосил бўлиши учун хатм қилинмайди. Балки у ибодат бўлиб, Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш учун ўқилади. Аммо хатмдан кейинги дуолар ижобат бўлишини умид қилиб, эҳтиёжларни сўраш мумкин. **Валлоҳу аълам.**

### 252-САВОЛ

*Ассалому алайкум! «Тажвид» китобидан ҳарфларни маҳражисдан чиқариб, калималарни тўғри айтишини ўрганиб олдим, лекин санади Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга уланган устозни билмасам ёки топа олмасам, ўқишишимни тўхтатиб турайми? Бу узилишда ёдлаганларим эсимдан чиқиб қолмайдими? Чунки баъзи сураларни ёдлагандим. Нима қилай?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Тажвид илми ёлғиз китобнинг ўзига суюниб ўрганилмайди, бунинг учун ҳам устоз зарур. Аммо сиз Қуръон ўқишидан тўхтаманг. Устоз топиб, таълим олиш имконияти пайдо бўлганида ижозат ола-верасиз. Унгача ўқиб тураверинг. **Валлоҳу аълам.**

### 253-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Қуръонни қандай қилиб мустақил ўрганиши мумкин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Қуръон ўқишинин устоздан ўрганиш керак, мустақил ўрганиб бўлмайди. Ҳозирги кундаги ҳолатни эътиборга олиб, Қуръон ўқиши мутлақо тўхтаб қолмаслиги, Аллоҳнинг каломи унунт бўлиб кетмаслиги учун уни вақтинчалик маълум дастурлар

ёрдамида ўқиб, ўрганиб туришни тавсия қиласыз. Дуо қилинглар, тез орада таҳфизи Куръон курслари ташкил үтилсин. *Валлоху аълам.*

## 254-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Куръон ўқиёт-ганды «хато ўқияпман», деб шубҳаланган жойларни ручкали Куръон китобидан эшишиб, Куръон хатм қиласа бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Аввало Куръон ўқишини устоздан ўрганиш керак. Лекин ўзининг хатолари бор-йўқлигини билиш учун ундан фойдаланса бўлади. *Валлоху аълам.*

## 255-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Маълумки, Куръони Каримда-ги ҳар бир белги ўзига хос маъноларни англатади. Ана шу белгилар ичида «сакта» белгисининг қўлланилиши мақсади, вазифаси, унинг моҳияти ҳақида билганла-рингизни баҳам кўрсангиз, илтимос.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом!

### Сакта

«Сакта»нинг луғавий маъноси «бир марта жим бў-лиш»дир. Истилоҳда эса қироат асносида нафас олмай, икки ҳаракат миқдорича тўхтаб туриш сакта дейилади. Мусҳафларда сакта аломати сифатида сатр юқорисида кичик «س» ҳарфи қўйилади.

Ҳафс ривоятида сакта тўрт ўринда келади:

1. Каҳф сурасининг 1 ва 2-оятлари орасида:

الْحَمْدُ لِلّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَىٰ عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عِوَاجًا  
 قَيْمًا لِيُنْذِرَ بَاسًا شَدِيدًا مِنْ لَدُونِهِ وَيُبَشِّرَ الْمُؤْمِنِينَ  
 الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا حَسَنًا

2. Ёсин сурасининг 52-оятида:

﴿قَالُوا يَوْمَنَا مَنْ بَعَثَنَا مِنْ مَرْقَدِنَا هَذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمَنُ  
 وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ﴾

3. Қиёмат сурасининг 27-оятида:

﴿وَقَيلَ مَنْ رَاقِ﴾

4. Мутоффифин сурасининг 14-оятида:

﴿كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ﴾

Булардан ташқари яна икки ўринда сакта жоиз:

1. Ал-Ҳаққо сурасининг 28 ва 29-оятлари орасида:

﴿مَا أَغْنَىٰ عَنِي مَالِيَةٌ ۚ هَلَكَ عَنِي سُلْطَانِيَةٌ﴾

Ушбу икки сўзни ўқишида уч хил йўл бор:

- а) сакта қилиш;
- б) вақф қилиш;
- в) идғом қилиш.

2. Анфол ва Тавба суралари орасида:

وَالَّذِينَ ءامَنُوا مِنْ بَعْدٍ وَهَاجَرُوا وَجَهَدُوا مَعَكُمْ فَأُولَئِكَ  
مِنْكُمْ وَأُولُوا الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يِبْكِي  
شَفَقَةً عَلَيْهِمْ

١١  
بَرَاءَةٌ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

Анфол сурасининг охирги ояти ва Тавба сурасининг биринчи оятини кетма-кет ўқишда ҳам уч хил услуб бор:

- а) сакта;
- б) вакф;
- в) иқлоб.

Сактадан мақсад – маънони тўғри етказиш.

Сактанинг вазифаси – жумла ёки сўзнинг маъноси ўзгариб кетишидан сақлаш.

Мисол учун, Кахф сурасидаги сактани оладиган бўлсак:

١٢  
الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عِوْجَانًا

1. Ўз бандасига китоб нозил этган ва унда ҳеч бир эгрилик қилмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

١٣  
قَيْمَاتِ لِئِنْذِرَ بَاسَ شَدِيدًا مِنْ لَدُنِهِ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ  
الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّلِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا حَسَنَا

2. Уни тўғри қилган; Ўз хузуридан бўладиган шиддатли азобдан огоҳлантирадиган; яхши амалларни қиладиган мўминларга уларга гўзал ажр бўлиши башоратини берадиган қилган Зотга.

Суннатга мувофик ўқишида бу икки оят орасида тўхташ керак. Аммо маълум бир сабабларга кўра икки оятни кўшиб ўқиладиган бўлса، ۴۰۷۳ فیضان ва сўзлари орасида сакта қилинади. Сакта қилинмаса: «унда ҳеч бир тўғри эгрилик қилмаган», деган маъно келиб чиқиши мумкин.

Ёсин сурасидаги оятда эса:

﴿ قَالُوا يَوْمَ لَنَا مَنْ بَعْثَنَا مِنْ مَرْقَدٍ ثُمَّ هَذَا مَا وَعَدَ الْرَّحْمَنُ وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ﴾

Улар: «Воҳ, шўrimiz қурисин! Бизни ётган жойимиздан ким қўзғатди?! Бу Роҳман ваъда қилган ва юборилган пайғамбарлар тасдиқлаган нарсаку?!» дерлар.

Бу ўриндаги сактага амал қилинмаса: «Воҳ, шўrimiz қурсин! Бизни бу ётган жойимиздан ким қўзғатди?! Раҳмон ҳам ваъда қилмади, пайғамбарлар ҳам тасдиқ қилмади» деган нотўғри маъно келиб чиқиши мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## 256-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қизим 18 ёйда. Куръон ёдлашга киришган эди. Бир бора ўтказиб, иккинчи бора қайтаришга киришиди. Бир ойда икки маротабадан ҳайз кўрмоқда. Вактдан ютқазяпти. Сиз қандай маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аёл киши бир ойда икки марта ҳайз кўрмайди. Икки ой орасидаги покликнинг энг ками 15 кун. Ҳайзнинг ками 3, кўпи 10 кун. Шу асосда ҳайз кунларини аниқлаб олинглар. Шифокорга кўриниши ва бу ҳолатни тартибга солиш керак. Бизнинг мазҳабда

узды қолатда Қуръон тиловат қилинмайды. Лекин тило-ватни тинглаб туриши жоиз. Дарс учун мана шу услубдан фойдаланиб турилса бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 257-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бир танишим насронийлик динини қабул қилибди. Қанча уринмай, бу иши нотўғри эканини тушунтира олмаяпман. Танишимнинг айтишиши бўйича Инжилда инсонларнинг миллати, сўзлашадиган тилларининг ўзгариб кетишига далиллар бор экан. «Муқаддас китобимиз Қуръонда инсонларнинг турли хил тилда гаплашишига сабаб бўлган оят борми?» деган саволимни «Зикр аҳли»дан сўраганимда Ҳуёзурот сурасининг 13-оятидан далил келтирган эдилар, алҳамдуиллаҳ. Мени қизиқтирган нарса – бу ҳодиса, яъни тилларнинг ўзгариши қай ҳолатда юз берган? Саволимни бир неча бор бераётганимга сабаб, жавоб мен учун жуда муҳим. Саволимни жавобсиз қолдирмайсиз, деган умиддаман. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бу ҳақда Рум сурасининг 22-оятида: «**Ва осмонлару ернинг яратилиши ҳамда тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлиши Унинг оят(бурҳон)лариданdir. Бунда олимлар учун оят(белги)лар бордир**», дейилган.

Тилларнинг турли-туманлигига далил мана шу. Аммо бу қандай рўй бергани ҳақида ҳеч бир маълумотга эга эмасмиз. Зоро, буни билишдан ҳеч қандай манфаат ҳам йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## 258-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қуръонни китобдан ўқиб турбид эмизиш мумкинми? Бу ҳолатда авратни тўлиқ ёпишининг имкони йўқ, шунинг учун сўраган эдим. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Қуръони Каримни ўзига яраша ҳурмат ва эҳтиром билан тиловат қилиш одобдандир. Болани авратни беркитиб эмизиш мумкин. Албатта очиқ туриши шарт эмас. Кўкрак устига рўмол каби бирорта мато ташлаб олинса бас. *Валлоҳу аълам.*

## СУННАТ

## 259-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжсалари қилган амаллар биз аёллар учун суннат бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Суннат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишли бўлиб, у ўз ичиға у зотнинг сўзлари, амаллари, тақрирлари, сийратлари, ҳоллари ва шу кабиларни олади. Завжаларининг ишлари Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари билан қилинган бўлса, албатта, суннат бўлади. Улар розияллоҳу анхунна аксар ишларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилганлар. *Валлоҳу аълам.*

## 260-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳурматли Одинахон Мұхаммад Юсуф, динимиз шарындаңа қилаёттеган хизматларингиздан Аллоҳ рози бўлсин. Саволим шуки, Рамазон ойи яқинлашиши билан кўплаб мусулмонлар ижтимоий тармоқлар орқали ёки СМС тарзидаги бир-бирларига: «Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Рамазон ойи қачон бошланишини бирорвга биринчи бўлиб етказса, унга дўзах ўти ҳаром бўлади», деган эканлар», деб хабар тарқатишни бошлишаади. Менга ҳам ўтган йили бир неча марта шундай хабар келган эди, лекин эътибор бермагандим. Чиндан ҳам муҳадислар шундай ҳадис ривоят қилишганми? Шунга ойдинлик киритиб берсангиз, илтимос. Агар бу тўқима ҳадис бўлса, шундай гапларни тарқатадиганларни огоҳлантирадик. Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қилсин.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Ҳақиқатда, сиз айтган ҳолат бор. Бу маънода саҳих ҳадис йўқ. Кишиларга бунинг нотўғрилигини айтиш керак ва уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўхтон қилишнинг оқибати ёмонлигидан огоҳлантириш зарур.

Имом Бухорий ривоят қилишича, Зубайр розияллоҳу анхуга ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анху: «Фalonчи-пистончиларга ўхшаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилганингизни эшитмайман», дебдилар. Шунда у киши: «Мен у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажраганим йўқ-ку, лекин: «**Ким мендан ёлғон гап айтса, дўзахдаги ўринини тайёрлайверсин**», деганларини эшитганман», деган эканлар. *Валлоҳу аълам.*

## 261-САВОЛ

*Ассалому алайкум! «Кундузларни соим, тунларни қоим бўлиб ўтказиш» қандай бўлади? Қайси вақтда ва неча соат ухлаган афзал? (Балки кундузи ухланар?)*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Кундузлари соим бўлиш рўза тутиш билан, кечаси қоим бўлиш эса ибодат билан тонг оттириш билан бўлади. Бедорликнинг энг афзали туннинг охирги учинчи қисмидагисидир. Шомдан бомдодгача бўлган вақтни учга бўлиб, охирги бўлагини оласиз. Унгача ухлашингиз мумкин. Биз шуни қилиб олсак ҳам, катта гап. Суннатда қуёш чиқиб бўлгандан то пешин вақтигача «қайлула» қилиб олиш (ухлаб олиш) тавсия қилинган. *Валлоҳу аълам.*

## АҚИЙДА

## 262-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Ота-онамнинг уйлари ҳовлисида қабр бор. Айтишиларича, у машхур инсонники эмиш. Унга баъзи одамлар сигинишаркан. Ота-онамнинг ёшлари 66, 76 да. Уларга гап тушунтириши қийин. Улар Жиззахда яшашиди. Мен қизлик уйимга борсам, дадам олиб келган ёки сўйишган, ёхуд қабрга атаб сўйиб, ота-онамга ҳам 1-2 кг бериб кетилган гўштлардан ейишимиз мен ва фарзандларимга ҳалолми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳалол эмас. Аллоҳ сақласин! Бу иш эътиқодга зид эканини уларга тезда тушунтириш

кәрак. Бунинг учун бор имкониятни ишга солиш лозим. Гапи ўтадиган одамлар уларга гапириб, тушунтиурсин. Шубҳали нарсаларни истеъмол қилманг. Аллоҳ ҳидоятга бошласин. **Валлоҳу аълам.**

### 263-САВОЛ

*Ассалому алайкум, опажон! Соғлигингиж яхшиими?* «Зикр аҳлидан сўранг» савол-жавоблари билан танишаётib, янги йил ҳақидаги саволни ўқиб, кўрқиб кетдим. Унда айтилишича, янги йилни нишонлаганлар диндан чиқиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳга путур етаркан. *Шу ростми?*

### ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу саволга Шайх ҳазратларининг ушбу мавзудаги мулоҳазаларидан иқтибос келтириш орқали жавоб бермоқчимиз:

«Сизлар ўшаларга «Биз ҳанафиймиз, бизни фалончисан, дейишга ҳаққинг йўқ. Лекин ўзинг ўйлаб кўр. Бу байрамни бизнинг юртимизда нишонлаш қачон ва ким томонидан бошланган?» деган саволни беринглар. Улар: «Октябрь инқилобидан кейин», дейишади. Сиз: «Ундай бўлса, ақлингни пешлаб ол», дейсизлар. Умуман, бу масалада шошилмаслик тавсия қилинса, маъқул бўлади. Одамлар онгига етмиш йил давомида сингиб колган нарсанинг чиқиши бир оз қийин кечиши турган гап. Сизлар билан бу масалада тортишиб, гапингизга кирмаётганлар сиз билган нарсани билишмайди, билса ҳам, сиз билган даражада эмас. Бундай нарсалар вақт ўтиши ва тушунтириш ишлари билан тузалади. Сизлар улардан хафа бўлмай, тушунтиришда давом этаверинглар, савоб оласизлар».

Кўриниб турибдики, раҳматли Шайх ҳазратлари ўз жавобларида бундай одамларнинг диндан чиқиши, эр хотин бир-бирига ҳаром бўлишини таъкидламаганлар. Балки, сингиб кетган тушунча ва одатларни аста-секинлик билан тузатишга чорлаганлар. Одамлар ҳақида дарров бундай ҳукм чиқариб бўлмайди, аввало уларнинг орасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Бундай оқибатлардан Аллоҳ сакласин! **Валлоҳу аълам.**

### 264-САВОЛ

*Ассалому алайкум! «Тақдир» ҳамда «ибодат» сўзларининг изоҳини батафсил ва кенг кўламда ёритиб берсангиз. Куръонда Қамар сурасида: «Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик», дейилган экан. Шу оятни тафсир қилиб беринг. Аллоҳ сизга Ўзининг файзу футухи ила машриқу магрибдаги, еру осмондаги илмларни қалбингизга жсо қилиб, ўзингизнинг ечилмаган, жумбокчили фиқҳий масалаларингизни ечиб берсин. Омин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Сизнинг тақдир борасидаги саволларингизга жавобни падари бузрукворимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири Хилол» китобларидаги Қамар сураси тафсиридан топишимиз мумкин:

**«Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик» (49-оят).**

Ушбу ояддаги «ўлчов» сўзининг икки хил шарҳи бўлиб, бири «қазои қадар» маъносини, иккинчиси «миқдор, ўлчов» маъносини англатади. Икки маъно ҳам бир-бирини тўлдириб келади.

«Қадар» маъносида келса, барча нарсаларни содир бўлишидан аввал билиб туришни англатади.

«Үлчов» маъносида келса, барча нарса ва ҳодисаларнинг ўз миқдори, үлчови борлигини билдиради. Ушбу оят озгина сўзлардан иборат бўлишига қарамай, ўзида улкан маъноларни мужассамлаштиргани ҳам мўъжи-задир. Инсон илми ҳозиргидек бўлмаган даврларда бу оятни одамлар ўзларича тушуниб юрганлар. Лекин илм-фан ривожланиб борган сари, янгидан-янги кашфиётлар қилиниши билан ушбу ояти қариманинг маънолари янада теранлашиб бормоқда. Бу кашфиётлар билан яқиндан, инсоф ила танишган кишиларнинг Исломга кирмай иложлари қолмаяпти. Уламоларимиз янада таъсирчан ва тушунарлироқ бўлиши учун оятнинг маъносини тас-дикловчи кўпгина илмий далилларни келтирадилар. Биз ҳам уларга мурожаат қилиб кўрайлик.

Узоққа бориб юрмай, ўзимиз учун ҳар лаҳзада зарур, агар бироз етишмай қолса, ҳаётимизнинг тугашини му-каррар қилиб қўядиган ҳавони олайлик. Ҳавода кис-лороднинг миқдори 21 фоизни ташкил қиласди. 22 ҳам эмас, 20 ҳам эмас. Уни ким қилди? Агар кислороднинг нисбати қўпайиб кетса, ҳамма тарафдан олов чиқиб, ёниб кетар экан.

Жонли зотлар кислороддан нафас олиб яшайди ва ўзидан карбонат ангидрид чиқаради. Наботот эса, ак-синча, карбонат ангидридан озуқаланиб, ўзидан кис-лород чиқаради. Агар ушбу мувозанат бузилса, ер юзида ҳаёт қолмаслиги аниқ. Бундай нозик мувозанатни ким жорий қилди? Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эмас.

Куёш ер юзига маълум бир үлчовдаги иссиқликни юбориб туради. Агар ўша үлчов бузилиб, миқдор озги-на озайса, ер юзи музлаб колади, кўпайса, куйиб кетади. Хўш, бу мувозанатни ким ўрнатди ва уни ким давомли этиб туриби? Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эмас.

Нима учун баъзи жонзотлар оз тухум қўяди-ю, бошқалари кўп қўяди? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мисол учун, лочинни олайлик. Ўзи ҳилват жойларда яшайди. Одатда лочиннинг тухумини ўз кўзи билан кўрган одамни учратмаймиз. Пашиба бўлса, ҳамма ёқни тухумига бостириб юборади. Ўн миллионлаб тухум қўяди. Агар лочин пашибага ўхшаб тухум қўйса, нима бўларди? Ёки аксинча бўлса-чи? Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло лочиннинг умрини узун, пашибанини қисқа қилиб қўйган. Бўлмаса, ўлчов бузилиб, ҳаётда нокулайлик туғиларди.

Нима учун илонларнинг кичкинаси заҳарли, каттаси заҳарсиз бўлади? Чунки кичиклари кучсиз, ўзини ҳимоя қилишга бошқа иложи йўқ. Катталари кучли ва кўп нарсага имконлари бор. Агар икковлари алмасиб, кичиги заҳарсиз, каттаси заҳарли бўлиб қолса борми? Нималар бўлишини кўз олдингизга келтиргандирсиз? Бу мувознатни ким ўрнатган? Чарлз Дарвинми ёки Карл Марксми? Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким қодир эмас бунга!

Ҳар биримиз онамизнинг кўкрагини эмиб, катта бўлганмиз. Лекин ўша она сутининг ўзи нима? Унда қандай моддалар бор? Ўйлаб кўрганмизми шуни?

Туғишдан олдин ва кейинги биринчи даврда оналарнинг кўкрагидан сарғиши-оқ суюқлик чиқар экан. Ҳудди ўша суюқлик чақалоқни турли касалликлардан асровчи моддадан иборат экан. Во ажаб! Ҳар бир инсон учун ҳаводек зарур бу суюқликни онанинг кўкрагига айнан чақалоқ туғилиши пайтида ким келтирди экан? Америкалик олимларми ёки инглиз олимларими? Йўқ ва яна йўқ! Чунки улар ҳам болаликларида Аллоҳ берган ушбу суюқликни эмиб, ҳаётларини сақлаб қолганлар.

Кўкракка бола туғилганидан кейинги кундан бошлаб, сут кела бошлайди. Буни онанинг ўзи қиласидими? Кундан-кунга сут кўпайиб бориб, бир йилдан сўнг ҳар

куни бир ярим литр сут келади. Чақалоқ ўсиши билан сутнинг миқдори ҳам кўпайиб бораверади. Мўъжи-за шундаки, сутнинг фақат миқдори кўпайиб қолмай, ундаги озуқа бўладиган моддаларнинг таркиби ҳам эҳтиёжга қараб, ўзгариб боради. Буни Аллоҳдан бошқа яна ким қила олиши мумкин?!

Бу масалада неча-неча жилдли китоблар битилган. Инсофи бор ҳар бир киши уларни ўқиб, тафаккур қилиб кўрса, мусулмон бўлмай, иложи йўқ.

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг замонини, маконини, ҳажмини, шаклини ва бошқа жиҳатларини нозик-нозикликларигача ўлчаб қўйган.

Ибодат ҳақидаги саволингизга эса яна мазкур китобдаги Зориёт сурасининг 56-ояти тафсири билан жавоб беришга ижозат бергайсиз.

**«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим».**

Ушбу қисқагина оятда улкан ҳақиқат ўз ифодасини топгандир. Одамлар ва жинларнинг яратилишидан ягона мақсад Аллоҳга ибодат қилиш экан. Кўпгина исломий тушунчалар қатори, ибодат тушунчасида ҳам хатолар содир бўлган. Оқибатда ҳозирги кунимизда «ибодат» деганда кишилар онгига намоз, рўза, қироат, зикр каби нарсаларгина намоён бўлади. Тўғри, мазкур амаллар улкан ибодатлардир, буларсиз Исломни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ушбу тушунча билан ҳозир тафсир қилаётган оятимизга мурожаат қиласиган бўлсак, инсонлар ва жинлар бутун умрларини намоз ўқиб, зикр қилиб ўтказмоклари лозим бўлиб қолади. Чунки инсу жинни Аллоҳ таоло фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратгандир.

**«Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим».**

Намозу рўза, зикру тиловатдан бошқа ишга қўл урган шахс, юқорида айтиб ўтилган тушунча бўйича, Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан осий бўлади.

Холбуки, бошқа оятларда Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила куришга ва бошқа ишларга буюрган. Инсонни Ўзининг ер юзидаги халифаси (ўринбосари) деб эълон қилган.

Демак, «ибодат» маъносининг бошқача талқини ҳам бўлиши керак.

Келинг, ибодатнинг лугавий ва истилоҳий маъносини ўрганиб чиқайлик-чи, қандай натижага эришар эканмиз. «Ибодат» сўзи араб тилида «бўйсуниш», «ўзини паст тутиш», «итоат этиш» ва «амрни бажариш» деган маъноларни билдиради. Демак, ҳар бир ишда Аллоҳга бўйсуниш, итоат қилиш, Аллоҳнинг амрларини бажариш, ҳузурида ўзини паст олиш Аллоҳга ибодат қилишни англатар экан.

Уламолар истилоҳида эса Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳар бир иш ибодатdir. Алоҳида таъкидлаб айтмоқ лозимки, намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Исломнинг негизини ташкил этадиган улкан ибодатларdir. Буларсиз инсон мусулмон бўлиши қийин. Бу ерда хато «ибодат» маъносини факат мазкур амалларга боғлаб қўйишдадир. Шунинг учун одам намоз ўқиётганида ўзини Аллоҳнинг ҳузурида ҳис қиласди-ю, касб билан шуғулланаётганида ўзини Аллоҳга номаъкул иш қилаётгандек ҳис киласди. Ибодат маъносини тўғри тушунадиган бўлсак, бу ҳозиргидан кенг ва комил тушунча экани маълум бўлади. Ҳар бир ишимизни шариатга мос қилиб, Аллоҳнинг амрига, Набий алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ олиб борсак, ҳар бир ишимиз ибодатга айланади, савоб ўрнига ўтади. Бунинг учун икки асосий шартга амал қилмоқ зарур:

1. Ҳар бир иш Қуръон ёки Суннатта мувоғиқ бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир ишни қилиш ёки тарқ этишда Аллоҳнинг розилигини исташ керак. Шунда ҳар бир ишимиз ибодатга айланади. Демак, ниятни яхшилаш лозим. Набий алайҳиссалом ўзларининг машхур ҳадисларида: **«Амаллар ниятга боғлиқдир, ҳар бир киши нимани ният қилса, ўшанга етади»**, деганлар.

Исломда ибодат тушунчasi кенг тушунча эканига Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шариф ҳам далил-хужжат бўлади:

**«Бир гуруҳ қишилар:**

– Эй Аллоҳнинг Расули, бойлар ажру савобни олиб қўйдилар, чунки бизга ўхшаб намоз ўқишади, рўза тутишади ва яна устига, ортиқча молу дунёларидан садақа қиладилар, – дейишиди. Ул зот:

– **Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни бериб қўймаганми? Ҳар бир тасбехингиз садақа, ҳар бир такбир ҳам садақа, ҳар бир тахлил ҳам садақа, амри маъруф ҳам садақа, нахий мункар ҳам садақа ва ҳар бирингизнинг шаҳватингизда ҳам садақа бор,** – дедилар. Шунда одамлар:

– Биронтамиз шаҳватимизни қондирсак ҳам ажр оладими? – деб сўрадилар. Набий алайҳиссалом:

– **Айтинглар-чи, шу ишни ҳаромдан бажарса, унга гуноҳ бўлармиди? Худди шунингдек, ҳалолдан бажарса, унга ажр бўлади,** – дедилар. *Валлоҳу аълам.*

## ИБОДАТЛАР

### ПОКЛИК

**265-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Сиздан бу саволни сұраётганим үчүн узр сұрайман! Катта ёки кичик ҳожатға чиққандан кейин мустаҳаб құлмасдан, таҳорат олса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Халқ орасида ҳожатдан сўнг тозаланишни мустаҳаб деб аташ одатга айланган. Аслида эса мустаҳаб деб динимизда маъқулланган, хуш кўрилган амалларга айтилади. Масалан, таҳоратда бўйинга масҳ тортиш, ҳар бир мубоҳ ишдан олдин истихора намози ўқиши кабилар мустахабдир.

Сиз айтәётган қазои ҳожатдан кейин сув билан тозаланиш эса «истинжо», тош-кесак билан тозаланиш «истижмор» дейилади.

Ушбу икки ердан чиққан нажосат танга микдорича жойга ёйилиб кетмаган бўлса, истинжо құлмаса, яъни сув билан ювилмаса ҳам бўлади, агар ундан ошадиган бўлса, сув билан ювиш шарт.

«Үйқу ва елдан бошқа таҳоратни кетказувчи ҳар бир нарсадан тошга ўхшашибарса билан истинжо қилиш суннатдир.

Үйқу ва елга ўхшашибарса, ҳушидан кетиш, жиннилиқ, мастилик каби таҳоратни кетказувчи нарсалардан ҳам истинжо қилинмайди. Қолганларидан, агар нажас бир дирҳам микдоридан қам бўлса, истинжо қилиш суннатдир. Кўпчилик уламолар истинжо қилиш эркагу аёлга суннати муаккададир, деганлар. Чунки Расулуллоҳ солаллоҳу алайхи васаллам бу ишни доимо қилғанлар». («Кифоя»дан.) **Валлоҳу аълам.**

## 266-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Сиздан масҳ тортиши ҳақида сўрамоқчи эдим. Бир танишиим ҳар доим эрталаб оёгини ювиб, таҳорат қиласи-ю, лекин кейинги намозларда оёғига масҳ тортади. Унинг айтишича, бу биз учун енгиллик экан. Агар таҳорат қиласётганда оёғи ётиқ бўлса, янаги таҳорат пайтида ювандан кўра масҳ тортиши афзал экан. Шу гап ростми? Ҳар куни масҳ тортишини одат қилиш яхшими? Бунга қандай далил бор?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ таоло Моида сурасининг 6-оятида марҳамат қиласи: «Намозга турмоқчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари билан ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиклари билан ювинглар».

Таҳоратнинг фарзлиги ва бу фарз амалнинг ичидаги тўртта фарз борлиги мана шу оятдан олинган. Шу билан бирга, баъзи тоифалар ушбу оятни тушунишда ва ундан хукм чиқаришда мусулмонлар жумҳурига зид боришиган. Бунга ояти каримани нотўғри талқин қилиш сабаб бўлган. Оятнинг матни «Бошларингизга масҳ тортинглар ва оёқларингизга ҳам!» деганга ўхшаш маънода келган. Бу тарзда тузилган жумлани шиъа мазҳабидаги кишилар «ва оёқларингизга ҳам масҳ тортинглар», деган маънода тушунгандар ҳамда шу маънодан келиб чиқиб, «Таҳорат қиласида юзини ювади, қўлини чиғаноғи билан ювади, бошига ҳамда оёғига масҳ тортади», деб хукм чиқарғандар. Шундай қиласидилар ҳам. Қуръони Карим маънолари бошқа тилларга таржима қилинганда ҳам кўпинча шу хатога йўл қўйилган. Аслида эса ундей эмас. Таҳоратнинг тартибига мувофиқ бўлиши учун

оёқни ювиш кераклиги охирида зикр қилинган. Араб тилидан, Куръон тиловатидан хабардор ҳеч бир одам бу оятни ушбу маънодан бошқа маънода тушунмайди. Қолаверса, Куръони Каримни биринчи қабул қилиб олган зот – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга оёқни ювиш маъносини берганлар ва ўзлари доимо таҳоратда оёқларини ювганлар. Куръони Каримнинг нозил бўлишига ҳамаср бўлган саодатманд авлод – саҳобаи киромлар авлоди бу оят оёқни ювишни англатади, деб тушунганлар ва ҳаммалари таҳорат қилганларида оёқларини ювганлар. Улардан бирорталари ҳам оёққа масҳ тортмаганлар. **Валлоҳу аълам.**

### 267-САВОЛ

**Чақалогимнинг ахлати ёки пешобини ювиш таҳоратимни бузадими?**

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Бузмайди. Чақалоқнинг ахлати ёки пешоби тегиши таҳоратни бузувчи омиллардан эмас. Бадан ёки кийимга теккан ҳар қандай нажосатни ювив ташласа, етарли бўлади.

**Таҳоратни бузувчи омиллар қуйидагилар:**

1. Кишининг икки нажосат йўлидан чиқадиган ҳар қандай нарса таҳоратни синдиради. Улар хоҳ пешоб, хоҳ ел бўлсин, хоҳ нажосат, хоҳ қурт бўлсин – фарқи йўқ. Яна шу икки йўлдан бирига бармоқнинг кириши ёки орқага ҳуқна (клизма) қилиб нажосатни чиқариб ташлаш билан ҳам таҳорат синади.

2. Баданинг қайси бир жойидан қон ёки йиринг чиқса-ю, тоза жойга ёйилса ҳам, таҳорат бузилади.

3. Оғизни тўлдириб қайт қилиш билан ҳам таҳорат синади. Киши қайт қилганда оғзи тўлиб, гапира олмай қолса ёки оғзини беркита олмаса, шу ҳолат оғзи тўлиб қайт қилишга киради.

4. Ёки киши қон қайт қылса-ю, қон күпроқ бўлиб, тупуғи қизарса, таҳорат синади. Аммо тупукнинг ранги сарғайса, синмайди.

5. Киши ётиб ёки ёнбошлаб ухласа, таҳорати синади. Агар бирор нарсага суюниб ўтириб ухлаётган бўлса-ю, ўша суюнгандараси олиб кўйилганда йиқиладиган даражада бўлса, таҳорати синади, йиқилиб тушмаса, синмайди;

6. Маст бўлиш, хушдан кетиш, тутқаноқ тутиши ва жиннилик билан ҳам таҳорат синади.

6. Эр хотинини яланғоч ҳолда қучоқласа ҳам таҳорати кетади.

7. Мазҳабимизга кўра рукуъ ва саждаси бор намозда (яъни жаноза намозидан ташқари) балоғатга етган хоҳ эркакнинг, хоҳ аёлнинг овоз чиқариб кулиши билан таҳорат синади. Аллоҳ таоло билан муножот қилаётганда бу каби нарсаларни қилувчиларга таъзир бериш сифатида уларга таҳоратни янгилаш шарт қилинмоқда.

**Изоҳ:** Санаб ўтилганлардан бошқа ҳолатларда таҳорат синмайди. Мисол учун: Кўз ёши (агар оғриқ туфайли бўлмаса), буруннинг суви, бадандан чиқсан тер, она сути кабилар таҳоратни бузмайди. Шунингдек, чивин ёки бурга қанча қон сўрса ҳам таҳорат синмайди. Кийимга нажосат тегиши таҳоратни синдирамайди. Мушак остиларига укол қилинганда қон чиқмаса, таҳорат синмайди («Мўминнинг меъроҗи» китобидан.) *Валлоҳу аълам.*

### 268-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, Одинахон опа. Қоини соч бўяйдиган бўёқларга бўяса, таҳорат қабул бўладими? Жавоб учун раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳа, қабул бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 269-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Сизга оқчил суюқлик (выделение) ҳақида берган саволимга жавоб берганингиз учун катта раҳмат. Аллоҳ илмингизни янада зиёда қилисин! Сизни яна шу мавзуда безовта қилганим учун узр сўрайман, аммо ҳолатимни тушунтириб бериб, маслаҳатингизни олмасам бўлмайди. Мен олдин бу нарса таҳоратни синдиримайди, деб ўйлардим, шунинг учун уй-рўзгор ишлари билан юрганимда салавотлар айтиб ёки Куръондан ёд олаётган сураларимдан тақрорлаб юрардим. Жавобингиздан кейин ҳар намозимда алоҳида таҳорат оляпман. Бу яхши, лекин таҳоратим 10-15 дақиқага етмаяпти. Баъзида намозда турганимда ич кийимимга намлик келганини сезиб қоляпман. Айниқса бошқа пайтда салавот айтиши у ёқда турсин, Куръонни ушлашгаям етмаяпти. Ана шу оқ модда келиб қолиб, таҳоратим бузилгани сабаб намоздан ҳам тезроқ туришга мајсбур бўляпман. Кўп бўлмасаям, барибир ич кийимимда асарини сезаман. Нима қиласай, қандай маслаҳат берасиз? Балки бу саволни берганимнинг ўзи нотўридирип. Шундай бўлса, олдиндан узр. Агар жавоб берсангиз, жуда хурсанд бўлардим. Гинекологик томондан мутахассислар шамоллашларим йўқлигини айтишган. Ишларингизда омад ва ривож тилаб қоламан.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бундай ҳолатда сиз узрлилар ҳукмида бўласиз. Яъни олган таҳоратингиз бир маҳал намозни ўқишига етмайдиган бўлса, сизга «узрли», дея ҳукм берилади. Ҳар намоз вақтида алоҳида таҳорат қиласиз ва оқчил суюқлик келиб турса ҳам, ана шу таҳо-

ратингиз билан фарз, суннат, қазо ва нафл намозлардан хохлаганча үкійсіз. Бу ерда шарт шуки, таҳоратни бузувчи бошқа омил юзага келиб қолмаслиги керак. Аммо намоз вақти чиқиши билан таҳоратингиз синади. Яна шуни айтиб үтишим лозимки, узрлilar ҳукмида бўлмаган тақдирингизда ҳам, зикр ва салавотларни бетаҳорат ҳолда айтиш жоиз. Лекин таҳорат билан айтилгани афзал. Узрли ҳукмида бўлган киши маълум бир намоз вақтида таҳорат олса, то кейинги намоз вақти киргунича ёки бошқа таҳорат кетказадиган омиллар содир бўлгунича таҳоратли киши ҳукмида бўлиб, мусҳафни ушлаши, ўқиши жоиздир. Аёлларнинг фаржи икки қисмга бўлинади: ташқи ва ички. Ички қисмига ҳам бирор нарса қўйиб олса, намлик ташқи фаржида зоҳир бўлмагунича таҳоратли ҳисобланаверади. *Валлоҳу аъلام.*

270-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, бир ярим йил бўлди, миямдан ўсимта олишган. Оғир операцияни бошимдан кечирганман. Бошимни эҳтиёт қилишим кераклиги учун сочим калта бўлса ҳам, гуслда масҳ тортаман, чунки ювиб, шамоллатиб қўйишдан кўрқаман. Соч қуритиш аппаратини ишлатиш ҳам мумкин эмас. Шу ишим тўгрими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Шифокор бошни сув билан ювиш хавфли эканини тасдиқлаган бўлса, то яхши бўлиб кетгунингизга қадар масҳ тортиб турсангиз бўлади. Аллоҳ шифои комил берсин! *Валлоҳу аъلام.*

## 271-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Шамоллаган пайтда ҳамда совуқ кунларда гусл қилишида сочни ҳар куни ювии лозимми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Гусл қилиш фарз бўлганида сочни таги билан ювии шарт. Шамоллаганда ёки совуқ кунларда гусл қилиш соғлиққа зарап етказиши хавфи бўлса, у ҳолда гусл эмас, таяммум қилинади. Гуслда баъзи аъзоларни ювиб, баъзиси тарк қилинмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 272-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Гусл қилганда сочни тўлиқ ювии керакми ёки масҳ тортса ҳам бўлаверадими? Гап шундаки, баъзан айрим сабабларга қўра ҳар икки кунда ёки ҳар куни гусл қилишимга тўғри келади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Гуслда сочнинг таги билан ювии фарз, масҳ тортиб бўлмайди, ҳар куни гусл қилишга тўғри келса ҳам. *Валлоҳу аълам.*

## 273-САВОЛ

*Гуслда аёллар соchlарининг барчасига сув етказадиларми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Авваллари аёллар соchlарини майдаги қилиб ўриб юришган. Шунинг учун улар бош қисмидаги соchlарига сув теккизиб, ўрилган қисмига масҳ тортиб қўяр эдилар. Ҳозирда эса аксарият аёлларнинг соchlари калтава ўримга кирмагани учун ҳар бир сочга сув етказиш фарзdir. Усиз аёл киши пок бўлмайди.

أَمَّا الْمَنْقُوضُ فَيُفَرِّضُ غَسْلُ كُلِّهِ اتَّفَاقًا

**«Үрілмаган соchlарниң барчасини ювиш, уламолар иттифоки билан фарздиr» («Раддул мұхтор»).  
Валлоху аъlam.**

274-САВОЛ

*Ассалому алайкум, хурматли она! Сизга яқында пешоб ҳақида савол берган әдим. Бу наjесас теккан нарсаны уч бор, қайта-қайта янги сувга (уч марта тогоранинг сувини түкиб, янги сув олиб) ювиш керакми? Ёки бир марта тогорага сув олиб, уч марта шу сувга ишиқалаб ювса бўлаверадими? Аллоҳ рози бўлсин сиздан!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Тоғорадаги сувни уч марта янгилайсиз. **Валлоху аъlam.**

275-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Устоз, мен ҳозирда ҳомиладорман. Ҳомиладорлигим баъзи сабабларга қўра муаммоли ўтмоқда. Шифокорлар бунинг хавфли эмаслигини, бола тугилганидан кейин даволаши мумкинлигини айтишишмоқда. Муаммо шундаки, ҳар доим оч сариқ суюқлик кўряпман. Ҳар битта намозим учун таҳорат оляпман. Қисқаси, ҳар битта намозим учун алоҳида таҳорат қилишим шартми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бу нарса тез-тез келиб турган бўлса, ҳар намозга алоҳида таҳорат қиласиз. Сиз узрлилар ҳукмидасиз. Узрлиларниң батафсил ҳукмларини китоб ва сайtlаримиздан топишингиз мумкин. **Валлоху аъlam.**

## 276-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг саволим шундан иборатки, турмуши ўртогим тирнокларимга лак суринимни хоҳлайдилар. Бу ҳолда таҳоратим қабул бўладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Тирнокларингизда лак бўлса, таҳоратингиз қабул бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 277-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Китобларда ўқишишимча, «Бирор киши эрталаб уйгонганида намлиқ сезса, гусл қилиши вожиб экан. Бу намлиқ манийми ёки мазийми, фарқи йўқ», дейилибди. Аммо аёлларда одатий ҳолда оқчил (выделение) келиб туради. Бу маний ҳам, вадий ҳам, мазий ҳам эмас. Қиз бола эрталаб уйгонганида шунака одатий суюқлик келган бўлса ҳам, гусл қилиши вожиб бўладими? (Бундай савол учун узр сурайман.)*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Тушида жимоъни кўрмаган бўлса ва бу одатий ҳол бўлса, ғусл қилиши вожиб бўлмайди. Бундай ажралмадан таҳорат қилиш лозим бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 278-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Билишишимча, гусл дуруст бўлиши учун тери ва тишларда сув ўтказмайдиган модда бўлмаслиги керак! Аммо баъзи елим (клей), бўёқ (краска) ва шунга ўхшаганларни кетказиши жуда қишин. Масалан, тишга қўйиладиган брекетлар тиш-*

*ларга маҳсус елим ёрдамида маҳкамланаркан ва брекетларни олиб ташлагандан сүнг ўша етим қолдиқлари тишида қолиб кетаркан. Уни тозалаши учун эса тиши эмалининг бир қаватини шилиб ташлаши керак экан. Шунақа моддалар худди пломба каби тишининг ўз таркибий қисми ҳукмига ўтадими? Бундай ҳолатда гусл қилинса, дуруст бўлаверадими? Саволим ноўрин бўлса, узр сўрайман!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Даво учун қўйилган моддалар тиш таркибидан ҳисобланади. Таҳорат ва ғусл дуруст бўлади. Динда танглик йўқ. *Валлоҳу аълам.*

### 279-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Охирги пайтларда намозни бошлишдан олдин таҳоратни 2-3 марта янгилаяпман. Фарз намозидан кейин суннат намозларига ҳам алоҳида таҳорат қиляпман. Кечқурун ухлашдан олдин таҳорат қилсам, узоги билан 10 дақиқада таҳоратим синяпти. Баъзан бир томчи, баъзида бир нуқта сув бўлади. «Узрлилар ҳукмига ўтармикинман?» деб ўйлаб, бу ҳақда ўқидим. Тушунишим бўйича, биринчи намоз билан иккинчи намоз орасида таҳорат синмаса, узрли ҳисобланмас экан. Менга шу масалада ёрдам беринг, илтимос.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Узрлиларнинг ҳукмлари**

Кимга фарзнинг вақти ўтмасдан истиҳоза, бурун қонаши ёки шуларга ўхшаш бетаҳоратлик етиб туриши одат бўлиб қолган бўлса, бунинг сабабидан ҳар фарзнинг вақтига таҳорат қилади ва у билан ўша вақтда хоҳлаганича фарз ёки нафли ўқийверади.

Бундай таҳоратни күёш чиқишига ўхшаш вақтнинг чиқиши синдиради. Заволга ўхшаш вақтнинг кириши эмас.

Ушбу матнларни шарҳ қилишга ўтишдан олдин «Кифоя» китобидан истиҳозага берилган таърифни ва унинг шарҳини келтириб ўтишга ижозат бергайсиз.

«Ҳайзнинг озидан кам бўлган ва дастлаб ҳайз кўрувчининг ҳайзидан зиёда бўлган – у ўн кундир – ёки дастлаб нифос кўрувчининг нифосидан зиёда бўлган – у қирқ кундир – ёки иккисидаги одатга зиёда бўлиб, иккисининг кўпидан ҳам ортиб кетган ҳамда ҳомиладор кўрган нарса истиҳозадир.

У намозни ҳам, рўзани ҳам, жинсий яқинликни ҳам ман қилмайди.

Фиқҳий таъриф бўйича «истиҳоза» аёл кишининг раҳмидан одат(ҳайз ва нифос)дан ташқари қон оқишидир».

Бу жумлаларда аёл киши кўрадиган қонларнинг қай силари истиҳоза бўлиши тушунтирилмоқда.

### **1. Ҳайзнинг озидан кам бўлган.**

Ҳайзнинг ози уч кундир. Демак, аёл кишидан уч кундан оз муддат қон келса, бу истиҳозадир.

### **2. Дастлаб ҳайз кўрувчининг ҳайзидан зиёда бўлган, – у ўн кундир.**

Ҳайзнинг кўпи ўн кун. Ўн кундан ортиқ ҳайз бўлиши мумкин эмас. Биринчи бор ҳайз кўрувчининг қони давомли келиб турса, ўн кунгачаси ҳайз ҳисобланади. Ундан кейинги кунларда келган қон истиҳозадир.

### **3. Дастлаб нифос кўрувчининг нифосидан зиёда бўлган, – у қирқ кундир.**

Нифоснинг кўпи қирқ кундир. Қирқ кундан ортиқ нифос бўлиши мумкин эмас. Биринчи бор нифос кўрувчининг қони давомли келиб турса, қирқ кунгачаси нифос ҳисобланади. Ундан зиёда келган қон истиҳозадир.

#### **4. Иккисидаги одатга зиёда бўлиб...**

Яъни дастлаб ҳайз ёки нифос кўргандаги одатидан ортиб кетса, бу истиҳозадир. Ҳайз кўрувчининг одати уч кун билан ўн куннинг орасида бўлади. Нифос кўрувчининг одати қирқ кунгача бўлади.

Мисол учун, дастлаб беш кун ҳайз кўрган аёлга ҳар сафар беш кун ҳайз кўриш одат бўлиб қолади.

Дастлаб ўттиз кун нифос кўрган аёлга ҳар сафар ўттиз кун нифос кўриш одат бўлиб қолади. Шунингдек,

#### **5. Иккисининг кўпидан ҳам ортиб кетган.**

Ҳайз ўн кундан, нифос қирқ кундан ортиб кетса, ортиғи истиҳоза бўлади.

Одатдан ортиб, кўпига етмаса, ҳайз ёки нифосга қўшилади.

Бир аёлнинг одати беш кун ҳайз кўриш эди. Аммо бу сафар беш кундан ўтиб кетди. Ўн кунгачаси ҳайз ҳисобланаверади. Ўн кундан ошгани истиҳоза бўлади.

Бир аёлнинг одати ўттиз кун нифос кўриш эди. Аммо бу сафар ўттиз кундан ўтиб кетди. Қирқ кунгачаси нифос ҳисобланаверади. Қирқ кундан ошгани истиҳоза бўлади.

#### **6. Ҳамда ҳомиладор кўрган нарса истиҳозадир.**

Ҳар бир ҳомиладор аёл кўрган қон истиҳозадир. Чунки ҳомиладорлик вақтида ҳайз кўриш йўқ. Туғмагунича нифос кўриш ҳам йўқ.

**У намозни ҳам, рўзани ҳам, жинсий яқинликни ҳам ман қилмайди.**

Бу ҳукмларни фақиҳларимиз қуйидаги далиллардан олганлар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: أَعْتَكَفَ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ امْرَأَةٌ مِنْ



أَرْوَاجِه فَكَانَتْ تَرَى الصُّفْرَةَ وَالْحُمْرَةَ وَرِبَّما وَضَعْنَا الطَّسْتَ تَحْتَهَا  
وَهِيَ تُصَلِّي . رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدَ وَالْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ .

*Оша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зотнинг завжаларидан бир аёл эътикоф ўтирди. У (аёл) сарғиш ва қизғиши (қон) кўрар эди. Гоҳида, у намоз ўқиётганида остига тогора қўйиб қўяр эдик».

*Абу Довуд, Бухорий ва Насоий ривоят қилган.*

عَنْ عَكْرَمَةَ قَالَ: كَانَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ تُسْتَحَاضُ فَكَانَ  
زَوْجُهَا يَغْشَاهَا .

*Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Умму Ҳабиба истиҳозали бўлар, эри эса унга яқинлик қилар эди».

عَنْهُ أَنَّ حَمْنَةَ بْنَتَ جَحْشٍ كَانَتْ مُسْتَحَاضَةً وَكَانَ زَوْجُهَا  
يُجَامِعُهَا . رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدَ .

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

«Ҳамна бинт Жаҳш мустаҳоза эди. Унинг эри унга яқинлик қилар эди».

*Иккаласини Абу Довуд ривоят қилган.*

Энди узрлиларнинг ҳукми ҳақида мазкур китобда келтирилган матн билан танишамиз.

«Кимга фарзнинг вақти ўтмасдан истиҳоза, бурун қонаши ёки шуларга ўхшаш бетаҳоратлик етиб туриши одат бўлиб қолган бўлса, бунинг сабабидан ҳар

**фарзнинг вақтига тахорат қиласы да у билан ўша вақтда хоҳлаганича фарз ёки нафлни ўқийверади».**

Мазкур ҳолатларга доимий равишда ел чиқиб туриши, пешоб оқиб туриши, яранинг қонаб туриши каби ҳолатлар ҳам қиёс қилинади. Мазкур ҳолатта мубтало бўлган кишилар ҳар намознинг вақтига бир тахорат қилиб олиб, ўша намознинг вақти чиққунча тахоратли одамга жоиз бўлган ишларни қиласеради.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: جَاءَتْ فَاطِمَةُ بُنْتُ أَبِي حُبَيْشِ إِلَيَّ  
النَّبِيِّ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي امْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهُرُ أَفَأَدْعُ  
الصَّلَاةَ؟ فَقَالَ: لَا، إِنَّمَا ذَلِكَ عَرَقٌ وَلَيْسَ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلْتِ  
الْحَيْضَةُ فَدَعِيَ الصَّلَاةُ وَإِذَا أَدْبَرْتِ فَاغْسِلِي عَنْكِ الدَّمَ وَصَلِّيِّ.  
وَفِي رَوَايَةِ قَالَ النَّبِيُّ فَإِذَا أَقْبَلْتِ الْحَيْضَةُ فَدَعِيَ الصَّلَاةُ وَإِذَا  
أَدْبَرْتِ فَاغْسِلِي عَنْكِ الدَّمَ وَصَلِّيِّ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Фотима бинт Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен истиҳоза бўламан, пок бўлмайман. Намозни қўяманми?» деб сўради. Ул зот: «Йўқ! У томир узилганидандир. Ҳайз эмас. Ҳайз келганда намозни қўй. У кетганда ўзингдаги қонни ювиб ташлаб, намозни ўқийвер», дедилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

«Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ҳайз келганда намозни қўй. У (кунлар) ўтиб кетгач, ўзингдан қонни ювиб, намозни ўқийвер», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**Бундай таҳоратни қуёш чиқишига ўхшаш вақтнинг чиқиши синдиради.**

Мисол учун, узрли шахс бомдод учун таҳорат килди. Унинг таҳорати қуёш чиқиши билан синади. Қуёш чиққанидан кейин қилган таҳорати билан (агар таҳоратни синдирувчи бошقا амалларни содир этмаса,) пешинни ўқиса бўлади.

**Заволга ўхшаш вақтнинг кириши эмас.**

Заволдан олдин таҳорат қилган узрли шахснинг таҳорати пешиннинг вақти кириши билан синмайди. Балки ўша таҳорат пешиннинг вақти чиқиши билан синади. *Валлоҳу аълам.*

### 280-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менда ҳомиладорлик аломатлари пайдо бўлди, лекин 10 кундан бери ҳайзим оз миқдорда келяпти. Одат бўйича 5 кун эди. Мен намоз ва Куръон ўқисам бўладими? Аллоҳ сиздан рози бўлсин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Агар ҳомила борлиги аниқ бўлса, у ҳолда келаётган қон истиҳоза бўлади. Сиз узрлилар хукмида бўласиз ҳамда намоз ва Куръон ўқийверасиз. Фақат ҳар бир намоз вақтига алоҳида таҳорат қиласиз. *Валлоҳу аълам.*

### 281-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Рўзадор инсон таҳоратда гаргара қилмасдан, оғзини уч марта чайиши жоизми ва у таҳоратнинг тўлиқ бўлишига монелик қилмайдими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Муболаға билан чайиш ғуслда бўлади. Таҳоратда енгилроқ чайлади. Кўпроқ китоб ўқинг. Китобларда бу ҳақда такрор ва такрор ёзилган.  
*Валлоҳу аълам.*

### 282-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен ногиронлигим туфайли биронинг ёрдамисиз таҳорат ва гул қилишига имконим йўқ. Баъзи пайтларда ёлгиз қолганимда таяммум қилишим ҳам мумкини? Жавобингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдириб қоламан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Таҳорат ва ғул қилиш имкони бўлмаса, таяммум қилиш жоиз. Аллоҳ ажрингизни кўпайтириб берсин. *Валлоҳу аълам.*

### 283-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Онамнинг ёшлари 65 да. Оёгининг бош бармогидаги тирноқ сув тегса, ииринглаб кетяпти. Таҳорат олишда мато билан боғлаб, ўша касал бармогини ювмаса бўладими? Илтимос, айтинг, бу ҳолатда таҳорат олиш учун нима қилиши керак? Аввалдан жавобингиз учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзоларни тартиб билан ювиб, оёқнинг эса соғ қисмини ювиб, шикастланган қисмига боғлов устидан масҳ қилинади. Шайх ҳазратларининг «Кифоя» китобларининг биринчи жузидаги «Таҳорат» бобида бу борада батағсил маълумот берилган.

«Тахтакач» деганда, аслида сүяк синганда ёки бирор жойи чикқанда икки тарафдан тахта ёки шунга ўхшаш нарсани кўйиб боғлашга айтилади. Аммо, умуман, жароҳатни боғлаш ёки тўсиб кўйиш, гипслаб кўйиш, ярага бирор нарсани ёпишириб кўйиш кабилар ҳам шу жумладандир.

Бунга ўхшаш ҳолатларда тўлиқ таҳоратли бўлиш шарт эмас. Қандай ҳолатда бўлса ҳам жоиз.

Тахтакачга масҳ тортиш шариатга киритилишига далил:

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيهِ أَنْ يَتَيَمَّمَ وَيَعْصُرَ أَوْ  
يَعْصِبَ - شَكْ مُوسَى - عَلَى جُرْحِهِ خَرْقَةً ثُمَّ يَمْسَحُ عَلَيْهَا وَيَغْسِلُ  
سَائِرَ جَسَدِهِ. اَنْفَرَدَ بِهِ أَبُو دَاؤُدْ.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унга фатагина таяммум қилиши, жароҳатга латта боғлаши, сўнгра унинг устидан масҳ тортиши ва баданинг қолганини ювиши кифоя қиласи эди», дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Демак, жароҳатли одам ғусл ва таҳорат пайтида жароҳатига сув теккизмаса, жоиз. Агар жароҳатни боғлаб олган бўлса, ўша боғланган латта устидан масҳ тортишнинг ўзи кифоя қиласи. Жароҳати йўқ аъзоларини ювади. *Валлоҳу аълам.*

*Келинимиз қўп грипп бўляпти. Ҳозир ҳомиладор. Ҷўмилганида шамоллашдан кўрқиб, бошига масҳ тортитиб оляпти экан. Чунки бир китобда Оиша розияллоҳу анҳо онамиз жимоъдан кейин илоёзи бўлмаса, таҳорат олиб, бошлирига масҳ тортитиб юраверганларини ва бошқасида таяммум қилиб юрганларини ҳам ўқиган экан. Лекин мен у даврда сувлар кам бўлганини, ҳозир шароит умуман бошқа эканини айтдим.*

*Жунуб бўлган инсоннинг қўли бошқа бир нарсага ёки одамга тегса ҳам, ҳаром ҳисобланадими? У одам ҳам гусл қилиши керакми?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Оиша онамиз ҳақларида саволда айтилган гаплар нотўғри, у кишига нисбатан бўхтондир. Фақатгина ҳалок бўлиши ёки касали зиёда бўлиши эҳтимоли бўлгандагина таяммумга рухсат берилади. Гуслга ярамаган одам жимоъга ҳам ярамаслиги керак. Жунуб одам бирор нарсани ёки кимсани ушлашдан олдин қўлинни ювиб юбориши лозим. Аммо ювмай туриб ушласа, ушланган одам ҳаром бўлмайди, ғул қилиши вожиб эмас. Эмизикли аёл ғул қилмай туриб бола эмизса бўлади, факат қўли ва кўкрак учини ювиб ташлаши керак. *Валлоҳу аъلام.*

### 285-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Шамоллаш хавфи бўлган ҳолатда ёки шамоллаганде «Гуслнинг ўрнига таяммум қилиши мумкин», деган эдингиз. Эрталаб бошимни ювиб, кўчага чиққаним сабабли шамоллаб қолдим. Ва биринки кун тузалиб олгунимча таяммум қилдим. Ҳозир шамоллаш аломатлари йўқолди. Лекин ҳаво совуклиги туфайли яна касал бўлмаслик мақсадида таяммумдан*

*фойдаланишим мумкинми? Ўқишидан уйга келгач, гусл қилишим жоиз бўладими? Чунки келганимдан кейин ташқарига чиқмайман ва уй ичи иссиқ бўлади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Шамолламаслик чораларини кўринг. Ҳозир бизда қаттиқ қиши бўлмаяпти. Соч қуритадиган воситалар ҳар ерда бисёр. Қалинроқ бош кийими кийиб юрсангиз ҳам шамолламайсиз, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

### 286-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Саволим шундай: эр-хотин яқинлик қилганидан сўнг гусл қилмасдан сув ичса ёки нимадир еса бўладими? Олдиндан жавоб учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Кўл ва оғизни чайиб ташлагандан кейин ғулмай туриб ҳам нарсаларни ушлаш ва еб-ичиш мумкин. Ғул ибодат учун, Қуръон тиловати учун вожиб бўлади. Бошқа ишларни бажарса бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

### 287-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин. Ҳозирги туши ва қаламга ўхшайдиган, кўзга чизадиган подвотка устидан қилинган таҳорат қабул бўладими? Улар лакка ўхшаган елиммас-ку, лекин тукларни ва терини қоплаб олади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Юз таҳоратда ювилиши фарз бўлган аъзодир. Қош, киприк ва юз туклари юзга тобе аъзолар ҳисобланиб, уларни ҳам ювиш фарз. Мазкур бўёклар қошни ва киприкни сув ўтказмайдиган даражада

қолпайдиган бўлса, таҳорат қабул бўлмайди. Уларни кетказиб ташлаб, кейин таҳорат қилинади. **Валлоҳу аълам.**

### 288-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мени анчадан бери бир савол ўйлантирияпти. Авваллари ҳайз одатим 5-6 кун эди, фарзандли бўлгач, бачадон ички воситасини қўйдирганимдан кейин 12 – 15 кунгача ҳайз кўрятман, бошида оз-оздан, кейин кўпроқ, яна озроқдан келиб, тўхтаяпти, лекин барибир 10 кундан кам эмас. Саволим шуки, энди менинг одатим қанча кун бўлади, намозларимнинг ҳукми-чи?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳайзнинг энг кўпи ўн кун. Ундан кам бўлса, ўшанча кунни оласиз. Ўн кундан ортиқ бўлмайди. Ҳайз деб ҳисобланган кунлардаги намоз сиздан соқит бўлади.

رَوَى الطَّبَرَانِيُّ وَالْدَارَقُطْنِيُّ عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: أَقْلُ الْحِيْضُ لِلْجَارِيَةِ الْبَكْرِ وَالثَّيْبِ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ وَأَكْثَرُهُ عَشَرَةُ أَيَّامٍ فَإِذَا زَادَ فِيهِ مُسْتَحَاضَةً .

Имом Табароний ва Доракутний Абу Үмома розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам:

«Бикр қизнинг ва турмушга чиққан аёлнинг оз ҳайзи уч кундир, кўп ҳайзи ўн кундир. Ундан зиёда бўлса, истиҳозадир», деганлар («Кифоя»дан).

Одатда кўриб юрган кунларингизнинг микдоричаси ҳайз, қолгани истиҳоза бўлади. Аввалидан келганими

ёки охиридан келганими, деган савол туғилса, икки ҳайз ўртасидаги покликка қаралади. Авваллари 20 кун поклик, 6 кун ҳайз бўлган бўлса, ҳайдан кейин 20 кунгача бўлган кун поклик, кейинги 6 кун ҳайз деб ҳисобланади. Мабодо 15 кун поклик, 6 кун ҳайз одат бўлиб, тутруқдан кейин 15 кун поклик, 12 кун ҳайзга ўтиб қолса, 15 куни поклик, 6 куни ҳайз, қолган 6 куни истиҳоза ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

## НАМОЗ

**289-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Устоз, шиъаларнинг масжидига жамоат намозидан бошқа вақтда кириб, намоз ўқиш мумкини?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Жамоатдан бошқа вақтда кириб ўқиса бўлади. Мабодо масжид ичида суратлар бўлса, унга юзланмай ўқиласди. **Валлоҳу аълам.**

## НАМОЗДАГИ ХУШУЙ

**290-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Намозни хушуъ билан ўқинши жуда хоҳлайман, бунинг учун қандай йўл тутшишим керак ёки нималарга эътибор беришм лозим? Илтимос, маслаҳат беринг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ушбу савол кўп сўралгани ва муҳимлигини ҳисобга олиб, бир мақола тайёрладик. Қуйида ана шу мақолани эътиборингизга ҳавола қиласмиз.

Намоз Исломнинг энг муҳим руқнларидан бири экани барчамизга маълум. Шу сабаб намозда хушуъ маса-

ласи жуда жиддий аҳамиятта эга ва шунингдек, унда турли қийинчиликларга дуч келинади. Намоз банда билан Робби орасидаги боғланишдир. Холиқимиз азза ва жалла намоз түғри ва мақбул бўлиши учун бизларга уни руқнлари, шартлари билан батамом суратда адо этишимизни амр қилган. Лекин, минг афсуски, кўпчилигимиз намозимизда хушуъ даражасига ета олмаймиз, дикқат қила олмаймиз. Балки намозда у ёқ-бу ёққа ўтлаб, фикримиз қочиб, ҳаттоқи қайси ракъатдалигимизни унутадиган даражага келиб қоламиз. Баъзан намозни қайта ўқишига ҳам түғри келиб қолади. Шу билан бирга, биз билишимиз керак бўлган нарса шуки, шайтонни энг маҳзун қиласидиган нарса – банданинг намозни дикқат ва хушуъ ила батамом адо этишидир. Шу сабаб шайтон намозларимизда бизни чалғитмоқчи бўлади. Намоз учун маҳсус шайтон бор бўлиб, унинг исми Ханзаблиги ҳадиси шарифларда ворид бўлган.

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ларида куйидаги ҳадис ривоят қилинади: «Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, шайтон мен билан намозим ва қироатим орасида тўсиқ бўлди. У мени қироатда илтибосга соляпти», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана шу **Ханзаб деб аталадиган шайтондир. Қачон уни хис қилсанг, «Аъзу биллаҳи...»ни айтгин-да, чап томонга уч марта туфлагин»,** дедилар. У: «Мен ўшандай қилган эдим, Аллоҳ мендан уни кетказди», деди». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рост сўзлаганлар. Ханзаб намоз ўқиётганимизда бизларни васваса қиласи. Ўй-фикрларимизни бошқа нарсалар билан машғул этади.

Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда сиз азизларга намозларингиз хушуъ ва диққат билан мукаммал бўлиши учун баъзи тавсияларни тақдим қилмоқчимиз.

### *1. Намоз учун тайёргарлик.*

Аввало намозни адо этадиган ерингизга эътибор беринг. Агар у шовқинли жой бўлса, бошқа тинч жойни танланг. Эркаклар учун энг яхши жой масжидда, жамоат ичида намоз ўқишидир. Аёл киши эса уйидаги энг тинч хонани ўзига намозгоҳ тутсин. Турли шовқин ва чалғитувчи нарсалардан узоқда бўлсин. Масалан, телевизор, телефон, болаларнинг шовқини ва ҳоказо. Мана шу омилга эътибор берилса, секин-аста ўз таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга, намознинг маъносини яхши англаш лозим. У фақатгина қуруқ ҳаракатлардан иборат бўлган нарса эмас, балки намоз Ислом шиорларидан биридир. Шунингдек, намоз асносида тиловат қилинадиган оятларнинг маъносини ҳам яхши англамоқ керак. Токи ўқилаётган Куръони Карим қуруқ сўзлардан иборат бўлиб қолмасин. Унинг ҳар бир ҳарфини фаҳмлаб, ўзда сингдириш керак. Имомдан тингланаётганда ҳам шундай ҳолатда бўлиш лозим. Мана шу омиллар намоз ўкувчини хушуъ оламига олиб боради.

Эркаклар намозни масжидда адо этишга ҳарис бўлмоқлари лозим. Намозни жамоатда, мусулмонлар билан бирга адо этиш кишига ўзгача рух бағишлади. Шу билан бирга, жамоат намозига иқома айтиб бўлинганидан кейин шошиб келиб қўшилмасдан, намоз бошланишидан аввал келиб, намозни кутиш керак. Бундай қилиш намознинг руҳониятини ҳис қилишга ёрдам беради. Ўзингизни Аллоҳ таолонинг рўпарасида эканингизни ҳис этишга фурсат беради.

Намозингизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-ламнинг суннатларига мувоғиқ равищда адо этишни ба-тағсил ўрганинг. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз-иарининг ҳадиси шарифларида: «Менинг намоз ўқиётга-нимни кўрганингиздек намоз ўқинг», деганлар. Бунинг маъноси – намознинг ҳар бир ҳаракатига ўз миқдорини, вақтини беришдир. Айникса рукуъ, сажда ва ташаҳҳуд пайтида шошмаслик керак. Қироатни ҳам ўрнига қўйиб адо этиш лозим. Набавий суннатга амал қилиш намозда хушуъ ҳосил бўлишига олиб бориши щубҳасиздир.

Намоз вақти киришидан аввал дунёнинг шовқин-су-ронидан узилиб, ақлингизга бироз дам беринг. Ўйин-гизни намозга қаратинг. Рухиятингизни намозга ҳозир қилишингиз жуда ҳам муҳимдир. «Ҳозир имтиҳондан ўтаман», деб хаёл қилинг. Шунда онгингизда намозга нисбатан бутун диққатни жамлаш учун тайёргарлик бошланиши аниқ. Шунингдек, сиз шайтон билан, наф-сингиз билан, дунё билан курашга киришасиз. Роббин-гиз азза ва жалла олдида хушуъингиз зиёда бўлиши учун таҳорат олишингиз ва намоз ўқишингиз орасида беш дақиқа ажратинг. Унда Аллоҳнинг зикрини қилинг, истиғфор айтинг. Шунда сиз турли ўйларни, қийин-чиликларни ва дунё ташвишларини бир четга сурасиз ҳамда ўзингизни намоз учун ҳозирлаган бўласиз.

Шунингдек, руҳий босимлардан ҳам ҳалос бўлиш керак.

Намозга муносиб, Аллоҳ таолонинг олдида туришга муносиб гўзал ва тоза либосларни кийинг.

Намозингизда тиловат қиласиган сураларингизни ёки оятларингизни аввалдан тайин қилинг. Ҳадеб бир хил маълум қисқа сураларни такрорлайверманг. Бу ҳолат одатга айланиб қолса, бора-бора тиловат қилинаётган сўзларга нисбатан эътибор пасаяди. Кўп сура ёдламаган

бўлсангиз, намоз учун тўрт оят бўлса ҳам, ёдланг. Ушбу ояtlар ўзингизга ёқсан, сизга таъсир киладиган ояtlар бўлса, уларнинг маъносини тушунсангиз, янада яхши.

Намозга ният қилганингизда уни холис Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло учун эканини, У Зотнинг розилиги учунлигини хис қилинг. Хўжакўрсингиз аралашиб қолмасин. Шунда намозингизда хушуъ бўлиши осонлашади.

### *2. Намоз асносида.*

Қиёмда турганингизда тўғри туринг. Қалбининг Аллоҳ таолодан кўрқиб турсин, кўзларингиз очиқ бўлсин, сажда ўрнига қараб туринг.

Намозни шошиб адо этманг. Намозингизнинг ҳар бир бўлагини ҳаққини тўла адо этган ҳолда ўқишингиз керак. Ўзингиз эса сокин ва ҳушёр бўлишингиз зарур. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Шошилиш шайтондандир», деганлар.

Эсда тутингки, сиз халойик билан учрашиб турганингиз йўқ, балки халойиқнинг Холики билан учрашяпсиз.

Намозингизда Қуръони Каримни тажвид ила тиловат қилинг. Яъни тўғри, тартил билан қироат этинг. Мана шундай қилиш ҳам хушуъ ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Агар жамоат намозида бўлсангиз, бошқа намозхонларни чалғитиб юбормайдиган даражада Қуръони Каримни пастроқ овозда ўқинг. Овозингизни кўтариб ўқишингиз ўзгаларнинг хушуъсига халал бериши мумкин.

Агар намозингиз асносида хаёлингиз қочаётганини сезсангиз, «Аъзу...»ни айтинг ва диққатингизни жамланг.

### *3. Намоздан сўнг.*

Намозни тугатгач, дарров ўрнингиздан туриб кетманг. Балки бир муддат ўтириб, намозингизнинг нуксонларини тўлдириш учун зикр қилинг, тасбеҳ айтинг.

Аллоҳға ихлос ила намозингиз мақбул бўлишини сўраб дуо қилинг. Намоздан кейинги энг муҳим дуо «Аллоҳумма аъинни ъалаа зикрика ва шукрика ва хусни ъибадатик»дир.

Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тавсия қилган зикрларни айтиш керак. Мисол учун, аввало уч марта истиғфор айтилади. Бу намоздаги нуқсонлар учун бўлиши билан бирга, банданинг намоз ўқидим, дея ғуурланиши ва амалига таяниб қолишининг олдини олади. «Аллоҳумма антас-саламу ва мин-кас-саламу табарокта ва таалайта я Залжали вал икром». Шу билан бирга, набавий суннатдаги тасбехларни ҳам – «Субҳаналлоҳ», «Алҳамду лиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар»ларни 33 мартадан айтиб, хотимасига «Лаа илааха иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду юҳий ва юмит ва ҳува ъалаа кулли шайъин қодийр»ни айтилади.

Дўзах азобидан Аллоҳдан паноҳ сўранг, У Зотдан сизни жаҳаннамдан озод қилишини тиланг. Хусусан, шом ва бомдод намозларингиздан кейин «Аллоҳумма қини ъазабака явма табъасу ъибадак» ёки «Аллоҳумма ажирни минан-нар»ни айтинг.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга тавсия қилиб ўргатган салавотларни кўпроқ айтишимиз лозим: «Аллоҳумма, солли ъалаа саййидинаа Мұхаммадин камаа соллайта ъалаа Иброҳим ва ъалаа али Иброҳим. Аллоҳумма, барик ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа али Мұхаммад камаа барокта ъалаа Иброҳима ва ъалаа али Иброҳим иннака ҳамидум мажид».

Аллоҳ таолодан ижобат бўлишига аниқ ишонган ҳолингизда эҳтиёжларингизни сўранг ва дуони кўпайтиринг.

#### *4. Намоздан ташқарида.*

Намозга фақатгина ибодат деб қараманг, балки уни ҳаётингизнинг асосий бир қисми деб билинг. Намозингиз тўғри бўлгани сари ҳаётингиз ҳам тўғри йўлга тушиб боради, аксинча бўлса, бу ҳолатнинг тескариси бўлади.

Ҳаётингизни Аллохни ғазаблантирадиган нарсалардан узоқда, тўғри ва пок бўладиган қилиб муҳофаза этинг. Ҳалол касбга, ҳалол луқмага ҳарис бўлинг, ҳаром нарсалардан узоқда бўлинг. Чунки гуноҳ қилиш қалбни ўлдиради ва кишидан ҳушёрлик ҳамда хушуъни тортиб олади.

Вақтингизни намоз пайтларига қараб тартибга солишингиз керак. Аксинча эмас! Ишингиздан бўшаб олгунингизча намозни кечиктирманг. Ишингизни шундай режалаштирингки, намозни ўз вақтида ўкишга тайёр бўлинг.

Уйқуга эртароқ ётишга урининг. Шунда бомдод намозини ўз вақтида қоим қилишга қодир бўласиз. Қолган намозлар ҳақида ҳам шу гап айтилади. Аллоҳ таоло:

**«Намоз мўминлар учун ўз вақтида фарз бўлган»,** деган (*Нисо сураси, 103-оят*).

Узоқ вақт телевизор томоша қилиш ёки мусиқа тинглаш каби ақлни машғул қиласидиган нарсалардан йироқда бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки ушбу ишлар намоз ичида хаёлингизни олиб қочади.

Ҳар бир мусулмон ва муслима намозда хушуънинг энг юқори даражасига етишишни жуда истайди. Ушбу кўрсатма ва тавсияларга эргашган ҳолда Аллоҳ азза ва жаллани рози қиласидиган кўринишда намозингизни қоим қила оласиз, деган умиддамиз, иншааллоҳ.

## 291-САВОЛ

*Баъзида фарз ва суннат намозлари орасида бирор иш билан чиқишига ёки бирор билан гаплашишига түгри келиб қолади. Бу мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Мумкин. *Валлоху аълам.*

## 292-САВОЛ

*Ассалому алайкүм. Таҳажжуд намозини хуфтон ва витр намозидан кейин улаб ўқиб кетиш мумкинми? Ниятда эса («фарз», «суннат» ёки «витр», демасдан) «Нафл намозининг икки ёки тўрт ракъатини ўқишини ният қилдим», дейиладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Таҳажжуд деб бир ухлаб туриб ўқиладиган намозга айтилади. Вакти хуфтон намозининг фарз ва суннатидан кейин, витрдан аввалдир. Таҳажжудни икки ракъат ўқимоқчи бўлсангиз, «Икки ракъат таҳажжуд ёки нафл намозини ўқишини ният қилдим», деб, агар тўрт ракъат ўқимоқчи бўлсангиз, «тўрт ракъат», деб ният қиласиз. *Валлоху аълам.*

## 293-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, Одинахон опа Мұхаммад Юсуф! Мен баъзан тирноқларим четидаги этни шилиб ташлайман. Баъзида ўша жой қонаб қолади. Агар ундан олдин таҳоратим бор бўлса, ўша жойни ювуб, намоз ўқийвераман. Шу ишим тўгрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Аввало, мазкур одатни тарк қилишингизни тавсия этамиз, чунки бу инсон соғлиғи учун зарарли ишдир. Агар ўша шилингган жойдан чикқан қон бошқа ерга оқиб ёки сурилиб кетса, чикқан жойидан оқмай, қотиб қолмаса, таҳорат кетади ва ўша ернинг ўзини ювиги қўйишингиз кифоя қилмайди. Сиз қайтадан таҳорат қилишингиз керак бўлади. Чунки қон оқиши таҳоратни синдирувчи омиллардандир. *Валлоҳу аълам.*

### 294-САВОЛ

*Ассалому алейкум. Ўтган сафарги саволимда Рамазондан кейинги ойни назарда тутгандим. Жавоб учун раҳмат!*

*(Нафл намози хуфтондан кейин улаб ўқиладими ёки қанчадир муддат кутиши керакми? Ва унда «Икки (ёки тўрт ракъат) нафл намозини ўқишга», деб ният қилинадими? Намоздан сўнг қилинадиган ниятлардан намунани қаердан олса бўлади ёки намуна бера оласизми?)*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Нафлни хоҳлаган пайтингизда ўқишингиз мумкин ва «Нафл», деб ният қиласиз. Фақат нафл намозларни улардан қайтарилган вақтларда ўқиб бўлмайди. Икки ракъатми, тўрт ракъатми, истак ва ниятингизга боғлиқ. Нафлларда униси ҳам, буниси ҳам жоиз. Намоздан кейин ният эмас, дуо қилинади. «Кифоя» ҳамда «Ҳадис ва Ҳаёт» китобларида, «Фиқҳ.уз» сайтида бу ҳақда батафсил маълумотлар бор. *Валлоҳу аълам.*

**295-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм! Қунут дуосини билмаса, ўрнига «Аллоҳум-мағфир лии» деб айтиши мүмкінми ва қачонгача? Аллоҳ илмингизни янада зиёда қылсın!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Қунут дуосини билмаган одам уни ёдлаб олгунича уч марта «Аллоҳум-мағфир лии», деса ёки «Роббанаа, атина...»ни ўқиб турса бўлади («Кифоя»). Афзали – қунут дуосини ҳар куни озроқдан ёдлаб, намозда ўқиб борса, бир кун келиб, ҳаммасини ёдлаб олади. *Валлоҳу аълам.*

**296-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм! Шом намозини тақвимда белгиланган вақтдан сўнг яна қанча вақт ичида ўқиса бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Шомнинг вақти ҳанафий мазҳабида иккита, биринчиси кун ботгандан қизил шафақ йўқолгунча, бу 10, 15 дақиқа бўлади. Иккинчи вақти оқ шафақ йўқолгунча, бу 1 соат атрофида бўлади. Фатво биринчисига, иккинчиси эса Абу Ҳанифанинг сўзи бўлиб, унга ҳам ўрни келганда амал килиш мумкин! *Валлоҳу аълам.*

**297-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Мұхтарама Одинахон опа Мұхаммад Юсуф! Агар кийимда жонивор тасвири бўлса ва унинг устидан кийган ёпинчиги кийимдаги расмни тўлиқ тўсмаса ёки тиззагача кўйлак ҳамда қора калготкида ёхуд кўйлаксиз, кенг спорт кийимида, буткул ҳамма ёги ёниқ ҳолатда намоз ўқиши жоизми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Намоз тўғри бўлиши учун аврат ёпилса ва либос пок бўлса бўлди. Лекин намозда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолоға рўбарў бўлиб турганингизни унутманг. Шу мақомга муносиб кўринишда кийининг. **Валлоҳу аълам.**

**298-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Шамоллаган бўлишимга қарамай, намоз ўқиб юргандим. Бу гуноҳ эмасми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Аксинча, шамоллашни сабаб қилиб намоз ўқимай юриш гуноҳ. Шамоллаш ва бошқа ҳар қандай касаллик намозга монелик қила олмайди. **Валлоҳу аълам.**

**299-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Саволим фитнага сабаб бўлиб қолмаслигини Аллоҳдан сўраган ҳолда сизга юзланаман. Ҳозирги қунда кўпчиликда мавжуд бўлган Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина телеканаларида давомий узатиласидиган тақвимда Тошкент шаҳри намоз вақтлари ҳам кўрсатиб ўтилади ҳамда ўша вақтлар билан бизнинг мамлакатимиздаги тақвим бир-биридан фарқ қиласи. Саволим қийидагича: биз Саудиядан узатиласидиган вақтларга қараб намоз ўқисак бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат! Аллоҳ барчамизни йўз паноҳида асрасин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Ўзимиздаги тақвимларга қараганимиз дурустроқ. Улар илмий асосга суюнган ҳолда

бу вақтларни белгилаганларига қалбингиз таскин топса, амал қилишингиз жоиз. *Валлоху аълам.*

### 300-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Таҳажжуд намозини неча ракъат ўқиса бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийим.

Ва алайкум ассалом! Саволингизга жавоб тариқасида Шайх ҳазратларининг «Кифоя» номли китобларидан иқтибос келтираман.

**Тунги намоз ракъатларининг адади ва қайфияти**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنَ اللَّيْلِ فَلْيَفْتَحْ صَلَاتَهُ بِرُكْعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Қачон бирингиз кечаси (таҳажжудга) турса, намозини енгилгина икки ракъат билан очсин», дедилар».**

*Имом Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ҳадисда таҳажжуд намозини енгилгина икки ракъат намоз ўқиш билан бошлиш тавсия қилинмоқда. Уйқудан туриш билан бирданига қаттиқ ҳаракат қилиш, узоқ тик туриб намоз ўқиш оғир келади. Шунинг учун аввал енгилгина икки ракъат намоз ўқилса, бу ўзига хос чигал ёзиш машқи ҳам бўлади. Инсоннинг рухи ҳам, жисми ҳам келажакдаги намозларга яхшилаб тайёрланади. Ана ундан кейин хоҳлаганича ўқийверади.

عَنْ أَبْنَ عُمَرَ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ صَلَةُ اللَّيْلِ

**قالَ مَتَّنِي مَتَّنِي فَإِذَا خَفْتَ الصُّبْحَ فَأُوتِرْ بِوَاحِدَةٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.**

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*  
 «Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, тунги намоз қандай бўлади?» деди.

«Икки (ракъат), икки (ракъат). Агар тонг отиб қолишидан қўрқсанг, бир ракъат витр ўқи», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**Шарҳ:** Кечаси намоз ўқигандага ҳар икки ракъатда салом бериш яхши экани шу ҳадисдан олинган.

**وَسُئَلَتْ عَائِشَةُ ﷺ عَنْ صَلَاتِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ بِاللَّيْلِ فَقَالَتْ:**  
**سَبْعٌ وَتِسْعٌ وَإِحْدَى عَشْرَةَ سِوَى رُكْعَتِي الْفَجْرِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.**

«Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тунги намозлари ҳакида сўрашди. Улар: «Фажрнинг икки ракъатидан бошқа етти, тўққиз ва ўн бир», дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам имкониятларига қараб, бир ракъат витрдан бошқа олти, саккиз ёки ўн ракъат тунги намоз ўқир эканлар.

**وَعَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ ثَلَاثَ عَشْرَةً  
 رُكْعَةً مِنْهَا الْوُتُرُ وَرُكْعَتَا الْفَجْرِ.**

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар, уларнинг ичидаги витр ва фажрнинг икки ракъати ҳам бор».

**Шарх:** Бир ракъат витр ва икки ракъат фажрни чиқарып ташласақ, олдинги ривоятдагидек, ўн ракъат қолади.

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّهُ سَأَلَ عَائِشَةَ كَيْفَ كَانَتْ صَلَاةُ رَسُولِ اللَّهِ فِي رَمَضَانَ فَقَالَتْ: مَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ يَزِيدُ فِي رَمَضَانَ وَلَا فِي غَيْرِهِ عَنْ إِحْدَى عَشْرَةِ رُكُونَةِ أَرْبَعاً فَلَا تَسْلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُوْلِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي أَرْبَعاً فَلَا تَسْلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُوْلِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي ثَلَاثَةَ فَقَلَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتَنَا مُقْبِلًا أَنْ تُوتِّرَ فَقَالَ: يَا عَائِشَةُ إِنَّ عَيْنِي تَنَامَانِ وَلَا يَنَامُ قَلْبِي. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

*Абу Салама ибн Абдурраҳмондан ривоят қилинади:*

«Оиша розияллоху анходан: «Расулуппох соллаллоху алайҳи васалламнинг Рамазондаги намозлари қандай бўлган?» деб сўраганимда, у киши шундай дедилар: «Расулуппох соллаллоху алайҳи васаллам Рамазонда ҳам, ундан бошқа пайтда ҳам ўн бир ракъатдан зиёда қилмас эдилар. Аввал тўрт ракъат ўқирдилар. Уларнинг гўзаллиги ва узунлигини асти сўрама. Кейин яна тўрт ракъат ўқир эдилар. Уларнинг гўзаллиги ва узунлигини асти сўрама. Сўнгра уч ракъат ўқир эдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, витр ўқишдан олдин ухлайсизми?» дедим. У зот: «Эй Оиша, менинг кўзларим ухлар, қалбим ухламас», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**Шарх:** Тунги намозга тегишли маълумотлар:

1. Тунги намозни тўрт ракъатдан ўқиш ҳам жоиз.

Имом Абу Ҳанифа ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Тунги намоз тўрт ракъатли бўлгани афзал», дейдилар.

2. Тунги намозни узун ва чиройли қилиб ўқиш керак.

3. Витр намози уч ракъатдир.
4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухласа ҳам, қалблари ухламайди.

عَنْ زَيْدِ بْنِ حَالِدِ الْجَهْنَمِيِّ أَنَّهُ قَالَ: لَا رَمْقَنَ صَلَاةَ رَسُولِ اللهِ الْيَلَّةَ وَفِي رِوَايَةٍ: فَتَوَسَّدْتُ عَنْبَتَهُ أَوْ فُسْطَاطَهُ فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ حَفِيفَتَيْنِ ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ طَوِيلَتَيْنِ طَوِيلَتَيْنِ ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ وَهُمَا دُونَ اللَّتِينَ قَبْلَهُمَا ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ وَهُمَا دُونَ اللَّتِينَ قَبْلَهُمَا ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ وَهُمَا دُونَ اللَّتِينَ قَبْلَهُمَا ثُمَّ أَوْتَرَ فَذِلِكَ ثَلَاثَ عَشْرَةَ رَكْعَةً. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

*Зайд ибн Холид Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«У киши: «Бу кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини кўз узмай кузатаман», деди».

Бошқа бир ривоятда: «Остоналарини ёки чодирларини болиш қилиб олдим», дейилган.

«Енгилгина икки ракъат ўқидилар. Сўнгра узундан-узун икки ракъат ўқидилар. Сўнг икки ракъат ўқидилар. Бу иккови ўзидан олдинги икки ракъатдан қисқароқ эди. Яна икки ракъат ўқидилар. Бу иккови ўзидан олдинги икки ракъатдан қисқароқ эди. Яна икки ракъат ўқидилар. Бу иккови ўзидан олдинги икки ракъатдан қисқароқ эди. Сўнгра витр ўқидилар. Ҳаммаси ўн уч ракъат (бўлди)».

*Бешовларидан фақат имом Бухорий ривоят құлмаган.*

**Шарҳ:** Зайд ибн Холид розияллоху анхунинг кечаси билан бошларини останага қўйиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг таҳажжуд намозларини ўрганиш учун шойлаб ётишлари саҳобаи киромларнинг илмга бўлган, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатлари ва сийратларини ўрганишга бўлган фидокорликларининг бир намунасиdir. Ана ўша улуғларнинг фидокорликлари туфайли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари ва суннатлари ўта аниқлик ҳамда дақиқлик билан ўрганилиб, сиз билан бизга етиб келган.

Ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётлари ва суннатлари аниқ-равshan васиф қилинмоқда, ҳеч қандай шарҳ ёки изоҳнинг ҳожати йўқ. Фақат бу ривоятда у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг тунги намозларининг бир кўриниши келганини эслаб кўйсак бўлди. Бошқа ривоятларда ракъатлар сони бошқача бўлгани, тўрт ракъатдан ўқилгани ҳам келади. («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан) *Валлоху аълам.*

### 301-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Тақвимда тонг 5:12, қуёш 6:42 да экан. Бомдод намози соат нечада ўқилади?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир рохманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Шу иккисининг орасида. Фажр оқарганда бошлаш мустаҳабдир. Токи қирқ оятни тартил қилишга ва таҳорати йўқлиги зоҳир бўлиб қолса, яна қайта олишга ва кироатни қайта ўқишга имкон бўлсин.

Яъни бомдод намозини ўқишини тонг оқариб қолганда бошлаш мустаҳабдир. Бу вақтни шундай тартибга солиш керакки, намозни ният қилиб, зам сурага қирқ

оятни шошилмай, тартил билан ўқиб бўлгандан кейин ҳам таҳоратсиз одам таҳорат олиб келиб, намозни янгидан бошлаб, яна қирқ оятни тартил қилиб намозини тутатгунча қуёш чиқмайдиган бўлиши лозим.

عَنْ رَافِعٍ بْنِ خَدِيْجٍ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: أَسْفِرُوا بِالْفَجْرِ.  
رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

*Рофеъ ибн Хадийж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бомдодни тонг оқарганда ўқинглар**», дедилар».

*Имом Насоий ривоят қилган.*

عَنْ رَافِعٍ بْنِ خَدِيْجٍ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ يَقُولُ:  
أَسْفِرُوا بِالْفَجْرِ فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِلأَجْرِ.  
رَوَاهُ التِّرمِذِيُّ وَصَاحِبَاهُ وَأَحْمَدُ.

*Рофеъ ибн Хадийж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Бомдодни тонг оқарганда ўқисангиз, унинг ажри улуғдир**», деганларини эшитдим».

*Имом Термизий, унинг икки соҳиби ва Аҳмад ривоят қилганлар («Кифоя»). Валлоҳу аълам.*

**302-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон опа, Аллоҳ илмингизни зиёда қылсын! Вақтингизни аяласдан, саволимга жавоб берәётганингиз учун раҳмат. Олдин ҳам айтганимдек, бир ярим йил олдин бош миямдан ўсимта олишган. Намоз ўқиганимда рукуъдан кейин саждага борганимда бошим айланиб, қийналаман. Шунинг учун намозни ўтириб ўқыйман. Шу ишим түгрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Соғлиғингиз күтармаса, бундай ҳолатда ўқишингиз жоиз. *Валлоҳу аълам.*

**303-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қылсын. Биз аёлларнинг огирини енгил қиляпсиз, Аллоҳ рози бўлсин ва куч-қувват берсин. Опа, саволим шуки, баъзи пайтларда тўрт ракъатли намоз ўқиётганимда иккинчи ракъатдан сўнг қаъдада ўтирганимда «Ат-таҳийят...»дан сўнг «Аллоҳумма солли ъала...»ни бошлиб юбораман, сўнг хато қилганини англаб, қаерига келган бўлсам, тугалламай, учинчи ракъатга тураман. Опа, бу ишим хатоми, саждаи саҳв қилишим керакми? Жавоб учун раҳмат.*

*Опа, ҳаққимга дуо қилиб қўйинг. Аллоҳ фарзанд аталмиш жајжэси тухфаси ила бизни хушнуд айласин (омин). Раҳмат, Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бундай ҳолатда салавотни айтиб, кейинги руқнни кечиктириб юборганингиз учун саждаи саҳв қиласиз. *Валлоҳу аълам.* Аллоҳ таоло сизларга солиҳ фарзанд ато қылсин. Омин!

## 304-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен 18 ёшимда намоз ўқишини бошлаган эдим. Олти ойча ўқиб, кейин ташлаб қўйдим. 19 ёшимда яна давом эттиридим. Энди шу ораликдаги ва 18 ёшимгача бўлган вақтдаги ўқилмай қолган намозларимнинг қазосини ўқийманми? Агар ўқимасам, кейинги намозларимга таъсир қилмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳар бир ибодат алоҳида қабул бўлади. Бирини тарк қилиш бошқасини бузмайди. Сизга балоғатга етганингиздан бошлаб, ҳар куни беш маҳал намоз ўқиши фарз бўлган. Қазо қилган намозларингизни ўқишингиз керак. Ҳар бир ракъат зиммангизда бўлади ва уни адо этиш лозим. *Валлоҳу аълам.*

## 305-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен намоз ўқишига астойдил киришиб кета олмаяпман. Нима қиласай?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Астойдил бўлинг. Аллоҳ сизни инсон қилиб яратган бўлса, акл берган бўлса, соғлиқ берган бўлса, барча имкониятларингиз бўлса, астойдил бўлиш учун бундан ортиқ яна нима керак? Эртага бормисиз, йўқмисиз?! Бирор жойимиз куйиб қолса, қанча қийналамиз. Дўзах оташини тасаввур қилаверинг энди. Ўқилмаган бир ракъат намоз учун дўзахда бир неча йиллаб ёндирилади, охиратдаги йил ҳисоби дунёдаги йил ҳисоби каби эмас. Дўзахдаги бир йил бизнинг минг йилимизга тентдир. Аллоҳ асрасин. *Валлоҳу аълам.*

**306-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Мен кейинги йил чет әлга ўқишига бормоқчиман. Мен борадиган давлат мусулмонларни ёмон құради. Онам: «Хозир ўқишинингни ўқиб ол, кейин намозларингни ўқийверасан. Қайтиб намоз ўқиганингни құрмай», деяптилар. Мен ўзимни намозсиз тасаввур қилолмайман. Нима қиласы?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Астағфируллоҳ! Намоз – Аллоҳ таолонинг буйруғи. Қиёмат куни биринчи ҳисоб-китоб қилинадиган амал намоздир. Намоз ўқишиң қайсицир давлат мусулмонларни хуш күриш-күрмаслигига, онанинг гапига ва инсоннинг тайёр-тайёр эмаслигига, унинг ўйига қараб бўлмайди. Мусулмон киши балофатга етганидан кейин кунда беш маҳал намоз ўқиши фарздир. Ҳар бир ракъати учун охиратда ҳисоб қилинади. *Валлоҳу аълам.*

**307-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Жума куни пешин намози одатдагидек, 12:45 да ўқиладими ёки жума намозидан кейинми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Пешин вакти кирганидан кейин ўқилаверади. Бу аёлларга жоиз. Аммо эркаклар учун жумани ўқимай туриб, пешинни ўқиши макрухдир.

Жума куни катта шаҳарда жумага бормасдан, пешинни жамоат бўлиб ўқишлиари макрухдир. Бу хукм макрухи танзиҳий – унча оғир бўлмаган макруҳ. Чунки улар жума ўқишлиари лозим эди. Улар жума намозига бормай, жамоатнинг озайишига сабаб бўлдилар. Айбни қилиб кўйиб, яна ўzlари жамоат бўлишилари дуруст эмас.

Шунингдек, жумадан олдинги пешинлари ҳам макрухdir. Бу хукм макрухи таҳримий – ҳаром ўрнига ўтадиган макрух. Чунки булар пешиннинг фарзидан кўра кучли бўлган жуманинг фарзини узрсиз тарк қилдилар. Модомики, хали жума ўқилмаган экан, унга бориб қўшилиш пайидан бўлишлари керак. Аммо мазкур ишни қилишнинг ўрнига жамоат бўлиб пешин ўқишлари жумага бориши ниятлари йўқлигини кўрсатади. Бу эса умуман мумкин эмас. Жума ўқиб бўлинганда унга бориб қўшилишнинг имкони қолмаган бўлади.

Агар пешинни ўқиган одам жумага ҳаракат қилганида имом жумада турган бўлса, пешини ботил бўлади.

Бир одам жумадан олдин пешинни ўқиб олди. Кейин жумага боришига ҳаракат қилиб қолди. Агар у ҳаракатни бошлаганда имом жуманинг амалларини бажариб турган бўлса, ҳалиги одамнинг ўқиган пешини ботил бўлади. **Валлоҳу аълам.**

### 308-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен бомдоҳ намозини ўқийман. Энди беши вакт намозга ўтмоқчиман. Лекин тушунмаяпманки, зам сура деганда аниқ қайси сураларни ўқийман? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Зам – «кўшиш» дегани. Фотиҳа сурасидан кейин бирорта сурани кўшиб ўқилади. Шунинг учун бу «зам сура» дейилади. Фотиҳа сурасини ўқиб бўлганингиздан кейин кетидан истаган сурангизни кўшиб ўқийсиз. Уламолар уч қисқа оят ёки бир узун оятни ўқиб кўйса ҳам жоиз, бу энг камидир, деганлар. **Валлоҳу аълам.**

## 309-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен уч йилдирки, беш маҳал намоз ўқиятман, илмимни ҳар куни ошириб боришга ҳаракат қиласынан. Яқинда бир маърузада (түгрироги, бир неча тилларни билганим учун бошқа тилларда ҳам маърузалар тинглаб тураман) аёл киши ҳайз күриши вақтининг тугаши агар аср намози вақтига түгри келиб қолса, унда у асргача бўлган намозларни қазо қилиб ўқиши кераклигини эшиитдим ёки мен нотўғри тушундимми? Илтимос, шунга аниқлик киритиб берсангиз. Сизга олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бу гап бизнинг мазҳабда йўқ. Бизда аёл қайси вақтда покланса, ўша пайт намозини ўқийверади. Ундан аввалги намозлар, яъни ҳайз ҳолатида бўлгани учун ўқилмаган намозлар соқит бўлади. Сиз айтган гап шофеъий мазҳабига оид. Бу мазҳаб наздида пешин билан аср ҳамда шом билан хуфтоннинг ҳам. Шунинг учун уларнинг мазҳабига кўра асрда покланса, пешиннинг, хуфтонда покланса, шомнинг қазоси ҳам адo этилади. *Валлоҳу аълам.*

## 310-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳар хил қори акаларнинг маърузаларини эшиитдим, уларда: «Намозни жамоат билан ўқиши керак, бўлмаса намоз намоз ўрнида қабул бўлмайди», баъзиларида эса «гуноҳкор бўлади», дейиляпти («саҳобалар ва Пайгамбаримиз алайҳиссалом томонларидан ривоят қилинади», дейилган). Менга эса масжид узок, фақат жума намозини ўқигани бораман, холос. Маслаҳат беринг, илтимос. Масжидда ўқиши шартми?*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Масжиддан бошқа ерда ўқилган намозлар ҳам қабул бўлади, иншааллоҳ. Лекин масжидда, жамоат билан ўқилган намознинг савоби кўп. Имкон қадар масжидда ўқишга ҳаракат қиласвериш керак.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар».

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Шунинг учун ишончли кишиларнинг маъruzalари ни тинглаш керак. **Валлоҳу аълам.**

### 311-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен намоз ўқишни 14 ёшга тўлар-тўлмас бошлиганиман. Ундан олдин ўқимаган намозларимни нима деб ният қилиб, қандай ва қайси вактда ўқийман? Фарз бўлганидан бошлиб, намозни бошлигани кунимгача бўлган куннинг ҳисобини оламанми? Суннатини хам ўқийманми? Жавобингиз учун раҳмат.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Балоғатга етиб, мукаллаф бўлганингиздан кейин қазо қилган намозларингизнинг барчасини ўқийсиз. Фарзлари ва вожиб бўлмиш витрларининг қазоси ўқилади. Суннатнинг қазоси ўқилмайди. Ҳар куни бир кунлик қазо намозини адо этиб борсангиз бўлади. Яъни ҳар фарз намозидан олдин қазоларингизни ўқиб бораверасиз. Яъни масалан, бугун бомдодни ўқищдан олдин бир кунлик бомдоднинг қарзини ўқийсиз, пешиндан олдин қарз пешинни ва ҳоказо.

Ёки кечаси бир кунлик намозлар қазосини тўплаб ўқиш ҳам мумкин. Мухими, имкониятга қараб, қодир бўлганча ўқиш керак.

Аллоҳ таоло сизни намоз мұхофазасига маҳкам бандаларидан қылсын. Қазо намозларингизни тез кунда адо этиб олишингизни насиб айласин. *Валлоҳу аълам.*

## ТАВБА НАМОЗИ

### 312-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен тавба қилмоқчиман, лекин бунинг учун қалбимда пушаймонлик ҳисси йўқ, ҳеч қандай туйгуни ҳис қилмаяпман. Сабаб шуки, бундан бир неча йил олдин қалбим билан яшаб, қийналиб кетдим, одамлар кўнглимга қарамай, дилимни оғритишар, қалбим эса тирналиб, ачишарди. Мен буларга чидай олмай, хаёлан қалбимни олиб, бир сандиқчага солиб қўйганман. Кейин қалбсиз яшай бошладим, бундай яшаши мен учун осон туюлди ва ана шундай яшайвердим. Лекин ҳозир у пайтларда адашганимни тушуняпман, қалбсизликда меъёрни унутганман. Энди тавба қилмоқчиман, лекин қалбимда бунинг учун йўл очилмаяпти. Менга маслаҳат беринглар, тавба учун намоз борми ва у қандай ўқилади? Мен шу вазиятда қандай амал қилиб, қалбимни қайта тирилтиришим мумкин?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Истиғфорни кўпайтиринг. Аллоҳни кўп-кўп эслаб, зикр қилинг, шунда қалбингиз тирилади.

*Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Мен қачон Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим. Қачон у зотнинг саҳобаларидан бири менга ҳадис айтса, мен ундан (гапи тўғрилигига) қасам ичишини талаб қиласр эдим. Агар у қасам ичса, (гапини) тасдиқ қиласрдим.

Менга Абу Бакр бир ҳадис айтди, зотан, у содикдир:  
 «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг  
 Қайси бир одам гуноҳ қилиб қўйса-ю, сўнгра туриб,  
 таҳорат олиб, намоз ўқиса, кейин Аллоҳга истиғфор  
 айтса, албатта, Аллоҳ уни мағфират қилади», деганла-  
 рини эшитдим. Сўнгра у зот «**Улар қачон фаҳш иш  
 қилсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эс-  
 ларлар ва гуноҳларига истиғфор айтурлар**» оятини  
 қироат қилдилар», деди».

*(Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.)*

**Шарҳ:** Аслида тавба намозсиз ҳам, хоҳлаган пайтда  
 бўлиши матлуб. Лекин намоз билан бўлгани кучли ва  
 қабули осондир. «Намоз – мўминнинг силоҳи», дейил-  
 гани ҳам шундан. Мўмин киши намоз билан ҳар қандай  
 қийин нарсага ҳам осонлик билан эриша олади. Ожиз  
 банда гуноҳ иш қилиб қўйса, иймони уни дарҳол тав-  
 бага чорлаши зарур. Қилиб қўйган гуноҳи учун надо-  
 мат чекувчи мўмин инсон дарҳол таҳорат қилиб, тавба  
 намозини ният қилган ҳолда икки ракъат намоз ўқиб  
 олишга ўтмоғи лозим. У гуноҳига афсус чекиб, намо-  
 зида чин қалбдан тавба қилиб, Аллоҳга роз айтиб, бу  
 гуноҳни қайтиб қилмасликка қатъий аҳд қилса, Аллоҳ  
 таоло унинг гуноҳини мағфират этади.

Ушбу ҳадислардаги бош масала шундан иборат. Ле-  
 кин эътибор билан мулоҳаза қиладиган бўлсак, бундан  
 бошқа муҳим масалалар ҳам борлигини кўрамиз. Ана  
 шундай масалалардан бири ҳазрати Алий розияллоҳу  
 анхунинг «Мен қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
 васалламдан бир ҳадис эшитсан, Аллоҳ менга ундан  
 Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим», деган гап-  
 ларида ўз аксини топгандир.

Үйлаб күринг. Эшитган ҳар ҳадисдан наф топиш – бу қандай баҳт! Бу қандай саодат! Бундай олий мақомга эришиш осонми? Бундай пурсаодат ҳаётта соҳиб бўлиш учун нималар қилиш даркор? Ихлос қилиш керак. Амал этиш зарур. Ҳадисларни пухта ва аниқ ўрганиш лозим.

Ушбу ҳадисда мuloҳаза қилинадиган муҳим масалалардан яна бири айнан ана шу ихлос, амал ва ҳадисларни пухта ўрганишга боғлиқдир. Ҳазрати Алий розияллоҳу анхунинг қайси саҳобийдан ҳадис эшитсалар, ўша ҳадиснинг тўғри эканига қасам ичишни талаб қилишлари айнан шуни кўрсатади.

Маълумки, саҳобаларнинг адолатларига, зеҳнларининг ўткирлигига, ишончли кишилар эканига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳазрати Алий ҳадис айтган ҳар бир кишидан қасам ичишни талаб қилганлар. Чунки ҳадис шунчаки эшитиб кетаверадиган нарса эмас. Унга иймон келтириш, амал қилиш керак. Ҳадиси шариф инсон ҳаётидаги ҳар бир нарсани баён қилиб беради. Қуръонни шарҳлайди, уни қандай қилиб ҳаётга татбиқ қилиш кераклигини ўргатади ҳамда бошқа кўплаб хизматларни адо этади.

Шунинг учун дин илмини кимдан олаётганига катта эътибор ва аҳамият бериш ҳар бир мусулмон учун муҳимдир. Диндорликни, фидойиликни, олимликни, устозликни даъво қилувчилар жуда ҳам кўп. Улар ҳар хил бўладилар. Кўплари бузук фикрли ва ғаразгўй бўлишини тажриба кўрсатиб турибди. Шунинг учун Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидаги тақводор, инсофли, ҳақиқий олим кишидан илм олиш керак.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни эшитган, ўрганган ҳар бир ҳадисидан кўплаб наф оладиган, илмни ишончли

манбалардан оладиган бандалардан қилсин. Бандалик билан баъзи хатоларни содир этган чоғимизда дарҳол тавбага шошиладиганлардан этсин («Ҳадис ва Ҳаёт» туркуми, 7-жуздан олинди). **Валлоҳу аълам.**

### 313-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Кеча истихора қилгандим, уй-күмда кўк рангни туши кўрдим. Бу ниманинг аломати? Аллоҳ! Ўзи сизни ҳифзу ҳимоясида асрасин.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Истихоранинг натижаси рангга караб эмас, балки кўнгилга караб бўлади. Кўнгил тўқ бўлса, ижобий, ғаш бўлса, салбий натижадир. **Валлоҳу аълам.**

### 314-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ муслима аёл-қизлари-мизнинг диний эҳтиёжларини қондириб, бу борадаги саволларига жавоб йўллашга сарфлаган вақтингизга ва умрингизга барака берсин. Ўзи муносиб ажрлар ато этсин.*

*Мен бир масалада иккilanаман: манбаларда келтирилган аср намозидан олдин ўқиладиган тўрт ракъатли нафл намозининг фазилати жуда кўп экан. Уибу намоз аср вақти киргач, аср намозидан олдин ўқиладими ёки пешин вақтининг охирига яқин, аср вақти кирмасиданми? Шу масалага аниқлик киритсангиз. Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Ушбу намоз аср вақти кирганида, аср намозидан олдин ўқилади.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Асрдан олдин түрт ракъат намоз ўқиган одамга Аллоҳ раҳм қилсін», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қылған. Валлоҳу аълам.*

### 315-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бир ойдан бери ҳар куни ҳеч қандай сабабсиз нифос қони келяпти. Икки йил олдин ҳомиладор пайтимда врачлар менга «Бачадон миомаси бор», деб ташхис қўйишганди. Лекин шу пайтгача ҳайз циклим ҳеч қандай ўзгаришсиз эди. Бундай ҳолда мен намоз ўқисам бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Нифос қони сабабсиз келмайди. У бола тукқандан кейин ёки бола тушгандан сўнг (агар боланинг баъзи аъзолари билиниб қолган бўлса) келади. Сиз аввало шифокорга кўриниб, айни дамда нима сабабдан қон келаётганини аникланг. Одатда ҳайз кўрадиган кунларингизни «ҳайз» деб оласиз. Қолгани истиҳоза бўлади ва истиҳоза пайтида намоз ўқийверасиз.

Эслатиб ўтамиз, ҳайнинг кўпи ўн кун, ками уч кун. Покликнинг ками ўн беш кун. Нифоснинг кўпи 40 кун, камининг чегараси йўқ. Бундан бошқа пайт келган нарса истиҳозадир. *Валлоҳу аълам.*

### 316-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Аллоҳим сизни Фирдавсул аъло билан мукофотласин! «Муслима қундалиги» дастурида зулҳи жэжса ойининг 10 – 14-кунларида «Бу кун рўза тутиши суннат амал. «Оқ қунлар» рўзасига қаралсин», деган эслатма пайдо бўлди. Бу*

*қандай кунлар эканини тушунтириб берсангиз. Аллоҳим илмингизни зиёда қиласин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом.

«Оқ кунлар» дегани тунлари оқ бўлган кунлардир. Ой тўлишиб, ўн уч кунлик бўлганда энг ёруғ бўлади. Ана ўша ўн учинчи ва ундан кейинги ўн тўртинчи, ўн бешинчи кечалар оқ тунлар дейилади. Бу ерда ана шу кечаларнинг кундузлари тутиладиган рўза ҳақида сўз кетади.

عَنْ مُلْحَانَ الْقَيْسِيِّ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا أَنْ نَصُومَ الْبَيْضَ ثَلَاثَ عَشْرَةَ وَأَرْبَعَ عَشْرَةَ وَخَمْسَ عَشْرَةَ قَالَ وَقَالَ: هُنَّ كَهْيَةَ الدَّهْرِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنَ. وَلَفْظُ التَّرْمذِيِّ: إِذَا صُمِّتَ مِنَ الشَّهْرِ ثَلَاثَةً أَيَّامٍ فَصُمِّ ثَلَاثَ عَشْرَةَ وَأَرْبَعَ عَشْرَةَ وَخَمْسَ عَشْرَةَ.

Милҳон Қайсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга оқларнинг ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешининг рўзасини тутишни амр қиласар эдилар ва: «Улар худди йил бўйига ўхшар», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида:

«Агар бир ойдан уч кун рўза тутсанг, ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешни тут», дейилган.

Ҳадиси шарифнинг маъносини изоҳлашга ҳожат йўқ. Уни ҳаётга татбиқ қилиш лозим, холос. *Валлоҳу аълам.*

## 317-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мусоғир киши машинада кетаётганида намоз вақти кирса, автомобильда намоз үқиса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Фарз намоз бўлса, тўхтаб, машинадан тушиб, қиём ва бошқа рукнларини ўрнида бажариб адо этилади. Қиём, рукуъ каби намоз рукнлари фарздир. Уловда ўтириб ўқиганда бу рукнлар бажарилмай қолади. Нафлни эса машинада үқиса бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 318-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг тўртта фарзандим бор. Кичиги уч ойлик. Намоз вақтида катта фарзандларимни ёнимга тургизиб, ўрганиши учун овоз чиқариб ўқийман. Турмуш ўртогим: «Фақат нафлда шундай қилиши мумкин», дейдилар. Менинг, очиги, нафл ўқигани ҳозир вақтим камроқ. Шу ҳолатга нима дейсиз? Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳадиси шарифда болаларни намозга етти ёшдан ўргатиш лозимлиги баён қилинган. Аёл киши фарз намозида ҳам, нафлда ҳам овозини чиқармайди. Улар намозни оталаридан ўрганишсин. Ўзингиз ўргатадиган бўлсангиз, намоздан ташқари ҳолатда таълим берганингиз афзал. *Валлоҳу аълам.*

## 319-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Зино қилган, яъни никоҳсиз фарзанд тугдирган инсон жамоат олдига чиқиб, намозда имомлик қила оладими?*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи  
васаллам шундай деганлар:

صَلُّوا خَلْفَ كُلِّ بَرٍ وَفَاجِرٍ وَصَلُّوا عَلَى كُلِّ بَرٍ وَفَاجِرٍ . . .

«Ҳар бир яхши ва ёмоннинг орқасида намоз  
ўқийверинг! Ҳар қандай яхши ва ёмон одамга жа-  
ноза намозини ўқинг!»

*Имом Доракутний Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан  
ривоят қилган. Валлоҳу аълам.*

### 320-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Саволим шуки, намозни сог-  
лиги қўтармайдиган инсон (масалан, юраги тез уриб  
кетса, увишса, санчиса) ўтириб ўқиса бўладими? Жа-  
воб учун олдиндан раҳмат.*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Тик туришга имконияти бўл-  
маса ёки касаллиги хуруж қиласидиган даражада бўлса,  
ўтириб ўқийверади.

### Беморнинг намози ҳақидаги фасл

Намозда ундан аввал ёки намоз асносида пайдо бўл-  
ган bemorlik сабабли тик туриш узрли бўлиб қолса,  
ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда қиласи.

Агар рукуъ ва сажда ҳамда қиём узрли бўлиб қолса,  
имо қиласи. Тик туриб имо қиласиди. Ўтириб имо қи-  
лиш маҳбубдир. Саждасини рукуъдан пастроқ қиласи.  
Сажда қилиш учун бирор нарсани кўтармайди.

Агар ўтиришга ҳам қодир бўлмаса, қиблага юзланган  
ҳолда, ёнбошлиб ёки чалқанча ётиб ўқийди. Чалқанча ҳол

яхшироқдир. Имо бош билан бўлади. Агар бош билан имо қилиш ҳам узрли бўлса, кечга суради.

Имо қилаётган намоз ичида тузалиб қолса, намозни янгитдан ўқийди.

Ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда билан намоз ўқиётган одам намоз ичида тузалиб қолса, тик турган ҳолда давом эттиради.

Юриб бораётган кемада узрсиз ўтириб намоз ўқиса, тўғри бўлади. Боғланган кемада тўғри бўлмайди. Илло, узр бўлса, тўғри бўлади.

Бир кечаю бир кундуз жинни бўлган ёки хушидан кетган одам ўтган намозларни қазо қиласди. Агар бир соат зиёда бўлса ҳам, қазо қилмайди.

Аллоҳ таоло бандаларни тоқатларидан ташқари амалларга буюрмайди. Уларнинг ҳолатларини эътиборга олади. Бемор бўлиб қолган кишининг bemorligi ҳисобга олинади. Намоз – ниҳоятда аҳамиятли ибодат. Уни вактинчалик бўлса ҳам, тарқ қилиб бўлмайди. Агар шундай қилинса, банда намоздан узоклашиб қолади. Намоздан узоклашиш эса Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоклашишдир. Айниқса bemor banda Аллоҳ таолога ёлвориши, Унинг раҳматидан умидвор бўлиши матлубдир.

Шунинг учун bemor киши ҳам имкони борича намозини ўқийверади. Бу ҳам Исломнинг енгиллик дини эканининг ёрқин далилидир.

**Намозда ундан аввал ёки намоз асносида пайдо бўлган bemorlik сабабли тик туриш узрли бўлиб қолса, ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда қиласди.**

Агар bemorлик туфайли тик туриб намоз ўқиш имкони бўлмаса ёки тик турса, bemorligi зиёда бўлиш хавфи бўлса, тузалиши орқага сурилса, тик турганда

шиддатли алам бўлса ёхуд боши айланса, ўтириб рукуъ ва сажда қилиб, намоз ўқийди.

Бу хукмга далил қуйидагича:

عَنْ عُمَرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ: كَانَتْ بِيْ بَوَاسِيرُ فَسَأَلَتْهُ النَّبِيُّ ﷺ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ: صَلِّ قَائِمًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمٌ.

*Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Менинг бавосирим бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. Ул зот: «Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар».

*Бешовларидан фақат имом Муслим ривоят қилмаган.*

**Агар рукуъ ва сажда ҳамда қиём узрли бўлиб қолса, имо қиласи. Тик туриб имо қилмайди. Ўтириб имо қилиш маҳбубдир.**

Ўрнидан туриб намоз ўқий олмайдиган одам ўтирган ҳолида рукуъ ва сажда қила олмаса, ўтирган ҳолида имо билан намоз ўқийди. Тик туриб имо қилмайди.

Аммо рукуъ ва сажда қила олмаса-ю, тик туришга қодир бўлса ҳам, ўтириб, имо билан намоз ўқийди.

**Ўтириб имо қилиш маҳбубдир.**

Ўтирган ҳолда имо билан намоз ўқиш тик туриб, имо билан намоз ўқишидан яхшидир. Чунки ўтирганда ерга яқин бўлади.

**Саждасини рукуъдан пастроқ қиласи.**

Имо билан намоз ўқиган одам саждасини рукуъдан пастроқ қиласи. Чунки аслида ҳам сажда рукуъдан паст бўлади.

**Сажда қилиш учун бирор нарсаны күттармайды.**

رَوَى الْبَزَارُ وَالْبَيْهَقِيُّ عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْ أَبِيهِ وَالطَّبَرَانِيُّ عَنْ أَبْنَاءِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ عَادَ مَرِيضًا، فَرَأَهُ يُصَلِّي عَلَى وَسَادَةَ فَأَخْذَهَا فَرَمَى بِهَا، فَأَخْذَ - أَيَّ الْمَرِيضُ - عُودًا لِيُصَلِّي عَلَيْهِ، فَأَخْذَهَا فَرَمَى بِهِ وَقَالَ: صَلِّ عَلَى الْأَرْضِ إِنْ اسْتَطَعْتَ، وَإِلَّا فَأَوْمِ إِيمَاءً، وَاجْعَلْ سُجُودَكَ أَخْفَضْ مِنْ رُكُوعِكَ.

Баззор ва Байҳақий Жобир розияллоҳу анҳудан, Табароний ибн Умар розияллоҳу анҳумодан қилған ривоятда қүйидагилар айтиласы:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир беморни күргани бордилар. Унинг болиш устига намоз ўқиётганини кўриб, уни олиб, отиб юбордилар. У бир чўпни олиб, ўшанга сажда қилмоқчи бўлди. Ул зот уни ҳам олиб, отиб юбордилар ва: «Агар қодир бўлсанг, ерга сажда қил. Бўлмаса, имо қил. Саждангни рукуъингдан пастроқ қил», дедилар».

Имо билан намоз ўқувчи бир нарсани олиб, бошини унга эгиб, пешонасини қўйиб сажда қилса, дуруст. Аммо бошини эгмасдан, ҳалиги нарсани пешонасига олиб бориб теккизса, бўлмайди.

**Агар ўтиришга ҳам қодир бўлмаса, қиблага юзланган ҳолда ёнбошлаб ёки чалқанча ётиб ўқийди.**

Чалқанча ётганда оёғини қиблага қаратиб, бир оз кўтариб қўйилади. Шунда қиблага оёғини чўзмаган бўлади. Бошининг остиғи қўйиб, юзи қиблага қаратилади.

**Чалқанча ҳол яхшироқдир.**

Шунда имоси Каъба томонга бўлади.  
**Имо бош билан бўлади.**  
 Қош ёки кўз билан бўлмайди.  
**Агар бош билан имо қилиш ҳам узрли бўлса, кечга суради.**

Аммо намоз соқит бўлмайди. Қодир бўлганда унинг қазосини ўқиб беради. Агар ўша беморликдан тузалмай вафот қиласа, афв қилинади. Фидя бериш ҳам лозим бўлмайди.

**Имо қилаётган намоз ичида тузалиб қолса, намозни янгитдан ўқийди.**

Шунингдек, ёнбошлаб ўқиётган одам ўтиришга қодир бўлиб қолса ҳам, намозни янгитдан бошлайди.

**Ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда ила намоз ўқиётган одам намоз ичида тузалиб қолса, тик турган ҳолда давом эттиради. Юриб бораётган кемада узрсиз ўтириб намоз ўқиса, тўғри бўлади.**

Агар кема кичик бўлиб, унда бош айланиши ва тургунсизлик муҳаққақ бўлса, шундай қилинади. Аммо кемада тик туриб ўқишнинг имкони бўлса, тик туриб ўқиган афзал.

رَوَى الدَّارُقْطَنِيُّ وَالْحَاكِمُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ سُئِلَ كَيْفَ أُصَلِّي فِي السَّفِينَةِ؟ فَقَالَ: صَلِّ قَائِمًا إِلَّا أَنْ تَخَافَ الْعَرَقَ.

*Ином Дора Қутний ва Ҳоким қилган ривоятда айтилишича:*

«Набий алайхиссаломдан: «Кемада қандай қилиб намоз ўқийман?»» деб сўрашди.

«Тик туриб ўқи, ғарқ бўлишдан қўрқсанггина (ўтириб ўқи), дедилар».

**Боғланган кемада түғри бўлмайди.**

Яъни боғланган кемада узрсиз ўтириб намоз ўқиш түғри эмас. Чунки одатда боғланган кемада бош айланмайди ва тик туриш қийин бўлмайди.

**Илло, узр бўлса, түғри бўлади.**

Яъни боғланган ҳолда ҳам кема қаттиқ чайқалиб турган бўлса, унда ўтириб намоз ўқиш түғри бўлади.

**Бир кечаю бир кундуз жинни бўлган ёки хушидан кетган одам ўтган намозларни қазо қиласди.**

Ибн Умар, Аммор ибн Ёсир ва ҳазрати Алий розияллоҳу анхум ўзларидан кетганларидан кейин хушларига келганларида намозни қазо қилиб ўқиганлар.

رَوَى الدَّارِقُطْنِيُّ، عَنْ يَزِيدٍ، مَوْلَى عَمَّارٍ بْنِ يَاسِرٍ: أَنَّ عَمَّارَ  
بْنَ يَاسِرَ أُغْمِيَ عَلَيْهِ فِي الظُّهُرِ وَالْعَصْرِ وَالْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءِ، وَأَفَاقَ  
نِصْفَ اللَّيْلِ فَقَضَاهُنَّ.

Дора Қутний Аммор ибн Ёсирнинг мавлоси Язиддан ривоят қиласди:

«Аммор ибн Ёсир пешин, аср, шом ва хуфтонда ҳушидан кетиб ётди. Ярим кечада ўзига келди ва ҳаммасини қазо қилди».

**Агар бир соат зиёда бўлса ҳам, қазо қилмайди.**

Бу ердаги соат олтмиш дақиқани эмас, бир оз муддатни билдиради. Яъни мазкур икки ҳолат бир кечаю бир кундуздан бироз ўтиб кетса, намозларнинг қазосини ўқимай қўяверади («Кифоя» китобидан олинди). *Валлоҳу аълам.*

## 321-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Рамазон ойида эмизикли фарзанди бор аёл рўза туттмай, таровеҳ намозини уйда ўқиб, Куръон хатм қилса бўладими? Жавобингиз учун раҳмат. Аллоҳ илмингизни янада зиёда қилсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Эмизикли фарзанди бор аёл рўза тутса, ўзига ёки фарзандига заарар етадиган бўлса, оғзини очишга рухсат бор. Аммо рўза тутгани яхши. Албатта, таровеҳ ва хатм қилса бўлади. Рўза тутмаса, кейин қазосини тутиб бериши шарт. *Валлоҳу аълам.*

## 322-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Олдинлари мен витрдан сўнг таҳајюәд, яъни нафл намозини ўқир эдим. Ҳозир эса нафлдан сўнг витрни ўқийман. Бу хатоимни билганимдан сўнг эски намозларимга футур етмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Билмаганингиз учун истигфор айтинг, Аллоҳ мағфират қиласи, иншааллоҳ. Ўқилган намозларга футур етмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 323-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Атрофимда илмли одам бўлмагани учун жуда қийналаман. Шамоллаган ҳолимда ўқиган намоз ва тутган рўзаларим нима бўлади? Бу ишларим нотўғри бўлса, Аллоҳ кечирадими? Илтимос, сиз ҳам дуо қилинг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Шамоллаш намоз ўқиши ва рўза тутишни ман қилмайди. Шамоллагандаги ўқилган намоз ва тутилган рўзалар қабул, инишааллоҳ. Аксинча, шамолладим, деб намоз ўқимаса, гуноҳ бўлади. Рўза тутишда эса ҳолатга қаралади, машаққати бўлмаса, тутилаверади. Машаққат бўлса, тутмай, кейинроқ қазоси тутиб берилади. **Валлоҳу аълам.**

### 324-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Мен аввалроқ жуфти ҳалолим вафот этгани, унинг тутолмаган рўзалари учун ҳар душанба-пайшанба кунлари рўза тутаётганимни ва Аллоҳ розилиги учун унинг номидан намоз ўқиётганимни ёзгандим. Аммо менга бундай қилмаслигимни айтиб, бундан бошқа тўғри йўлни кўрсатишганди. «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобининг «Рўза» – 41-бобида марҳумнинг қолдирган рўзаси ҳақида ёзилган экан. Шунга риоя қилиб, рўза тутаётгандим. Унда фақат ота-она учун мумкин, дейилганми ёки жуфти ҳалолим учун ҳам тутсам бўладими? Чунки «Ҳамма учун Аллоҳнинг қарзини адо этиш бошқа қарзларни адо этишдан кўра зарурроқдир», дейилган. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин.*

### ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Ҳаётлик вақтида имо билан ҳам намоз ўқишдан ожиз бўлган одам каффорат беришни васият қилиши лозим эмас. Чунки у узрли хисобланади.

Шунингдек, сафар ёки хасталик туфайли рўза тута олмаган одам тузалмасдан ёки сафардан қайтмасдан ўлиб қолса-ю, фидя беришни васият қилмаган бўлса ҳам мазкур фидяни адо қилиш мустаҳабдир.

Ким узрсиз, ҳатто имо билан ўқишига қодир бўлиб туриб, олти намоздан зиёдни қолдирган бўлса, каффорат беришни васият қилиши лозимдир. Рамазонда узрсиз рўзасини бузган одам ҳам шунга ўхшашдир.

Уларнинг фидяси ва каффорати қолдирган меросининг учдан биридан берилади. Ўлганинг валийси фидяни ўз хисобидан берса ҳам бўлади.

Фидя ва каффоратнинг миқдори бир кунлик намоз учун ярим соъ буғдой (1087,5 гр) ёки унинг қиймати, бир кунлик рўза учун ҳам шунча бўлади.

Киши ўзи ҳаётлик чоғида ўқимаган намозининг каффоратини тўлаши мумкин эмас. Аммо қазосини бажаришга кўзи етмаса, рўзаникини беради.

Меросхўрлар вафот этган шахснинг қазо намозларини ўқиб қўйиши жоиз эмас. Чунки намоз шахсий баданий ибодатdir. Аммо унинг қазо намозлари учун каффорат берсалар, марҳумга кўп яхшилик қилган бўладилар.

(«Зикр аҳлидан сўранг»)

## РҮЗА

325-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қизим Рамазон ойи бошланғанида 1 йилу 8 ойлик бүлади, инишааллоҳ. Сиздан сұрамоқчи бүлган нарсам шуки, қизимни сутдан ажратиб, рўза тутсаммикан ёки 2 ёшгача эмизишим керакми? Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қылсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Шариатда тўлиқ эмизиши муддати икки йил экани баён қилинган. Икки йил эмизиши фарз ёки шарт, дейилмаган. Шароитингизга қараб иш тутиверасиз. Овқатга кириб қолган болани эмизиши билан бирга бошқа озуқалар билан боқиб, рўза тутишга қодир бўлсангиз, рўзани тутишингиз шарт. 1 йилу 8 ойлик бола одатда бошқа озуқаларни ҳам итъемол қилади. Сизнинг ҳолатингизда рўза тутиверган аъло. *Валлоҳу аълам.*

326-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа! Саволим: бир танишим саҳар вақтида ухлаб қолса, кун давомида оч юриши орқали рўза тутар эди. Шу тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Рўза бомдоддан то шомгача еб-ичиш ва жимоъдан тийилиш-ку! Рўза оч юриб тутилмаса, бошқа қандай тутилади? Саҳарлик қилиш рўзанинг шарти эмас, саҳарликка ухлаб қолиш оғиз очишга рухсат ҳам эмас. Саҳарликда бирор нарса ейиш ёки ичиш суннат амалдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга тарғиб қилғанлар. Саҳарликка турса, суннатга мувофиқ

тамадди қилиб олади. Саҳарликдан ухлаб қолса, емай-ичмай тутаверади. Бошқа имкон ҳам йўқ. *Валлоҳу аълам.*

327-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ сизлардан рози бўлсин!  
Сиздан шаввол ойи рўзаси ҳақида сўрамоқчи эдим.  
Менинг Рамазон ойидан б кунлик рўза қарзим бор эди.  
Шаввол ойида б кунни қўшиб, 12 кун рўза тутмоқчи бўлдим.  
10 кун рўза тутганимдан кейин яна узрли бўлиб қолдим.  
Қолган икки кунини кейинги ойда тутсам ҳам, бир йиллик рўза савобидан умид қилсанам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Қарзи бор одам қарзларини адо этмай туриб, нафл рўза тута олмайди. Шаввол ойида тутилган б кунлик рўзангиз қарз хисобланади. Қолган 4 кунлиги нафлга ўтади. Бир йиллик савоб учун айнан шаввол ойидан б кун тутиш керак. Аммо қарз бўлса-да, шу ойда тутилгани сабаб бир йиллик рўзанинг савобини умид қилаверамиз. Аллоҳнинг марҳамати кенг. *Валлоҳу аълам.*

328-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Рўзадор одам тишларини тиши пастасида ювса, унинг таъми рўзани очмайдими?  
Таҳоратда гаргара қилса-чи? Эътибор учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Тиш пастаси ва гаргара қилгандаги сув ичга кетмаса бўлди, рўза очилмайди, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## 329-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Фарзми, нафлми ёки қазоми, хуллас, рўза тутмоқчи бўлса-ю, лекин саҳарликка турганда бомдод вақти кириб қолган бўлса, ҳеч нарса емай, ният қиласими ёки бироз еб оладими? Агар кечаси ният қилмай, бомдод вақтида нафл тутиши эсига келса-чи?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Дарҳақиқат, рўза фарз, қазо ёки нафл бўлиши мумкин. Рамазон рўзасини тутаётган одам саҳарликка ухлаб қолса, уйғонганида ҳеч нарса емай, рўза тутади. Қазо рўза тутмоқчи бўлган киши кечаси ният қилиши керак. Кечаси ният қилиб, саҳарликка ухлаб қолса, ҳеч нарса емай, рўза тутаверади. Нафл рўза тутмоқчи бўлган одам кечаси ният қилмаган бўлса, кундузи ният қилиб олаверса бўлади, шарти – ҳеч нарса емаган ва ичмаган, жинсий яқинлик қилмаган бўлиши керак.

Умуман, рўзанинг қай бир турини тутишдан қатъи назар, саҳарликка ухлаб қолган одам ҳеч нарса емайди, ичмайди, рўзанинг очилишига сабаб бўладиган амаларни бажармайди.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни олдимизга кириб: «Хузурингизда бирор нарса борми?» дедилар. «Йўқ», дедик. «Ундей бўлса, мен рўзадорман», дедилар. Сўнгра бошқа бир куни олдимизга келган эдилар, «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳийс ҳадя қилинди», дедик. «Қани, менга кўрсат-чи! Рўза ният қилган эдим», дедилар ва ундан едилар».

(Бешовларидан фақат Имом Бухорий ривоят қилмаган.)

«Хийс» – арабларнинг хурмо, сариёғ, қурут ёки унни аралаштириб тайёрлайдиган таомлари.

Мазкур ҳадисдан аввал рўза тутиш ниятида бўлмаган одам кундузи рўзани бузувчи нарсани қилмай турив, ният қилиб олса бўлаверишини ва нафл рўза тутивчининг ихтиёри ўзида эканлиги, агар хоҳласа, очиб юборавериши мумкинлигини билиб оламиз.

Хулоса шуки, Рамазон рўзаси ва нафл рўза тутишга кечаси ният қилиш шарт эмас. Аммо қазо рўзага кечаси ният қилиш лозим.

Саҳарликка ухлаб қолган киши шаръий наҳорнинг (тонг отгандан, яъни субҳи содикдан кун ботгунгача, яъни шомгача бўлган вақтнинг) ярмидан олдин ният қилиб олиши шарт. Ният қалб билан бўлади. Тил билан ният қилиш суннатдир. *Валлоҳу аълам.*

### 330-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Аллоҳ илмингизни зиёда қиласин. Аввалроқ ҳам савол билан мурожаат қилгандим, ниҳоятда чиройли жавоб бердингиз. Жуда хурсанд бўлдим. Яна битта саволим бор эди. Рамазон ойидан ташқари, яна қайси ойларда рўза тутса бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлишингиз учун «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг рўзага бағишлиланган жузини ўқишини тавсия қиласман. Унда ба-тафсил жавоб берилган. Мазкур китобни топиб ўқигу-нингизга қадар қисқароқ жавоб бериб тураман.

Рамазондан ташқари ҳар қандай вақтда рўза тутиш жоиз. Фақат ҳайит кунлари рўза тутиш ман қилинган.

Ушбу кунларда рўза тутишнинг савоби кўпроқ:

\* Мұхаррам ойининг рўзаси (бу ойда кўпроқ нафл рўза тутишга тарғиб бор);

\* Ашуро кунининг рўзаси (муҳаррам ойининг ўнинчи куни);

\* Ражаб ойининг рўзаси (бу ой ҳаром ойлардан ҳисобланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаром ойларда кўпроқ нафл рўза тутишга тарғиб қилганлар. Ҳаром ойлар: муҳаррам, зулқаъда, зулхижжа ва ражаб ойлари);

\* Шаъбон ойининг рўзаси;

\* Шаввол ойида олти кун рўза тутиш;

\* Зулхижжанинг бошида тўққиз кун рўза тутиш;

\* Ҳожидан бошқага арафа куни рўза тутиш;

\* Ҳар ойдан уч кун рўза тутиш (бу уч кун оқ кунларга тўғри келса, янада афзалдир. Ой тўлишиб, ўн уч кунлик бўлганда энг ёруғ бўлади. Ана шу ўн учинчи ва ундан кейинги ўн тўртингчى, ўн бешинчи кечалар оқ тунлар, ўша кунлар оқ кунлар дейилади.);

\* Душанба ва пайшанба кунлари рўза тутиш;

\* Шунингдек, Аллоҳ учун энг маҳбуб рўза Довуд алайҳиссаломнинг рўзалари бўлиб, кунора рўза тутиш макбул кўрилгандир. *Валлоҳу аълам.*

### 331-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ифторликдан кейин, ухлашдан олдин ният қилсам ёки уйқуга қадар ҳеч нарса емай, эртаси куни ўзимни рўзадор ҳисобласам бўладими? Яна ифторликдан сўнг эртанги кун рўзасини ният қилиб, ухлайдиган пайтгача ейиш мумкинми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Рўза тутиладиган куннинг фажридан то қуёш ботгунга қадар емаслик, ичмаслик

ва жимоъ қилмасликни ният қилсангиз ва шу вақт ичидан ниятнингизга амал қилсангиз бўлди, рўзадор бўлиш учун шунинг ўзи кифоя. Шомдан, яъни ифттор пайтидан то сахарлик, бомдод пайтигача еб-ичиш жоиз. Лекин сахарлик қилиш ва оғиз ёпиладиган вақтда дуо қилиб, ўша куннинг рўзасини тутишни ният қилиш суннатдир. Суннат амални тарк этмасдан, ихлос билан бажарганингиз учун ҳам алоҳида савоб оласиз. **Валлоҳу аълам.**

### 332-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бундан бир неча йил олдин (унда дунёқарашим анча саёз бўлган) рўзадор пайтимда чанқоқ кучлилик қилиб ва нафсга берилиб, сув ишиб юборганман. Энди каффорат рўзасини тутишим ёки 60 та мискинни таомлантиришим керакми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Кетма-кет 60 кун каффорат рўзасини тутасиз. Бунга имконингиз бўлмаса, 60 та мискинни тўйдирасиз. Шу билан бирга, тутмаган рўзала-рингизнинг қазосини ҳам тутасиз. **Валлоҳу аълам.**

### 333-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ёшим 35 да. Рамазон яқинлаши моқда. Деярли 17 йилдан буён рўза тутаман. Ўтган или қандли диабет касалига чалиндим. Оғзим доим қуриб, суюқлик ишиб юраман. Рўза тутиши ниятим бор. Оғзимни сув билан тез-тез чайиб турсам бўладими?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Аллоҳ шифои комил берсин. Ибодатларингизни Ўз даргоҳида қабул этсин. Аввал шифокор билан маслаҳатлашиб кўринг, сизга рўза ту-

тиш мүмкінми? Агар тутадиган бўлсангиз, оғизни тез-тез чайиб туришингиз жоиз. Фақат томоғингиздан ўтиб кетмаса бўлди. *Валлоҳу аълам.*

### 334-САВОЛ

*Аллоҳ олдида қарзларимиз, яъни вақтида тутмаган рўзаларимиз жуда ҳам кўп. Отам ҳам бу дунёдан рўза тутмасдан, намоз ўқимасдан ўтиб кетганлар. Аллоҳ олдидағи ўзимиз ва отамизнинг қазо намозу рўзаларини қандай адo этсак бўлади? Жавобингизга жудаям муҳтожмиз. Аллоҳ қилаётган хизматларингиздан рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Қазо рўзаларингизни кучингиз етганича тутиб бора-верасиз. Қазо намозларингизни ҳам ўқийверасиз. Аммо отангизнинг намоз ва рўзаларини қазо қила олмайсиз.

Исломда ибодатлар уч хил бўлиб, улардан бири – соф бадан ибодатидир. Масалан, намоз, рўза каби ибодатларда Аллоҳ таолога бўйсуниш, сифиниш инсоннинг бадани, рухи билан бўлади. Молга, пулга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бундай бадан ибодатлари ҳар бир инсонга бирламчи фарз (фарзи айн) бўлади. Уни ҳар бир инсон ўзи бажармоғи лозим, бирорнинг ўрнига бошқа бирор намоз ўқиб ёки рўза тутиб бера олмайди.

Вафот этган мусулмон кишининг қолдирган рўзаларини ҳар бир куни учун бир мискин таоми микдорида фидя бериш билан ўташ мумкин. Бу маънода оят ва ҳадислар бор. Агар марҳум буни ўзи васият қилган бўлса, фидя унинг меросининг учдан биридан берилади. Агар васият қилмаган бўлса, меросхўрлар ўз ҳисобларидан беришлари мумкин.

Уламоларимиз рўзага қиёслаб, ҳар бир намоз учун ҳам шу микдорда фидя бериш мумкин, деганлар. Аммо бу рўзаники каби қатъий бўлмай, фақат умид маъносида эканини ҳам таъкидлаганлар. *Валлоҳу аълам.*

### ЗАКОТ

#### 335-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен Рамазон ойида закотни адо эта олмай қолгандим, чунки закот учун бериладиган маблаг нақд пул қўринишида ўзимда йўқ эди. Ана шу пул энди қўлимга келиб тушиби. Адо этсам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Албатта, бўлади. Закотни адо этишингиз фарз! Вақтида бажарилмагани кейин адо этилади. Аллоҳ қабул қилсин! *Валлоҳу аълам.*

#### 336-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Тилладан, машинадан ва бошқа шунга ўхшаши нарсалардан қанча закот чиқариш керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Машинадан ўзингиз фойдаланадиган бўлсангиз, закот бермайсиз. Аммо тижорат учун бўлса, закот берасиз. Машинанинг ўзини тижоратга (сотувга) қўйган бўлсангиз, унинг нархидан кирқдан бири закот учун берилади. Агар уни бирорвга ижарага бериб қўйган бўлсангиз, ундан келаётган маблағнинг кирқдан бирини чиқарасиз. Тилла нисобга, яъни 85 граммга етган бўлса, унинг нархининг қирқдан бирини чиқарасиз. *Валлоҳу аълам.*

## ИЛМ

337-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Одинахон опа, сизге тажсвид ҳақида саволим бор эди. Мен Куръонни электрон вариантыдан эмас, балки илмли устоздан ўрганмоқчи эдим. Мадрасада ўқишига имкониятим йўқ. Кимдан ва қаердан ўргансам бўлади? Сиз устозлик қила оласизми?*

*Рамазон рўзасидан бу куни қазо бўлиб қолган эди. Шаъбон ойида ҳам 3-4 кун тутдим, лекин бир қунида ниятда адашиб, «Шаъбон рўзаси», деб ният қилибман. Энди кейинги ойда тутиб берсам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Ҳозир шогирд олиб, устозлик қилишга имкониятим йўқ. Яқин орада расмий диний ўқишилар очилиб қолишидан умидимиз бор.

«Шаъбон» деб нимани назарда тутдингиз, тушунмадим. Рамазондан аввалги ой шаъбон, Рамазондан кейингиси шаввоздир. Англашимча, сиз Рамазонда олти кун қазо қилгансиз ва кейинги ой – шавволда қазосини тутиб, саноқда ва ниятда адашгансиз. Рамазон рўзасининг қазосини ҳар қандай ойда тутсангиз бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

338-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, Одинахон опа! Олдинги жавоблар учун сизга кўп ташаккур билдираман. Бугунги саволим тажсвид илмидан. Сизнинг қаламингизга оид «Муфассал тажсвид» китобини ўқиётган эдим. Мен авваллари «ъайн» ҳарфини яхши чиқара олмасдим, ҳозир ҳаракат қиляпман. Бу ҳарф истифола ҳарфларга тегишли бўлиб, у талаффуз қилинганда*

*тилнинг орқаси, юқори танглай кўтаришмай, ингичка талаффуз қилинишини билдим. Аммо ойнага қараб талаффуз қилсан, худди истеъло – «гойн» каби тилим кўтариляпти ва ҳалқумим бироз қисилганда-гина чиқяпти. Қанча ҳаракат қилмай, тилим қалин ўқиладиган «гойн» ҳарфига ўхшааш кўтаришганини кўрятман. Бу билан Куръонни хато ўқиётган бўла-манми? Нотўғри савол берган бўлсанам, узр.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Ҳарфнинг маҳражи (чиқадиган жойи) ва тўғри талаффуз қилиш йўлини билиб олиб, ҳарфни нутқ қилишни машқ қилиш керак. Тажвид ил-мидаги асосий нарсалардан бири ҳарф нутқини машқ қилишдир. Араб ҳарфларининг баъзисининг талаффузи қийинроқ ва бунда машқ қилишга эҳтиёж бор. «Ҷайн» ҳарфи «Ғойн» ҳарфидан маҳраж жиҳатидан пастроқдир. «Ҷайн» маҳражи устига кўлни қўйиб, ҳарфнинг чиқаётганини ҳис этиб машқ қилиш керак. Кўп такрор билан ўрганиб кетасиз, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

**339-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, устоз! Ростини айтсанам, мен сизни Ҳазратимизнинг вафотларидан кейин танидим, ўшандаги ҳам, уларнинг қизлари сифатида. Ҳазрат тириклик пайтларида кўп марта дуо сўраб ёзмоқчи бўлганман, лекин уддасидан чиқа олмагандим. Афсус, энди бу армонга айланди. 18 йил яшаб, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳақидаги китобларни ўқимаганимдан, шундай зотни танимаганимдан хафа бўлдим. Кеч бўлса-да, сиздай инсонни таниганимдан хурсандман. Тушларимда Ҳазратимизнинг менга чиройли муомала қилганларини кўриб, ўзимча тушимда бўлса ҳам кўрдим-ку, деб хурсанд*

**бўлиб қўяман. Мен ҳозирда Россия шаҳарларидан бирда яшайман. Интернет орқали қория ва қориларни кўриб, уларга ҳавас қилиб, 5 пора Куръон ёдладим. Лекин кўпчилик: «Турмушга чиққанингдан кейин қолиб кетади», деяпти. Бироқ ниятим – умримнинг охири гача бўлса ҳам, Куръон ёдлаш, Аллоҳнинг ризолигига эришиб, ота-онамнинг бошларига тож кийдиши. Сиз билан қўришиб, сиздан сабоқ олишини, сизга муносиб шогирд бўлишини, хизматингизда юришини орзу қиласман. Агар қўнглингизга озор бериб қўйган бўлсам, узр. Илтимос, дуоларингизда эслаб қўйинг.**

**Аллоҳум йози сизни ва барча устозларимизни паноҳида асрасин. Умрингизни зиёда қилсин. Сизга икки дунё яхшиликларини ато этсин. Ҳазратни Пайгамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алаихи васаллам билан бирга қилсин!**

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Сизга ташаккур, синглим. Аллоҳ таоло қулфи дилингизни янада очсин. Илмингиз зиёда бўлсин. Дийдорни насиб айласин. Илм олиш бир умрлик нарса. Иншааллоҳ, сиз ҳам келажакда дин ва илм хизматида бўласиз. *Валлоҳу аълам.*

### **340-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Имоми Аъзам ҳақида тўлиқ маълумотни қайси китобдан ёки сайтдан олсан бўлади? Шайх ҳазратларининг бу инсон ҳақида маърузалари борми?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. «Кифоя» китобининг биринчи жузида, шунингдек, «Фиқҳ.уз» сайтида Имоми Аъзам ҳақларида маълумотлар келтирилган. Ҳазратимизнинг дисклари ҳам бор.

## Имом Абу Ҳанифа ва у кишининг мазҳаблари

Мусулмонлар оммасига Имоми Аъзам номи ила машҳур бўлган бу зот ҳақларида кўплаб мақолалар ва китоблар ёзилган. Биз эса у кишининг улуғ ҳаётлари билан қисқача танишиб чиқамиз.

Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ибн Зутий Кўфа шаҳрида хижрий 80 санада таваллуд топдилар. У киши фиқҳ бўйича мазҳаб бошликлари ичидаги энг аввал туғилганларидир.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг оталари Собит ибн Зутий асли форс бўлган. Боболари эса қобуллик эди. Оталари Термиз, Наса ва Анбор шаҳарларида яшаб, охири Кўфада қарор топган ҳамда Абу Ҳанифа айни шу шаҳарда дунёга келганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг оталари Алий розияллоҳу анху билан учрашган ва ўзига ҳамда зурриётига барака тилаб, у кишининг дуоларини олган эди.

Кўпчилик тарихчилар Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни тобеъинлардан кейинги авлод мусулмонларидан, дейдилар. Аммо баъзилар у кишининг тобеъин бўлганлари, саҳобалардан Анас ибн Молик розияллоҳу анхуни кўриб, у кишидан «Талаби илм ҳар бир мусулмонга фарздир» ҳадисини ривоят қилинганларини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Восила ибн Асқаъ, Омир ибн Восила розияллоҳу анхум каби саҳобалар билан ҳам кўришганлар. Аммо уларнинг сухбатларида бўлмаганлар. Саҳобани кўрган шахс тобеъин бўлади, деган уламолар: «Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ – тобеъин», дейдилар. Саҳобани кўрса-ю, сухбатини топмаса, тобеъин бўлмайди, дейдиган уламолар: «Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ тобеъин бўлмаган», деб айтадилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўша вақтнинг катта шаҳари бўлган Кўфада ўсдилар. Кичикликларида қироат устозларининг бошлиғи имом Осимдан Қуръони Каримни ёд олдилар.

Ёшликларидан таҳсили илм қилдилар, бир вақтнинг ўзида касб ҳам юритдилар, яъни ипак сотиш билан шуғулландилар. Илм мажлисларидан кўра бозорда кўп бўлардилар. Кўпчилик эса у кишидаги ақл-заковат ва ўткир зеҳнни кўриб, илмга уриниш лозимлигини таъкидлар эди. Охири бу фикр Абу Ҳанифанинг ўзларига етказилди.

Ибн Ҳажар Маккий ёзади:

«Абу Ҳанифа айтдики: «Бир куни Шаъбийнинг олдиндан ўтиб қолдим. У ўтирган экан. У мени олдига чакириб:

– Кимга аралашасан? – деди.

– Бозорга аралашаман, – дедим.

– Бозорни айтаётганим йўқ. Уламоларга аралашини сўрайпман, – деди.

– Мен уларга оз аралашаман, – дедим.

– Ундан қилма! Илмга назар сол. Уламолар мажлисига бор. Мен сенда сергаклик ва ҳаракатни кўряпман, – деди.

Унинг гапи менга таъсир қилди. Бозорга боришни тарк қилиб, илм олишни бошладим. Унинг сўзи ила Аллоҳ менга манфаат берди».

Дастлаб у киши ақоид илмини ўргандилар. Калом илмида донг таратдилар.

Яҳё ибн Шайбондан қилинган ривоятда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ қуидагиларни айтганлар:

«Мен каломда тортишиш қобилияти берилган одам эдим. Бир муддат унга аралашиб юрдим, талашдим, тортишдим. Хусумат ва мужодала соҳибларининг кўплари Басрада эди. Басрага йигирма мартадан ортиқроқ бордим. Бир йил, ундан кўп ёки озрок турдим. Хавориж-

ларнинг Абозия, Суфрия деган тоифалари ва бошқалар билан низолашдим. Ўша пайтда каломни илмларнинг афзали деб билар эдим. Бу калом диннинг аслидир, дер эдим. Унда бир муддат умрим ўтганидан кейин ўзимни ўзим тергадим. Тадаббур қилдим».

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари имом Зуфар ибн Ҳузайл айтади:

«Абу Ҳанифа қўйидагиларни айтганини эшилдим: «Каломга назар солар эдим. Ҳатто бунда бармоқ ила ишора қилинадиган даражага етдим. Биз Ҳаммод ибн Сулаймоннинг ҳалқаси яқинида ўтирас эдик. Кунлардан бир кун битта аёл келиб:

– Бир кишининг чўри хотини бор. Суннатга мувоғиқ талоқ қилмоқчи бўлди. Неча талоқ қилади? – деди.

Бориб, Ҳаммоддан сўрашни ва қайтиб келиб, менга хабарини беришни амр қилдим. У Ҳаммоддан сўради. У: «Ҳайздан ва жинсий яқинликдан пок бўлганда бир талоқ қўяди. Сўнг икки марта ҳайз кўргунча тек қўяди. Қачон ғусл қилса, бошқа эркаклар учун ҳалол бўлади», деди. Аёл қайтиб кетди.

Мен (энди) каломга ҳожатим йўқ, дедим-да, кавушимни олиб, Ҳаммоднинг олдида ўтирдим. Унинг масалаларини эшитар ва гапини ёдлаб олар эдим. Эртасига қайтарса, мен эслаб қолган бўлардим. Бошқалар хато қилишарди. Шунда у: «Ҳалқанинг бошида, менинг рўпарамда Абу Ҳанифадан бошқа ўтирмасин!» деди».

### **Абу Ҳанифанинг устозлари**

Юкоридаги сатрларда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ саҳобалардан Анас ибн Молик розияллоҳу анхуни кўриб, у кишидан «Талаби илм ҳар бир мусулмонга фарзdir» ҳадисини ривоят қилганларини, шунингдек, у киши Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Восила ибн Асқаъ, Омир

ибн Восила розияллоҳу анхум каби саҳобалар билан ҳам күришганлари ва кичикликларида қироат устозларининг бошлиғи имом Осим ибн Абу Нажжуддан Қуръони Каримни ёд олганлари зикр қилиб ўтилган эди.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг тобеъинлардан илм олганлари ҳакида ҳеч қандай шубҳа йўқ. У киши қуидаги зотлардан дарс ўрганганлар:

- 1. Шаъбий.** Асарга кўп эътибор берган зот эдилар.
- 2. Икрима розияллоҳу анху.** У киши Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг шогирди эдилар.
- 3. Нофеъ розияллоҳу анху.** У киши Ибн Умар розияллоҳу анхунинг шогирди эдилар.
- 4. Ато ибн Абу Рабоҳ розияллоҳу анху.** Ибн Аббоснинг илми ўша кишида эди. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ у киши билан Маккада учрашганлар ва илм олиб, муноқашалар қилганлар.

Кейинчалик Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ фикҳга ружуъ қўйдилар. Ўша вақтнинг катта машойихларидан дарс олдилар. Бу ҳақда ўзлари қуидагиларни айтадилар:

«Мен илм ва фикҳнинг конида эдим. Унинг аҳли ила мажлис қурдим. Уларнинг фуқаҳоларидан бир фақиҳни лозим тутдим».

**5. Ўша фақиҳ, аввал айтиб ўтилганидек, Ҳаммод ибн Сулаймон** эди. Имоми Аъзам у кишидан фикҳни тўла эгалладилар. Устозлари вафот этгунча бирга бўлдилар. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўн саккиз йил давомида Ҳаммод ибн Сулаймондан фикҳ илмини ўргандилар.

«Тарихи Бағдод» китобида имом Зуфардан Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг Ҳаммод ҳакидаги қуидаги хотиралари ривоят қилинади:

«Унинг сухбатида ўн йил бўлганимдан кейин нафсим риёsatни тилаб қолди. Ундан ажраб, ўзим учун алоҳида

ҳалқа қурмоқчи бўлдим. Ўша ишни қилиш мақсадида бир куни кечқурун масжидга чиқдим. Масжидга кириб, унга кўзим тушганида ундан ажрашни кўнглим кўтармади. Бориб, олдига ўтирдим.

Ўша куни Басрада унинг қариндоши вафот этгани ҳақида хабар келди. Ўша кишининг ундан бошқа меросхўри йўқ экан. Менга ўзининг ўрнига ўтиришимни амр қилди. Мен саволларга берган жавобларимни ёзиб бордим. У қайтиб келганида масалаларни кўрсатдим. Уларнинг сони олтмишта эди. У қирқтасини тўғри, йигирматасини нотўғри, деди. Шунда ўлгунича ундан айрилмасликка қасам ичдим ва вафотигача ундан айрилмадим».

Шу билан бирга, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ бошқа устозлардан ҳам дарс олар эдилар. У киши жуда кўп ҳажқилар, Макка ва Мадинада кўплаб уламолар билан илм мажлислари кураган эдилар. Айниқса тобеъинлардан ҳадис ривоят қиласи ва фикҳ музокарасини олиб борарадилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ Зайд ибн Алий ибн Ҳусайн, Жаъфар Содик, Абдуллоҳ ибн Ҳасан Нафсуззакия ва бошқа улуғ қишилардан ҳам илм олганлар.

**6. Зайд ибн Алий ибн Ҳусайн Зайнулобидин розияллоҳу анху.** У киши қироатлар ва улумул Қуръон илмлари, фикҳ ва ақоид илмларида кўзга кўринган аллома эдилар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ у кишидан икки йил дарс олганлар.

**7. Жаъфар ибн Мұхаммад Содик розияллоҳу анху.** Бу зот Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ билан тенгдош бўлганлар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ: «Аллоҳга қасамки, Жаъфар ибн Мұхаммад Содикдек фақиҳни кўрмаганман», деганлар.

**8. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан Нафсуззакия розияллоҳу анху.** Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ бу

зотга шогирд тушғанларини Маккий, Ибн Баззозий ва бошқалар таъкидлаганлар. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан Нафсуззакия розияллоҳу анҳу ҳадис ва бошқа илмларда пешқадам әдилар.

**9. Мұхаммад Қоқир ибн Зайнулобидин.** Бу зот чүкүр илмгә эга бўлганлари учун «Қоқир» лақабини олган әдилар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ у зот билан Мадинаи Мунавварада учрашганлар.

Устозлари Ҳаммод ибн Сулаймон вафот этганида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ кирқ ёшда әдилар. Устознинг ҳалқадаги ўрнини эгалладилар. У кишининг дарслири, илмий баҳслари бора-бора фикҳий мазҳабга айланди.

### **Абу Ҳанифанинг шогирдлари**

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари жуда ҳам кўп бўлганидан уларни номма-ном зикр қилиб ўтишнинг ўзи мушкул иш. Шунинг учун у зот раҳматуллоҳи алайҳнинг энг машҳур шогирдларидан баъзиларини эсга оламиз, холос.

**1. Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб ал-Ансорий бўлиб, Абу Юсуф** куняси билан машҳурдир.

У киши Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан кейин ўттиз икки йил ўтиб, вафот этганлар. Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ қуидаги китобларнинг муаллифиdir:

1. «Китобул Осор».

Бу китобни Юсуф отасидан, у киши эса Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан, сахобийдан ёки ўзлари рози бўлган тобеъиндан ривоят қилганлар.

«Китобул Осор»да тобеъинлар ва Ирок факихлари нинг кўпгина фатволари ҳам жамланган.

## 2. «Ихтилофи Ибн Абу Лайло».

Бу китобда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ билан қози Ибн Абу Лайло орасидаги хилофли масалалар жамланган. Муаллиф Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ-нинг ёnlарини олган. Бу китобни Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳдан у кишининг шериклари Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ривоят қилганлар.

## 3. «Ар-Радду ала сиyril Авзъий».

Бу жуда ҳам пухта китоб бўлиб, унда муаллиф Авзъийнинг уруш ҳолатида мусулмонлар билан бошқалар орасидаги алоқалар ва жиҳодга тааллуқли нарсалар борасидаги ихтилофларини баён қилган. Унда ироқликларнинг фикрларига ён босилган.

## 4. «Китобул Ҳарож».

Бу ўта муҳим китобда Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ Ислом давлатининг молиявий ишларига событ низом тузганлар. Унда у киши ўз шайхларига хилоф қилган нарсалар ҳам зикр қилинган.

## 2. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳ.

У киши ҳижрий 132 санада туғилиб, ҳижрий 189 санада вафот этганлар. Шайбонийга Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан узоқ вакт дарс олиш насиб қилмаган. Аммо у киши таҳсили илмни Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларида давом эттирганлар.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳ ҳанафий фиқҳнинг хофизидир. У киши биринчи бўлиб муайян фиқҳни йиғиб, китоб шаклига келтирган олимдир. Мазкур улкан ишда Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳга иккинчи устозлари Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ катта ёрдам берганлар.

У кишининг таълиф қилган китоблари кўп бўлиб, улардан олтитаси алоҳида аҳамиятга моликдир. Маз-

кур олти китоб ҳанафий фиқхнинг асосий манбалари ҳисобланади. Уларнинг номлари қуйидагича:

1. «Китобул асл». Бу китобнинг иккинчи номи «Мабсүт».
2. «Китобуз-зиёдот».
3. «Китобул Жомеъус-Сағир».
4. «Китобул Жомеъул Кабир».
5. «Китобус-Сиярис-Сағир».
6. «Китобус-Сиярил Кабир».

Имом Мұхаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг булардан бошқа китoblари ҳам бор. Шулардан иккитаси – «Китобур-Радди ала аҳли Мадина» ва «Китобул Осор» худди олдин зикр қилинган олти китоб кучига әгадир.

**3. Абул Ҳузайл Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс Кўфий раҳматуллоҳи алайҳ (ҳижрий 204 санада вафот этганлар).**

Бу зот Асфахонда туғилиб, Басрада вафот этганлар. Аввал мұҳаддислардан бўлиб, кейин фиқхга ўтганлар. Қиёсда жуда ҳам моҳир бўлиб, бу борада Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари ичидаги энг пешқадами бўлганлар.

**4. Ҳасан ибн Зиёд Луълуъий (ҳижрий 204 санада вафот эганлар).**

Бу киши аввал Абу Ҳанифага, у кишидан кейин Абу Юсуф ва Мұхаммад раҳматуллоҳи алайҳларга шогирд бўлганлар. Ҳадислар ва Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлларини ривоят қилиш билан машҳур бўлганлар.

### **Абу Ҳанифанинг сифатлари**

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳда илм билан бирга тақво, ибодат, зоҳидлик ва Аллоҳга ёлвориш каби сифатлар ҳам мужассамлашган эди. У кишининг шахсий фазилатлари ҳақида алоҳида китоблар ёзилган.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ бекиёс илмий фаолиятлари билан бирга тијоратни ҳам олиб борар эди-

лар. У кишининг ҳаётларини ўрганган олимлар Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳда тожир сифатида тўрт хислат алоҳида намоён бўлиб турган, дейдилар. У киши кўзи тўқлик, ўта омонатдорлик, сахийлик ва жуда диндорлик билан ажралиб турганлар.

Кўпчилик Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ тожирликда Абу Бакр розияллоҳу анхуга жуда ҳам ўхшашликларини таъкидлаганлар.

Бир аёл Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга ипак кийим сотмоқчи бўлиб келди. Шунда у киши:

- Бунинг баҳоси қанча? – деб сўрадилар.
- Юз, – деди.
- Бу юздан кўп туради, – дедилар.

Аёл юз-юздан қўшиб, тўрт юзгача етказди. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса «Бу ундан кўп туради», дейишда давом этдилар. Охири аёл:

- Мени масхара қиляпсанми? – деди.
- Бир кишини олиб кел, нарх қўйиб берсин, – дедилар.

Аёл бир кишини олиб келди. У киши кийимни беш юзга баҳолади ва Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўша нархга уни сотиб олдилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ тижоратда ниҳоятда ҳалол бўлганлар. Ўзлари фойда кўраётганда қарши тарафнинг ҳам зиён кўришини мутлақо истамаганлар. Билмаган харидордан фойдаланишдан кўра унга маслаҳат беришни афзал билганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ умавийлар халифа-лигида 53 йил, аббосийлар халифалигида 18 йил яшадилар. У киши ҳижрий 130 санада умавийлар сиёсатига қарши чиқиб, Маккага қочиб кетиб, аббосийлар хукмронликка келгунларича ўша ерда турдилар. Улар давлат бошига келгач, яна Кўфага қайтиб келдилар.

Диний фаолиятда факат илмнинг ўзи кифоя қилмайди. Етук олим бўлиш учун илм билан бирга тақво ва Аллоҳга доимий боғлиқлик бўлиши зарур. Бу нарсалар имом Абу Ҳанифада олий даражада эди. У кишини кўмишдан аввал ювган ғассол Ҳасан ибн Амора ювишни тамомлаб бўлиб, кафанлаб қўйилган жасадларига қараб: «Аллоҳ сизни раҳмат қилсин, мағфират айласин. Ўттиз йилдан бери рўзасиз юрмадингиз. Қирқ йил кечаси ёнбoshингиз кўрпа кўрмади. Сиздан кейин келгандарни чарчатдингиз. Қориларни шарманда қилдингиз», деган экан.

Маълумки, ўша вақтда ҳокимлар доимо тақводор ва ўзига ишончи бор уламолардан ҳадиксираб юришарди. Уламоларни нима қилиб бўлса ҳам, тузоқларига илинтириш ёки йўқ қилиш пайида бўлардилар. Шундай ҳолат имом Абу Ҳанифанинг ҳаётларида ҳам бўлган. У кишининг халқ ўртасидаги обрўларидан қўрқсан Язид ибн Умар ибн Ҳубайра Кўфага қози қилмоқчи бўлди. Абу Ҳанифа бош тортдилар. Шунда у кишини қамаб қўйиб, ҳар куни ўн қамчидан уришга амр этди. Аммо азоб ҳам имом Абу Ҳанифани ўз фикрларидан қайтара олмади.

Халифа Жаъфар Мансур Бағдодни кураётиб, Абу Ҳанифани Кўфадан олдириб келди. Имом Абу Ҳанифа шаҳарни режалаш ва куришда қатнашдилар. Аммо халифа қозиликни таклиф қилганда бош тортдилар. Орада яна дўқ-пўписа, тортишишлар бўлди.

Имом Абу Ҳанифа ҳаётини ўргангандар тарихчиларнинг айтишларича, у киши халифа Мансурнинг «Агар қози бўлмасанг, Фурот дарёсига оқизиб юбораман», деган дўқларига: «Дарёда оқишни афзал кўраман. Билиб қўй, мен бу ишни эплай олмайман», деганлар. Шунда халифа Имомга «Ёлгон айтяпсан!» деган. Имом Абу Ҳанифа дарҳол: «Сен ёлғончини қози қилишга қандай рози бўляпсан?!» деганлар.

Ҳокимият саройи билан Имоми Аъзам ўрталарида келишмовчиликлар кейин ҳам давом этди. Ҳокимиятнинг ёллаб олган олимлари хатога йўл қўйсалар, у киши аёвсиз фош қиласар, шу билан бирга оддий кишилар, бечораларни доимо ҳимоя қиласар эдилар.

Имоми Аъзам ҳижрий 150 санада вафот этдилар.

### **Абу Ҳанифанинг қадри**

Бу буюк имомнинг асл исмларини кўпчилик билмайди ҳам. Аммо ҳамма Имоми Аъзам, яъни «улуғ имом», «катта имом» деб номлайди. Ҳақиқатан ҳам, у киши бунга сазовор зотдирлар. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, у кишининг қадрларини ҳам уламолар, имомлар биладилар.

Имоми Аъзам ҳақида бошқа мазҳаб соҳиби – имом Шофеъий: «Одамлар фикҳда Абу Ҳанифанинг боқимандаларидир», деганлар.

Бошқа бир мазҳаб соҳиби – имом Молиқдан одамлар: «Абу Ҳанифани кўрганмисиз?» деб сўрашганда, «Ҳа, агар ушбу устунни тилла демоқчи бўлса, ҳужжат топа оладиган одамлигини кўрдим», деб жавоб берган эканлар.

Машхур имом Абдуллоҳ ибн Муборак: «Фикҳда энг кучли одам Абу Ҳанифадир. Унга ўхшашини кўрмадим», деганлар.

Улкан илм соҳиби бўлмиш имом Абу Ҳанифа ўз мазҳабларини бино қилишда Куръони Карим, суннати Набавия, ижмо, қиёс, саҳобаларнинг қавлларига суюндишлар. Ҳукмларни чиқаришда қиёс ва истеҳсонга бошқалардан кўра кўпроқ мурожаат қилдилар.

Уламолар бу ҳақда у кишининг ўз сўзларини иқтибос қилиб келтирадилар:

«Мен ҳукмни энг аввал Аллоҳнинг Китобидан оламан, ундан топмасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

vasallamning sunnatlariidan olaman. Agar Alloqning Kitobidan ham, Pajambar sollaplohu alayhi vasallamning sunnatlariidan ham topa olmasam, sahabalar ning gapidan boşqanikini olmайман. Gap Ibrohim, Sha'bий, Ibn Siriyin va Ibn Musaiyiblarغا etganda ýzim ularga ýxhab ijтиҳод қиласман».

Баъзилар: «Абу Ҳанифа қиёсни заиф ҳадисдан устун қўяди», дейишган. Лекин аслини олганда, ундаи эмас экан. Уламолар бу масалани ham ўрганиб чиқишиган ва Имоми Аъзам заиф ҳадисни қиёсдан устун қўяди, деган холосага келганлар.

Бунга мисоллар ham келтирганлар: «Намозда қаҳқаҳа билан кулса, таҳорат кетиши ҳақидаги ҳадис заиф бўлса ham, Абу Ҳанифа уни қиёсдан устун қўйиб, қабул қилганлар».

Имом Абу Ҳанифанинг ўзлари бу ҳакда: «Аллоҳга қасамки, ким бизни қиёсни нассдан (яъни ҳадисдан) устун қўяди, деса, ёлғон айтибди ва бизга тухмат қилибди. Насс бўлгандан кейин қиёсга ҳожат қолармиди?!» дейдилар.

Имоми Аъзам ўз мазҳаблирида доимо мусулмонларга енгиллик бўлишининг тарафдори сифатида ижтиҳод қилганлар.

Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчи-ман. Ҳамма, ҳатто Абу Ҳанифа раҳматуллохи алайх-ning муҳлислари ham у кишини раъй, яъни фикрий фикҳнинг асосчиси, дейишади ва ҳадисни кўп ишлатган имомларга муқобил қўйишиади. Худди бошқа имомлар ҳадисдан ҳукм чиқаришган-у, Имоми Аъзам эса ўз фикрларидан чиқарганга ýxhab қолади. Менимча, бу хато фикр. Бунга Имоми Аъзам яшаган шароит ва бошқа омиллар сабаб бўлган бўлса керак.

Мисол учун, Имом Молик умуман бошқа шароитда яшаб, ижод қилганлар. У киши Мадинаи Мунавварада,

ҳадис илмининг марказида яшаганлар. Шунинг учунми, ҳар бир фикҳий масалани айтганларида унга қўшиб ҳадисдан унинг далилини ҳам айтганлар. Имом Моликнинг «Муватто» китобларида ҳадис ва фикҳий боблар бўлиб-бўлиб келтирилган.

Имоми Аъзам ўзлари ажам бўлганлар, асосан араб бўлмаган халқлар билан яшаганлар. Эҳтимол, яна бошқа омиллар бўлгандирки, у киши фикҳий ҳукмни айтиб, ўз сўзлари билан ифода қилганлар-у, ортидан унга далил бўлган ҳадисни зикр қилмаганлар. Ҳанафий мазҳабига оид фикҳий китобларни мутолаа қилган ҳар бир киши буни дарҳол тушуниб етади.

Хусусан, Алий Қорининг «Мухтасари Викоя» китобига ёзган «Шарҳи Ниқоя» номли асарини ўқиган одам Ҳанафий мазҳабида айтилган ҳар бир гапнинг оят ва ҳадисдан далили борлигига ишонч ҳосил қиласди.

Алий Қори раҳматуллоҳи алайҳнинг мазкур китобларида ҳанафий мазҳабига қилинган юқоридаги туҳматта илмий асосда жавоб берилган. У киши ҳанафий мазҳаби уламолари ҳақида сўз юрита бориб, қуйидагиларни ёзадилар:

«Билки, бизнинг уламоларимиз раҳматуллоҳи алайҳим бошқалардан кўра суннатга кўпроқ эргашадилар. Чунки улар мурсал (ровий саҳобийнинг номи тушиб қолган) ҳадисни қабул қилишда салаф уламоларга эргашганлар. Улар мазкур ҳадисни муснад каби деб эътиқод қиласдилар, гарчи саҳобаларнинг мурсалларини қабул қилишга барча низосиз иттифоқ қилган бўлслар ҳам. Тобарий: «Уламолар мурсални қабул қилишга ижмо қилганлар. Икки юзинчи сананинг аввалигача бунга улардан бирортаси ҳам хилоф қилмаган», деган. Ровий: «Ўша (биринчи хилоф қилган) киши Шофеъий бўлса керак», деди.

Ҳофиз Абу Амр ибн Абдулбарр ҳам ўзининг «Тамхид» номли асарида шунга ишора қилған. Ким бизнинг асҳобларимизга суннатга хилоф қилишни ҳамда раъй ва қиёсга эътибор беришни нисбат берса, батаҳқиқ, улкан хато қилған бўлади. Чунки бизда саҳобийга тўхтаган ҳадис қиёсдан устундир. Шунингдек, заиф ҳадис ҳам. Ким зикр қилинган нарсаларда бизга хилоф қилса, бу унинг фосид фикридан ва касодга учраган қиёсидандир».

Алий Қори раҳматуллоҳи алайҳ баҳсларининг давомида яна қуйидагиларни ёзадилар:

«Бизнинг аввалги асҳобларимиз ўз китобларида суннатдан далилларни зикр қилиш, улар ҳақида баҳс юритиш, сахих, ҳасан ва заифини ажратишда бардавом бўлдилар. Бундай олимларга Таховий, Абу Бакр Розий, Қудурий ва бошқалар мисол бўла оладилар.

Асҳобларимиздан кейинги даврда келганлари бу ишда камчиликка йўл қўйдилар. Улар аввалги ўтгандарнинг ишларига суюниб (хужжат ва далилларни зикр қилмай) қолдилар. Оқибатда уларга суннат ва шариатни четлаш нисбати берилди. Бирор кишига асҳобларимизни мазкур ёмон хислат ила айблаш ҳалол эмас».

Хозирги кунимизда покистонлик уламолардан аллома Зафар Аҳмад Усмоний ўзларининг устозлари – улуг олим, фазилатли шайх Ашраф Алий Тоҳанавийнинг кўрсатмалари ила «Эълоус Сунан» номли йигирма бир жилдлик китобни йигирма йил давомида ёзиб тутатдилар. Бу китоб улкан меҳнат самараси ўлароқ, ҳанафий мазҳабидаги фикҳий масалалар ҳадислар асосида ечилганини исбот қилибгина қолмай, ҳадисдан фойдаланишда бошқа мазҳаблардан устун эканини ҳам исбот қилди.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга тил теккизаётганлар аввало мазкур икки китобни ўқиб, сўнгра гап бошласалар, яхши бўлади.

Аллоҳ таоло ўтган уламоларимизнинг барчасини, жумладан, Имоми Аъзамни раҳмат айласин. Қолгандарни тўғри йўлга бошлаб, Ўзи адаштирмасин.

«Кифоя» китобидан олинди

341-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Ёшим 26 да, битта ўглим бор, яна ҳомиладорман. Диний илмларни ўрганишини жуда хоҳлайман. Оз бўлса ҳам илмим бор, лекин яна кўпроқ илм олиши учун менга ўхшаган оиласи ва болали аёлларга хосланган қандай илм масканлари мавжуд? Қаердан ёки кимлардан илм олиши мумкин? «Хадичаи Кубро» ўқув масканига қизиқдим, аммо кўзим ёриши ўқув иили бошланишига тўғри келаркан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! «Хадичаи Кубро» ва Ислом институти бор, албатта. Аммо сиз ушбу ҳолатингизда интернет орқали таълим олиб турсангиз ҳам бўлади. *Валлоҳу аъلام.*

342-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен Куръони Каримни таржимаси билан ўқиб-ўрганишини жуда хоҳлайман. Ўзим андижонликман. Бизнинг шаҳримизда шундай ўқитадиган инсон (аёл киши) борми? Бўлса, илтимос, манзилини берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Расмий ўқув маскандаридан бошқа жойларда бундай таълим олиш жойлари ҳозирча йўқ. *Валлоҳу аъلام.*

## 343-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аёлларга, қызларга иймонини мустаҳкамлаши, ҳақ үйлни танлаши ва Ислом дини ҳақида түгри маълумотларни күпроқ олиши учун қайси китобларни совга қилиш мүмкін?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир рохманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Мен шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Иймон», «Сунний ақийдалар», «Муқаммал саодат йўли», «Бахтиёр оила», «Нубувват хонадони хонимлари» каби китобларни тавсия қиласман. Ҳозирги кунда китоб дўконларида диний қўмитанинг рухсати билан чоп этилган бундан бошқа китоблар ҳам жуда кўп. *Валлоҳу аълам.*

## 344-САВОЛ

*Ассалому алайкум! «Мазлум» сўзининг кенгроқ таърифини англашга ёрдам берсангиз. Олдиндан ташаккур!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир рохманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! «Мазлум» сўзи «зулм»дан олинган. Зулм – бир нарсани ўз еридан бошқа ерга кўшиш, жабр, ҳаддан ошиш каби маъноларни англатади. Мазлум – зулм кўрган шахс, яъни ҳаққи поймол бўлган, ҳаққига тажовуз қилинган кишидир. Моли ноҳақдан тортиб олинган, ноҳақдан дилига озор берилган инсон мазлум бўлади ва ҳоказо. Қисқа қилиб айтганда, дини, қони, жони, моли ёки шаънига ноҳақ тажовуз қилинган киши мазлум ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

**345-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Куръон ёдламоқчи бўлган қизнинг ҳижоби тўлиқ бўлмаса, унга устоз дарс ўтиши мумкини?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Мумкин, шу билан бирга насиҳат ҳам қилиш керак. *Валлоҳу аъلام.*

**РУҲИЙ ТАРБИЯ****346-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Жавоблар учун раҳмат. Мен сизлардан энди қалб ҳақида сўрамоқчи эдим. Қалби ўлган инсон уни қайта тирилтира оладими? Шахсан мен қалбимни ёмон туйгуларга бериб қўйдим. Энди нима қиласам, қалбимни дунё исказнекасидан қутқара оламан? Мен ёмон туйгуларни қафасга қамаб, уларнинг устидан назорат ўрнатишни хоҳлайман, бунинг учун қандай йўл тутиш им мумкин? Ўзимни банда сифатида қайта тиклашни жуда истайман. Илтимос, менга маслаҳат беринглар!*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Дардингизнинг давоси – тавба қилиш! Астойдил тавба қилиб, истиғфорни кўп айтиш керак. Шунингдек, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг.

Аллоҳ таоло Юсуф сурасининг 87-оятида шундай марҳамат қилган: «**Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Ҳақиқатан, Аллоҳнинг раҳматидан факат коғир қавмларгина ноумид бўлурлар.**»

Коғирлар Аллоҳга ишонмайдилар, шунинг учун улар озгина мусибатдан ҳам дарров умидсиз ҳолга тушиб қо-

ладилар. Мүмин киши эса ғам-ғүссага қўмилиб қолган пайтида ҳам умидини узмайди. Чунки у ҳамма нарсага қудрати етадиган Аллоҳгагина ишонади ва ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло уни ғам-ғүссадан кутқариб олишидан умид қилиб туради. Уни ҳеч нарса ноумид қила олмайди.

**Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Барча Одам болалари хатокордирлар. Хатокорларнинг яхшиси тавба қилувчилардир», деганлар.**

Қалбни ёмон дардлардан поклаш билан бирга, унга яхши хислатлар сингдирилади. *Валлоҳу аълам.*

### ОХИРАТ

#### 347-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Устоз, умрингиз, илму мартабангиз бундан-да зиёда бўлсин! Эр ботил йўл билан мол тўплашга одатланган бўлса, аёли бу ишининг потўгри, гуноҳ эканини айтган бўлса-ю, лекин бу фойда бермаса ва хотин, болалари шу нопок мол билан нафақаланса бўладими? Тақволи бўлиши учун хотин нима қилиши лозим?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Аввало дуо қилиб, Аллоҳдан бу кишига инсоф сўрайсиз. Яхшилик билан насиҳат қиласиз. Бошқалардан унга насиҳат қилишларини сўрайсиз. Бундан бошқа ҳалол ризқ топишга ундейсиз. Ўзингиз ҳалол ризқ топишга имконингиз бўлса, шуни қилиб кўринг, аммо бу сиз учун мажбурий эмас. Бошқа имкони бўлмаса, ҳожатингиз учун етарли даражада ўша молдан ўзингиз ва болаларингиз ризкланиб тураверасиз. Жавобгарлиги турмуш ўртоғингизга бўлади. *Валлоҳу аълам.*

**348-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Яқинда қўшиним менга ўзининг вазиятини тушунтириб, уйидан бир хонасини бирорвга ижарага берди. Бу нарсани фақат менга айтди ва: «Буни ҳеч кимга айтма», деб илтимос қилди. «У-бу ким сендан сўраса, «Қариндоши ўқиб, таълим олии учун келибди», деб жавоб бергин», деди.*

*Ижарачи қизни кўрган қўшиниларнинг кўпчилиги мендан сўрашибди, шунда қўшиним айтгандек жавоб қайтардим. Шунаقا ишлар кўп бўлади, бундай пайтда нима қилишини ҳам билмайман. Бир тарафдан ёлғон гапириб, гуноҳ қилмаяпманми? Иккинчи тарафдан бирорвнинг сирини фош этиб, ростини гапиришим керакми? Илтимос, ёрдам беринг! Шунаقا вазиятларда нима қиласай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бундай пайтларда «Ўзидан сўранглар», деб қўяверган маъкул. *Валлоҳу аълам.*

**349-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Гуноҳкор аёл ўз гуноҳларидан пушаймон бўлиб, тавба қиласа, Аллоҳ кечиради. Лекин ўзини ўзи кечира олмай қийналса-чи, виждан азобида қолган бўлса-чи? Нима қилиши керак?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик керак. Иймонни мустаҳкам қилиш лозим. Вақтни беҳуда нарсаларга сарфламай, фойдали ишлар билан машғул бўлиш даркор. Бўш қолиш керак эмас. Яхши ишларни кўпайтиринг. Шунда ҳар хил хаёлларга вақт қолмайди. Солиҳ амаллар виждан азобини босади. *Валлоҳу аълам.*

## ЗИКРЛАР, ДУОЛАР

### 350-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Абу Бақр розияллоху анхұдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: «Лаа илааха иллаллох» калимасини ва истигфорни (яғни «Астагфируллох»ни) күп айтинг. Чунки шайтон дейди: «Мен инсонларни гунохлари билан ҳалок қылмоқчи бўлдим, улар мени «Лаа илааха иллаллох» ва истигфор билан ҳалок қилдилар. Шундан сўнг уларни ҳавоини нафслари билан ҳалок қилдим. Улар ўзларини тўгри йўлдамиз, деб ўйлайдилар» (Имом Термизий ривояти). Нафс сабабли ҳалок бўлмаслик учун қандай дуо ва калималар бор?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийим.

Ва алайкум ассалом. Бу маънени ҳадиси шарифларда келган бир қанча дуолардан олишимиз мумкин:

— عَنْ سَعْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ: تَعَوَّذُوا بِكَلَمَاتِ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَعَوَّذُ  
بِهِنَّ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُنُونِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ،  
وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أَرْدَدَ إِلَى أَرْذَلِ الْعُمُرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الدُّنْيَا  
وَعَذَابِ الْقَبْرِ. رَوَاهُ البُخَارِيُّ وَالترِمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

*Саъд розияллоху анхұдан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам паноҳ сўраган калималар билан паноҳ сўранглар: «Аллоҳим! Мен Сендан қўрқоқликдан паноҳ сўрайман. Сендан баҳилликдан паноҳ сўрайман. Сендан ўта қариликка қайтарилишимдан паноҳ сўрайман. Сендан дунёнинг фитнасидан ва қабр азобидан паноҳ сўрайман».

*Ином Бухорий, Термизий ва Насоий ривоят қилган.*

– عن زيد بن أرقم رضي الله عنه قال: لا أقول لكم إلا كما كان رسول الله صلوات الله عليه وآله وسلامه يقول: اللهم إني أعوذ بك من العجز والكسيل والجبن والبخل والهرم وعذاب القبر، اللهم آت نفسي تقواهما وزكيها أنت خير من زكاها أنت ولديها ومولاها، اللهم إني أعوذ بك من علم لا ينفع، ومن قلب لا يخشع، ومن نفس لا تشبع، ومن دعوة لا يستجاب لها. رواه الحمسة إلا البخاري.

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Мен сизларга фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
васаллам айтган нарсаларнигина айтаман:

«Аллоҳим! Мен Сендан ожизликдан, дангасаликдан,  
қўрқокликдан, баҳилликдан, ўта қарилиқдан,  
қабр азобидан паноҳ сўрайман.

Аллоҳим! Нафсимга тақвосини бергин ва уни  
поклагин. Сен уни поклашда энг яхши Зотсан. Сен  
унинг яқин дўсти ва мавлосисан.

Аллоҳим! Мен Сендан наф бермайдиган илмдан  
ва қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва  
ижобат бўлмайдиган дуодан паноҳ тилайман».

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

– وسئلَتْ عائشةُ رضي الله عنها عَمَّا كَانَ رَسُولُ اللهِ صلوات الله عليه وآله وسلامه يَدْعُو بِهِ اللهَ،  
قَالَتْ: كَانَ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَمِلْتُ وَمِنْ  
شَرِّ مَا لَمْ أَعْمَلْ.

«Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳга дуо қиласидиган нарсалири ҳақида сўрашди. Шунда у киши:

**«У зот: «Аллоҳим! Мен Сендан ўзим қилган нарсанинг шарридан ва қилмаган нарсанинг шарридан паноҳ тилайман», дер эдилар».**

- عَنْ شَكْلِ بْنِ حُمَيْدٍ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عَلَمْنِي تَعَوَّذًا تَعَوَّذُ بِهِ، قَالَ: فَأَخَذَ بِكَتْفِي فَقَالَ: قُلْ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ سَمْعِي وَمِنْ شَرِّ بَصَرِي وَمِنْ شَرِّ لِسَانِي وَمِنْ شَرِّ قَلْبِي وَمِنْ شَرِّ مَنِي. رَوَاهُمَا أَصْحَابُ السُّنْنِ.

Шакал ибн Ҳумайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Менга паноҳ сўраб юрадиган сўзларни ўргатинг», дедим. У зот икки елкамни ушлаб туриб: **«Аллоҳим! Мен Сендан қулоғимнинг шарридан, қўзимнинг шарридан, тилим шарридан, қалбим шарридан ва манийимнинг шарридан паноҳ сўрайман», дегин», дедилар».**

Иккисини «Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

- وَعَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الشِّقَاقِ وَالنِّفَاقِ وَسُوءِ الْأَخْلَاقِ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим!  
Мен Сендан ҳаққа хилоф килишдан, мунофиқ бў-

лишдан ва ёмон ахлоқли бўлишдан паноҳ сўрайман», дер эдилар».

– وَكَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ مُنْكَرٍ  
الْأَخْلَاقِ وَالْأَعْمَالِ وَالْأَهْوَاءِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ بِسَنَدِ حَسَنٍ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Мен Сендан инкор қилинган ахлоқлардан, амаллардан ва ҳавойи нафслардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».

*Термизий ҳасан санад ила ривоят қилган.*

*Валлоҳу аълам.*

(«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан олинди)

### 351-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен бундай сайт борлигини энди билдим. Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин. Мен: «Ётган ҳолда ҳам зикр айтса бўладими ва яна намоз ўқиётгандага кўзини юмиб дуо қилиши мумкинми?» деб сўрамоқчи эдим. Илтимос, жавобларингизни кутиб қоламан.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 103-оятида марҳамат қилиб, шундай дейди:

فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَاذْكُرُوا اللَّهَ قِيمًا وَقُعُودًا وَعَلَى جُنُوبِكُمْ

**«Намозни адo этганингиздан сўнг Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг».**

Шунга биноан, ёнбошлаган ҳолда зикр айтиш жоиз. Қиёмда саждагоҳга, рукуъда икки оёқ учига, саждада бурун учига, ўтирганда юракка ва салом берётганда

елкаларга қараб туриш намознинг суннатлариданdir. Агар бу ҳолатларга хилоф қилсангиз, тарки суннат қилған бўласиз. **Валлоҳу аълам.**

### 352-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, чиройли дуо қилиши тартибини қаердан ўрганса бўлади? Олиб бораётган ишларингизда Аллоҳ мададкор бўлсин! Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 35-жузи зикр ва дуоларга хосланган. Ундан фойдаланишингизни тавсия қиласман. **Валлоҳу аълам.**

### 353-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Хурматли Одинахон опа, аёл киши ҳайз ҳолатида Аллоҳни зикр қилиб, У Зотга ҳамд айтса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳайз ҳолатидаги аёл Қуръони Каримни тиловат қилмаса бўлди. Ҳар қанча зикр айтиши жоиз. **Валлоҳу аълам.**

### 354-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Аввалги саволларимизга жавобингиз учун ташаккур! 70 000 та калимаи тавҳидни айтиши учун маълум вақт белгиланганми? Масалан, «Солатун нария»ни 4400 марта 3 ёки 4 кун ичida айтиши керак экан. Рамазон ойида калимаи тавҳидни 70 000 марта айтмоқчи эдим. Лекин уй-рўзгор юмушлари билан улгура олмаяпман.*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бу гапларнинг асоси йўқ. Тавҳид калимаси фалон пайтда бунча айтилсин, «Солатун-нария» бунча марта шунча муддатда тақрорлансан, деган гап Куръонда ҳам, ҳадисда ҳам келмаган. Аммо илмли кишилар тажрибасидан келиб чиқиб, тавсия қилинган. Нақшбандия тариқатига кўра тавҳид калимаси кунига 100 марта айтилади. *Валлоҳу аълам.*

### 355-САВОЛ

*Ассалому алайкум, хурматли Одинахон опа. Турмуши қурганимга 8 ой бўлди. Тўйимиз ота-оналаримизнинг розилиги билан ўтди. Тўйдан кейинги ҳаётимиз жуда ҳам яхши. Ҳамма менга меҳрибон. Шу ўтган вақт мобайнида ҳеч ким мени ранжистадиган гап гапирмади. Турмуши ўртогим ҳам, Аллоҳга шукрки, жуда яхшилар. Лекин... гўё омад кетгандек.*

*Тўйдан олдин гинекологга борганимда: «Ҳеч қандай муаммо йўқ, соглигингиз яхши», дейишган эди. Ҳомиладор бўлолмаётганим сабабли ўтган ой яна гинеколог кўригига борган эдим, тухумдонларда поликистози борлиги аниqlанди.*

*Хўёжайним бир нечта бизнес режсалар тузиб, иш бошлиамоқчи бўлдилар, лекин ҳеч қайсиси ўхшамаяпти. Уйдаги жиҳозларимиз бирин-кетин бузилиб қоляпти. Тўйимизда чироқ ўчиб қолганди.*

*Биламан, жуда ҳам оғир аҳволда яшаётган одамлар бор. Бизнинг оиласизда тинчлик ҳукмрон, Аллоҳга шукр. Булар балки тасодиғдир. Лекин ўзимга негадир бизга кўз теккандек туюляпти. Балки Аллоҳнинг синовлариdir. Шунинг учунми, билмадим,*

*ҳозир мени қандайдир ички сиқилиш безовта қиляпти. Тез асабийлашадиган бўлиб қолганман.*

*Кўз тегишига қарши, сиқилишини йўқотиш учун қандай дуолар ўқисам бўлади? Оғир-босиқроқ бўлишига ҳаракат қиляпман, лекин баъзида ўзимни тутолмай, асабийлашиб кетишим ўзимга ёқмайди. Қандай дуолар ўқисам, оғирроқ бўламан? Ҳозирда ўзим ҳар куни Ёсин ва Таборак сураларини ўқиб ухляпман. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Аввало, мўмин киши шумлан-маслиги зарур.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонга қай бир мусибат – ҳорғинликми, беморликми, ташвишми, маҳзунликми, озорми, ғам-ғуссами, ҳатто-ки тикан киришими, етадиган бўлса, Аллоҳ уларни унинг ҳатоларига каффорат қилур», дедилар».

Сиз ўзингизга зикрни лозим тутинг. «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 35-жузи дуо ва зикрларга хосланган. Ана шу китобни олиб, ўқинг. Мўмин киши дунёning арзимас ташвишлари учун маҳзун бўлмайди, тушкунликка тушмайди. Тақво қилиш ҳар қандай муаммонинг ечи-мидир. Аллоҳ таоло Талоқ сурасининг 3-оятида: «Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот унинг йўлини очиб қўяди», деган. *Валлоҳу аъلام.*

## 356-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳомиладор аёл кўпроқ қайси дуони (сурани) ўқиши керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу ҳолатда ўқиладиган маҳсус дуолар зикр қилинмаган. Умумий ҳолатда ўқиладиган зикрларни кўпайтиравериши керак, шунингдек, Куръон тиловатини ҳам. *Валлоҳу аълам.*

## 357-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бераётган жавобларингиздан мамнунмиз, Аллоҳ илмингизга барака ато этсин.*

*Шифокорларнинг айтишича, менинг дардимга даво йўқ экан. Лекин мен «Ҳар бир дарднинг давоси бор», деган ҳадисга мувофиқ Аллоҳдан умид қилиб, тинмай шифо излайман. Ҳозирча натижса йўқ. Агар мен «Аллоҳ қодир Зот», деб худди ўлган одамни қайтиб беришини сўрайдиган одамга ўхшаб, давоси йўқ дардга Аллоҳдан «Шифо бер!» деб сўрасам, бу дуода ҳаддан ошии бўлмайдими? Илтимос, опажон, хаққимга дуо қилинг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Шифо сўраб дуо қилишда ҳаддан ошиш йўқ. Аллоҳ ҳар ишга қодир Зот. У Зот Куръони Каримда бандаларига Ўзининг раҳматидан ноумид бўлмасликни амр қилган. Сизнинг дардингизга шифо йўқлигини бандалар айтган. Аллоҳ билувчи. Мўмин киши ноумид бўлмайди. Аллоҳ таоло дардингизга шифои комил берсин! «Аллоҳумма Роббан-наси, музҳibal баъси. Ишфи. Анташ-шафии. Лаа шофия иллаа анта. Шифаан ла юғодиру сақман». Омин! Мабодо шифо топмасангиз ҳам, Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлинг. Бунинг ҳикматини Аллоҳ билади. *Валлоҳу аълам.*

**358-САВОЛ**

*Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.  
Намоздан сўнг банда зикр ва дуо қилиб бўлгач, Аллоҳга юзланиб, ўз эҳтиёжларини сўрайди. Шунда Аллоҳнинг жамолини сўраш мумкинми? Бу тарбиясизлик бўлмайдими? Аллоҳдан эҳтиёжларни қандай сўраса, шариатга мувофиқ бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Аллоҳнинг ризолигини ва Аллоҳ рози бўладиган амалларга муваффақ этишини сўраш керак. *Валлоҳу аълам.*

**359-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Имомлар учун намоздан кейин ўқиладиган дуоларни қаердан ва қайси китоблардан топсан бўлади? Бехато ёд олиш учун араб ҳарфида ёзилгани бўлса, яхши бўларди. Илтимос!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 35-жузи дуоларга хосланган. Шунингдек, «fiqh.uz», «savollar.islom.uz» сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

**360-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Одинахон она, мен Куръон ўрганишга киришдим. Шунинг учун, илтимос, менга илм олиш учун айтиладиган дуони ёзиб беринг. Олдиндан раҳмат ва дуо қилинг.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом!

اللَّهُمَّ انْفَعْنِي بِمَا عَلَمْتَنِي وَعَلِمْنِي مَا يَنْفَعُنِي وَزِدْنِي عِلْمًا

«Аллоҳум-манфаъни бимаа ъалламтании ва ъаллим-ни маа янфаъуни ва зидни илма»

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим, менга таълим берган нарсанг ила менга манфаат бер. Менга манфаати тегадиган нарсани ўргат ва илмимни зиёда қил». *Валлоҳу аълам.*

Аллоҳ таоло тавфиқ берсин!

### АХЛОҚ ВА ОДОБ

361-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, Одинахон она! Мен ҳар доим идишларни ювганимда чой қолдигини, яъни шамани қўшиб ювиб юбораман ёки ахлатга ташлайман (Миқдорига қараб. Кам бўлса, сувда оқиб кетади, кўп бўлса, раковинага тиқилмаслиги учун ахлатга ташлайман). Аммо яқинда жияним ҳисобли қизга уйланганди. Янги келиннимиз шамани айнан мевали дараҳт тагига тўкаркан. Шу тўгрими? Шама(чой қолдиги) ни мевали дараҳт тагига тўкиш керакми? Бунинг сабаби борми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Шариатда бундай гап йўқ. Асли ўсимлик бўлганини ҳисобга олиб, шундай қилиш одат тусига кирган бўлса, эҳтимол. *Валлоҳу аълам.*

## САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

**362-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм! Ҳозирги кунда «Бувижонларимиз: «Үйқудан турганда ҳали юзни ювмасдан салом беріб бұлмайды, алиқ ҳам олинмайды. Агар кимдир салом беріб қолса, унга: «Юзимни ювиб бўлиб, алиқ оламан», дегин. Чунки юзни ювмай туриб, алиқ олса, гуноҳ бўлади», дейишади», деган гапларни кўп эшиштаман. Кўпинча уйқудан туриб, ҳали юзини ювмаганларга бехосдан салом беріб қолсам, улар менга юқоридаги гапни айтиб, алиқ олмайдилар ва юзларини ювиб бўлгандан сўнг ҳам эсидан чиқиб, умуман жавоб қайтармайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйқудан турганда қўлни юшишини буюрганларини ва бурунни димоққача сув олиб қоқишини айтганларини эшиштганман, холос. Ахир алиқ олиши фарз-ку, олмаса, гуноҳ бўлади! Юзни ювиб келгунча бўлган вақтда жони чиқиб қолса, «Юзимни ювганимдан кейин оламан», деган аликлари қарз бўлиб қолмайдими? Уларнинг бу иши тўғрими? Бидъат эмасми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом!

*Абу Довуд Ибн Умардан келтирган ривоятда:*

*«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўлларини деворга урдилар ва улар билан юзларига масҳ тортдилар. Сўнгра яна бир марта уриб, икки билакларига масҳ тортдилар. Кейин ҳалиги одамга саломга жавоб қайтара туриб:*

*«Мени сенга салом қайтаришимдан фақатгина таҳоратли бўлмаганим ман қилди», дедиллар», дейилган.*

Юқоридаги ҳадисга кўра таҳоратли ҳолда саломлашиш мустаҳаб амалдир. Салом бериш суннат, унга алик олиш вожиб. Уйқудан уйғонган одам салом берса ёки алик олса бўлаверади. Юзни ювиб ёки таҳорат олгандағиси афзалроқ. *Валлоҳу аълам.*

### 363-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Гарчи ўзим ўгил бола бўлсада, саволим аёллар хусусида. Ҳозирги кундаги муслима аёлларимизнинг ҳижсоб кийишдаги одоби шариатимиз ҳукмларига тўғри келадими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Сайтимизнинг фаолиятидан мақсад ҳам ўзи шу, яъни муслима аёл-қизларимизга шариатни танитиб, диний маърифатни тарқатиш, уларни одоб-ахлоққа чакиришдир. Аксар маълумотларимиз сиз айтган мавзу ҳақида. Сайтни мунтазам кузатиб борсангиз, юқоридаги саволларга жавоб топишингиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*

### ҚАБРИСТОН ОДОБИ

### 364-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин ва сиздан рози бўлсин. Вафот этганлар ҳаққига намоздан ҳосил бўлган савобни бағишлиш мумкинми? Қабристонга боргандা Қуръон тиловат қилиш мумкин эмасми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Нафл намоз ва рўзданан ҳосил бўлган савобни вафот этганлар ҳаққига бағишлиш жоиз.

*Табароний Абдурраҳмон ибн Алаа ибн Лажлаҗдан ривоят қиласи:*

«Отам менга: «Мени лақадимга қўйганингда «Бисмиллаҳи ва алаа миллати Росулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам», дегин. Сўнгра устимга тупроқ тортгин. Кейин бош тарафимда Бақаранинг аввали ва охирини қироат қилгин. Мен Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шуни айтганларини эшитганман», деди».

Расуллороҳ алайҳиссаломдан: **«Ким мақбараларга кирганда Ёсин сурасини қироат қилса, Аллоҳ ўша куни уларга енгиллик беради ва унга ўша ердаги нарсалар ададича ҳасанотлар бўлади»**, деганлари ривоят қилинган.

*Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
**«Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўликларингизга Ёсинни қироат қилинг»**, дедилар».

*Аҳмад, Ибн Можа, Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

Шунингдек, Фотиха сураси, Бақара сурасининг аввалидан «муфлихун»гача, «Курсий» оятини, «Аманар-Росулу»ни, Таборак сурасини, Такасур сурасини, «Қул аъузу би Роббил фалақ» ҳамда «Қул аъузу би Роббин-нааси»ни уч мартадан ва Ихлос сурасини уч, етти ёки ўн бир марта ўқиса ҳам яхши бўлади. Қироатнинг савобини ўтганларга бағишлаб дуо қилинади. *Валлоҳу аълам.*

## УЙҚУ ОДОБИ

**365-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Устоз, саволларимни эътибор-сиз қолдирмасдан жавоб берадиганингиз учун катта раҳмат! Муслима бир суткада неча соат ухлаши керак? 7-8 соат кўп эмасми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Мутахассислар бир кеча-кундузда 7-8 соат ухлашни тавсия қилишади. *Валлоҳу аълам.*

## ОИЛА

**366-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, дин йўлида қиляётган хизматларингиз туфайли Аллоҳнинг Ўзи мукофотласин. Турмуш ўргогимнинг аввалги турмушлиридан 5 ёшли фарзандлари бор. Уч ой яшаб, ажрасиб кетишган. У аёл бошқага турмушига чиққан. Ҳозирги эри: «Болани ўзимиз тарбия қиласиз, алимент ҳам керакмас», деб, ҳаттоди тугилганлик ҳақидаги гувоҳномани ҳам йиртиб ташлаган. Бола сабаб эри билан учрашса, хотини билан яшамаслигини айтган. Бу тарафда эрим: «Агар боламга қарамасам, қиёматда нима деб жавоб бераман?!» деб қийналяптилар. Мазкур ҳолда қандай маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Отадан асосий талаб – моддий таъминот. Тинчроқ йўлини топиб ёки келишиб, маблағни бошқа бирорлар орқари бериб тураверсинглар. Бунинг учун аёл билан учрашишлари шарт эмас. Бола боқиши кафолатини бошқа кишига, жумладан, онасига топшириш

шариатда бор. Орага гапи ўтадиган одамни кўйиб, у оиласга шуларни етказиб кўйишса бўлди. *Валлоҳу аълам.*

## ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

**367-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Олиб бораётган хайрли ишиларингизда Аллоҳ Ўзи мададкор бўлсин!*

Менинг саволим қуидагича: эри хуррак отгани учун аёли бошқа уйга чиқиб ётса, гуноҳкор бўлмайдими? Чунки «Эр-хотин аразлашганда битта уйда, фақат тўшагини бошқа қилиб ётиши керак», дейилган. Бу ерда эса бошқа хонага кириб ётиляпти. Жавобингиз учун раҳмат.

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Эрнинг рухсати ва розилиги билан бошқа хонага кириб ётса бўлади. Хурракдан халос бўлиш чораларини ҳам қилиб кўриш керак. *Валлоҳу аълам.*

**368-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа. Мен ҳозир қийин вазиятга тушиб қолиб, холис маслаҳатингизни сўраб ва шариатда тўғри йўл тутишим учунгина сизга мактуб ёзяпман.*

Эрим билан 8 йилдан бери аҳил яшардик, ҳеч унинг бошқа аёлларга мойиллигини сезмаганман. Аммо энди ҳаммаси ўзгарди. Ўтган ой унинг интернет орқали бир аёл билан ёзишиб, телефонлашиб турганини билиб қолдим. Уни танийман. У қайнотнамларнинг кўшиниси бўлиб, эри вафот этган ва бир кичкина қизи билан бева қолиб, ота-онасиликда яшайдиган аёлдир. У Тошкентда туради. Биз эса хориждамиз.

*Кисқаси, эрим аввалига унга ва қизчасига холис ёрдам бермоқчи бўлган. Бироз Исломдан ҳам тушунча берган. У аёл ўзининг ҳаёти ва қийналганларини ёзган, сўнг чет элга келиб, ўқиши ва иш билан қолиб кетмоқчи бўлганини айтган экан, эрим раҳмодиллик қилибди. Яъни у хорижсга келиб, аллақачон менинг танишишимникуга жойлашибди ҳам. Ҳамма харажатни эса хўжайиним кўтарган. Буни қарангки, «Сиздан бошқасини ҳаётимда тасаввур қилолмайман», деган одам бу бегона аёлга уйланишини ҳам таклиф қилган.*

*Албатта, унинг қарорига қарши чиқмайман. Лекин эрим ҳали ҳақиқий исломий оила раҳбари дараҷасига чиқмай, орада адолат қилиши шарти қийнлигини жиiddий ўйламай туриб иш тутяпти. Агар у бир кун уйда, бир кун бошқа уйда бўлса, бунинг устига кундош бўлажсак аёл Исломдан йироқ, биздан эримни совитиб юборса-чи, рашик туфайли бирон ёмон ишга қўл уриб қўйсам... Шу ва шунга ўхшаи фикрлар эндиликда тинчлик бермай қўйди. Жуда ўйда қолдим.*

*Ўша аёlda андиша бўлса, қўшинисининг эри билан гаплашармиди, дардларини айтармиди, ёнига келармиди, ахир у аёли ва икки боласи бор эркак-ку?! Бирорнинг оиласига аралашиб, эр-хотин орасига нифоқ солиб, баҳтга эришиши йўлини қилиши тўғрими? Эрисиз қийналгани унга бу хуқуқни бермайди-ку! Эримга шуларни айтиб йигладим, уйдан икки кун чиқиб кетиб, масжидда бўлдим. Яратгандан ўзимни гуноҳдан асранини сўраб чиқдим.*

*Ота-онамникуга боролмайман, уйдан ҳам кетолмайман. Фақатгина Аллоҳни ўйлабгина чидашга мажбур бўляпман. Лекин инсон эканман, юрагим эзиляпти, буни хиёнат деб қабул қилипман. Айтинг-чи, оиласини*

*сақлаш учун курашишга ҳаққим ийүқми?! Ахир бу болаларим рухиятiga ҳам ёмон таъсир қиласыди-ку.*

*Эрим эса энди бошқа йўлдан келяпти: «У аёлга Исломни ўргатяпман, тўғри йўлга бошлияпман. Сиз эса бунга қаршиисиз! Нима, у намозсиз, рўмолсиз, шундай ҳаётда юраверсинми?!» дейди. Албатта, мен бунга қарши эмасман, лекин бошқа йўли ҳам бор эди-ку. Нега ўша аёл менга мурожсаат қиласидил бу йўлда ёрдам берардим?!*

*Яна эрим: «Сизни севаман, лекин барибир унга ҳам уйланмоқчиман», дегапти. Аммо у аёл ҳам рашики келиб, ичиқоралик қиласа-чи?! Болалар орасидаги адолат нима бўлади?! Биттасини кўпроқ яхши кўрса... Ахир Юсуф алайҳиссалом қиссалари ўрнак эмасми? Хулас, жуда хавотирим кўп. Илтимос, маслаҳат беринг, бу вазиятда нима қиласам, тўғри бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир рохманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Аллоҳга таваккул қилинг, ишингизни Ўзига топширинг. Биз бандалар Аллоҳнинг тақдирини, берган кунини розилик ила қабул қилишимиз керак. Тақдирга кўнмаслик яхши иш эмас. Албатта, сизнинг мулоҳазаларингиз ўринли, лекин келажакни Аллоҳ билади. Балки сиз ўйлаган нарсалар бўлмас. Бунинг ўрнига яхшилик бўлар, иноклик бўлар. Балки умр йўлдошингиз сизнинг қадрингизга кўпроқ етадиган бўлар. Бу тажрибада кўрилган. Эркаклар иккинчисига ўйланганида биринчисининг қадрига кўпроқ етади. Агар умр йўлдошингиз хато ва гуноҳ қилаётган бўлса, ўзи жавоб беради. Анави аёл ҳам ўзи жавобгар. Агар сиз қаршилик ва терслик қиласангиз, иш бошқача тус олиши мумкин. Шунинг учун Аллоҳнинг берган синовида исён қиласанг. Сиз турмуш ўртоғингиз учун эмас, Ал-

лоҳнинг розилигини истаб, яхши рафиқа бўлинг. Ижобий нарсаларни ўйланг ва умид қилинг. Фарзандларингизни ўйланг. Бу дунёга хос бўлган бир синов. Бундай ҳол ўтиб кетади, иншааллоҳ. Аммо қандай ҳолатда ўтиши ўзимизга ҳам боғлиқ. Аллоҳ икки дунёингизга хайр бўладиган ечимни берсин. Омин! *Валлоҳу аълам.*

### 369-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аёлим онасиликага кетиб қолганига мана, 10 ой бўлди. Шу давр мобайнида ўзим ҳам бордим, орага одам ҳам қўйдим, «Ярашайлик, фарзандимизни тирик етим қўлмайлик», дедим. Лекин аёлим ва унинг ота-онаси гапларимни тушунишини исташмади. Сўнг судга ажрашишига ариза бердим. Судда аёлим: «Ажрашмайман», деди. Мен энди қилган ишига пушаймондир, деб ўйлаб: «Ёнимга қайт, ҳаётимизни давом эттирайлик», десам, у яна қаршилил қиляпти. «Ажрашмайман, лекин уйингизга ҳам бормайман», деяпти. Ота-онаси ҳам шу фикрда.*

*Кетиб қолганига сабаб, қайнона-келин можароси. «Уйингизда шароит йўқ», дейди аёлим. Ота-онаси эса: «Уй олиб берамиз, ўша ерда яшанглар», деяпти.*

*Азизлар, маслаҳат беринглар, мен қандай йўл тутай? Шу ҳолатда ажрашиб кетишшим тўгрими ёки оиласми тиклаш учун яна ҳаракат қилишим керакми?*

### ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Оила – жамиятнинг бир бўлаги. Унинг бузилиши кичик бир жамиятнинг бузилишидир. Бунга оиласдаги икки томон ҳам, бошқалар ҳам бепарво бўймаслиги лозим. Оиласи имкон қадар асраб қолиш керак. Саволдан кўриниб турибдики, аёлингизнинг ажрашиб нияти йўқ, аммо алоҳида яшамоқчи. Бир нарсага ке-

лиша олмаганда шариатта мувофик, икки тарафдан ҳакам тайин қилинади ва шу ҳакамлар ҳукм чиқаришади. Сиз ҳам шундай қилинг. Керак бўлса, орага маҳаллани ҳам кўшинг. Ҳеч имкони бўлмаганда вақтингчалик аёлингизнинг шартига кўниб туринг. Сиз ҳам ўз гапингизда маҳкам туриб олсангиз, оила пароканда бўлади, бола тирик етим қолади. Сиз у томон қадам ташланг, секин тарбиялаб, йўлингизга солиб оласиз, инишаллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

### 370-САВОЛ

*Ассалому алайкум! 7 йиллик турмушимда эримнинг ичиб келиб, мени уришларини ўзгартира олмадим. Бу ҳозирги кунда тез-тез тақрорланадиган бўлиб қолди. Фарзандларимиз тарбиясини ҳам фақат уриш билан ҳал қиласиди. Иккаламиз ҳам ишлаймиз. Лекин рўзгор ташвиши 80 фоиз менинг зиммамда. У олган маошини нима қилишини билмайман. Мен йўқлигимда ҳатто фоҳишаларни уйга киргизишгача боради. Ажраисам, гуноҳ бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бундай масалалар икки томон ҳозирлигига кўрилади аслида. Ҳар доим аввало оилани сақлаб қолиш тавсия қилинади. Агар сизга ва фарзандларингизга зарар етадиган бўлса, ажрашиш мумкин. Ундан аввал истихора қилиб кўринг. Масъул ва сўзи ўтадиган кишилардан ёрдам сўранг. Аллоҳ тўғри ечим берсин! *Валлоҳу аълам.*

## 371-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг саволим қўйидагича:  
янги турмуш қурган эр-хотин никоҳ ўқитгандан  
бошлиб олти ой давомида бир-бирининг розилигисиз  
бира иккинчисини қанчадир вақтга ташлаб кет-  
са ёки маълум пайтгача бирга яшамаса, никоҳи бу-  
зиладими? Бундай ҳолда бошикатдан никоҳ ўқитиш  
керак, деб эшиятганман. Шу гап қанчалик рост? Са-  
волимни ўринли деб топасиз, деган умиддаман. Ол-  
диндан катта раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайқум ассалом. Никоҳни бузиш, ажрашиш нияти бўлмаса, бошқа сабабларга кўра ҳар қанча муддат бирга яшамасалар ҳам талоқ тушмайди, қайта никоҳ ўқиши керак бўлмайди.

### Ийло ҳақида

Хур жуфти ҳалолнинг тўрт ой, чўри жуфти ҳалолнинг икки ой яқинлигини ҳаром қилган қасам ийлодир. Агар эр унга яқинлик қилиб қўйса, қасами бузилади ва Аллоҳнинг номи или қасам ичган бўлса, каффорот бериши вожиб бўлади. Ундан бошқада жазоси вожиб ва ийло сокит бўлади. Илло, хотинга бир боин талоқ тушади. Шунингдек, муваққат қасам сокит бўлади, муаббади эмас. Шунинг учун иккинчи никоҳдан сўнг эр хотинига қайтмасдан, яна бир бошқа муддат ўтса, яна бир боин талоқ тушади. Шунингдек, учинчидан кейин ҳам тушаверади. Уч талоқдан кейин абадий қасам қолаверади, ийло қолмайди. Агар унга яқинлик қилса, каффорот беради. Ийло билан аёл боин бўлмайди.

Агар икковларидан бирининг bemорлиги туфайли ёки бошқа сабабга кўра эр яқинлик или қайтишдан

ожиз бўлса, «Мен унга қайтдим», дейди. Агар муддат тугашидан олдин қодир бўлиб қолса, қайтиши жинсий яқинлик билан бўлади.

«Сен менга ҳаромсан», деганда зиҳорни ёки уч талоқни, ёхуд ёлғонни ният қилган бўлса, ният қилгани бўлади. Агар ҳаром қилишни ният қилган бўлса, ийло бўлади.

Мабодо ўша гапида талоқни ният қилган ёки хеч нарсани ният қилмаган бўлса ҳам, шунингдек, «Ҳар бир ҳалол менга ҳаромдир», деганида ва «Аллоҳнинг ҳалоли менга ҳаромдир», «Мусулмонларнинг ҳалоли менга ҳаромдир», деб айтса, бир боин талоқ тушади.

«Ийло» луғатда «қасам ичиш» деган маънони англатади. Шариатда эса эрнинг хотинига тўрт ой ёки ундан кўп муддат жинсий яқинлик қилмасликка қасам ичиши ийло дейилади.

«Мухтасари Виқоя»нинг соҳиблари ийлони қуидагича таърифлайдилар:

**«Ҳур жуфти ҳалолнинг тўрт ой, чўри жуфти ҳалолнинг икки ой яқинлигини ҳаром қилган қасам ийлодир».**

Ийлонинг ҳукми Қуръони Каримда событ бўлган. Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай марҳамат қиласиди:

لِلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِنْ نِسَاءِهِمْ تَرْبُصُ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ فَإِنْ فَاءَهُوَ فَإِنَّ اللَّهَ  
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٦﴾ وَإِنْ عَزَمُوا الظَّلَاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعُ عَلِيهِمْ

«Ўз аёлларидан ийло қиласидиганлар тўрт ой кутарлар. Агар қайтсалар, Аллоҳ мағфиратли, раҳмли Зотдир. Агар талоқни қасд қиласалар, Аллоҳ эшигувчи ва билувчи Зотдир» (226-227-оятлар).

**Агар эр унга яқинлик қилиб қўйса, қасами бузилади ва Аллоҳнинг номи ила қасам ичган бўлса, каффорот бериши вожиб бўлади.**

Хотинидан ийло қилган эр тўрт ойнинг ичида унга жинсий яқинлик қилса, қасамини бузган бўлади ва унга қасамини бузган одам ўтайдиган каффоротни ўташ вожиб бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: آلَى رَسُولُ اللَّهِ مِنْ نِسَائِهِ، وَحَرَمَ فَجَعَلَ الْحَرَامَ حَلَالًا، وَجَعَلَ فِي الْيَمِينِ كَفَارَةً.

*Оша розияллоҳу анҳо дедилар:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларидан ийло қилдилар ва (баъзи нарсаларни ўзларига) ҳаром этдилар. Сўнгра ҳаромни ҳалол қилдилар ва қасамга каффорот бердилар».**

*Имом Термизий ривоят қилган.*

Қасамини бузган одам бой бўлса, ўн мискинга бир кунлик таом беради ёки уларга кийим олиб беради, ёхуд бир қул озод қилади. Агар у камбағал бўлса, уч кун кетма-кет рўза тутади.

**Ундан бошқада жазоси вожиб ва ийло соқит бўлади.**

Аммо ийло қилганда Аллоҳ таолонинг номи билан қасам ичмай, бошқача гап айтган бўлса, мисол учун, «Агар сенга яқинлик қилсан, сен талоқсан», деган бўлса, ўша жазо ўтади.

Икки ҳолатдан кейин ҳам ийло соқит бўлади. Бундан кейин унинг кучи қолмайди.

**Илло, хотинга бир боин талоқ тушади.**

Агар тўрт ой муддат ўтгунча ҳам эр хотинига қайтмаса, мазкур муддат ўтиши билан бир боин талоқ тушади.

**Шунингдек, мұваққат қасам соқит бўлади, муаббади эмас.** Шунинг учун иккинчи никоҳдан сўнг эр хотинига қайтмасдан, яна бир бошқа муддат ўтса, яна бир боин талоқ тушади. Шунингдек, учинчидан кейин ҳам тушаверади. Уч талоқдан кейин абадий қасам қолаверади, ийло қолмайди. Агар унга яқинлик қилса, каффорот беради. Ийло билан аёл боин талоқ бўлмайди.

Ийлодаги қасам икки хил: вақтингчалик ва абадий бўлади. Вақтингчалик қасам тўрт ойнинг ўтиши билан соқит бўлади, аммо абадий қасам тураверади.

Агар бирор абадий қасам ичиб, хотинига «Мен сенга абадий яқинлик қилмайман», деган бўлса ва тўрт ой ўтса, бир боин талоқ тушади. Кейин уни иккинчи марта никоҳлаб олиб, яна яқинлик қилмай юраверса, тўрт ой ўтгандан кейин яна битта боин талоқ тушади. Учинчи бор никоҳлаб олиб, яқинлик қилмай юраверса, яна битта боин талоқ тушади. Шунда ийло тугайди, аммо қасам давом этаверади. Ана ўша битта-битта бўлиб, учтага етган талоқдан кейин аёл бошқа эрга тегиб, ундан ажраб, яна аввалги абадий яқинлашмаслик ҳақида қасам ичган эрига никоҳланса ва эр унга яқинлик қилса, қасамини бузгани учун каффорот беради. Аммо ийло сабабидан талоқ тушмайди. Чунки ийло уч талоқ тушиши билан тамом бўлган.

Ийлодан қайтиш эрнинг хотинга жинсий яқинлик қилиши билан бўлишини билдиқ. Аммо баъзи вақтларда эр жинсий яқинликдан ожиз бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатларда масала қандай бўлиши келаси матнларда баён қилинади.

**Агар икковларидан бирининг bemorligi туфайли ёки бошқа сабабга кўра эр яқинлик ила қайтишдан ожиз бўлса, «Мен унга қайтдим», дейди. Агар**

**муддат тугашидан олдин қодир бўлиб қолса, қайтиши жинсий яқинлик билан бўлади.**

Яъни эр жинсий яқинлик қила олмай, қайтганини сўз билан эълон қилганидан кейин тўрт ой муддат чиқмай туриб, яқинликка қодир бўлиб қолса, гап бехуда бўлади ва жинсий яқинлик қилиши лозим бўлади.

**«Сен менга ҳаромсан», деганда зихорни ёки уч талоқни, ёхуд ёлғонни ният қилган бўлса, юқорида айтилгани каби ният қилгани бўлади. Агар ҳаром қилишни ният қилган бўлса, ийло бўлади.**

Агар ўша гапида талоқни ният қилган ёки ҳеч нарсани ният қилмаган бўлса ҳам, шунингдек, «Ҳар бир ҳалол менга ҳаромдир», деганида бир боин талоқ тушади.

Чунки бу лафзлар киноя билан айтилган талоқ бўлади («Кифоя» китобидан олинди). *Валлоҳу аъlam.*

### 372-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуши ўртогим чет элда тадбиркорлик билан шугулланадилар ва уч ойда бир уйга келиб, бир ой туриб, яна кетадилар. Эркак киши оиласиз ва аёлсиз яшаши мумкинми? Бу шариатга ва саломатлигига тўғри келадими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Албатта, эр-хотиннинг бирга яшаши афзал. Оила бус-бутун, бир ерда истиқомат қилишига нима етсин! Аммо баъзида зарурат юзасидан маълум муддатга оиласдан йироқда яшаш эҳтиёжи туғлиди. Инсон ҳаёти, ундаги турли вазиятлар шуни тақозо қиласди. Мазкур ҳолат ҳар замон ва ҳар маконда бўлиб келган. Бу масалани эр-хотин, оиласнинг бошқа аъзолари биргаликда ҳал қилиб, ажралмасдан, бирга яшаш

чораларини күриш керак. Лекин шариатда бу нарса хусусида тақиқ йўқ. Уч ойда бир келиб, бир ой туриб қайтиб кетишини айтяпсиз. Чет элда ишлаб, йилда бир келадиганлар ҳам бор. **Валлоҳу аълам.**

373-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эр хотинини алдаб яшаши тўғрими? Ёлғон аралашса, бу оила мустаҳкам бўла оладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Алдаш яхши эмас, албатта. Аммо оиланинг мустаҳкам бўлиши ва алдов бўлмаслиги учун аёл ҳам ҳаракат қилиши, бунга ўз ҳиссасини қўшиши зарур. **Валлоҳу аълам.**

374-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эрим менга уйланишидан аввал яширин никоҳда бўлган экан. Икки йил у аёли билан яшамаган, кўришмаган. Шу орада менга уйланган. Яқинда биринчи хотини қайтиб келиб, учрашиб юришишибди экан. Бу зино ҳисобланадими ёки ҳалолми? Менинг бу вазиятда ўрним қандай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Муносабатларининг ҳалол ёки ҳаромлиги уларнинг орасида никоҳ бор ёки йўқлигига қараб билинади. Сиз эса сабр қилганингиз яхши. Оиланинг бузилиши жуда осон иш. Уни имкон қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим. Бундай ҳолатлар ўткинчидир. Ҳар доим бир хил бўлмайди. Ҳиссиётга берилиб, шошқалоқлик билан хато қилиб қўймаслик керак. Турмуш ўртоғингиз ўзи қилган ишлари учун ўзи жавобгар, сиз унинг нима қилаётганини «текшириб», «пойлаб», аниқлайман,

деб овора бўлманг. Бундай қилсангиз, фақат ишни чигаллаштирасиз. Сиз Аллоҳ учун солиҳа аёл бўлишга интилаверинг, ажр оласиз, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълат.*

375-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Менинг ушибу хатни ёзишиимга сабаб шуки, жуда мушкул вазиятга тушиб қолдим. Ота-онам «Үйланасан!» деб сиқувга ола бошлагач, ўзлари топган қизга үйланишга рози бўлдим. Бу қизнинг оиласи оддий, камбагал оила экан. Тўйгача анча учрашиб юрдик. Шу вақт давомида унда биронта ҳам айб-нуқсон кўрмадим.*

*Тўйимиз 2015 йилнинг куз ойларида бўлиб ўтди. Ҳамма нарса шундан кейин бошланди.*

*Келин биринчи кундан белини ушлаб, оғрийдиган одат чиқарди. Мен оддий шамоллаш бўлса керак, деб дори-уқоллар олиб келиб бердим. Аммо унинг касаллиги тобора зўрайгандан-зўрайди. Уйдагилар ҳам, мен ҳам нима бўлаётганидан хавотирда эдик. Шу алфозда шифохонага олиб бордик. У ерда аппаратга тушиби ва буйрагида тоши борлиги аниқланди. Шифокорлар тезда пойтахтда жарроҳлик амалиёти ўtkазиш кераклигини, бу аҳволда ҳомиладор бўлиши мумкин эмаслигини айтишиди.*

*Уйимиздан «Тез ёрдам» машинаси аримай қолди. Кўни-кўшини, маҳалла-кўйга шарманда бўлдик. Аёлимдан: «Бу нарса олдин ҳам безовта қилармиди?» деб сўрадим. У эса бир-икки йил олдин бир безовта қилганини, ота-онасининг лоқайдлиги туфайли докторга кўринмаганини айтиди.*

*Ота-онам менинг баҳтимни ўйлаб, Самарқандга олиб боришиди. Бу ердаги шифокорлар ҳам тошини*

оломаслигини, белда кучли огриқ борлигини айтиб, Тошкенттә бориши кераклигини таъкидлашиди. Охирни пойтахтта олиб бордик. Тошкенттә ушибу касаллик билан огриб борғанлар сони күп экан, навбатта ёздеририб, қайтдик.

*Янги тушіган келин рүзгор ишларини қила олмасди. Ўзидан уялиб, белида кучли огриқ бўлса-да, қимтишиб-қимтишиб иш қилишга ҳаракат қиларди. Хуллас, хотиним беморлиги туфайли вазифасини бажсара олмади.*

*Шу вақт ичидә шунча воқеалар бўлса-да, унинг бефаросат уйидагилари – ота-онасининг парвойи фалак эди. «Менинг қизимга нима бўляпти?!» деб ташвишга ҳам тушиши мади.*

*Биргина укаси ҳаммаси учун балогардон бўлди. Шу орада узоқ-яқиндаги фолбинлар ва кинначиларга борилди, хуллас, ирим-сиримларнинг ҳаммаси қилинди. Отa-онам келин олсан, роҳатини кўраман, деб қилган нияти амалга ошмаганидан юзим шувут бўлди. Уйдагилар ҳам, мен ҳам бу бўлаётган ишлардан карахт бўлиб қолган эдик.*

*Келиннинг аҳволи борған сари ёмонлашаётгани ва онамнинг қон босими борлиги учун унга уйида туриб туришини айтдим. Шундай қилиб, у қизлик уйида яшай бошлиди.*

*Кейин уйдагилари Бухорога олиб боришди, у ердагилар ҳам Тошкенттә олиб бориши кераклигини айтишиган. Отa-онамнинг бу ишлардан асаблари чарчади. Нихоят, менга бу касал хотиндан воз кечишим кераклигини айта бошлиди.*

*Тошкенттә жарроҳлик амалиётини қилдириши анча қиммат бўлгани учун укасига харажатнинг ярим путини уйдагилардан олиб бердим (бунга отам*

хотинимдан ажрашиш шартини қўйиб, рози бўлди). Мен учун муҳими унинг соглиги эди.

*Хуллас, келиннинг навбати келганидан сўнг укаси Тошкентга олиб борди. Мен унинг турмуши ўртоги бўлсан-да, ортидан боролмадим. Чунки отам билан онамнинг юзидан ўтолмадим.*

*Амалиёт яхши ўтди. Шифокорга қўнгироқ қилганимда ҳаммаси жойида эканини, бир ҳафта-үн кундан сўнг у буткул согайиб кетишини, кейин бемалол ҳомиладор бўлиши ва уй юмушиларини бажара олиши мумкинлигини айтди. Хотиним укаси билан жарроҳлик амалиётидан сўнг икки кун ўтгач, уйига қайтди.*

*Хозир ҳам ота-онасининг уйида. Кейинроқ оиласми тиклаш мақсадида қариндош-уруглардан ёрдам сўрай бошладим. Чунки уйда ҳамма менга қарши — келин кўзларига ёмон кўриниб бўлганди. Онам эса шифокорларнинг «Тош бунчалик оғриқ бермайди», деган гапидан сўнг «Бунинг эскича касали бор, энди умуман тўғрилаб бўлмайди», деган гапларни қўни-қўшинидан эшишиб, хавотирга тушиб қолган.*

*Охири мени онам билан акам тушунишди. «Майли, бир имкон берамиш», дейишиди. Фақат отам буткул оёқ тираф олган.*

*Отамнинг бу қаршилигига бефаҳм, бефаросат қайнотамнинг бир келганида: «Мен касал хотин билан йигирма беш йил яшадим», дегани сабаб бўлди. Шунинг учун «Ўғлим ҳам касал хотин билан яшайдими?» деб отам хавотирга тушиб қолган.*

*Шундан сўнг қишлоқдан амакимни чақириб, дадами кўндиришини айтдим. Дадам ҳар доимгидек, «Йўқ, менинг ўғлимга касал хотин керак эмас!» деб туриб олди. Амаким: «Даданг нега бундай деяпти?!*

**Юр, қани бир күриб келайлик-чи!» деди ва йўлга отландик. Бориб, уни кўрдик, аҳволи яхши, «Амалиётдан кейин дори-дармонлар ёзib беришган эди, шуларни ичиб турибман», деди.**

**Қисқаси, амаким ва бошқа қариндошлиар ҳам дадмни кўндира олмаслигини айтишиди.**

**Бошимдан ўтказганларим мана шулардан иборат. Шундай қилиб, мен аросатда қолдим: бир томондан аёлимдан кечиб юборай десам, биринчи турмушим, у ҳам яшай, деб келган. Иккинчи томондан отам норози бўлиб турса-да, турмуши қилаверсам, кейинги ҳаётим қандай бўларкин?! Шундан кўрқянман. Бу масалада маслаҳат беришларингизни илтимос қилиб сўрайман.**

### **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аввало, сизлар оила аъзосини, инсонни, аёлни келин қилиб олиб келганларингизни унутманглар. Фараз қилинг, келинмас, сиз шу дардга чалиндингиз. Сизни касалманд деб, шарманда қилиб ташлаб кетишса, маъқул бўлармиди?

Уйидан «Тез ёрдам» машинаси аримай қолиши шармандалик эмас, «узоқ-яқиндаги фолбинлар ва кинначиларга борилгани, хуллас, ирим-сиримларнинг ҳаммаси килингани» шармандаликдир аслида.

Келин сизнинг никоҳингизга ўтган вақтдан бошлаб сиз унга масъулсиз. У ўзини сизга топшириб, сиз учун бутун яқинларидан кечиб келган! Уйдагилари қарамагани учун уларни «бефаросат», деб айбламанг. Қайна-на-қайнотангиз сизга ҳақиқий ота-онадек, уларни ҳақоратлашга ҳаққингиз йўқ.

Ўзингиз ҳам бир қизни дунёга келтиринг, йигирма йил авайлаб-асраб, тарбия қилинг. Минг орзу-хаваслар билан узатинг-да, ярим йилда «Касалманд экан, чўри-

ликка ярамади», деб пешонангизга олиб келиб ташлашин! Қандай бўлади?!

Кимнингдир сабри, яна кимнингдир асаби тугаган, деяпсиз. Қанча вақт ўтди ўзи?! Бир ниҳол янги ерга кўчиб, ўзини тутгунича вақт керак-ку. У эса одам! Оила оила бўлиб кетиши учун камида ўн йил вақт кетади.

Хизматга ярамаганини гапиряпсиз-у, ўзингиз даволанишини тўла таъминлай олмадингиз, буни тан олишингиз керак.

«Эскича касал экан», деган гаплар – бехуда, бўлмаган гаплар. Буйрагида тоши борлигини ҳамма шифокорлар тасдиқлашибди-ку!

Аллоҳдан кўркиш керак! Дарров олиб келинг! Иншааллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. Мабодо касалманд ёки яшашга ярамайдиган бўлса, ажрашиш қочмайди. Бунинг учун аввал имконият бериш, сабр қилиш лозим. Ана ўшанда виждон азобида қолмайсиз. *Валлоҳу аълам.*

### 376-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менга ёрдамингиз жудаям зарур. Турмуш ўртогим хиёнат қилди. Лекин мени яхши кўради. «Нега унақа қилдингиз?» десам, «Билмайман», дейди. «Сендан айб тополмайман. Ўзинг яхшисан. Уларнинг ҳеч қайсиси билан сени қиёсламайман. Сенинг камчилигинг йўқ мен учун. Аммо уйда мени тортаидиган «магнит» йўқ. Менга ёрдам бер, бу йўлга бошқа кирмай», деб најсот кутяпти.*

*Саволим шуки, хўжайинимга ёрдам бериш учун нима қилсам бўлади? Қандай йўл тутсам, эрим кўпроқ менга ва уйга талпинади? Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмилаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу биргина жавоб билан айтиладиган нарса эмас. Сиз тажрибали инсон билан муттасил маслаҳатлашиб туришингиз керак. Ҳақиқатда, эркакнинг бундай ишга қўл уриши турли сабабларга кўра бўлади, бу қилган иши, албатта, аёлида кўнгли йўқ, дегани эмас. Аввало, турмуш ўртоғингизни кечиринг, айбламанг, уриш-жанжал чиқарманг. Қилган хиёнатини эсга олманг, мутлақо унутинг. Бу мавзуда қайтиб гаплашманглар. Уйдаги муҳитни янгиланг. Ўзингизга қаранг. Турмуш ўртоғингизга эътиборни кучайтиринг. Муаммоси нимада эканини аниқланг ва уни ҳал қилишга ёрдам беринг, ҳеч бўлмаса таскин бериш, ҳамдард бўлиш билан кўмаклашинг. Эркак уйидан асосан сокинлик истайди, сиз унга ана шу нарсани таъминлаб беринг.

Саволлар бўлса, бемалол. Бўлган иш мусибат эмас. Бу ҳайтингизни яхшилаш учун бир фурсатдир. *Валлоҳу аълам.*

### 377-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Хайрли ишларингиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин.*

*Эрим намоз ўқимайди, ҳалол-ҳаромга ҳам унчалик эътибор бермайди, оғзига келган гап билан болаларни ҳам, мени ҳам ҳақорат қиласверади. Турмушга чиққанимга олти йил бўлди. Шундан бери «Намоз ўқинг, динни ўрганинг, бундай юришингиз катта гуноҳ. Майли, олдин билмайман, дердингиз, энди билдингиз-ку», десам ҳам қулоқ согмайди. Ҳар доим жанжсал мен тарафдан шу мавзуда бўлади. Ҳатто «Сиз билан ажрашаман! Тўкин яшамасам ҳам, болаларимни испломий тарбиялайман», деб айтишгача бордим. Чунки 5 ёшли қизим мен билан намоз ўқииди, аммо ўғлимга:*

**«Кел, сен ҳам намоз ўқи», десам, «Дадам ўқимайди-ку», дейди.**

**Бу ҳолатлардан, айниқса болаларим тарбиясидаги ўзгаришлардан хавотирдаман. Қандай йўл тутишини билмаяпман. Сиз азизларнинг маслаҳатларингизга муҳтожман. Жавоб учун олдиндан раҳмат!**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Албатта, бу ачинарли ҳолат. Аммо шуни билингки, эрингизнинг қилмишларига сиз жавобгар эмассиз. Сабр қилинг ва Аллоҳдан сўранг. Эрингизга яхшилик ва мулойимлик билан тушунтиришга ҳаракат қилинг. Агар шунда ҳам жанжал чиқса, индамай қўяверинг. Сиз Аллоҳ учун итоаткор жуфт ва яхши она бўлаверинг. Қолганини Ўзига топширинг. Ўзи ҳар ишга қодир Зот. Хотиржам бўлинг, иншааллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. **Валлоҳу аълам.**

**378-САВОЛ**

**Ассалому алайкум! Эрдан сўрамай, ота уйига бориши мумкинми? Агар мен бирор айб иши қилсан, эрим доим уйга боришимни тақиқлайди. Шу иши тўгрими?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Эр аёлни ҳафтада бир марта ўз ота-онасининг олдига чиқишини ва уларни аёлнинг олдига киришларини ман қила олмайди, деган гап бор. Лекин сиз барибир эрингизнинг изнисиз уйдан чиқмаганингиз маъқул. У сизни ҳукуқингиздан маҳрум қилса, ўзи жавобгар бўлади. Аммо сиз буни деб ўз бурчларингизни бузманг. **Валлоҳу аълам.**

## 379-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен эрим билан Москвадаман. Ёшым 21 да. Биласизми, эримга қанча меҳр-муруват күрсатсам ҳам, мени уриб-сүкиб, хўрлайди, ҳатто онамга қўнгироқ қилдиргани қўймайди. Кеча ҳам жуда қаттиқ урди. Бошқа чидаёлмай: «Уйга кетаман», десам, «Тўғри онангниги кет», деяпти. Лекин қайнанамнинг қўлида 2 яшар қизчам қолган. Уни менга беришмайди. Нима қилай, маслаҳат беринг, илтимос! Менга ёрдамингиз жуда зарур. Қайнанам ҳам, қайнотам ҳам фақат ўглининг тарафини олишиади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бундай масалаларни ҳамма жамланиб, бир мажлисда ҳал қилиш керак. Ёнингиздаги яқинларингиздан ёки каттароқ кишилардан ёрдам сўранг. Сизга зулм қилаётган бўлса, беэътибор бўлишмасин. *Валлоҳу аълам.*

## 380-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Жинсий алоқадан кейин гусл қилиб бўлган эр ёки аёл гусл қилмаган жуфтига қараши ёки тегиниши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Жунубликдан кейинги гусл асосан ибодатлар учун, қолаверса, покланиш учун қилинади. Жунуб кишига тоғусл қилмагунича фақатгина ибодат қилиш жоиз эмас. Бошқа ишларни бажарса бўлаверади. «Жунуб киши бошқага қараши жоиз эмас» ёки «Жунуб кишини кўриб қолган кишига ҳам тоғусл во-жиб бўлар экан» ва шунга ўхшащ гаплар асоссиз, мантиқсиз гаплардир. *Валлоҳу аълам.*

## 381-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Узр, бу саволни кўпчиликдан сўраб, жавоб ололмадик. Эр хотинининг авратини кўрса ва ушласа ёки хотин эрининг авратига кўзи тушса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Эр хотин орасида аврат йўқ. Эр хотин бир-бирларининг бутун баданларига назар солишлари ва ушлашлари мумкин.

Аллоҳ таоло Маъориж сурасининг 29-30-оятларида шундай марҳамат қиласди:

وَالَّذِينَ هُرُ لِفُرُوجِهِمْ حَفَظُونَ ﴿٢٩﴾  
مَلَكُتُ أَيْمَنَهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٣٠﴾

**«Ва улар ўз фаржларини сақлайдиганлардир. Илло, ўз хотинлари ёки мулки бўлганлардан (сақламасалар), улар маломат қилинmas».**

Яъни мўминлар шаръий бўлмаган жинсий алоқадан фаржларини сақлайдилар. Фақат жуфтлари ёки чўрилари билан жинсий алоқада бўладилар ва бунинг учун маломат қилинмайдилар. Эркаклар ўзларига ҳалол жуфтлари билан жинсий алоқага киришишлари жоиз бўлганидан кейин уларнинг авратларига назар солиш ва ушлаш мумкинлиги авлороқ. Бу гап аёллар учун ҳамдир. *Валлоҳу аълам.*

## 382-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Биз оиласда уч фарзандмиз: акам, укам ва мен. Аслида бошқа вилоятда яшаймиз, лекин ҳозир ўқишишимиз туфайли акам билан Тошкентдамиз. Онам эса асли тошкент-*

лик. Таътил бошланганидан кейин укам билан онам бизни құргани келишиди. Аксига олиб, бувим үиқилиб тушибилар ва ётоққа михланиб қолдилар. Уларни бу ҳолатда ташлаб кетишігә онамнинг күнгли бўлмаяпти. Бувим ҳам кетишларини хоҳламаяптилар. Лекин бувимнинг онамдан ташқари яна учта қизлари бор. Дадам эса уйда ёлғиз қолганлар. У киши ҳам онамнинг тезроқ қайтишларини истаяптилар. Агар тез уйга келмасалар, рози эмасликларини билдиридилар. Мен ҳам онамга: «Эрнинг розилиги биринчи навбатда туради», деяпман, лекин улар бувимни ташлаб кетмасликларини айтяптилар. Онамнинг бу иши тўғрими? Оиласизда қийин вазият юзага келган. Ўзи олдиндан ҳамма бир-бири билан иноқ эмас, барча асабий. Ота-онам ибодатда эмас, лекин биз фарзандлар фарз амалларни баъжаришга ҳаракат қиласиз. Ота-онамизнинг аҳил эмасликлари бизга ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Ҳаётимда бир неча бор жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлганман. Лекин Худодан қўрқаман, у дунёдаги бундан минглар баробар аянчлироқ жазо мени бу ишини қилишдан тўхтатган. Мен ҳижжобдаман. Бунга дадам қарши бўлганлар, лекин мен ўз аҳдимдан қайтмаганман. Онам ҳам биз учун чидаб яшаб келяптилар. Агар онамнинг ажрасишишларига розилик берсам, нотўгри бўлмайдими? Вақтингизни ажратиб, ёрдамингизни аямаётганингиз учун катта раҳмат! Илтимос, менинг қалбимга таскин бўладиган ва албатта, Парвардигоримнинг розилигига етишиширадиган тўгри йўлни кўрсатинг!

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Мен имкон қадар насиҳат қилиб, сизга ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қиласман. Аммо бу

нарса бир неча сатрларни қоралаш билангина амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун бир неча бор сұхбатлашиш керак. Ҳозирча айтадиганим: аввало, ўз хато-камчили-гингизни идрок қилиб, тан олибсиз, шунинг ўзи катта баҳт. Бу вазиятни ислоҳ қилиш учун ташланган эңг катта қадам. Шуни идрок қилишни насиб этган Зот уни ислоҳ этишни ҳам насиб айласин. Ота-онангизнинг ўзаро муносабатлари борасида шуни билингки, бу ишни ўzlарига қўйиб беринг. Қарорни ўzlари қабул қилишсин. Чунки улар ёши катта одамлар, тажрибалари ҳам кўпроқ, турмуш уларники. Сиз эса фақат уларни эҳтиром қилиш ва уларга яхши муносабатда бўлиш билан чекланинг. Ҳақларига дуода бўлинг. Атрофдагилар билан бўладиган муносабатлардаги бизнинг эңг катта хатоимиз шуки, биз ўзгаларга уларнинг тутумлари ҳамда қилмишларига яраша муомалада бўламиз. Муомала-муносабатлардаги кўпчилик англамайдиган эңг нозик нуқталардан бири мана шудир. Ота-она «бўйсунмади» деб, эр «итоат этмади» деб, хотин «адолат қилмади» деб, яна баъзилар «яхшилик қилмади» деб, нотўғри фикр юритади, нотўғри хатти-ҳаракат қиласи ва нотўғри гап гапиради. Бор муаммо шу ердан келиб чиқади. Аслида биз уларга қилмишларига яраша эмас, ўзимизга нима юклатилган бўлса, шунга қараб муносабатда бўлишимиз керак. Мен бандаман, Аллоҳ менга фалон-фалон нарсани буюрган, ҳадисда бундай дейилган, ундай қилиш суннатдир, деб бандалик бурчимизни, мўминларнинг биздаги ҳаққини билиб, шунга яраша амал қилишимиз лозим. Шунга кўра ўзингиздаги камчиликларнинг сабабини отангизга боғламанг. Аллоҳдан сўраган ҳолда, секин-аста ислоҳ сари ҳаракат қиласи беринг. Сабри ва кечиримли бўлинг. Яхшиликни умид қилинг. Аллоҳ ҳар ишга қодир Зот.

«Аёл киши эрнинг олдида бўлиши керакми ёки ота-онасининг ёнида?» деган саволга, албатта, аёл эри билан яشاши кераклигини айтамиз. Аммо шу билан бирга, у ўз ота-онасига яхшилик қилишдан, зиёратларига боришдан маҳрум бўлмаслиги керак. Аллоҳ мададкор бўлсин! **Валлоҳу аълам.**

### 383-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон она! Менинг турмуши қурганимга б йил бўлди. Ҳозирги кунда эрим чет элда ишлаб юрибди. Қайнонам билан ўтираман. Эримнинг иши чёт элдалиги учун қайнонам: «Эрингизнинг олдига кетасиз, бўлмаса эрингиз айниб кетиши мумкин», деяптилар. Мен кетишини хоҳламаяпман. Сабаби, у ерда биз қайнопам, унинг эри ва болалари билан яшашимиз керак бўлади. Ўғиллари ҳам катта бўлиб қолишган.*

Аллоҳга шукр, ўқиб, анча тушуниб қолганим сабабли номаҳрамлар билан бир уйда яшагим келмаяпти. Сизга саволим шуки, мен уйимдагиларга – қайнонам, қайнотам ва эримга «Алоҳида квартирада яшаймиз», дейишга ҳаққим борми? Ёки сабр қилиб, номаҳрамлар билан яшаганим яхшими? Эрим илмислизиги учун гапирсам, тушунмаяпти. Кетмай десам, эримнинг айниб кетишидан қўрқяпман. Илтимос, маслаҳат беринг. Аллоҳ қилаётган савоб ишларингизнинг ажрини қўпайтириб берсин. Омин!

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Агар эрингизнинг сизга эҳтиёжи тушаётган бўлса, борганингиз яхши. Бу оиласининг хотиржамлиги учун ҳам керак. Сиз Аллоҳдан сўраб, Ўзига таваккул қилиб бораверинг-чи, балки ҳолат сиз айтгандан кўра яхши бўлиб қолар. Эҳтимол, турмуш

ўртогингизга мулойимлик билан тушунтириб борсан-  
гиз, шароитни яхшилашга уринар. *Валлоҳу аълам.*

384-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Саволим шуки, мусулмон, ибодатли, ҳожи бир киши иккита фарзанди, севиб яшаётган, унга ишонган, ибодатли муслима аёли бор бўла туриб, иккинчи бир номаҳрам аёлни ёқтириб қолиши шайтондан эмасми? Бу ишни аёлидан яширса, агар билиб қолса, ҳар хил ноаниқ ёлғон гаплар ёки ҳийлатлар ишлатса бўладими? Бу вақтинчалик бўлса, яъни эр у аёлни синаб кўриб, уйланганидан кейин аёлига айтмоқчи бўлса-чи?! Эркак аёлига: «Сендан бошқасини севмайман, бошқага уйланмайман, жаннатда фақат сен билан бирга бўлишини хоҳлайман», деб ваъда берган бўлиб, кейинчалик ваъдасини бузса бўладими? Куръон ёки ҳадисда биринчи хотиннинг розилигисиз, унинг қалбига озор бериб, алдаб ҳам уйланса бўлади, деган маънода далил борми? «Хотиндан розилик керакмас», демоқда, аммо севган, тақволи эр қандай қилиб бир умр аёлининг қалбига озор бериб яшаши мумкин?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Ҳар ким қилган иши учун ўзи жавобгар. Саволларингизга жавобни ўзингиз билиб турибсиз. Куръон ёки ҳадисда: «Биринчи хотиннинг қалбига озор бериб, алдаб уйланса бўлади», деган маънода далил йўклигини ҳам, қайси маънода далил борлигини ҳам биласиз. Бундай можароларда икки томонни эшитмай туриб, бирор нарса дейиш мушкул. *Валлоҳу аълам.*

## 385-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.  
Устоз, менинг турмуши ўртогим тоғзик, ўзим эса ўзбекман. Уларнинг тилида оналарини «ача» деб аташар экан. Эрим ҳам шуни хоҳлайди, мен эса фарзандим мени «умми» деб аташини истайман. Бунга менинг ҳаққим борми? Гуноҳкор бўлмайманми? Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Буни эрингизга тушунтириб, келишиб олсангиз, яхшироқ бўлади. «Умми» деб аташни исташингизда гуноҳ йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## 386-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуши ўртогим беш йилдан бери Россияда ишлайди. Келганида «Кетмайман», деган эди. Лекин учта бола билан яна ташлаб кетяпти. Мен қаршилил қилсам ҳам, қулоқ солмаяпти. Моддий тарафдан қийналмаймиз, лекин болалар тарбияси ўзимга қоляпти. Аёлнинг эрига қаршилил қилишга ҳаққи борми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Ҳақларингиз поймол бўлаётган бўлса, уларни талаб қилишга ҳаққингиз бор, албатта. Фарзандлар тарбияси учун эрингиздан бирга яшашни талаб қилишингиз жоиз. *Валлоҳу аълам.*

## 387-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Турмуши ўртогим менга билдирамасдан, дугонамни хотин қилиб олган. Шунга ҳеч ҳам чидай олмаяпман. Менга жуда аlam қиладигани шуки,*

*эримнинг ҳамма айтганларини бажарап эдим. Ҳалигача бирор марта кўчага ундан сўрамасдан чиқмаганман. Хўжайиним уни олиб келмоқчи бўлган эди, «Унда мен уйдан чиқиб кетаман», деб кўнмадим. Эримдан кўнглим совиб кетган. Мен қандай йўл тутай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Сиз барча амалларингизни Аллоҳнинг розилиги учун қилинг. Турмуш ўртоғингизнинг розилигини ҳам Аллоҳнинг розилиги учун итоат қилинг. Шунда ҳаммаси ўрнига тушади. Шунда сизнинг фикрларингиз ва амалларингизга шайтон аралаша олмайди. Сиз турмуш ўртоғингиз устингизга уйланса, норози бўлишга, кўнглингиз совишига, итоат қилмай қўйишга эмас, солиха аёл бўлишга буюрилгансиз. Ҳамма ўз қилмиши учун ўзи жавобгар. Мабодо у киши ноҳақлик қилаётган бўлса, албатта жавобини беради. Кўнглингизни Аллоҳга боғланг. Бандалигингиз билан ҳузурланинг. Аллоҳ сизни оғиятда қилсин! *Валлоҳу аълам.*

## АҚИЙҚА

388-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Онажонимнинг ёшлари олтмиши олтида. Болалик чөгларида ақийқа қилиб, күй сўйилмаган экан. Шу сабабли ҳозирги кунда ўзларига атаб күй сўйсалар бўладими?*

*Сўйилган кўйни қандай тақсимлаш лозим? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Онажонингиз ўзларига атаб энди кўй сўймайдилар. Чунки кўй гўдак улғайгунча бўлган муддатда сўйилади. Сўйишдан мақсад эса – унинг эсон-омон вояга етиб олишини таъминлаш. Энди онангизда бунга эҳтиёж қолмаган.

Ақийқага сўйилган ҳайвоннинг гўштидан маълум қисмини ўша хонадон эгалари ҳамда туғилган чақалоқнинг онаси учун олиб қолиб, қолганини фақир-мискинларга тарқатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, у гўштдан қўни-қўшни ва дояга ҳам берилса бўлади. *Валлоҳу аълам.*

389-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Илмингизнинг зиёда бўлишини Аллоҳдан тилаган ҳолда саволимга жавоб сўра-моқчи эдим. Фарзанд кўрганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи васалламдан суннат бўлган соч олиш ва ақийқа каби барча амалларни билмоқчи эдим. Улар қай тартибда бажарилади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом!

«Ақийқа» луғатда «ёрмоқ» маъносини англатиб, аслида янги туғилган боланинг сочига нисбатан қўлланган. Шаръий истилоҳда эса «Ақийқа – ният ва маҳсус шартлар билан Аллоҳ таолога шукр сифатида фарзанд номидан сўйилган жонлиқдир».

Шариат таълимотларида таваллудининг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигига кумуш садақа қилиш тавсия этилади.

Соч бошдан ажратиб олингани учун бу маросим «ақийқа» дейилади.

Ўша муносабат ила сўйиладиган қўй ҳам «ақийқа» деб номланган.

Истеъмолда шу маъно кўп ишлатилгани учун «ақийқа» деганда фақат янги фарзанд туғилиши муносабати ила сўйиладиган қўй ва ташкил этиладиган маросим тушуниладиган бўлиб қолган.

Ақийқани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам қилганлар.

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ عَقَّ عَنِ الْحَسَنِ  
وَالْحُسَيْنِ كَبِشًا كَبِشًا. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنِ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анхўмодан ривоят қилинади.*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анхўмога биттадан қўчкор сўйиб, ақийқа қилдилар».

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

Имом Ҳасан билан укалари имом Ҳусайннинг ораларида ўн бир ой фарқ бўлган.

Ушбу ҳадиси шарифдан ўғил болага албатта иккита қўй сўйиб ақийқа қилиш шарт эмаслиги, битта қўй сўйса ҳам бўлавериши келиб чиқмоқда. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз набираларига биттадан қўчқор сўйганлари шуни кўрсатади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига ақийқа қилишини тавсия этгандар.

عَنْ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ الصَّبَّيِّ ، عَنِ النَّبِيِّ قَالَ  
مَعَ الْغَلَامِ عَقِيقَةً، فَأَهْرِيقُوا عَنْهُ دَمًا وَأَمْيَطُوا عَنْهُ الْأَذَى. رَوَاهُ  
الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمٌ.

*Салмон ибн Омир Зоббий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ғулом ақийқаси биландир. Унинг учун қон оқизинг ва ундаги нопокликни кетказинг», дедилар».**

*Бешовларидан фақат имом Муслим ривоят қилмаган.*

Ушбу ҳадисдаги **«Ғулом ақийқаси биландир»** жумласи **«янги туғилган боланинг ақийқаси ўзи билан»**, деб тушунилади. Бу ҳар бир янги туғилган болага ақийқа лозим, деганидир.

**«Унинг учун қон чиқаринг».** Яъни **«янги туғилган фарзанд шарафига жонлиқ сўйинг».** **«...Ва ундаги нопокликни кетказинг».** Туғилган боладаги нопоклик деганда дунёга келган пайтида унга ёпишиб тушган қон, соч ва шунга ўхшаш баъзи нарсалар тушунилади.

عَنْ سَمْرَةَ الصَّبَّيِّ، عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: كُلُّ غُلَامٍ رَهِينَةٌ بِعَقِيقَتِهِ  
تُذَبَحُ عَنْهُ يَوْمَ سَابِعِهِ وَيُحَلَّقُ وَيُسَمَّى. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنِ.

*Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир. Унинг учун еттинчи куни сўйилур, сочи олинур ва исем қўйилур», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*  
 Ушбу ҳадиси шарифда янги туғилган фарзандга оид бир неча амаллар зикр қилинмоқда:

### **1. «Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир».**

Демак, ҳар бир янги туғилган фарзанднинг баъзи бир ишлари унга ақийқа қилишга боғлиқ бўлиб турар экан. Агар ақийқа қилинса, ўша ишлар юзага чиқади, бўлмаса, худди гаровга олингандай, юзага чиқмай тураверади.

Баъзи уламоларимиз, жумладан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Ато Хурросонийлар айтишадики, «Гўдаклигида ўлган фарзанднинг ўз ота-онасига шафоатчи бўлиши унинг ақийқасига боғлиқдир. Агар унга ақийқа қилинган бўлса, қиёматда жаннат эркатойларидан бўлади ва: «Агар жаннатга олдин ота-онам кирмаса, мен кирмайман», деб туриб олади. Шундай қилиб, у ўз шафоати или ота-онасининг жаннатга киришига сабаб бўлади».

Ҳанафийларнинг наздида ақийқа мубоҳ амал бўлиб, гўдакнинг етти кунлигига қилинади ва ўша куни сочи олиниб, садақаси берилади.

### **2. «Унинг учун еттинчи куни сўйилур».**

Ақийқа фарзанд туғилганининг еттинчи куни қилинади. Агар еттинчи куни имкони бўлмаса, ўн тўртинчи ёки йигирма биринчи куни қилса ҳам бўлади.

Айнан еттинчи куннинг тайин қилиниши ҳикмати тўғрисида сўз юритган уламолар: «Шунда дунёнинг кунларида бир кундан яшаб ўтган бўлади», деганлар.

Имом Байҳақий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ақийқа ет-**

**тинчи, ўн түртінчи ва йигирма бириңчи куни сүйилур», деганлар. Агар у кунларда имконият бўлмаса, имкони топилганда қилинаверади.**

Янги туғилган фарзандга ақийқа қилиш отанинг фарзанд олдидағи бурчидир.

### **3. «...сочи олинур...»**

Бу иш ҳам фарзанд туғилганинг еттинчи куни амалта оширилади. Табиийки, янги туғилган боланинг сочига нифос қони теккан бўлади. Шунинг учун ҳам у боладан кетказилиши лозим бўлган нопок, озор берувчи нарсалар каторига қўшилган. Ўша еттинчи куни олинган соч вазнида кумуш ёки унинг қиймати садақа қилиниши ҳам мазкур озордан холос бўлганлик шукронаси бўлса, ажаб эмас.

### **4. «...ва исм қўйилур».**

Янги туғилган фарзандга исм қўйиш ҳам еттинчи куни қилинадиган ишлардан бири. Ҳар бир янги туғилган фарзандга яхши исм қўйиш ота-онанинг фарзанди олдидағи бурчидир.

عَنْ أُمِّ كُرْزٍ الْكَعْبِيَّةِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: عَنِ الْغَلامِ شَاتَانٌ مُّكَافِتَانِ، وَعَنِ الْجَارِيَّةِ شَاهٌ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ وَأَحْمَدُ.

Умму Курз Каъбийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўғил болага икки бир-бирига ўхшаш қўй, қиз болага бир қўй», дедилар».

### *Tўrtovlari va Aҳmad rivoyat қилganlar.*

Албатта, бир фарзанднинг дунёга келиши катта бир ҳодиса. Фақат доимий тақрорланиб тургани учун унча аҳамият берилмайди, холос. Бўлмаса, бир боланинг эсономон, онаси ҳам соғ-саломат қолиб туғилиши буюк ҳодиса.

Мусулмонлар орасига янги бир аъзонинг қўшилиши, унинг онаси соғ қолиши шарафига Аллоҳ таолога ҳар қанча шукр қилинса, ҳар қанча хайр-садақа улашилса, шунча оз.

Баъзи ҳолатларда одамлар бу муносабат ила ҳаддан ошиб, дабдабага йўл қўймасликлари ёки аксинча ҳолатлар ҳам бўлмаслиги учун шариатда ақийқага нима қилиниши ва қай микдорда бўлиши ҳам кўрсатиб қўйилган.

### **«Ўғил болага икки бир-бирига ўхшаш қўй».**

Яъни янги туғилган фарзанд ўғил бола бўлса, унинг ақийқасига бир-бирига ўхшаш икки қўй сўймоқ керак бўлади.

### **«...қиз болага бир қўй».**

Уламоларимиз: «Қиз болага бир қўй сўйиб ақийқа қилиш қизнинг шаънини пастилатиш учун эмас, балки келажакда ота-онаси унга сеп ва бўлажак оиласи учун жихозлар қилиб бериши ҳисобга олингани учундир», дейдилар.

Шу билан бирга, ўғил болага ҳам битта қўй сўйиш кўпроқ жорий бўлган. Аввал кўриб ўтганимиздек, Ра-сулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайн розияллоҳу анхумога биттадан қўй сўйганлар. Бу ҳадис билан танишиб, хайрон бўлмаслик керак.

Баъзи олимлар: «Боланинг соғ-саломат бўлиши, синди-чиқдиларга йўлиқмаслиги ҳақида яхши ният рамзи сифатида унинг учун ақийқага сўйилган ҳайвоннинг суяги синдирилмаса, яхши бўлади», деганлар. Аммо синдирилса ҳам, ҳеч нарса бўлмайди.

Ақийқага сўйилган ҳайвоннинг гўшти факир-мискинларга тарқатиб берилса, мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, у гўштдан қўни-қўшни ва дояга ҳам берилса, яхши бўлади. Пишириб, одамларни чорлаб, уларга зиёфат бериш ҳам яхши («Бахтиё оила» китобидан). **Валлоҳу аъلام.**

## 390-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Одинахон опа, бизнинг саволларимизга безътибор бўлмасдан, жавоб берадиганингиз учун Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Эридан ажрашган аёл фарзандларини боқиши учун чет элда ишласа бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Ўзимизда ишласа ҳам бўлади. Чет элда ишлаши шарт эмас. Ризқни Аллоҳдан сўрасин. Аллоҳ ризқни ҳар ерда ҳам бераверади. Аммо маҳрами бирга бўлса, фарзандлари ўзи билан бўлса, чет элда ишлаш жоиз.

Фарзандлар моддий тарафдан тўкин бўлмаса ҳам, она меҳридан мосуво бўлмаслиги, назоратда бўлиши лозим. Уларнинг тарбиясида онанинг ўрни муҳимдир. *Валлоҳу аълам.*

## НИКОХ

## 391-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, опажон! Аллоҳ илмингизни янада зиёда қиласин! Ҳозирги кунда баъзи бир қизларнинг маҳр учун Ҳазратнинг «Ҳадис ва Ҳаёт» китобларининг барча жузларини сўрашаётганини эшитдик ва хурсанд бўлдик. Бунинг ҳукми қандай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Маҳрга китоб сўраш жоиз, чунки китоб мулқидир. Ҳазратимиз ушбу ишни келинларимизнинг жасорати, деб баҳолаганлар. Бу энг манфаатли маҳрдир, иншааллоҳ. Маҳрига Ҳазратимизнинг китобларини сўраган келинларимизга икки дунёнинг саодати бўлсин! Омин! *Валлоҳу аълам.*

## 392-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Оиладан узоқда бўлса, бева аёлга уйланиши мумкини? Бунинг хукми қандай?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Уйланишга имкон бўлса, никоҳ дуруст бўлади. Шариатга мувофиқ бўлса, одоб-ахлоққа риоя қилинса бўлди. *Валлоҳу аълам.*

## 393-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Жуда кўп қидирдим, ҳар хил саволларни ўқидим, фақат мен излаган савол чиқмади. Мени қийнаётган саволга жавоб тополмадим. Саволим никоҳ ўқитиши ҳақидадир. Мулланинг эрим билан менга ўқиган никоҳига кўнглим тўлмади. Сабаби, менинг исмим билан дадамнинг исмларини нотўғри айтдилар, яъни бошқа исмлар билан никоҳ ўқилди. Шу тўгрими? Илтимос, тўлиқроқ тушунча беринг. Бу никоҳ ҳақиқий никоҳ ҳисобланадими?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Икки никоҳланувчи ҳозир бўлса, никоҳ ўқувчи исмларни нотўғри айтса-ю, никоҳланяётганлар никоҳга рози бўлсалар, никоҳ тўғри бўлаверади. Бу ҳолатда эътиборга олинадиган нарса никоҳланувчиларнинг никоҳга розилигидир. *Валлоҳу аълам.*

## 394-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ёшим 30 да. Оиласиман, фарзандларим бор. Ўртаҳол ҳаёт кечираман. Барчаси учун Аллоҳга шукр! Анчадан бери бир аёлни биламан, фарзанди бор, аммо эридан ажрашган. Кўп масала-*

ларда ёрдам беріб, құлдан келганича маслаҳатларимни аямай келаман. Лекин орада хато қилиб қүйишідан құрқаман. Шу боис ўша аёл билан гарчи түлиқ эр-хотин бўлиб яшашимизни шарт-шароит кўтартмаса ҳам, оиласи эканимни унга айтиб, никоҳлансан, буни биринчи аёлим билиши шарт эмаслигини, унга ҳақиқий эрдек бўла олмаслигимни келишиб олсан бўладими? Бу нарсаларни унугиб, алоқаларни узуб ташлашим ҳам мумкин. Аммо ўша аёлнинг ёлгиз қолиб кетишини истамаяпман. Никоҳланмасдан, ўзаро алоқани шундай давом эттираверай десам, бир кун иродам панд бершиидан құрқаман. Нима қилай, қандай маслаҳат берасиз? Олдиндан ташаккур! Аллоҳ тўғри йўлга насиҳат қилувчиларни мукофотласин!

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Шариат кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиш керак. Никоҳни беркитиб бўлмайди. Никоҳлансангиз, адолат қилишингиз шарт, шартлашиш адолатга кирмайди. *Валлоҳу аълам.*

### 395-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Динимизга қилаётган хизматларингиздан Аллоҳ рози бўлсин! Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган мана бу мазмундаги ҳадисни эшиитдим: «Кимнинг солиҳа аёли бўлса, динининг ярми комил бўлибди. Қолган ярмига Аллоҳга тақво қилсин». Яна бир ҳадисда: «Бу дунёнинг ҳаммаси бир матодир. Шу матолар ичида энг яхиси солиҳа аёлдир», дейилган экан. Замони саодатда жуда кўплаб солиҳа, покиза, тақводор аёллар яшаб ўтган. Сиздан сўрамоқчи бўлган саволим: ҳозирги кунда ҳам тақводор қизларни топса бўладими? Ҳозирги қизлар,*

*аёллар, деярли ҳаммаси, ҳамто намозхонлари ҳам телевизорда кинолар, концертлар, сериаллар кўришиади. Бегона, номаҳрам эркакларни телевизорда уялмай томоша қилиб ўтиришиади. Буларни тақвадор деб бўлмайди. Аллоҳдан чинакамига қўрқадиган, телевизор кўрмайдиган, номаҳрамлардан ўзини беркитадиган, тақвадор қизлар борми? Излаб топиб бўлмаяпти.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Тақвадор йигитларни топиш мушкул бўлганидек, тақвадор қизларни ҳам топиш қийин бўлиб қолди. Яхши матоҳга ҳамма ишқибоз бўлади, айниқса тайёр бўлса. Аммо пешонага битилганига рози бўлиш, борига қаноат қилиш, сабр билан уни тарбиялаш, ислоҳ этиш кўпроқ ажрга сабаб бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### 396-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бир киши: «Христиан(насроний)-га уйланиши мумкин. Лекин христиан болага эрга тегиб бўлмайди», деди. Мен: «Мумкинмас! Нима, муслима қизлар йўқми? Ахир Қуръонда «Мўминлар муслиматар учун», деган маънода оят бор-ку!» десам, «Тезда истиғфор айтинг, мумкин», деди. Менинг қалбим гаш бўлиб қолди. Рўза кунида нега ҳам билиб-бilmай гапирдим?! Илтимос, шу мавзу ҳақида менга маълумот берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Аллоҳ таоло Моида сурасининг 5-оятида: «Афифа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афиfalар ҳам, агар иффатли бўлган ҳолингизда, зинокор бўлмай ва ўйнаш тутмай, маҳрларини берсангиз, сизга ҳалолдир», дея марҳамат қиласиди. Яъни мусулмон эр кишига муслима, афифага (покиза аёлга) иффатли бўлиб, зинокор бўлмай

ва үйнаш туттай, маҳрини бериб үйланиши шарт бўлганидек, аҳли китобдан бўлган афифага – покиза аёлларга үйланишида ҳам мазкур нарсалар шарт қилинди. Аҳли китоб деганда яҳудий ва насронийлар тушунилади. Лекин муслималар аҳли китоб эркакларга турмушга чиқиши жоиз эмас. У одам тўғри айтибди. *Валлоҳу аълам.*

### 397-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мусулмон йигит билан христиан рус қизи турмуши курса бўладими? Қиз мусулмончиликни қабул қилмоқчи, лекин йигитнинг отонаси бунга рози эмас. Ота-онанинг розилигисиз турмуши қуриши мумкинми? Жавоб учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Ислом динида мусулмон эркак насроний ёки яҳудий аёлни никоҳига олиши жоиздир. Аммо бу ерда диққат қилиш керак бўлган масала шуки, ўша аёл яҳудий ёки насроний динига амал қилиши, ўз муқаддас китобига эга бўлиши ҳамда афифа, яъни пок аёл бўлиши керак. Яҳудия ёки насрония, деб дуч келганга үйланиб кетилавермайди. Ҳозирда аксар яҳудия ёки насронияман, деганлар деярли динсиздир. Ота-онанинг розилигисиз никоҳ дуруст бўлаверади. Аммо ота-онани норози қилиш улкан гуноҳ ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

### 398-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Никоҳ ўз-ўзидан бекор бўлиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Никоҳ ўз-ўзидан бекор бўлмайди, бирор сабаб билан бекор бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 399-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен касбим юзасидан баъзан Зёки 3,5 ой сафарда бўлиб, аёлимдан узоқда бўламан. Бу менинг никоҳимга таъсир қилмайдими? Қайта никоҳ ўқитмайманми? (Халқ орасида «б ой ўтса, эрхотин никоҳ ўқитиши шарт», деган гаплар юради.)*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Талоқ, ажрашиб масаласи кўтарилмаса, қанча юрсангиз ҳам, таъсир қилмайди, қайта никоҳ ўқитилмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 400-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, мени холам гўдаклигимда етти кун эмизган экан. Ҳозирда холам ўғлига қизимни сўраяпти. Лекин бундай никоҳдан Пайгамбаримиз алайҳиссалом қайтаргандарини мен ҳам, холам ҳам биламиз. Ҳатто шахримиздаги имомга бориб сўрадик, имом ҳам мумкин эмаслигини айтди. Бироқ ўғли қизимни яхши қўриб қолибди, иигит қаттиқ туриб олган.*

*Она, сиз қандай маслаҳат берасиз? Бирор йўли бормикан? Нима дейсиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бу никоҳ жоиз эмас. Чунки холангизни эмиш билан сиз унга қиз бўласиз, ўғлига эса опа... Қизингиз у йигитга жиян бўлади. Қандай қилиб жиянга уйланиш мумкин?! Шариатда қатъий тақиқлаб қўйилган нарсаларга бошқа йўл қидирилмайди.

عَنْ عَائِشَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يَحْرُمُ مِنِ الرَّضَاعَةِ مَا يَحْرُمُ مِنَ الْوَلَادَةِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Оша розияллоҳу аңходан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Түғилиш туфайли ҳаром бўлганлар эмизиш туфайли ҳам ҳаром бўлади», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишиган. Валлоҳу аълам.*

### 401-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Саволим ҳозирги ҳолатимда жуда жиiddий ҳисобланади. Мен чет элда яшайман. Яқинда, инишааллоҳ, 29 га кираман, турмушга чиқмаганман. Тақволи бир инсон менга совчи қўйдилар, факат у киши аввал гайридин қизга уйланган бўлиб, ундан 3 ёшли қизчаси бор экан. Шаръий жиҳатдан улар ажрашишиган. Илтимос, менга маслаҳат беринглар, шу инсонга турмушга чиқсан, тўғри қилаётган бўламанми? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом! Истихора қилиб кўринг. Биз у одамни билмаймиз, ҳолидан бехабармиз. Бу масалада шошилмай қарор қабул қилиш керак. Яқинларингизни хабардор қилинг, ўзлари суриштиришсин. Яшаётган юрtingизда бирорта ишончли одам бўлса, у билан ҳам маслаҳатлашиб кўринг. **Валлоҳу аълам.**

### 402-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Нисо сурасининг 25-оятида: «Никоҳларингизга аҳларингиз изни ила олинг», дейилган. Шунда эркак киши иккинчи ё учинчи аёлга уйланмоқчи бўлса, аҳлидан изн сўраши керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Сиз ушбу оят маъносини нотўғри тушунибсиз. Оятда: «**Уларни никоҳингизга аҳлларининг изни или олинг**», дейилган. «Аҳлларингиз» эмас, «аҳлларининг»дир. Яъни унда эгаларининг, хожаларининг, хўжайинларининг изни, рухсати назарда тутиляпти.

Бу ерда чўри қизларни никоҳга олиш ҳақида сўз кетяпти. Ояти кариманинг тўлиқ маъно таржимаси шундай: «Сизлардан ким ҳур мўминаларни никоҳига олишга имкон топмаса, қўлингизда мулк бўлган мўмина қизларингиздан (уйлансин). Аллоҳ иймонингизни билувчи Зотдир. Ҳаммаларингиз бирсиз. Уларни никоҳингизга аҳлларининг изни или олинг. Ва яхшилик билан маҳрларини беринг. Улар покиза, зинокор эмас ва ўйнаш тутмаган бўлсингизлар. Эрга текканларидан сўнг фахш иш қиласалар, уларга ҳур аёлларга бериладиган азобнинг ярми бериладир. Бу бузилишдан қўрққанлар учундир. Сабр қилмоғингиз сиз учун яхшидир. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир». *Валлоҳу аълам.*

#### 403-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Исмим Сусанна. 14 йил олдин турмушга чиққанман. Никоҳ ўқитиши пайтида қайонам исмимдан уялиб, домлага исмимни Дилбар, деб айтдилар. Шунда менга Дилбар исми билан никоҳ ўқилди, аммо аzon айтилган исмим Сусанна-ку. Шу никоҳ ҳақиқий ҳисобланадими?*

*Яна битта саволим бор эди. Эрим билан 8 йил олдин қонуний ажрашганмиз, аммо «талоқ» деган сўзни ишлатмаганлар. Ҳозирги кунда бошқа одам билан никоҳ ўқитмоқчимиз, лекин бу одам: «Сен талоқ олмагансан, никоҳ ўқитиб бўлмайди», дедилар. Шу гап тўғрими? Эрим билан қонуний ажрашиб, у билан яшамасам ҳам, турмушимиз ҳақиқий ҳисобланадими ёки йўқми?*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкүм ассалом. 1. Никоҳ ақди вактида икки томон ҳозир бўлиб, иккисининг розилиги аниқ билдирилса, исм аниқ бўлмаса ҳам, никоҳ жоиз бўлаверади.

2. Қонуний ажрашишни «ҳақиқий ажрашиш» деб билган бўлсангизлар, яъни ажрашиш масаласи қўтарилиб, икки томон бунга розилигини билдирган бўлса, никоҳ бузилади. Ундан кейин 8 йил ўтган бўлса, энди бошқа турмуш қиласа бўлади. *Валлоҳу аълам.*

### **404-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Оила қуришда ёш масаласи қандай? Бўлаҗасак хотиннинг бўлаҗасак эридан ёши катта бўлиши мумкини? Илтимос, шу тўгрива маслаҳат берсангиз. Олдиндан раҳмат.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкүм ассалом! Икки томон оила қуришга яроқли бўлса бўлди, катта-кичиклик никоҳга тўсиқ бўла олмайди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи аёллари ўзларидан катта бўлишган. Аммо урфда эркак аёлдан катта бўлишига ўрганиб қолинган. *Валлоҳу аълам.*

### **405-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Турмуши ўртогим бошқа давлатга ишлаш учун кетганлар. Йилда бир маротаба бир ойга таътил олиб, келиб кетадилар. Бу пайтда эр-хотин бирга бўлиши учун қайта никоҳланиши керакми? «Тўрт ой (айримлар олти ой, дейшиди) алоҳида яшалса, эр хотинини қайта никоҳига олиши керак», деб эшиитдим. Лекин эр-хотин орасидан бирор гап ўтмаган, аксинча, бир-биримизга меҳримиз баланд-ку. Жавоб учун катта раҳмат.*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! «Тўрт ой ёки олти ой бирга яшамаса, никоҳ ўқитиш керак», деган гаплар нотўғри. Ажрашиш масаласи кўтарилимаган бўлса, йиллар бирга яшамаса ҳам, никоҳ сақланиб қолаверади. *Валлоҳу аълам.*

### 406-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Агар шаръий никоҳ аёл ҳомиладор бўлиб қолганидан кейин, бола тугилишидан олдин ўқитилган бўлса, тугилган бола валади зино ҳисобланмайдими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Валади зино ҳисобланади. Валади зино бўлишига ҳомиланинг никоҳсиз алоқадан пайдо бўлиши етарли. *Валлоҳу аълам.*

### 407-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Менинг ёшим 20 да. Мени бир муаммо қийнамоқда. Уч йил аввал бир инсон ҳаётимга кириб келди. У мендан 15 ёш катта. Унинг биринчи турмуши ўхшамагани сабабли оиласи билан ажрашган. Хотини унга хиёнат қилган.*

*У мени севади. Мен учун ҳамма нарсага тайёр. Мени ҳаётининг мазмуни деб билади. У билан уч ийлдан бери танишман, бирор марта қаттиқ гапирмаган. Ўзи эса олий маълумотли.*

*У менга уйланмоқчи, лекин ота-онам, уйимдагилар бунга қарши, кейин одамларнинг ҳам гап-сўзи бор. Аммо мен ҳам уни севаман. Усиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Нима қилишини билмаяпман. Илтимос, менга маслаҳат беринг.*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Шариатта амал қилмаслик оқибати шундай бўлади. Номаҳрамларнинг ўзаро алоқаси шунаقا натижага олиб келади. Ё тезроқ ота-онангизни кўндириб, ҳалол алоқа – никоҳ ақдини боғланглар, ёки дарҳол муносабатни тўхтатиб, бу мавзуни унтишга ҳаракат қилинг. *Валлоҳу аълам.*

### 408-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эшишишимча, аёл киши – хоҳ у эрга теккан бўлсин, хоҳ бокира қиз бўлсин – агар уй ишлари билан қолиб кетиб, келин эса қайнона-қайнотанинг, эрининг хизматларини қилиши натижасида илм олишга вақт тополмаса, ажрда умрини илм олиш билан ўтказган, фақат ибодатда юрган инсон билан тенг бўлар экан. Бунга Фотима розияллоҳу ан-хонинг ҳаётларидан мисол келтиришиди:*

*«Бир куни Фотима онамиз оёқларида болаларини тебратиб, қўлларида эрларининг кийимларини тикиб, тилларида Куръонни ўқиб ўтирганларида оталари Ра-сулуппоҳ алаиҳиссалом эшикдан уларга қараб, кулиб ўтиб кетибдилар. Шунда Фотима онамиз отам менинг Куръон ўқиётганимга хурсанд бўлиб, табассум қилдилар шекилли, деб Куръонни олиб, фақат уни қироат қилишга берилиб, ўқиб ўтирсалар, Ра-сулуппоҳ соллаппоҳу алаиҳи васаллам яна бир бор эшикдан қарабдилар. Бу гал Фотима онамизга кулмасдан, хафа бўлгандек ўтиб кетибдилар. Шунда Фотима онамиз изларидан бориб, оталаридан бу ҳолнинг сабабини сўрабдилар. Оталари: «Сен боя қараганимда ҳам Куръон ўқиб, ҳам болангга қараб, ҳам эрингнинг кийимини тикиб ўтирганингда 300 та фаришта турганди, энди эса 200 таси кетиб, 100*

таси қолибди, ўшанга хафа бўлдим», дебдилар. Кейин яна: «Аёл киши уй ишларини қилса, қайнона-қайнотанинг, эрининг хизматларини бажарса, эрини рози қилса, беш вақт намозини ва рўзасини адо этса, ўзини номаҳрамлардан муҳофаза қилса, жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кирсин», деган ҳадисни мисол келтирибдилар.

Демак, бундан чиқди, аёл кишига илм фарз эмас. Чунки у уй ишлари, қайнона-қайнота, эрининг хизматлари ва болалари парвариши билан бўлиб, илмга вақт тополмайди. Шунинг учун ажерда илмли ва ибодатли аёл билан хизматдаги аёл баробарми? Лекин ҳозирда кузатсангиз, кўп қайноналар, қайнота, қайнука ва қайнингиллар ўзлари ишга яроқли бўлгани ҳолда, бутун уй ишлари билан бирга ўзларининг хизматларини ҳам келинга юклайдилар. Гўё ўйга тайёр хизматкор келиб қолгандай муносабатда бўлишиади. Беихтиёр «Аёл киши фақат хизмат учун яратилганими?» дегинг келади. Унинг илм олиши учун вақт талаб қилишига ҳаққи йўқми? Аёл киши ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ каби билиши зарур бўлган илмларни ҳамда қирқ фарзни тўлиқ билмаса, нима қилиши керак? Қизлар эса «То шу каби муҳим илмларни ўрганмагунимча, Қуръони Каримни ёдлаб, тафсирини ўқимагунимча, болалар тарбиясига тайёр бўлмагунимча эрга тегмайман», деб, келган совчиларга рад жавобини берса бўладими? Илтимос, Одинахон она, аёлларимизга бу борада ўз маслаҳатларингизни аямасангиз, уларга чиройли кўрсатмаларингизни берсангиз...

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бизнинг мусибатимиз китоб ўқимаслигимиздадир. Кўп китоб ўқисак, шунча савол келиб чиқмайди. Юқорида сиз ҳадис маъносида келтирган гапларингиз ҳеч бир асосга эга эмас. Асоссиз гап-

ларни ҳадис дейиш катта гунохdir, Расулллоҳ соллаллоху алайхи васалламга нисбатан тұxматдир. Албатта, ҳар бир мусулмон ва мұслима ўзига фарз бўлган илмни билмоғи лозим. Мұслиманинг фарз бўлган илмларни ўрганишига валийси масъулдир. Илм олиш учун оила курмаслик керак ёки илм олса, инсонлик бурчини бажармаслик мумкин, деган гап йўқ. Аёл кишининг энг муҳим вазифаси оиласидир. У эрининг розилиги билан жаннатга Эришади. Инсоннинг одамзодга қилган яхшилигининг ўзи катта савобдир. Мусулмонга яхшилик қилиш янада улкан савоб. Силаи раҳм қилгани эса янада ажр ҳисобланади. Жаннатга киришнинг йўли кўп. Дин, ибодат, таълим, бурч ҳаётдан ажралмас нарсалардир. Ҳаммасини ўз вақтида ва ўз меъёрида бажариш лозим. **Валлоҳу аълам.**

#### 409-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Телефонда никоҳ ўқитса бўладими? Воқеа бундай бўлган: қиз ва йигит бир машинада юзма-юз ўтиришган. Битта домлага телефон қилишган. Домла бир гувоҳ билан никоҳни телефонда ўқиган. Никоҳ хутбасини иккала тараф ҳам эшишган. Лекин домлани ва гувоҳни улар кўришмаган. Бунда никоҳ ҳақиқий саналадими? Зино ҳисобланмайдими? Ёки шариатда бу жсоизми? Лекин мақсад Аллоҳ розилиги учун исломий оила қуриш бўлган. Ўша маҳал бошқа жойда никоҳ ўқитиш имкони бўлмаган. Илтимос, жавоб беринглар!*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир рохманир роҳийм.*

Ва алайқум ассалом! Бўлмаган иш. Домла (хатиб), икки гувоҳ ва икки никоҳланувчи жонли мажлисда бир вақтда бирга бўлишлари никоҳ событ бўлишининг шартларидандир. **Валлоҳу аълам.**

## 410-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Анчадан бери бир масала мени қийнаб келади. Мен ва турмуши ўртогум Россияда никоҳдан ўтганмиз. Никоҳимизни бир нотаниш, ўзбек намозхон киши ўқиб қўйган. Никоҳни ўқиши пайтида кўп тутилди ва тўхтаб-тўхтаб ўқиди. Кўнглимизда шубҳа бўлиб қолди. Эрим у кишидан қайта-қайта: «Никоҳ тўғри ўқилдими, жоиз бўлдими?» деб сўради. У киши тўғри ўқиганини ва биз энди эр-хотин эканимизни таъкидлади. Бу ҳолатда никоҳимизни қайтадан ўқитиш керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом! Никоҳдаги асосий нарса ийжоб ва қабул, яъни икки тараф ўз розилигини айтган бўлса ҳамда икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳ ҳозирлигида никоҳ ақди боғланган бўлса, никоҳингиз саҳих бўлаверади. Шубҳага ўрин йўқ, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## 411-САВОЛ

*Ассалому алайкүм, Одинахон она! Бир танишим қуидаги саволни сўраб беришими илтимос қилганди. Битта онахон ўзининг икки қизининг ёшлари тенг фарзандларини (китта қизининг қиз фарзанди ва кичик қизининг ўғил фарзандини) эмизган экан. Онахоннинг у пайтда эмизикли боласи бўлмаган ва табиийки, чақалоқларга сут ҳам келмаган. Она-сингиллар эса ҳеч қачон бир-бирининг фарзандини эмизишмаган экан. Ҳозирга келиб, шу икки набиралари бирга турмуши қурмоқчи бўлишияни экан. Онахон: «Ўша эмизиш имнатижасида булар эмикдош бўлиб, ўзаро никоҳлари*

*ҳаром бўлиб қолмаганмикан?» деб ҳадиксираяпти. Айнан шу ҳолатда улар эмикдоши ҳисобланадими ёки турмуши қуришса бўлаверадими? Жавоб учун олдиндан катта раҳмат! Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Боланинг ичига сут кирмаган бўлса, эмикдошлик хукмига кирмайди. Эмикдош бўлишдаги асосий сабаб сутдир. Сут боланинг вужудига таъсир кўрсатади. Сиз айтган ҳолатда бу нарсалар йўқ.  
*Валлоҳу аълам.*

### ҚАЙНОНА-КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИ

412-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Икки йилдан бери яккаю ёлгиз укам келиним билан ота-онамдан бўлак яшамоқда. Сабаб – ҳамма уйда бўладиган муаммолар: онамнинг келинга берган танбеҳларига укам орага тушиб, ота-онамга овоз кўтаради. Ҳаммамиз ибодатдамиз. Қариндоши-уруглардан энг катталар ҳам укамни ўртага олиб қўришиди, аммо уларни ҳам тингламайди. Сабр қилиб, дуо қилишдан бошқа иложсимиз йўқ. Укамнинг меҳрли бўлиши ва уйга қайтиши учун нимани маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Дуо ва насиҳат қилишда бардавом бўлинглар. *Валлоҳу аълам.*

413-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қайнонам «Менинг одамларим бор. Бу амалларни бўйнимга олганман. Булар менга Аллоҳ томонидан буюрилган», деб мушкул күшод, кинна ва Куръонда келмаган ҳар хил дуоларни ўқиб, егулик-*

*ларга дам солади. Менинг Исломдан хабарим бўлгани учун «Бу нарсалар аслида йўқ», дейман ва зинҳор уларга эргашмайман. Шу сабабдан бизда низо ва жанжаллар кўп бўлади. Бу вазиятда мен қандай йўл тутай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аллоҳга шукрки, бу ишлар нотӯғрилигини билар экансиз. Ҳеч қачон амал қилманг, бундан Аллоҳ арасин! Сиз қайнонангизга бу ишлар жоиз эмаслигини яхшилик билан тушунтириб бора-веринг. Низо ва жанжаллардан қочинг, кўнглингизга олманг. Бундай ҳолатларни инкор этганингиз ва ушбу ҳолатларга сабр қилганингиз учун ажр оласиз, инишаал-лоҳ. Аллоҳ инсоф берсин. *Валлоҳу аълам.*

#### 414-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Келин қайнингил ва қайнэгачиларининг болаларини сизлашга мажбурми? Келин бўлиб тушгандан кейин тугилган болаларни ҳам сизлайдими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бу келинлик одоби ва бошқа миллатларда учрамайдиган гўзал хулқ. Шаръий жиҳатдан сенлаш гуноҳ эмас. Лекин мажбурик бўлмаса ҳам, келиннинг болаларни «сен»лаб туриши жуда хунук одатdir. Ҳар бир миллатнинг шариатга зид бўлмаган гўзал урф-одатлари борки, уларни килиш кишининг динига ёки одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатмайди ва бу билан у фақат ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## НОЗИК МАСАЛА

415-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Маълумки, динимизда ҳайз вақтида жинсий яқинликка рухсат берилмаган. Баъзи аёлларда ҳайз қони тўхтаб-тўхтаб келади. Шу пайтда (яъни ҳайз даврида, аммо ана шу каби қон келиши тўхтаб турган кунлари) жинсий яқинлик қилиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳайз бутқул тўхтаб, тўла пок бўлмагунча, жинсий яқинлик қилиб бўлмайди. Ҳайзниңг ками уч, кўпи ўн кун. Шу вақтичиде ҳайз ораси узилиб қолиши ҳам ҳайз ҳукмига киради. *Валлоҳу аълам.*

416-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Сиздан менга ҳам диний, ҳам руҳий жиҳатдан ёрдам ва маслаҳат керак. Турмуши ўртогим кўпинча менинг норозилигимга қарамай, ҳайз кўрган пайтимда ҳам мени маҗбурлаб жинсий яқинлик қиласди. Бу менга ҳам руҳий, ҳам гинекологик тарафдан қаттиқ таъсир қиласди. Шунча тушунтирасам ҳам, барибир шу аҳвол тақрорланаверади. Бу динимизда ҳам тақиқланган-ку, тўғрими? «Йўқ», десам, мени туртиб, маҗбурлаб, ҳақоратлаб ишини бажаради. Менга маслаҳат беринг, илтимос. Эрими кундан-кунга ёмон кўриб кетяпман. Ахир мен ҳам аёлман-ку, ҳатто она сифатида ҳам қадрим йўқми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳайз пайтида яқинлик қилишдан қайтариқ Куръони Каримда келган:

وَيَسْأَلُونَكُمْ عَنِ الْمَحِيطِ قُلْ هُوَ أَذَى فَاعْرِزُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيطِ وَلَا نَقْرِبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهَرُنَّ فَإِذَا تَطْهَرْنَ فَأُتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمْرَكُمُ اللَّهُ أَنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْتَّوَّبِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ ٢٢٢

«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У кўнгилсиз нарсадир. Ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг. Уларга пок бўлмагунларича яқинлашманглар. Агар пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади», деб айт» (*Бақара сураси, 222-оят*).

Агар эр: «Ҳайз вақтида яқинлик қилса бўлаверади», деган эътиқодда бўлса, орадаги никоҳ узилиб қолиши мумкин. Ҳаромни ҳалол санааш шаръян қуфр ҳисобланади. Аммо биз ҳолатдан бехабар бўлганимиз учун эрингизни кофир бўлган, деб ҳукм қилолмаймиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қиласидилар: «Яхудийлар уларнинг аёллари ҳайз кўрса, бирга овқатланмай ва бирга ётмай қўяр эдилар. Саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломдан бу ҳақда сўрадилар. Ва Аллоҳ таоло «**Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар**» оятини нозил қилди. Шундан кейин Пайғамбар алайҳиссалом: «**Жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилсангиз бўлади**», дедилар».

Турмуш ўртоғингизга буни тушунтиринг. Ўзингиз бу ҳолатдан қочинг. Қанча ҳақоратласа ҳам, йўл берманг. Агар бу ишга йўл қўйиб берсангиз, сиз ҳам унга қўшилиб, ҳаром ишни қилган бўласиз. **Валлоҳу аълам.**

## 417-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Менинг битта қизим бор. Худо хоҳласа, 20 майды 2 ёшга киради. Ҳалиям фақат она сутидан озиқланади. Эшитишимча, қиз бола 18 ойдан ортиқ эмса, макрух саналар экан. Шу ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Эмизиш муддатини Аллоҳ таоюл Қуръони Каримда:

وَحَمْلَهُ وَفَصَلَهُ ثَلَثُونَ شَهْرًا

**«Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир»** (*Аҳқоғ сураси, 15-оят*) деган оят билан белгилаб қўйган.

«Бу – Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ижтиҳодларига кўра икки ярим йилгача.

Аммо имом Абу Юсуф ва Мұхаммад: «Икки йил», деганлар. Уларнинг далили:

**«Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар.** (Бу) эмизишини батамом қилмоқчи бўлган киши учундир» (*Бақара сураси, 233-оят*) деган оятдир.

Худди шу маъно Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча ҳадиси шарифларида ҳам таъкидланган (*Кифоя*).

Демак, бола икки ёшидан кейин эмса, шаръий эмизиш собит бўлмайди. Онанинг сути онанинг бир бўлаги саналиб, зарурат юзасидан шариат болага унинг истеъмолига рухсат берган. Икки ёшдан кейин эмизиш ҳаром саналади.

Қиз бола, ўғил бола, деб хосланган ҳукм йўқ. Шунингдек, 18 ой деган гап асоссиз. Икки йил шамсий эмас, қамарий йил ҳисобида ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

**418-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Мени анчадан бери қийнаётган, ўйлантираётган савол бор эди. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида: «Болаларингизни ҳурмат қилинг», дейилган экан. Кеинин «Ҳурмат қилиши ўзи нима?» деб ўйланиб қолдим. Бу ҳақда тайинли, асосли жавоб топа олмаяпман. Илтимос, жавоб беринг.*

*Яна бир саволим шуки, жаҳлни биринчи лаҳзапардаёқ қандай енгиш мумкин? Баъзан фарзандим бир иш қилиб қўйса, ундан хавотирланиб, уришиб қўяман. Шунда ўз ота-онам ёдимга тушиб кетади. Уларга ўхшаб қолаётганимдан хафа бўлиб кетаман. Албатта, уларни тушунаман, улар ҳам шундай муомала кўришган. Лекин менинг фарзандларимда ҳам шу нарсалар бўлишини ҳеч хоҳламасдим. Аллоҳ баракот ато этсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ تَعَالَى قَالَ أَكْرَمُوا  
 أَوْلَادَكُمْ وَأَحْسِنُوا أَدْبَهُمْ رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ

*Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг», дедилар».*

Ибн Можса ривоят қилган.

Боланинг ота-онада, ота-онанинг болада ҳақлари бўла-ди. Ҳар ким ўз ҳақларини адо қилиши ҳақ эгасини икром қилиш ҳисобланади. Бола ота-онаси ҳузуридаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза бир гавхардир. У ҳар қандай нақшни қабул қиласеради. Агар яхшиликка ўргатилса, яхши, одобли бўлиб ўсади. Бунинг савобига эса ота-онаси ва устоз-мураббийлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка ўргатилса, ёмон, бадхулқ бўлиб ўсади. Бунинг гуноҳига ота-онаси ва мураббийлари ҳам шерик бўладилар. Боланинг тарбиясига мутасадди киши (ота-она, валий) уни турли ёмонликлардан, ахлоқсизликлардан сақлаши, унга муносиб таълим-тарбия бериши лозим. Унга яхши ахлоқларни ўргатишсин, уни ёмон болалар таъсиридан сақлашсин, ўткинчи, ҳавои лаззатларга қизиқишига одатлантиришмасин, уни зебу зийнатга ружу қўйишга қизиқтиришмасин. Токи, катта бўлганида зебу зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин («Ижтимоий одоблар»дан).

## ҒАЗАБНИНГ АМАЛИЙ ДАВОСИ

عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: اسْتَبَ رَجُلًا نَعْلَمُ أَنَّهُ مِنَ الظَّالِمِينَ فَجَعَلَ أَحَدُهُمَا تَحْمِرُ عَيْنَاهُ وَتَنْتَفِخُ أَوْدَاجُهُ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: «إِنَّمَا لَأَعْرِفُ كَلِمَةً لَوْ قَالَهَا لَذَهَبٌ عَنْهُ الَّذِي يَجْدُ: أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ». فَقَالَ الرَّجُلُ: وَهَلْ تَرَى بِي مِنْ جُنُونٍ؟ رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳузурларида сўкишиб қолди. Иккисидан бирининг кўзлари қизариб, томирлари бўртиб чиқа бош-

лади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен агар у айтса, ундаги бу нарса кетадиган калимани биламан. У «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»дир», дедилар. У: «Менда жиннилик бор деб ўйлайсанми?» деди».

*Тўртловлари ривоят қилганлар.*

Ғазабланишдан тийилиш ниятида бўлган одам «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»ни айтиб юрмоғи лозим.

عَنْ أَبِي ذَرٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ تَعَالَى قَالَ لَنَا: «إِذَا  
غَضِبَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ قَائِمٌ فَلْيَجْلِسْ، فَإِنْ ذَهَبَ عَنْهُ الْغَضَبُ وَإِلَّا  
فَلْيَضْطَجِعْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

*Абу Зарр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «Сизлардан кимда-ким ғазабланса, тик турган бўлса, ўтириб олсин, ғазаби кетса – кетди, бўлмаса, ёнбошласин», дедилар».

*Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Албатта, бу ишларнинг ғазабни сўндириши тажрибада ҳам событ бўлган.

Имом Абу Довуд Абу Воил Оссдан қуидаги ривоятни келтиради: «Урва ибн Мухаммад Саъдийнинг олдига кирган эдик. Бир одам гапириб, унинг ғазабини қўзғади. Шунда у ўрнидан туриб, таҳорат қилди. Сўнгра: «Отам менга бобом Атия розияллоҳу анхудан ушбу ривоятни айтиб берган эди», деб, қуидагиларни айтди:

عَنْ عَطِيَّةِ السَّعْدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ تَعَالَى: «إِنَّ

الْغَضَبُ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَإِنَّ الشَّيْطَانَ خُلُقٌ مِنَ النَّارِ، وَإِنَّمَا تُطْفَأُ  
النَّارُ بِالْمَاءِ، فَإِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلَيَتَوَضَّأْ». رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدْ.

*Атийя Саъдий розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яратылған. Олов сув билан ўчирилади. Кимнинг ғазаби келса, таҳорат қилиб олсин», дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилған.*

Албатта, мазкур ва шунга ўхшаш тадбирлар ғазабни қайтариш учун қўлланиладиган ёрдамчи чоралардир. Ғазабнинг асосий чораси эса Аллоҳга бўлган иймон, қиёматдан умидворлик бўлиб, жаҳли чиққан одам дарҳол Аллоҳ таолони эслаши, У Зот ҳар бир нарсани кўриб-билиб турганини ва ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиши шубҳасизлигини ёдга олиши зарур. Шунингдек, ғазабни ишга солиб, ёмонлик қиласа, қандай жазо олишини, аччиғини ютиб, ортга қайтса, қандай савобларга эга бўлишини ўйлаши лозим.

## ҒАЗАБНИ ЮТИШНИНГ ФАЗЛИ

Ғазабни ютиш фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бунга ҳар қандай одам ҳам қодир бўла олмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ғазабни ютувчиларни мадҳ қилиб:

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَاءِ وَالْكَائِظِمِينَ  
الْفَيْظُ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

«Улар енгилликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафаска қиласиганлар, аччигини ютадиганлар ва одамларни афв қиласиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади», дея марҳамат қилган (*Оли Имрон сураси, 134-оят*).

Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан хисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин такводор киши бу оғир ишни эплаши мумкин. Яъни қалбida такводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазаб устидан ғолиб чиқа олади. («Руҳий тарбия», I-жуз.)

#### 419-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Аввало катта ташаккур билдираман. Саволларимизга эринмасдан жавоб бериб турибсизлар. Менинг саволим шундан иборатки, бизнинг фарзандимиз бор, олти ойлик бўлди. Мен уни қандай тарбия қилишим керак? Тарбия бола тугилмасидан олдин бошланади, шундай бўлса-да, мен ҳозир унга яна қандай амаллар билан тарбия беришим мумкин? Кўп олимларимиз 7 ёшликларида Куръонни ёдлаб бўлишган. Шуларни эшитганимда ё ўқиганимда жудаям ҳавасим келади. Фарзандимиз кичкина, бирон нарсани ўргатсам, ўрганолмаса, унга қандай тарбия беришим мумкин? Шу ҳақда маслаҳат беринг, илтимос.*

**ЖАВОБ: Бисмилахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бу жуда ҳам кенг мавзу. «Муслимаат.уз» сайтиизда фарзандлар тарбияси учун алоҳида бўлим очилган, шуни кузатиб боришни тавсия қиласман. Фарзанд тарбияси учун энг муҳим нарса хонадондаги муҳит. Бола тарбияни катталардан олади, энг

аввал шу нарсага эътибор бериш керак. Диний таълимларни эса намозга қиёсан, етти ёшдан бошлаш мақсадга мувофик. *Валлоху аълам.*

### 420-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг ёшиим 19 да. Оиласда икки ўғил ва бир қизмиз. Мен турмушга умуман чиқмоқчи эмасман. Шунга қарор қилдим! Җунки онам бизга бирон марта меҳр бермаган. Лекин биздан мұхаббат ва фарзандлик бурчимизни бајсарышимизни талаб қилади. Ўзи қарамаган бөгдан яхши ҳосил олишини кутади.*

*Онам мактабда 8-синфгача ўқиган экан, дүнёқараши бизникидан ортда қолиб кетган, десам, муболага бўлмайди. Бизни умуман тушунмайди. Яхшиликни гапирамизми, оила ҳақида қайгурамизми, онамга қизиги йўқ.*

*Ўзи эса менга ҳеч қанақасига ўрнак бўлолмайди, дадамга жуда ёмон муюмала қилади. Оиласвий маданиятимиз асло ўсмайди, доим онам илдизига болта уриб туради. Нима мавзу бўлса ҳам, бадгумонлик билан ўзига олиб, жсанжсал чиқаради. Шунинг учун бизнинг гапиргимиз келмайди ва жуда одамовимиз.*

*Акам ва укам қиз болага қандай муюмала қилишини билишимайди, уларнинг менга нисбатан муносабати худди ўғил болага қилинадиган муюмала кабидир. Мен бундан жуда галати бўламан ва қийналаман. Уларни ёмон кўраман, ахир мен ўғил болалар ичida ўсганим учун қизларга хосликни зўрга ўрганаётган бўлсам, улар мени янада ортга тортишиади. Буларни онам ака-укаларимга тушунтириб, менга муносиб мұхит яратишни керак-ку! Онам бўлса лоақал ўзини эплай олмайди.*

*Қисқаси, менга оиласда яшаши жуда нокулай ва огир. Бундай оиласда очилмай яшаб, тарбия кўрмай ту-*

*риб, мен ўзимни ва бошқаларни қийнамоқчи эмасман.  
Сабаби, оналикни катта масъулият деб биламан.*

*«Зикр аҳлидан сўранг»га савол юборсан, «Сиз илм ўрганиб, саҳобий оналаримиз каби бўлинг», дейишиди. Ахир шундай оиласда яшаганимдан кейин саҳобий оналаримиз каби бўла оламанми? Уларнинг оиласи яхши бўлган-ку.*

*Асосий саволларим қуйидагича: онадан меҳр кўрмаган фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топа оладими? Ота-онаси тўғри тарбия бермаган болалар қандай йўл тутишилари керак? Улар ўз ўринларини топишилари учун нима қилишилари лозим? Ёки ота-онасидан тўғри тарбия олганларгина тўғри йўлда юриб, ўзларини топадиларми? Жавобингиз ва менга масла-ҳатингизни интизорлик билан кутаман!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Синглим, аввало она ҳақида бундай гапларни гапириш тўғри эмас. Нима бўлган тақдирда ҳам, у сизни дунёга келтирган ва сизни деб кўп мاشаққат чеккан инсон. Бир эмас, учта фарзандни дунёга келтириш осон иш эмас. Шариатимизда ота-онанинг ҳаққи ниҳоятда улуғ саналган. Онангизнинг салбий хусусиятларини таҳдил қилишга ақлингиз етибдими, энди нега шундай ҳолатга тушиб қолганини ҳам ўйлаб кўринг. Балки шунда муаммонинг ечими топилар. Албатта, онаизорнинг фарзандларга, оиласа таъсири жуда катта. Аммо онани айблаш, оила аъзоларини ёмон кўриш билан масала ҳал бўлмайди. Уйингиздаги ҳолат бундай бўлишида ҳам ҳикмат бордир. Балки сиз онангиз қилган хатоларни такрорламассиз. Эҳтимол, бу оила учун қуёш каби чақнаб, зулматларни кетказиб, нур ва ёруғлик олиб киарсиз. Мўмин киши яхшиликни умид қилиб, эзгу

ният билан яшайды. Сиз ҳам ҳамиша яхшиликни умид этиб, әзгу ният қилинг. Аллоҳ ҳар ишга қодир Зотдир.

«Онадан меҳр күрмаган фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топа оладими? Ота-онаси түғри тарбия бермаган болалар қандай йўл тутишлари керак? Улар ўз ўринларини топишлари учун нима қилишлари лозим?» деган саволларингизга Аллоҳ билдирганича қисқача жавоб беришга ҳаракат қиласман.

Баъзи сабабларга кўра ота-она тарбиясидан маҳрум бўлган ёки ота-онасининг ўзи «тарбияга муҳтоҷ» бўлган инсонларнинг фарзандлари ҳам, агар улар онгли, тафаккур қилувчи ва энг асосийси, кечиримли бўла олсалар, одоб-ахлоқли, тарбияли бўлишлари мумкин. Кечиримли бўлиш учун эса бор-йўғи, бу ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларнинг хаммаси Аллоҳнинг хоҳиширодаси билангина бўлаётганини эсдан чиқармаслик керак. Хаёлга ёмон фикр келган вақтда мулоҳаза қилиб, бундан ҳеч қандай фойдали иш чиқмаслигини ўйлаб, ана шу фикрнинг тескарисини ўзига ўзи сингдириш ва шу орқали хаёлни тозалаб туриш мумкин. Яъни инсон қалбидан бошқа бир одамга нисбатан хафачилик, адоват, норозилик туйғулари жой олса ва тезроқ улардан халос бўла олмаса, бу ҳис-туйғу инсон қалбини олов каби қуидириб, бадбахтликка, ношукрликка бошлайди ҳамда атрофдаги яхши ҳодисаларга эътибор бериш ҳиссини йўққа чиқариб қўйиш эҳтимоли ҳам бор. Бу ҳолат эса инсонни чукур депрессияга олиб келади. Шунинг учун кўпроқ ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, одобли, кишиларга яхшилик улашувчи, оқил инсонларни дўст тутиб, улардан маслаҳатлар олиб турилиши инсоннинг ёмон йўлга кириб кетишининг олдини олади, уни борига шукр қилиб яшашга, сабрли

бўлишга чорлайди. Ўзи учун бир солих, ҳурмат-эътиборга сазовор инсонни танлаб олиб, баъзи ишларида «Агар қилаётган ҳаракатларимни шу инсон кўрганида, менга қандай танбех ёки маслаҳат берган бўлар эди?» дея, нотўғри ишлардан ўзини муҳофаза қилиши мумкин. Хаммамизга маълумки, инсонлар ичида энг оқил, энг одоб-ахлоқли, комил иймон сохиби, энг эътиқодли ва энг мурувватли, ҳаёти ҳаммамизга ибрат ва ўрнак бўладиган, муҳтарам зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зотнинг хаётларини, муқаддас ҳадисларини ўқиб, ўрганиб юриш, инсонни тўғри йўлга бошловчи ҳақиқий қўлланмадир. Хамда бошқа пайғамбарларнинг хаётлари ҳақидаги маълумотлар, қуръоний қиссаларни ўқиб, ўрганиш ҳам инсон руҳиятини енгил қилиб, бу ҳаётда гоҳида инсонлар учун адолатли эмасдек туюлган ҳодисалар ҳақиқатда уларнинг фойдасига эканлигини билишга, кўнгил хотиржам бўлишига ёрдам беради. Бундай маълумотларни эса Шайх Мухаммад Содик Муҳаммад Юсуф раЖимахуллоҳнинг «Тафсири Ҳилол», «Ислом тарихи» каби китобларидан топишимиш мумкин.

Ёрдам учун биз тайёрмиз. Шунингдек, психологимиз билан ҳам маслаҳатлашишингиз мумкин. **Валлоҳу аълам.**

#### 421-САВОЛ

*Ассалому алайкүм! Алҳамдуиллаҳ, Аллоҳ таолонинг буйруқларига тўлиқ амал қилишига ҳаракат қиласман. Отам оламдан ўтганлар. Онамни зиёрат қилишига икки ҳафтада борардим, кейинчалик оила аъзоларимнинг талабига биноан уч ёки тўрт ҳафтада борадиган бўлдим. Ўзим сатри авратдаман. Лекин ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб, мени бу ҳолатда*

*күчага умуман чиқаршишмаяпти. Онам: «Келмасаң ҳам майли, уларнинг айтганини қил», деяптилар. Агар мен онамни кўргани боролмасам, тарки фарз қилган бўлмайманми? Мабодо иши шунга тақалса, кўчага умуман чиқмоқчи эмасман. Менинг тутган ўйлим тўғрими? Аллоҳ хизматларингиздан Ўзи рози бўлсин ва илмингизни янада зиёда қилсин.*

### **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Фарзандда ота-онанинг ҳақлари бор. Шу ҳақлардан бири – уларни зиёрат қилиб туриш. Ҳар ҳафта уларни кўриб туришга ҳақлисиз. Буни оила аъзоларингизга яхшилик билан тушунтириш керак. Масофа ва шароитни ҳисобга олиб, бирор нарсага келишса бўлади, мисол учун, онангизнинг уйлари узок бўлса, ҳар ҳафтада эмас, икки-уч ҳафтада бориб, бир кундан ортиқ муддат туриб келиш мумкин. Кўчада сатри авратлар bemalol юришибди, Аллоҳга шукрлар бўлсин, ҳеч қандай муаммо йўқ. Аммо шу масала юзасидан жанжал қилмаслик керак. *Валлоҳу аълам.*

### **422-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, сиз билан «Фейсбуқ»дан ташқари қандай қўришиб, сухбатингизни олсан бўлади? Оилада ёлгиз қизман. Опам бўлиб қолишингизни жуда хоҳлайман. Турмуши ўртогимнинг вафотларидан кейин вақтимни исломий китоблар ўқиши ва шу сайтдан фойдаланиш билан ўтказмоқдаман. Икки ёшга тўлмаган қизимга исломий тарбияни қандай қилиб беришим мумкин? Сурагарни неча ёшдан ёдлатсан бўлади? Келажакда уни Ислом билим юртига киргизмоқчиман.*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Турмуш ўртоғингизни Аллоҳ раҳмат килсин. «Muslimaat.uz» сайтида «Фарзандлар» бўлими бор. Ўша ерда фарзанд тарбиясига оид маълумотлар топишингиз мумкин. «Фейсбуқ»да шу сайдимизнинг саҳифаси бор. Ўша ердаги ходималаримиз билан хабарлашиб, мен билан боғланишингиз мумкин.  
*Валлоҳу аълам.*

### 423-САВОЛ

*Ассалому алайкум, устоз! Сиздан бир мавзу хусусида сўрамоқчи эдим. Яқинда виртуал оламдаги дугоналарим пишириқларга, егуликларга ҳайвон шаклини бериш, жонли нарсаларнинг расмини чизиш ёки ҳайвонлар расми туширилган кийимларни кийши динда мумкин эмаслиги ҳақида тортишиб қолишиди. Айтишиларича, қиёматда Аллоҳ: «Буларга жон киргиз», дер эмиш. Лекин болалар бөгчасида уларни расмни чизишдан қандай ажратиб қўйши мумкин ёки болалар кийимини харид қилишида ҳайвонлар расми йўғини топиш ҳозирги кунда жуда мушкул. Шу хусусда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Ноўрин савол берган бўлсан, узр. Аллоҳ илмингизни бундан-да зиёда қилсин!*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Пишириқлар болалар учун бўлса, жоиз. Расм чизганда тўлиқ чизмаса бўлди. Кийимларни имкон қадар расмсизини олиш керак. Мультфильм ҳаҳрамонлари одатда ҳақиқий ҳайвонлардан фарқли бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Куйидаги ҳадислар барчага баробар.

حَدَّثَنَا الْحُمَيْدِيُّ، حَدَّثَنَا سُفِيَّانُ، حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ، عَنْ مُسْلِمٍ  
قَالَ: كُنَّا مَعَ مَسْرُوقَ فِي دَارِ يَسَارِ بْنِ نُعْيْرِ، فَرَأَى فِي صُفَّتِهِ تَمَاثِيلَ  
فَقَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ أَشَدَّ النَّاسِ  
عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الْمُصَوَّرُونَ». تَحْفَةٌ: ٩٥٧٥

*Муслимдан ривоят қилинади:*

«Масруқ билан бирга Ясор ибн Нумайрнинг уйида эдик. (Масруқ Ясорнинг) бостири масидаги суратларни кўриб, деди: «Абдуллоҳнинг шундай деганини эшитдим: «Набий соллаллоҳу алайҳи вاصалламнинг «Қиёмат куни Аллоҳнинг хузурида энг қаттиқ азобда бўладиган одамлар мусаввирлардир», деяётганларини эшитганман».

حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ الْمُنْذِرِ، حَدَّثَنَا أَنَّسُ بْنُ عِيَاضَ، عَنْ عُبَيْدِ  
اللهِ، عَنْ نَافِعٍ: أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ أَخْبَرَهُ، أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ  
قَالَ: «إِنَّ الَّذِينَ يَصْنَعُونَ هَذِهِ الصُّورَ يُعَذَّبُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُقَالُ لَهُمْ  
أَحْيِوْا مَا خَلَقْتُمْ». طرفе: ٧٥٥٨ - تحفة: ٧٨٠٧

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо хабар қиласди:*

«Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи вاصаллам: «Бу хайкалларни ясайдиганлар қиёмат куни азобланадилар. Уларга: «Яратган нарсаларингизга жон киригининг!» дейилади», дедилар» («Олтин силсила» туркумининг «Саҳиҳул Бухорий» жузидан).

## ТАЛОҚ

424-САВОЛ

*Турмуш қурганимга етти ой бўлди. Ҳўжайинимнинг баъзида оғайнилари билан ичкилик ичадиган одатлари бор экан. Шу одатларини қолдириши учун икки ой ҳаракат қилдим. Охири «Яна бир марта иссанам, хотинимни кўйган бўламан», денг!» дедим. Улар гапимни қайтардилар. Орадан икки кун ўтиб, яна сархуши келдилар. Бизни энди бир хаёл қийнаяпти: никоҳ ўқитсакмикан? Ёки уйдан чиқиб кетмасам, талоқ тушибадими? Илтимос, менга маслаҳат беринг!*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Диний идорага бориб, масалага ойдинлик киритинглар. Бундай ҳолатда орага талоқ тушади, никоҳни янгилашиб олиш шарт. *Валлоҳу аълам.*

425-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Бундан уч йил олдин бир ўртогимни хўжайини уч талоқ кўйган. Шундан буён ўртогим ойисининг уйида яшаяпти. Ўртада 4 ёшли қизалоги бор. Лекин иккаласи ҳам талоқдан кўрқиб, яраша олишибадими. Кимлардир: «Фатво чиққан», дейшияпти. Сиз қандай маслаҳат берасиз? Яраиса бўладими? Иккаласининг ҳам бир-бирида кўнгли бор. Олдиндан жавоб учун раҳмат.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Диний идорага боришин. Бу масалада фатво бериш ҳукуқига фақат диний идора эга. Аммо кўнгиллари борлиги масалага ечим топиб бермайди, бунга шаръий жиҳатдан қарашиб керак. *Валлоҳу аълам.*

## 426-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эр хотинга «Мен сендан кечдим», деса, талоқ тушадими? Жавобингиз учун катта раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайқум ассалом. Эр шу гапни айтган пайтидаги ниятига қаралади, нимани қасд қылған бўлса, шу бўлади. Талоқ ниятида айтган бўлса, тушади, бўлмаса йўқ.  
*Валлоҳу аълам.*

## 427-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух! Менинг бир масалада саволим бор эди. Биз турмуш ўртогим билан Россияда эдик. Сўнг мен уйга кетдим. Бир куни телефонда гаплашиб туриб, уришиб қолдик. Ва жсаҳл устида мен: «Бўлди, яшамайман, жавобимни беринг», дедим. Хўжайиним жавобимни бергилари келмади, лекин айтганимни қилдилар. Шу талоққа ўтадими? Ахир ҳеч ким гувоҳ бўлмади ва телефон орқали бўлди-ку. Биз ҳозир ана шу қылған ишишимиздан жудаям афсусдамиз. Илтимос, бизга бу масалага ойдинлик киритиб, жавоб беринг. Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Талоқ ва унга далолат қиласиган гап-сўзлар телефон орқали айтилган бўлса ҳам, ўтади. Бу масалада диний идорага мурожаат қиласиганларингиз маъқул. *Валлоҳу аълам.*

## 428-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен 2005 йилда турмуши ўртогим билан алоҳида яшашни бошлаб, 2007 йилда суд қарори билан ажрашганман. Шундан сўнг эримдан талоқ қўйишини сўраб, қайнопамга мурожаат қилганман. Чунки бу вақтда эримнинг бошқа рўзгори бўлиб, олдига боришининг имкони бўлмаган. Қариндошлиари тўпланиб, эримга тушунтиришган ва қайнопам менга келиб: «Бошингиз очик, рухсатингизни берди», деб айтган. Ҳозирги кунда мен бошқа инсон билан турмуши қурмоқчиман. Саволим шуки, ушибу талоқ ҳақиқийми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Судда эрингиз ҳам иштирок этиб, талоққа далолат қиласидан сўзлардан бирортасини айтган бўлса, ажрашиш ҳақида ариза берилганидан кейин суд қарор чиқарса ҳам, ажрашишга ўтади. Буни ҳаммага эълон қилган бўлсанглар, барчанинг хабари бўлса, идда ўтирган бўлсангиз, энди турмушга чиқишингиз жоиз. *Валлоҳу аълам.*

## 429-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бир йил олдин эрим билан севишиб турмуши қурган эдик. Фарзандим олти ойлик бўлганда вақтидан олдин ўлик тугилди. Қайнанам: «Бола йўқми, энди яшатмайман!» деб сепу қўчларимни олиб кетишими талаб қилди. Иложисиз қолиб, кетишга мажбур бўлдим. Қайнанам ҳамманинг олдига: «Хотинингга жавобини бер!» деди. Эрим: «Уч талоқсиз», деб ота-онам билан жўнатаб юборди. Кейин эса: «Қонуний равишда ажрашмайман», деб туриб олди. Уч талоқ қўйилганда хотин ҳаром ҳисобланади-ку, қандай йўл тутишим мумкин?*

## **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бу ерда очиқ-ойдин уч талок тушибди-ку, яна қандай қилиб яшаш мүмкін? Сиз бу ёғига яшаш ва яшамаслигингизга қараб ҳаракат қилинг. Яшайдиган бўлсанглар, диний идорага бориб, масалага аниқлик киритинглар. Яшамайдиган бўлсанглар, ажрашиш учун талабни айнан сиз беринг. Маҳаллага, қариндошларга, гапи ўтадиганларга айтинг, сизни «муаллақа» қиласин. Ё тўғриликча яшасин, ё яхшиликча ажрашсин. *Валлоҳу аълам.*

### **430-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Тўрт йил олдин турмушим бўлмади. Орадан 4 йил ўтиб, турмушига чиқдим. Хўжайиним билан чет давлатдамиз. Алҳамдуиллаҳ, оиламиз тинч, ҳаётимиз осуда.*

*Ҳазратимизнинг китобларидан аёлда ҳомила бор ёки йўқлигини аниқлаши учун идда ўтирилишини ўқигандим. Менинг ўтирган муддатим шу ҳисобга ўтиб, никоҳим мақбулми? Аллоҳ сизлардан ва барча мусулмонлардан рози бўлсин.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Тўрт йил олдинги эрингииздан талоқ олган бўлсангиз, талоғингизни олган кундан идда бошланган. Идда муддати талоқ ёки ўлим вақтидан бошланади, яъни идда ўтириши керак бўлган аёл буни билса-бilmаса, иддага риоя қilsa-қilmasa, муддати ўталган бўлади. Идда ўтиришдан мурод бачадон ҳолини билиш ва бошқа эр билан яшалган ҳаёт ҳурматини сақлашдир. Шаръий ажрашиш ила шу тўрт йил муддат ичида турмуш қурмаган бўлсангиз, иддангиз ўтган ва никоҳингиз тўғри, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

**431-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Эрим мени ичганида талоқ қилаверади. Нима қилишим керак?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Дарҳол диний идорага боринглар! Уламолар: «Мастлиқда айтилган талоқ ҳам тушади», деганлар. *Валлоҳу аълам.*

**432-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Баъзи сабабларга кўра эри билан уч йилдан ортиқ бирга яшамаган аёл турмуши ўртоги билан қайта никоҳ ўқитиши шартми? (Турмушида «талоқ» сўзи ишилатилмаган-у, лекин «Йўқол», «Кет», «Сен билан яшамайман», деган гаплар айтилган.)*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Ўша сабабларни аниқ билиш керак: нима сабабдан бунча узилиш бўлди, айтилган гапларда нима ният қилинган? Бунинг учун икки томон ҳозирлигига жонли мажлис қилиш лозим.

Умуман, бундай ҳолларда диний идорага бориб, ечим топиш керак. *Валлоҳу аълам.*

**433-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Собиқ турмуши ўртогим билан олти йил бирга яшадик. Икки нафар қизимиз бор. Унинг хоҳиши билан ажрасидик, чунки эримнинг менга кўнгли йўқ эди. Бошқа аёлни севар экан. Менга берилган маҳрни беришмади. Ўртадаги бошқа бир киши: «Қизларингнинг тўйида берар экан», деди.*

*Шу қунларда бир аёлдан: «Агар аёл киши маҳридан үз хоҳиши билан воз кечса, унга жаңннат эшикларидан бири очилар экан», деган гапни эшилдим. Шу гап ростми? Менинг ҳолатимда маҳрдан воз кечсам бўладими? Яна бир собиқ эримдан талоқ олишим керакми ёки талоқ тушиб бўлганми? Раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Ажрашиш қандай ҳолатда бўлганига боғлиқ. Талоқ ва унинг ўрнига ўтадиган лафзлар айтилган бўлса, талоқ тушади. Маҳр тўғрисида айтилган гап ҳам асоссиз. Маҳрни кам талаб қилган аёлнинг барақали бўлиши зикр қилинган. Маҳр сизнинг ҳаққингиз, уни талаб қилишга ҳақлisisiz ва собиқ турмуш ўртоғинингзинг «Фалон пайтда бераман», дейишга ҳаққи йўқ. Эр хотин бирга яшаб турганида муҳаббат туфайли, эрга осон бўлиши учун маҳрдан кечиш яхши. Аммо сизнинг ҳолатингизда, оиласдан ажраб, жафо чекиб турганингизда маҳрдан кечмаганингиз афзал. **Валлоҳу аълам.**

**ИСМЛАР**

434-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Фарзона исмини ўзгартириш керакми? Бу ҳақда маълумот беринг, илтимос. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бу исм форсча бўлиб, «ақлли, доно» деган маънони билдиради. Ўзгартириш шарт эмас. **Валлоҳу аълам.**

## 435-САВОЛ

*Ассалому алайкум! «Акбар» исмининг ўзини айтиб чақириши мумкинми? Бу Аллоҳнинг сифатларидан бири экани ҳақида ўйлаб қолдим...*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратлари «Мұхаммадакбар» деб чақириш кераклигини айтганлар. *Валлоҳу аълам.*

## 436-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Фирдавс исмининг маъноси нима?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Фирдавс — «бўстон», «жаннат» ва «гўзал боғ» деган маъноларни англатади. У жаннатдаги олий мақом ҳам дейилган. «Фирдавс» сўзи Куръони Каримда икки ўринда зикр килинган.

۱۷ ﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامْنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّتُ الْفَرْدَوْسِ نُزُلًا﴾

*«Иймон келтирган ва яхши амалларни қилгандарга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир» (Каҳф сураси, 107-оят).*

۱۸ ﴿الَّذِينَ يَرِثُونَ الْفَرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ﴾

*«Улар Фирдавс(жаннати)ни мерос олурлар, улар унда абадий қолгувчилардир» (Муъминун сураси, 11-оят). *Валлоҳу аълам.**

## 437-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Акамнинг қизининг исми Афрүз. Яқында бир танишлари «Исмини ўзгартиринглар, маъноси яхши эмас, дўзахдаги оловнинг номи», деганга ўхшаши гап айтибди. Лекин биз бу ҳақда ҳеч қандай маълумот топмадик. Шунинг учун сизларга мурожсаат қилишини тўғри деб билдим. Жавобларингиз учун олдиндан каттакон раҳмат!* Аллоҳ рози бўлсин.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу сўз форсча бўлиб, комусдаги маъноларидан бири «ёндирувчи» экан. «Дўзах олови» деган маъно топилмади. *Валлоҳу аълам.*

## 438-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ота тугилаҗсак фарзандига оламдан ўтиб кетган отасининг исмини қўйса бўладими? Болага «оғирлик қиласи», деб эшилдим. Шу гап қанчалик ҳақиқатга яқин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Исм ҳеч қачон болага оғирлик қилмайди. Исломда шумланиш йўқ. Болага ўтиб кетганларнинг исмини қўйиш жоиз ва бу унга салбий таъсир кўрсатмайди, иншааллоҳ. Исм исломий, яхши маънога далолат қилса, бас. *Валлоҳу аълам.*

## 439-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Яқында укам ўгил кўрди, унга яхши ният билан ўзим Сайдкарим деб исм қўйдим.*

*Энди кўнглимизда шубҳа пайдо бўлди. Биз тўғри исм қўйдикми? Олдиндан раҳмат.*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. «Карим» сўзини инсонларга нисбатан ишлатса ҳам бўлади. Ислам тўғри қўйилган. *Валлоҳу аълам.*

### НИКОҲ ТЎЙИ

440-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Суннатга мувофиқ тўй қилиш йўл-йўрикчарини тушунтириб берсангиз. Қандай йўл тутишим ва нималарга амал қилишим керак бўлади?*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу саволингизга жавобни Шайх ҳазратларининг «Бахтиёр оила» китобларидан иқтибос келтириш билан жавоб беришни лозим топдик.

«Никоҳни эълон қилиш ва бошқа бир неча хайрли мақсадларда тўй қилиш шариатда тавсия қилинган амаллардан ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримизга уйланганларида, ўша вақтнинг шароитидан келиб чиқиб, ўзлари оддий ва содда тўйлар қилганликлари маълум ва машхур.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: أَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ حَيْبَرَ وَالْمَدِينَةِ ثَلَاثَةِ يُبَيْنَ عَلَيْهِ بِصَفَيَّةَ بُنْتِ حُيَيْيٍ فَدَعَوْتُ الْمُسْلِمِينَ إِلَى وَلِيمَةٍ فَمَا كَانَ فِيهَا مِنْ حُبْزٍ وَلَا لَحْمٍ أَمْرَ بِالْأَنْطَاعَ فَأَلْقَى فِيهَا مِنَ التَّمَرِ وَالْأَقْطِيلِ وَالسَّمْنِ فَكَانَتْ وَلِيمَتَهُ رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاؤِدَ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар билан Мадина орасида уч кун туриб, ўзлари билан София бинт

Хуяйнинг валиймасини қилдилар. Мен мусулмонларни валиймага чақириб келдим. Унда нон ҳам, гүшт ҳам йўқ эди. У зот тери дастурхонларни ёзишга амр қилдилар. Уларнинг устига хурмо, қурт ва сариёғ ташланди. У зотнинг валиймалари шундан иборат эди».

*Бешовларидан факат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбардан Мадинага қайтаётиб, София онамизга уйланишлари муносабати билан кишиларга валийма берганлар. Бу зиёфат, ривоятда зикр қилинганидек, содда ва оддий бўлган. Нон ва гўшт умуман бўлмаган. Ўша давр камбағалларининг қундалик таомлари – хурмо, қурт ва сариёғ теридан қилинган дастурхон устига ташлаб қўйилган, валиймага келган кишилар ана шулардан тановул қилганлар.

وَعَنْهُ قَالَ: مَا أَوْلَمَ اللَّهُ عَلَى شَيْءٍ مِّنْ نِسَائِهِ مَا أَوْلَمَ عَلَى زَيْنَبَ أَوْلَمَ بِشَاءَ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

*Яна ўша кишиидан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларидан бирортасига Зайнабга валийма қилгандек валийма қилмадилар. Унга бир қўй билан валийма қилдилар».

*Учовлари ривоят қилишган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинт Жаҳшонамизга уйланган вақтларида, имкони бўлиб қолиб, бир қўй сўйиб, тўй қилган эканлар. Бу тўй у зотнинг энг катта тўйлари хисобланганлиги ривоятда қайд қилинмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жигаргўшлари Фотимаи Захро розияллоҳу анхонинг ҳазрати Алий розияллоҳу анху билан тўйлари қуидагича бўлган эди.

Тўй кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш Алий ибн Абу Толибга:

**«Эй Алий, келинга бир тўй ҳам қилиш керак»,** дедилар.

Шунда Саъд ибн Муъз розияллоҳу анҳу:  
«Менда бир қўчқор бор!» деди.

Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати ўюштирилди.

Зиёфатдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алий ибн Абу Толибга:

**«Менга учрамагунча бир нарса қилмай тур»,** дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳо турган жойга бордилар-да, у кишига:  
**«Менга сув келтир»,** дедилар.

Келинликка тайёрланиб олган Фотима розияллоҳу анҳо бир идишда сув келтирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у сувдан Фотима розияллоҳу анҳонинг кўксиларига ва бошларига сепдилар-да:

**«Аллоҳим, мен Сендан бунга ва бунинг зурриётларига қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман»,** дедилар.

Сўнгра у зот яна сув келтиришни талаб қилдилар. Бу сафар Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бориб, ҳалиги идишда сув келтирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ҳам худди Фотима розияллоҳу анҳога қилган ишларни ва дуоларни қилдилар ва:

**«Аллоҳим, икковларига барака бергин, икковларининг устиларидан барака нозил қилгин ва икковларининг зурриётларини баракали қилгин»,** дедилар.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки муаввазатайнни тиловат қилдилар ва:

## «Үз аҳлинг олдига Аллоҳнинг исми ва баракаси ила киравер», дедилар.

Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг қариндошлари бу ҳодисани катта хурсандчилик ва маросим билан нишонладилар. Ҳатто қуёвнинг амакиси Ҳамза ибн Абдулмутттолиб розияллоҳу анҳу иккита жонлик сўйиб, мадиналикларга зиёфат ҳам берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларга тўй қилиш тавсиялари ҳақидаги энг машҳур ривоят «Абдурраҳмон ибн Авфнинг ҳадиси» номи ила машҳур. Унда қуидагилар айтилади.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ رَأَى عَلَى عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ أَثْرَ  
صُفْرَةً فَقَالَ: مَا هَذَا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي تَزَوَّجْتُ امْرَأَةً عَلَى وَزْنِ  
نَوَاهِ مِنْ ذَهَبٍ قَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ أَوْمَ وَلَوْ بِشَاهٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳуда сариқлик аломатини кўриб: «Бу нима?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, данак оғирлигидаги тилла эвазига бир аёлга уйландим», деди у.

«Аллоҳ сенга барака берсин! Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгин», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишганлар.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳуда қуёвлик белгиси бўлган сариқ ранг аломатини кўриб, нима учун ясанганларини сўрадилар. У киши бир аёлга уйланганлари, маҳрга бир данак вазнида тилла берганларини хабар қилдилар. Бу

миқдордаги тилла чорак динор, яъни беш дирҳам кумуш пулга тенг келар эди.<sup>1</sup> Абдураҳмон иби Авф розияллоҳу анху тўй қилмай, уйланганлари учун Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «**Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қил**», дедилар.

Ушбу зикр қилинган ва бошқа зикр қилинмаган далиллар эътиборидан, уламолар жумҳури: «Никоҳ тўйи қилиш мустаҳабдир», деганлар. Шофеъий мазҳабидаги баъзи уламолар бу ишни «вожиб», деганлар.

Никоҳ тўйининг шариатга киритилишининг бир неча ҳикматлари бор:

1. Никоҳ тўйи одамлар орасида никоҳни эълон қилишдир.

Одатда совчилик ва қудачиликдан кўпчилик хабардор бўлмайди. Ақди никоҳ маросимида эса бир неча кишиларгина иштирок этадилар. Одамлар келин-куёвни бирга кўрганларида ҳар хил фикрга бормасликлари, «Булар нимага бирга юрибди экан?» демасликлари учун никоҳ тўй орқали эълон қилинади.

2. Никоҳ тўйи қилишда келин-куёв ва уларнинг яқинлари қалбига қувонч бағишлиаш бордир.

<sup>1</sup> Шофеъийлар юқоридаги ҳадис ва шунга ўхшаш баъзи хабарларни далил қилиб: «Маҳрнинг озига ҳам чегара йўқ», дейдилар. Ҳанафийлар бошқа оят ва ҳадисларни далил қилиб: «Маҳрнинг энг ози ўн дирҳам бўлади», дейдилар. Ҳанафийлар, жумладан, Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ўн дирҳамдан насти маҳр бўлмайди», деган ҳадисларини хужжат қилиб келтирадилар. Шунингдек, Умар иби Хаттоб, Алий иби Абу Толиб, Абдулоҳ иби Умар розияллоҳу анхулар ҳам: «Маҳр ўн дирҳамдан оз бўлмайди», деганлар. Шофеъийлар келтирган далилларга эса: «Мазкур ҳадислар ўша оз нарса билан ҳам, никоҳ боғланиши мумкинлигига далил бўлади, холос. Бизнинг наздимизда ҳам ўн дирҳамдан оз маҳр билан никоҳ боғланиши мумкин. Ахир, маҳрга хеч нарса атамаса ҳам никоҳ сабит бўлади-ку. Бинобарин, оз нарса билан ҳам сабит бўлаверади. Факат уни никоҳдан кейин энг камида ўн дирҳам кийматга етказиб қўйиши шарт қилинади», деб жавоб қиладилар.



3. Никоҳ тўйи туфайли кишилар орасидаги ижтимоий алокалар ривожланади, уларнинг орасидаги биродарлик мустаҳкамланади, меҳр ва мурувват зиёда бўлади.

4. Никоҳ тўйи орқали мусулмонлар орасидаги ижтимоий тенглик йўлга кўйилади. Тўйга камбағалларни таклиф қилишга алоҳида эътибор берилади.

وَكَانَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: شَرُّ الطَّعَامِ طَعَامُ الْوَلِيمَةِ يُدْعَى لَهَا الْأَغْنِيَاءُ وَيُتَرَكُ الْفُقَرَاءُ وَمَنْ تَرَكَ الدُّعَوةَ فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَوَاهُ الشَّلَاثَةُ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳу:*

«Таомнинг энг ёмона бойлар даъват қилиниб, камбағаллар тарк қилинган валийма таомидир. Ким даъватни тарк қиласа, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлибди», дер эдилар.

*Учовлари ривоят қилганлар.*

Исломда валиймалардан, умуман, бирорга таом бериш маросимларидан асосий мақсад, хожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтаришдир. Валийма қилган одам муҳтоҷ камбағалга қарамай, бойларнинг эшигига бориб: «Менинг валиймамга бир қадамингиз етиб қолса, баҳтиёр бўлар эдим», деб илтижо қилиши жуда ўринсиз ишдир.

Шунинг учун ҳам ундаи валийманинг таоми «энг ёмон таом» дейилмоқда. Демак, валийма қилувчи киши кимларни чақиришни ҳам билиши керак. Зиёфат дастурхонига камбағал, бева-бечораларни кўпроқ даъват қиласа, улар зиёфатдан қорни тўйиб, қайғуси кетиб, кўнгли кўтарилиб кетса, эҳсон ўрнига тушган бўлади.

5. Никоҳ тўйи қилиб, кўпчиликни чорлашдан кўзланган асосий мақсадлардан бири мусулмонлар жамоасининг янги оила ва келин-куёв ҳаққига дуоларидан умидворликдир. **Валлоҳу аълам.**

### МАҲРАМ

**441-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа! Бизга бераётган ёрдамларингиз учун катта раҳмат. Опа-жон, саволим шундан иборатки, жуфти ҳалолим вафот этдилар, яқинда иддам чиқади. Менга қайнотам ва вояга етган қайнукам умрим давомида маҳрам ҳисобланадиларми?*

*Озгина вақтдан сўнг ота-онам қизлик уйимга олиб кетишмоқчи. Лекин худди жуфти ҳалолимдан узоқлашгандек туюляпти менга. Гўё кетиб қолсан, хаёлимда у киши хафа бўладигандек. Кўнглимни узолмаяпман. Лекин бир кун кетишим аниқ, чунки уйланадиган қайнукам бор.*

*Икки ёшга кираётган ягона ёдгорам бор, Аллоҳга шукр. Қайнана-қайнотамни ўйласам ҳам, сиқилиб қоляпман, улар набираларини жуда яхши кўришади. Оиласданагилар: «Улар келишади, сен ҳам хабар олиб турасан. Ҳаммаси яхши бўлади», дейшияпти.*

*Ўзим ҳам ёлгиз қизман, акаларим бор. Лекин дардларимни тинглагувчи, маслаҳатларини аямайдиган сиздек опам бўлса эди! Илоҳим, қизалогим сиздек солиха, муслима бўлсин. Раҳмат сизга!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аллоҳ турмуш ўртоғингизни раҳмат қилсин, сизга эса сабр берсин. Қайнотангиз сизга маҳрам, турмуш ўртоғингиз вафот этган бўлса ҳам.

Аммо қайнукаларингиз маҳрам эмас. Маҳрам бўлмаган кишилар билан яшагандан кўра маҳрамларингиз билан яшаганингиз тўғри. Яқинларингиз айтганлариdek, зиёратларига бориб турасиз, алоқаларни давом эттираверасиз. *Валлоҳу аълам.*

## АВРАТ

### 442-САВОЛ

*Ассалому алайкум. «Намоз ўқиган аёлга намоз ўқимаган аёл номаҳрам кабидир», деб эшиштган эдим. Кўшини рус аёл Вера она кўришгандан қучоқлаб олиб, юзимиздан ўниб кўришади. Агар номаҳрам бўлса, бу бизга гуноҳ бўлади-ку, тўғрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. «Намоз ўқиган аёлга намоз ўқимаган аёл номаҳрам кабидир» эмас, муслима бўлмаган аёл муслимага номаҳрам сингаридир. Бундай сўрашиб бўлмайди. Файримуслимага муслима аёл авратини кўрсатиши ҳам жоиз эмас. *Валлоҳу аълам.*

### 443-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух. Менинг ёшим 14 да. Балогатга етгач, ҳижобга кирмоқчиман. Аммо оиласда ҳамма бунга қарши. Онам очиқ-сочиқ кийиниб юришишмга мажбурлайди. Нима қилишини билмаяпман. Жавобингиз жуда зарур. 2-3 кундан сўнг интернетга киришишмга умуман имкон бўлмайди. Аллоҳум йзи барчани қўлласин. Раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Менимча, сиз балоғатга етган бўлсангиз керак. Балоғатга этиш аломати қиз болалар

учун ҳайз кўришдир. Ҳайз кўргандан кейин аёл киши авратларини ёпиши фарз. Аллоҳдан сўраб, шунга ури-наверинг. Биз ҳам дуода бўламиз. **Валлоҳу аълам.**

### 444-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Одинахон опа, аввало сизга раҳмат. Бундан олдин берган саволимга тушунарли жавоб олдим. Сиздан яна маслаҳат сўрамоқчиман. Мен ўраниб юрмайман, лекин ҳижсоб кийгим келади. Шунинг учун кўп қаршиликка учрайман. Ҳижсоб ўраб юриш учун бирон ташкилотдан рухсат олинадими? Саволим ноўрин бўлса, минг бор узр.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳижоб – Аллоҳнинг амри. Мусулмон бўлиш учун, намоз ўқиб, рўза тутиш учун бирорта ташкилотдан рухсат олинмаганидек, бунинг учун ҳам рухсат олинмайди. **Валлоҳу аълам.**

### 445-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Аёллар салонига чиқиб, авратларимизни эниляция қилдирсан бўладими, гуноҳ иши қилиб қўймаймизми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бўлмайди, мумкин эмас! Аврат жойга бошқаларнинг назар солиши ҳаром. Аёлларнинг аёлларга нисбатан аврати – киндиқдан тиззагача. Бу муслималар орасидаги аврат чегараси. Шундан келиб чиқиб, мана шу аврат ҳисобланган ерларни кўрсатиб ҳам, тозалатиб ҳам бўлмайди. Қолаверса, бундай шахсий ишларни инсон ўзи амалга ошириши керак. Бош-

қаларга қылдириш одобга ҳам түғри келмайди, ҳаёни заифлаштиради. **Валлоху аълам.**

**446-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Интернетда ҳижабдаги аёлларни пардоз-андозда, күзойнак таққан ҳолда, құлларию қулоқлари ҳар хил зеб-зийнат билан түлгап қиёфада күрамиз. Мусулмон аёллар учун булар гуноҳ эмасми ёки улар таҳоратсиз бўлиб қолишмайдими? Буларнинг қанчалик яхши ёки ёмон томонлари бор? Илтимос, шу ҳақда маълумот беринг.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Булар сатрдаги аёлларга түғри келмайдиган ҳолатлар, албатта. Аммо шундай суратга тушадиган хотин-қизларнинг аксари аслида сатрли аёллар бўлишмайди, ҳаттоқи муслима бўлмаганлари ҳам топилади. Улар кўпинча бу ишларни касби юзасидан, тижорат учун қилишади. Мол эгалари молларини чиройли кўрсатиш учун уни зебу зийнатлар билан имкон қадар чиройли кўрсатишга ҳаракат қиласидилар. Бундай мақсадда аёлларнинг шунчаки ўзларини зийнатлаган ҳолда намойиш этишлари ҳам, албатта, шариатимизда ножоиз ҳисобланади. **Валлоху аълам.**

## 447-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Мен университетда 2-босқич талабасиман. Рўмолдаман. Оила аъзоларим аввал бошданоқ ҳижобланишимга қарши бўлишган. Яқинларим орасида ўранганлар йўқлиги учун ва бошқа сабаб билан буни қабул қилишлари анча қийин бўлган эди. Лекин, алҳамдулилаҳ, ҳозирга келиб, ҳар хил гап-сўзлар, ечтиришга бўлган уринишлар анча камайган. Кеча холам уйга келган эдилар. Улар рўмолимга қарши биринчилардан бўлган инсон. Ўқишига бундай иссиқ кунда қийналиб бориб, овора бўлиб юрмаслигимни, мен баривир диплом ололмаслигимни айтдилар. Менга бу гап жудаям қаттиқ таъсир қилиб кетди. Мен икки йил тинмай қилган тайёргарликларим туфайли, аввало Яратганинг марҳамати билан ўқишига биринчи йили грант асосида қабул қилинганман. Ҳаммангизга маълум, грант асосида битирган талабалар уч йил давлатга ишлаб берсагина, дипломини қўлига ола олади. Холамнинг айтишилари бўйича, битирганим билан, рўмолим саббли мени ҳеч ким давлатимиз тасарруфидаги ўкув муассасаларига ишга олмас, натижада мен ҳеч қачон олий маълумотли эканлигимни тасдиқловчи ҳуёжсантаға эга бўлолмас эканман. Менга маслаҳат беринг, шу гапни эшиятганимдан буён шайтон васваса қиляпти. Мен нима бўлган тақдирда ҳам фарзни бајаршига ва рўмолимни ечмасликка аҳд қилганман. Уйга келиб, ҳатто онамни ҳам шу гапларга ишонтириб кетибдилар. Уларнинг ҳам: «Ростдан бекорга бориб келаётган экансан-да», деганлари менга қаттиқ ботиб кетяпти. Кўз олдимдан абитуриентлик*

*даврим, меңнатларим ўтяпти. Менга шу каби ғап қылғанларга «Аллоҳга таваккал», деб жағов беряпман-у, лекин «Ростдан ҳам нима қиламан энди?» деб ўйланяпман. Менга түгри йўл қўрсатинг, илтимос! Жавобингизни аяманг. Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Кейин нима бўлишини Аллоҳ билади. Сиз Аллоҳга таваккул қилинг, Ўзига суюнинг, Ўзининг амрини бажо келтиринг. Аллоҳга осон, яхшиликларни насиб қиласди, иншааллоҳ. Ноумид бўлманг. Таълимни ишлаш учун эмас, илм-маърифатли бўлиш учун, деб олинг. Илм-маърифатли ва яхши ниятли одам ҳар доим азизу мукаррам бўлади. Ўқишингизни давом эттираверинг. *Валлоҳу аълам.*

## ТАҚИҚ ВА РУХСАТЛАР

**448-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Аёл кишининг қабристонга бориши жоизми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом.

– عَنْ عَائِشَةَ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: أَتَانِي جَرْبِيلُ فَقَالَ: إِنَّ رَبِّكَ يَأْمُرُكَ أَنْ تَأْتِيَ أَهْلَ الْبَقِيعَ فَتَسْتَغْفِرَ لَهُمْ قَالَتْ: قُلْتُ كَيْفَ أَقُولُ لَهُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: قُوْلِي السَّلَامُ عَلَى أَهْلِ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ وَيَرْحُمُ اللَّهُ الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنَّا وَالْمُسْتَأْخِرِينَ وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَلَّا حَقُونَ. وَفِي رِوَايَةِ السَّلَامِ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَلَّا حَقُونَ أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمُ الْعَافِيَةَ. رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга Жаброил келиб: «Роббинг сени аҳли Бақыъга келиб, истиғфор айтишингга буюради», деб айтди», дедилар».

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Уларга нима дейман, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим.

«Ассалому ъала аҳли диярим минал мұмминийн вал мұслимийн ва ярҳамуллоҳу ал-мустақдимийна минна вал мустаҳирийн. Ва инна иншааллоҳу бикум лалаҳиқун», деб айт», дедилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Ассалому алайкүм аҳлид диярим минал мұйминийна вал мұслимийн. Ва инна иншааллоҳу бикум лалахиқун. Асъалуллоҳа лана ва лакумул ъафията», дейилган.**

*Имом Мұслим ривоят қылған.*

Бақиъ Мадинадаги қабристон бўлиб, вафот этган мадиналиклар ўша ерга қўмилган ва қўмилмоқда.

Демак, Бақиъга бориб зиёрат қилиб, у ерга дағн қилингандарнинг гуноҳини кечиришини сўрашни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи амр қилған.

Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабристонга борганда у ерда ётганларга нима дейишни сўраганлар.

Агар аёлларга қабристонга бориши жоиз бўлмаганда, Оиша розияллоҳу анҳо у ерга борганда нима дейиш кераклигини сўрамасдилар. Аёлларнинг қабристонга бориши жоиз бўлмаганда, Оиша онамиз бу саволни берганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларини бундан қайтарган бўлар эдилар.

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: لَعَنَ اللَّهِ زَأْرَاتِ  
الْقُبُورِ وَالْمُتَخَذِّلِينَ عَلَيْهَا الْمَسَاجِدُ وَالسُّرُجُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنِ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни ва қабрлар устига масжид қуриб, чироқ ёқувчиларни лаънатласин», дедилар».

*«Сунан» эгалари ривоят қилғанлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисда аёл кишиларнинг қабрлар зиёратига бориши яхши эмаслиги қаттиқ таъкидланмоқда.

Уламоларимиз: «Аллоҳнинг лаънати қабр зиёратига бориб, дод солиб йиғлаган, сабрсизлик қилган ва ношаръий ҳатти-ҳаракатлар содир этган аёлларга хосдир», дейдилар.

Мазкур нарсаларни қилмай, ўзини шариат кўрсатмалари асосида тутган аёллар учун эса қабрларни зиёрат қилиш жумхур уламоларнинг ижмосига кўра макрух, бизнинг ҳанафий мазҳабига кўра жоиздир. **Валлоҳу аълам.**

### 449-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Эшишишим бўйича динда пешона кокили(чёлка)ни кесиш мумкин эмас экан. Шу тўгрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Аёлларнинг пешона кокилини кесиши борасида тақиқ ворид бўлмаган. Уларнинг соч кесишлиари ҳақида «Саҳиҳи Муслим»да кўйидаги ривоят келган:

*Абу Салама ибн Абдурраҳмон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Оишанинг олдига унинг эмиқдош иниси билан кирган эдим, у ундан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жунубликдан ғул қилишлари ҳақида сўради. У бир соъсифимли идиш опкелтириб, ғул қилди. Биз билан унинг ўртасида парда бор эди. У бошидан уч марта сув қўйди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари соchlарини вафрадек бўлгунча олишарди».

**Изоҳ:** Араб тилида соч узунлигига қараб, турлича аталади. Қулоқнинг юмшоғига тушган соч «вафра», елкага тушгани «лимма», иккаласининг ўртасида бўлса,

«жумма» дейилади. Баъзилар: «Елкадан пастга тушган сочға ҳам «вафра» сўзи ишлатилади, бу ерда шу маъно назарда тутилган», дейишган.

Қози Иёс айтади: «Маълумки, араб аёллари сочларини ўриб юришган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари у зот вафот этганларидан кейин зийнатланишни тарқ қилганлари учун соч тарашни осонлаштириш мақсадида шундай қилишган (яъни сочларини қисқартиришган) бўлса керак».

Баъзи уламолар мана шу ҳадисни аёл кишининг соч кесиши жоизлигига далил қилиб олганлар.

Аммо соч кесищда ўзга диндагилар одатига тақлид қилиш, эркакларнинг сочига ўхшатиш жоиз эмас. **Валлоҳу аълам.**

#### 450-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Пешона ва лаб устидаги тукларни терса бўладими? Чунки менинг қошимнинг тепаси жуда қалин. Улар сочим ўсиб чиқкан жойгача уланиб кетган. Бу қош терганга кирмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Қош ўта қалин, четдан қараганды ҳам одатда ўсадиган жойдан ташқарида ўсиб кетган бўлса, одатий ҳолга келтиришда зарар йўқ. Бу худди мўйлаби ўсган аёл ҳукмида бўлади. Қош ва қошга туашган тукларни териб бўлмайди. Бир қарашда қошлиги билиниб турган тукларни олиб бўлмайди. Ундан бошқасига рухсат берилган. **Валлоҳу аълам.**

**451-САВОЛ**

*Спиртли ичимлик ичган одамнинг ибодатлари ва рўзаси орадан қанча вақт ўтганидан кейин қабул бўлади? Шахсан ўзим қирқ кун, деб эшишган эдим.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Набий солаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким хамр ичса, қирқ кун намози қабул бўлмайди**», деганлар.

Бироқ намознинг қирқ кун қабул бўлмаслиги ичилган хамр одам танасида қирқ кун сақланиб, уни нажосатга айлантириб қўяди, дегани эмас. Бунинг маъноси шуки, хамр ичишдек улкан гуноҳ одамнинг шу муддат давомида қилган ибодатларининг савобини ҳабата қиласди. Бироқ бундан «намозим қабул бўлмас экан» деб, намозни тарк қилиш керак, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки намозни тарк этиш хамр ичиш, зино қилиш ва шу қаби бошқа гуноҳлардан ҳам оғирроқдир.

Демак, хамр ичиб қўйган одам намозларини ўқийверади, зиммасидан фарз соқит бўлади, лекин савобидан бебахра бўлади. Шунинг учун бу гуноҳ учун дарҳол тавба қилиб, умрбод бу ишни қилмаслиги шарт. *Валлоҳу аълам.*

**452-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Ҳижобда бўлмаган одам қўли, оёқлари ва елкасига одам ҳамда ҳайвоннинг расми бўлмаган нақш (татуировка) чиздириши, ўша ҳолда намоз ўқиши жоизми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳижобда бўлмасликнинг ўзи гуноҳ, сиз айтган ҳолатларда, агар хина билан чиздирса

ҳам, ғайримусулмонларнинг ахлоқсизликлариға тақлид қилиш бор ва бу дуруст эмас, албаттa. Игна билан татуировка қилиш эса ҳаром амаллардан ҳисобланади.  
*Валлоху аълам.*

453-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Қулоқни иккита тештириши мүмкінми? Бурун ва киндиқни-чи?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Қулоқни иккита тештириш жоиз. Бурун ва киндиқни тештириш бизнинг одатларга ҳам, одобларга ҳам түғри келмайди. Бошқа қавмнинг ишини қылсак, ўшалардан бўлиб қоламиз.

*Абу Довуд ва Табароний қилган ривоятда: «Ким бир қавмга тақлид қылса, у ўшалардандир», дейилган.*

*Валлоху аълам.*

454-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Авваламбор, қимматли вақтингизни аямай, саволларимизга жавоб берәётганингиздан жудаям хурсандмиз. Аллоҳ вақтингизга барака берсин! Саволим шуки, аёл киши қўл-оёқ тукларини олиши мүмкінми? Юздаги холларни кетказиш-чи? Киприк ўстирадиган дорилардан фойдаланса бўладими?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Турмуш курган аёлга қошдан бошқа тукларни олиш жоиз. Хол чиройни бузиб турган бўлса, турмушга салбий таъсир кўрсатса ёки турмуш қуришга тўсқинлик қылса, уни кетказиш мүмкін. Киприк ўстирадиган дорилардан фойдаланса бўлади. *Валлоху аълам.*

## 455-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон. Сочни қора ёки бошқа рангга бўяши мумкинми? Яна бир саволим бор: ҳозирги кунда растушовка урф бўлди, яъни қошни термасдан, унга қалам билан шакл бериб, сўнг бўяб қўйилади. Бу бўяши 1 – 5 йилгача турармиш. Шу иши тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Соч бўяш ҳақида қўйида бериладиган маҳсус мақола билан танишиб, билиб оласиз. Қошни терганга ўхшатиш эса жоиз эмас. Бўяш мумкин. Аммо сиз айтаётган растушовкага вашм, яъни татуаж иши аралашса, бу ҳам ножоиз бўлади, чунки вашм ҳаромдир. *Валлоҳу аълам.*

## 456-САВОЛ

*Аёллар сочларини ҳар хил соч бўёқларига, масалан, «ACMA-COLOR» деганига бўясалар бўладими? Гусл, таҳорат қилса, ўтадими?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Сочни бўяш жоиз, гусл ва таҳоратга зарари йўқ. Бу ҳақда муҳтарам устоз доктор Ваҳба Зуҳайлӣ ўзининг «Замонавий фатволар» номли китобида қўйидагиларни ёзади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оқарган соч ва соқолни бўяшни мубоҳ қилганлар. У зотдан событ бўлган ҳадисда бу маъно бор.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:* «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхудий ва на-

**соролар бўямайдилар. Уларга хилоф қилингиз», дедилар». Бешовлари ривоят қилганлар.**

Энди «savollar.islom.uz» саҳифасидаги Ҳазратимизнинг бу борадаги саволларга берган жавобларига назар солайлик.

## АЁЛЛАРНИНГ СОЧ БЎЯШИ ҲАҚИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Шу кунларда бизнинг диёримизда энг кўп сўраладиган саволлардан бири соч бўёғи ҳақида бўлиб қолди: «Соч бўёғи жоизми?»; «Лондакалор», «Гарниер» каби соч бўёқларини ишлатса бўладими?»; «Сочни краскага бўяса, таҳорат, ғусл ўтадими? Намоз қабул бўладими?»; «Сочни қора рангга бўяшнинг ҳукми қандай? Сариққачи?» каби саволлар қайта-қайта сўралади. Бундай саволлар бошқа юртларда биздагичалик кўп сўралмайди. Шунингдек, шайхимиз Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф ҳазратлари бу саволларга такрор ва такрор жавоб бериб бўлганларига анча бўлган. Шундай бўлса-да, бу борадаги саволлар ҳалигача сўраляпти. Шу сабаб ушбу мавзуни озгина муҳокама қилишни лозим топдик.

\* Соч бўёғи жоизми?

\* Ҳозирда турли номлар билан чиқарилаётган соч бўёқларидан фойдаланиш мумкинми?

Бу саволларга жавоб Шайх ҳазратларининг «Зикр аҳлидан сўранг» китобларининг иккинчи жузида келтирилган:

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Соch бўялгандан кейин гусл ўтмаслиги тўғрими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

*Тўғри эмас.*

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Аёлим қошини тердиришига рухсат сўраяпти, бунга шариатимиз рухсат берадими, шунингдек, сочини ҳам бўяш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

*Қоши терииш мумкин эмас. Сочни бўяса бўлади.*

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Бир танишим ўзи ёши бўлишига қарамай, соchlарида оқи бор. Бўяса бўладими? Шариатнинг ҳукми қандай? Бўяши учун қайси воситалардан фойдаланган маъқул?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

*«Ҳадис ва Ҳаёт»ни ўқиганингизда эди, бу масалани аллақачон билиб олар эдингиз.*

*Аслида кўпинча соч-соқолнинг оқи хина билан ўзгартирилади. Шунинг учун соч бўяши ўрнига соч хиналаш ҳам дейлади. Лекин хинадан бошқа нарса билан бўяши ҳам жоиз.*

*Менинг бир биродарим бор, у билан ёшликдан бирга ўсганмиз. Унинг сочига 12 ёшидан оқи оралаган бўлиб, 18 ёшида батамом оқариб кетган. У ўйлаб, охири сочини бўяшга жазм этди. Ёшимиз улгайганда шундай бир гап эшишиб қолди, соч бўяши таҳоратни бузар экан. Ҳазрат, сиздан илтимос, шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз, дўстимга ёрдам берган бўлардингиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳи роҳманир роҳийм.

*Соч бўяши таҳоратни бузмайди. Бу савол-жавоблардан чиқадиган хуроса шуки, бугунги кундаги турли соч бўёғларини қўллаш мумкин. Улар таҳорат ва гуслни ман қилмайди.*

*Одамларда «Соч бўёғлари жоизми, улар таҳорат ва гуслни ман қилмайдими?» каби саволларнинг түгилиши-*

га сабаб, бүёқлар сочға сув ўтказмайды, деб тушунниш-дир. Улар соч бүёгини тирноқ лаки ёки бүёқчилар бүёги-га қиёслаб, шундай фикрга боришлари мумкин. Аслида эса ундаи эмас. Соч бүёқлари ҳам хина кабидир, фақат-гина кимёвий услугбда тайёрланған. Турли рангларнинг сочда мустаҳкам ўрнашиши учун кимёвий моддалар қўшилган, холос. Соч бүёги ҳам хина каби соч толаси-ни қопламай, ичидан таъсир ўтказиб, рангини ўзгар-тиради. Бу ҳақда тушунчага эга бўлиши учун бирор-бир таҳлил марказига мурожсаат қилиши ёки шу мавзуга оид маълумотларни ўқии мумкин.

Масалан, сочға бүёқ суртилгандағи жараёнда қуий-дагилар ҳосил бўлиши айтилган:

«Кўпчилик соч бўяшини осон, соч толасининг устидан керакли рангни қоплаш билан амалга ошади, деб ўйлайди. Лекин бу жараённи илмий баён қилиб берши қийин ишдир. Чунки рангли моддалар оксидланған моддага аралаштирилгач, соч қобигининг ичига кирадиган бүёқ ҳосил бўлади. Бу модда соч толаси ичida шаклланади. Шунинг учун соч бўёқлари бўёқнинг асосий таркибини ташкил этувчи моддаларга ўхишаи кўпгина мураккаб нарсаларни ўз ичига олган бўлади. Уларнинг таркиби ва вазифаси оксидланганида ўзгаради. Шунингдек, бўёқ ик-киламчи пайдо қилувчиларни, тўғридан-тўғри ранг бе-рувчи антиоксид, ниҳоят, рангни мустаҳкамловчи мод-даларни, бунга қўшимча яна аммиак, ёғ, шам, хушибўй протоин моддаларини ҳам ўзи ичига олади».

Хулоса шуки, бу бўёқлар соч толасини ташқаридан қопламайди, балки ўзига таъсир ўтказиб, рангини ўзгар-тиради. Агар бўёқ толани қоплаганида, сочға сув текка-нида у хўл бўлмаслиги керак эди. Аксинча, соч бўёғидан кейин ҳам соchlар худди бўёқдан аввалгидек хўл бўлади.

Мана шу сабаб уламоларимиз, жумладан, Шайх ҳазратлари ҳам соч бўёғини жоиз ва ғусл-тахоратга халал бермайди, деганлар.

## СОЧНИ ҚОРАГА БЎЯШ

Энди сочни қора рангга бўяш масаласига келсак, яна бир бор «Зикр ахлидан сўранг» китобига мурожаат этамиз:

«Шофеъийлар қорага бўяшни ҳаром дейишган. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анхунинг отаси Абу Күҳофани бундан қайтаргандар. Унинг соч-соколи ҳақида: «...Иккисини ўзгартиинглар, қорани четлатинглар», деганлар.

Лекин фуқаҳолар жумхури буни Абу Күҳофага ўхшаган ўта қари одамларга хос, деганлар. Саҳоба ва тобеъинлардан бир жамоа, Усмон, Ҳасан, Ҳусайн, Үқба ибн Омир, улардан кейин Ибн Сирийн, Абу Бурда ва бошқалар соч-соқолларини қорага бўяшган.

Уламоларимиз бу масалада, хусусан, сочни қорага бўяш ҳақида турли ҳолатларни эътиборга олиб, бир қанча фикрларни баён этганлар.

Жумладан, оила қурмоқчи бўлган одамнинг бўлажак турмуш ўртоғини алдаш учун сочини қорага бўяши ҳаром, деганлар. Аммо аёл кишига эри рухсат берса, жоиз, деб айтганлар ва ҳоказо.

Сочни турли услубларда куйдириш йўли билан бўяш жоиз эмас. Чунки бунда инсон танасига нисбатан хурматсизлик, зулм қилиш ва хилқатни ўзгартириш бор. Валлоҳу аълам».

Демак, сочни қора рангга бўяш шофеъийларда ҳаром. Аммо ҳанафий, ҳанбалий ва моликийларда макруҳdir.

Ҳанафий олимлардан Ибн Обидин: «Урушдан бошка пайтда қорага бўяш макруҳ», деган. «Захира»да:

«Урушда душманнинг кўзига ҳайбатли кўриниш учун соч-соқолни қорага бўяш иттифоқо мақталгандир. Ўзини аёллар учун зийнатлаш мақсадида бўлса, макрухдир», дейилган. Машойихлар оммаси мана шунга ижмо қилишган. Баъзилари кароҳиятсиз жоиз, деган. Абу Юсуфдан қорага бўяш ҳақида шундай ривоят қилинади: «Мен учун аёлим зийнатлангани менга ёкканидек, унга ҳам унинг учун зийнатланганим ёқади».

Бу ердаги гап эркакларнинг соч-соқолини бўяши ҳақидадир. Аммо аёл кишининг эри учун сочини қорага бўяши мутлақ жоиздир.

«Ал-Адабу аш-шаръийату ва ал-минаху ал-маръийя»(3\337)да Исҳоқ ибн Роҳавайҳ эри учун зийнатланишда сочини қора рангга бўяшга рухсат берган.

«Умдату ал-Қори шарҳу саҳиҳи ал-Бухорий»(46\16)да Ҳалимийдан: «Кароҳият эркакларга хос, аёлларга эмас. Аёлга эри учун зийнатланиш мақсадида қорага бўяш жоиз», дегани ривоят қилинган.

Энди «Зикр аҳлидан сўранг»нинг интернет саҳифасига назар соладиган бўлсак, Ҳазратимизнинг қуидаги жавобларини топамиз:

*«Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари!*

*Ҳазрат, сизнинг «Ҳадис ва Ҳаёт» асарингизнинг 17-жузини ўқишим жараённада менда бир савол пайдо бўлди. Уибу саволнинг мазмунини қуидада баён этишга ижозат бергайсиз.*

*Ҳанафий мазҳаби бўйича аёллар сочини ёшлигини беркитмаган ҳолда, лекин зийнатланиш мақсадида сунъий бўёғлар ёрдамида қора рангга бўяшлари мумкинми?*

*Жавобингиз учун олдиндан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Мумкин.

## СОЧ БЎЯШНИНГ ШАРТЛАРИ

Соч бўяш жоиз бўлгани билан, унинг ман қилинган жиҳатлари ҳам бор.

*Хилқатни ўзгартириши.* Бу ерда эътибор бериш керак бўлган нарса – зийнатланиш билан хилқатни ўзгартириш орасидаги фарқни ажратта олиш. Асли яратилишда бўлмаган нарсани қилиш хилқатни ўзгартиришдир, масалан, тишларнинг орасини очиш каби. Гўзалликни орттириш мақсадида қилинган иш зийнатланиш бўлади, мисол учун, қошнинг қорасини, лабнинг қизилини орттириш сингари. Аммо сочни кўк рангга бўяш сочнинг рангидаги хилқатни ўзгартиришга киради. Чунки хилқатда бу ранг йўқ.

*Ўзини бошқа қавмларга ўхшатиши.* Мусулмон бўлмаган қавмга тақлид қилмаслик, масалан, сочни рангбаранг қилиб олиш каби.

*Совчиларни алдаш мақсадида соч бўяши.* Мисол учун, соч ранги аслида бошқа бўлса ёки сочида оқи кўп бўлса-ю, уни бошқа рангга бўяб, сочнинг асли шу, деб кўрсатиш ҳаром.

*Сочни куйдириси (перекислаши).* Бунда, юкорида айтилганидек, инсон танасига нисбатан ҳурматсизлик, зулм қилиш ва хилқатни ўзгартириш бор.

Мана, азизлар, сизларни қизиқтирган мавзуни имкон қадар баён қилишга ҳаракат қилдик. Мақоламизни ўқиганлардан баҳсимиз бошқаларга ҳам етиб боришида ўз ҳиссаларини қўшишларини илтимос қиласмиз. Зора, шу билан анча йилдан бери такрорланаётган саволларга чек қўйиб, билимсизликка барҳам берсак. Ҳали динимизда ўрганишимиз, изланишимиз керак бўлган мавзулар жуда кўп. Шу боис бу мавзуни шу билан ёпиб, вақтимизни, зеҳнимизни бундан кўра муҳимроқ бўлган масалаларга қаратайлик!

## 457-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Қошни термасдан, унга шакл бериш, яъни растушовка қилиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Мумкин эмас. Чунки кўрганлар сизни ҳаром иш қилган, деб гумон қиладилар.  
*Валлоҳу аълам.*

## 458-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Лаб устидаги мўйлабни терса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Эрнинг талаби ва рухсати билан териш мумкинлигини уламоларимиз айтишган.  
*Валлоҳу аълам.*

## 459-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Оёқдаги тукларни, агар турмуш ўртогимга ёқмаса, олиш жоизми? Жавоб учун раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Жоиз. *Валлоҳу аълам.*

## 460-САВОЛ

*Лазер нури ёрдамида қовоқларни олдириши Ислом динига хилоф эмасми? Қош териши-чи?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Лазер нури ёрдамида қовоқларни олдириш ҳам косметик жарроҳликнинг бир тури ҳисобланади. Ислом Конференцияси Ташкилоти қошидаги халқаро Ислом

фиқҳи академиясининг ушбу масалага оид қарорининг иккита бандида шундай дейилган:

«1. Жарроҳлик шаръий эътибор билан амалга оширилган бўлмоғи лозим. Масалан, вазифани қайта йўлга қўйиш, айбни ислоҳ қилиш ва хилқатни аслига қайтариш.

2. Жарроҳлик умид этилган манфаат ўрнига зарарни ошириб юбормаслиги керак...»

Шулардан хулоса чиқарадиган бўлсак, қовоқларни олдириш жоиз эмас. Чунки бунда вазифани қайта йўлга қўйиш, айбни ислоҳ қилиш ва хилқатни аслига қайтариш каби мақсадларнинг бирортаси ҳам йўқ. Шунингдек, бу муолажа манфаат ўрнига зарарни ошириб юбориши мумкин.

Қош териш мумкин эмаслиги ҳадиси шарифда очик айтилган.

*Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Хусн учун вашм қилувчи аёлларни, вашм қилдирувчи аёлларни, мўйчинак билан терувчи аёлларни, мўйчинак билан тердирувчи аёлларни ва тиш орасини очувчи аёлларни – Аллоҳ яратганини ўзгартирувчи аёлларни Аллоҳ лаънатласин». Валлоҳу аълам.**

## 461-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Шароит тақозоси билан мусоғир юртда яшаймиз. Иш топиш бир оз мушқул бўлиб қолди. Бир танишим уйда қоровуллик қилишини тақлиф қилди. У ерда асосан итга қарашиб учун одам керак экан. Бу масалада шариатнинг ҳукми қандай? Топган пулим ҳалол бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳа, иншааллоҳ. Зарурат юзасидан ит тутишга, ит савдосига ва сиз айтган каби ишларға рухсат бор. Итларни таом ва ичимлигингиздан, буюмларингиздан узоқ тутишингизни тавсия қиласыз.  
*Валлоху аълам.*

**462-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Менга Аллоҳ шеър ва құшиқ ёзиши қобилиятыни берган. Құшиққа мос маңноли шеърларни сөтсам бўладими? Гуноҳкор бўлиб қолмайманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Жоиз эмас. *Валлоху аълам.*

**463-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Ҳозирги кунда соч тўкилишига даво сифатида илон ёғидан тайёрланган дорилар сотилмоқда. Шундан фойдаланса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Шайх Мұҳаммад Содиқ Мұҳаммад Юсуф ҳазратлари: «Мумкин эмас», деганлар.  
*Валлоху аълам.*

## ТАОМЛАР ВА ИЧИМЛИКЛАР

**464-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Қуръон ёдлашини бошлаганимда турли хил шубҳали озиқ-овқатлардан тийилганиман. Ҳозир ҳам шубҳали нарсаларни билиб қолсам, тарқ қиласман. Лекин салатларни хуши кўрганим сабабли майонезли салатларни кўп тайёрлаб, истеъмол қиласман. Майонезда ҳам шубҳали моддалар борми ва у зеҳнга таъсир қиласми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Таркибини текшириб кўриш керак. Нималар борлигини билмай туриб, бир нарса деб бўлмайди. Кўнгил ғаш бўладиган бўлса, майонезни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. *Валлоҳу аълам.*

**465-САВОЛ**

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон она! Ҳозирги кунда кенг тарқалган энергетик ичимликларни истеъмол қиласа бўладими? «Флэши» деганида Россия муфтийлари-нинг «ҳалол», деб фатво берган ёзуви бор. Лекин қалбим сиздан ҳам маслаҳат олишига унади.*

*Мен хуфтон намозимни ўқишига жуда қийналяпман. Кўзим ачишиб, шунчалик уйқуга кетяптики, ўзимда шу уйқуни ўчиришига куч тополмаяпман. Таҳажжусуд намозларига туролмаяпман. Шунинг учун бир марта шу ичимликни ичаман, дедим-у, лекин кўрқдим. Илтимос, маслаҳат беринг. Сиз билан маслаҳатлашишига тавфиқ бергани учун Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Омин!*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Ушбу ичимликларнинг зарари таъкидланмоқда. Заарар нарсадан қайтиш керак. Мадорсизлик ва уйқу босиши каби ҳолатларни бошқа, зарарсиз воситалар ёрдамида муолажа қилиш лозим.

Гүшт ва шу каби маҳсулотлардан бошқасида асл ҳукм уларнинг мубоҳ, яъни ҳалол ва пок эканлигидир. Модомики унга ҳаром нарсанинг аралашгани аниқ далиллар билан исботланмаса, қуйидаги:

شَكٌ فِي وُجُودِ النَّجْسِ: فَالْأَصْلُ بَقَاءُ الطَّهَارَةِ.

деган қоидага мувофиқ нажосатга ҳукм қилинмайди. Агар нажосат борлигига шак қилинса, асл (қоида шуки, нажосат деб эмас,) пок деб ҳукм қилинади. («Ал-Ашбоҳ ван-назоир») *Валлоҳу аъlam.*

#### 466-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аёллар үзлари ёлғиз қолганларда, яъни аёллар даврасида ўйин-кулги қилишлари ва рақс тушишилари мумкинми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир рохманир рохийм.**

Ва алайкум ассалом. Агар аёлларнинг үзлари бўлса, эркаклар аралашмаса ва шариат чегарасидан чиқилмаса, қўшиқ одобга тўғри келадиган бўлса, ўйин-кулги қилсалар бўлади. Шариатда бунга рухсат бор. Албатта, бунда беодоблик даражасига етиб бормаслик шарт.

Шу ўринда «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 13-жузидан ушбу мавзуга оид битикларни эътиборингизга ҳавола қиласиз.

**Никоҳ эълони ва унда қўнгилхушлик қилиш**

*Рубайийъ бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривояят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тўйим бўлган куни келиб, тўшагимга худди сен ўтирганга ўхшаб ўтиридилар. Шунда қизчалар чилдирма чалиб, Бадр куни қатл бўлган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Улардан бири: «Ичимизда эртага нима бўлишини биладиган Пайғамбар бор», деб айтди. Шунда у зот: **«Буни қўй, аввал айтаётганингни айт»**, дедилар».

*И мом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Рубайийъ розияллоху анҳонинг оталари Муъавиз ҳамда Авғ ва Муъоз исмли икки амакилари Бадрда шахид бўлган эдилар. Рубайийъ вояга етиб, Ийаас ибн Букайр Лайсийга турмушга чиқади. Тўйга Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳам келадилар. Ичкарига кириб, Рубайийъ розияллоху анҳонинг тўшакларига ўтирадилар.

Шунда қизлар чилдирма чалиб, Бадрда шахид бўлганлар, хусусан, Рубайийъ розияллоху анҳонинг оталари (оталари ва икки амакилари) мадҳида айтилган шеърни оҳанг билан куйга соладилар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳам эшитиб ўтирадилар. Қизлар айтиб туриб, «Ичимизда эртага нима бўлишини биладиган, ғайбдан хабардор Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бор», деган маънодаги байтни ҳам айтадилар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: **«Буни айтманглар, олдин айтаётган нарсларингни айтинглар»**, деб кўрсатма берадилар.

Ушбу ҳадисда тўйда кўнгилхушлик қилиш жоизлиги баён қилинмоқда. Эркак киши қизлар оҳанг билан айтган шижаоат, одоб-ахлоқ, сахийлик каби маъноларни ўз ичитга олган байтларни эшитиши жоизлиги келиб чиқмоқда.

«Албатта, бу нарса парда ортидан бўлсагина ҳамда фитна бўлиши хавфи бўлмасагина мумкин», дейишган уламоларимиз.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«У киши ансорийлардан бир аёлни күёвникига узатиб олиб борган эканлар. Шунда Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Оиша, сизда қўнгилхушлик бўлдими? Чунки ансорийларга қўнгилхушлик ёқади», дедилар».

*Имом Бухорий ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ҳадис тўйда шариат чегарасидан чикмай, ўйин-кулги қилиш жоизлигига далиллар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам маълум қавмларнинг ҳатто ўйин-кулгини, қўнгилхушликни яхши қўришларигача инобатга олиб муомала қилганлари эътиборга сазовордир. Ансорийлар, Мадина ахли мусулмонлари табиатида ўйин-кулгига мойиллик борлигини, тўйларида қўнгилхушлик бўлиши жоизлигини Оиша онамизга эслатишлари шуни кўрсатади.

Бошқа ривоятлардан маълум бўлишича, ушбу ривоятдаги келин Фориға бинт Асьад исмли етим қиз бўлган. Оиша онамиз уни тарбия қилиб, ўстирганлар. У қиз балоғатга етганида Нубайт ибн Жобир Ансорийга узатилган. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Фориға розияллоҳу анҳони күёвникига келин туширди қилиб олиб борганлар. У киши қайтиб келганларидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ривоятдаги савонни бериб, қўнгилхушлик бўлган-бўлмаганини сўраганлар.

Бошқа ривоятда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Чилдирма чалиб, қўшиқ айтадиган қиз ҳам юбордингларми?»** деганлар.

Оиша онамиз:

**«У қиз нима деб айтади, эй Аллоҳнинг Расули?»** деганлар.

Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биздаги ёр-ёрга ўхшаш байтларни айтгандар.

Демак, аёл-қизлар ўзлари эркакларга аралашмасдан, чилдирма чалиб, қўшиқ айтишлари, ўйин-кулги қилишлари жоиз.

Мұхаммад ибн Хотиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Никоҳда ҳаром билан ҳалолнинг ораси ажралиши чилдирма ва овоздир», дедилар».**

*Насойи ва Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоят ҳалол ва ҳаром никоҳ түғрисидадир. Сирли никоҳни, шунингдек, ҳаром никоҳни бирор билмасин, деб овоз чиқармай, чилдирма чалмай, қўшиқ айтмай, жимжитлик билан ўтказиб юборилади.

Ҳалол никоҳни эса иложи борича кўпроқ кишига эълон қилиш, билдириш матлубдир. Бу катта хурсандчилик ва сууруга боис бўлган нарсадир. Ўша ҳалол қўшилини эълон қилиш, кўпчиликка билдириш или кўп одамлар гувоҳ қилинади, уларнинг иккиси шаръий равишда эр-хотин бўлганларини ҳамма билади ва ҳақларига дуо қиласи.

*Оша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу никоҳни эълон қилингиз, уни масжидларда ўтказингиз, унинг учун чилдирмалар чалингиз», дедилар».**

*Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳга оид уч нарсага амр қилмоқдалар:

1. Никоҳни эълон қилиш.

Бу зарурий нарса, олдин айтиб ўтилганидек, эълон орқали икки ёшнинг ҳалол, пок равишда, шаръий оила қуриб яшай бошлаганларини кўпчиликка билдириб қўйиш бўлади.

### 2. Никоҳни масжидларда ўтказиш.

Бунда турли ҳаром ва макруҳ ишлардан четланиш осон бўлади. Яъни никоҳни эълон қилишнинг бир қисмини масжидларда ўтказиш яхшидир.

### 3. Чилдирма чалиш.

Бу ила хурсандчилик изҳор қилинади. Никоҳнинг эълони кўпроқ тарқалади.

*Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир никоҳ тўйида Қуразата ибн Каъб ва Абу Масъуд Ансорий розияллоҳу анҳумонинг олдиларига кирдим. Қарасам, қизлар қўшиқ айтишмоқда.

«Икковларингиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг саҳобалари бўлсангиз, Бадр аҳлидан бўлсангиз, хузурингизда шундай иш бўлиб туриши нимаси?» дедим.

«Хоҳласанг, бизлар билан ўтириб, эшит. Хоҳласанг, жўна, кетавер. Бизга никоҳ тўйида кўнгилхушлик қилишга рухсат берилган», дейишиди улар».

*Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган ҳамда саҳиҳ, деганлар.*

**Шарҳ:** Бу ривоятда никоҳ тўйларида кўнгилхушлик қилиш жоиз экани яна ҳам очикроқ баён қилинмоқда. Бўлаётган кўнгилхушликка Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳу томонидан айтилаётган очик-ойдин эътиroz ва фазл аҳли ҳамда Бадр аҳли эгаларидан бўлган саҳобаларнинг рад жавоблари ғоят ибратлидир. Бадр аҳли бўлиш жуда ҳам улуғ мақом. Бу мақомга эришган кишилар ҳаммага ўрнак бўлганлар. Шунинг учун ҳам Омир

розияллоҳу анҳу уларнинг қизлар айтаётган қўшиқни эшитиб ўтиришларини номуносиб деб билиб, танқид қилмоқчи, уялтиromoқчи бўлдилар. Аммо натижа тамоман аксинча бўлиб чиқди. Икки улуғ саҳобий никоҳ тўйида кўнгилхушликка рухсат берилганини айтиб, Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳунинг ўзини уялтириб қўйишиди. («Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 13-жузидан олинди). **Валлоҳу аълам.**

### 467-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Ҳайзли ҳолатда Ихлос сурасини ёддан тасбехда санаса бўладими? Аллоҳ илмингизни зиёда қиласин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Ҳайз ҳолатида Қуръон суралари тиловат қилинмайди. Ёддан ҳам, мусхафга қараб ҳам ўқилмайди. Қуръон сураларидан бошқа зикр ва дуолар қилиш мумкин. **Валлоҳу аълам.**

### 468-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Агар одам бошқа бир инсон томонидан ўқитилганини (иссиқ-совуқ қилинганини) гумон қиласа ёки бу ҳақиқат бўлса, қандай йўл тутиши керак? Буни аниқ билса бўладими? Қайтариқ қиласиган одамларнинг олдига бории гуноҳ эмасми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аслида, ҳар бир мусулмон эртаю кеч зикр айтиши, паноҳ сураларини ва дуоларини ўқиб, ўзига дам солиб юриши лозим. Сиз айтган ҳолатда қайтариқ эмас, дам солиш ёки дами ўткир одамга ўқитиши керак. **Валлоҳу аълам.**

## 469-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Күп қаватли уйда яшаганимиз учун ҳожатхонамиз ҳаммом билан бир жойда. Мен таҳорат олгани, кир ювгани ёки баъзи нарсаларни олгани кирганимда гапирсам ёки таҳоратда Аллоҳнинг исмларини зикр қылсам, гуноҳкор бўлиб қолмайманми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ҳожат ери (унитаз) қопқоғи ёпиқ турсин. Зарур бўлган, масалан, покланиш пайтидаги дуоларни айтинг. Қолган дуо ва гаплардан у ерда бўлганингизда тийилинг. Покланиш дуоларидан бошқа дуо ва зикрларни у ерда айтманг, зарур бўлмаган гапларни ҳам тарк қилинг. *Валлоҳу аълам.*

## 470-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Дам солдириши учун отин ойининг ҳузурига борганда айримлари кўзига кўринган нарсаларни айтишади. Шу иш тўғрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Кўзга кўринганлари ғайб иши бўлса, бу фолбинлиқдир ва фолбинлик гуноҳи кабиравлардандир. *Валлоҳу аълам.*

## БИДЪАТЛАР

**471-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! «Овқат еяётганда дастурхон фаришталарнинг қанотида бўлади», деган гап ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бундай гап йўқ. *Валлоҳу аълам.*

**472-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Исломда тумор осиши ширк, деб эшиштганман. Бу қанчалик тўғри?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Тўппа-тўғри.

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«У киши: «Дам солиши, тумор ва иссиқ-совуқ ширкдир», деди.

Шунда унинг хотини Зайнаб:

«Бу қандай гап? Ахир менинг кўзимдан ёш оқар эди. Фалончи яхудийнинг олдига борсам, дам солиб қўйса, тўхтаб қолар эди», деди.

«Ўша шайтоннинг иши. У қўли билан у(кўз)ни чўқир эди. Дам солганда тўхтар эди. Сенга эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган нарсани айтиш кифоя килар эди: «Аллоҳумма Роббан-наси, музҳибат баъси. Ишфи. Анташ-шафии. Лаа шофия иллаа анта. Шифаан ла юғодириу сақман», деди».

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.*

Бу ердаги «дам солиши»дан мурод жоҳилияят давридаги дам солишдир. Чунки ривоятнинг охирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам каби дам солиши кераклиги ўргатилмоқда. *Валлоҳу аълам.*

**473-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Сизга бир саволим бор эди. Дұстим фолбинларға ишонади. Бир неча бор унга: «Фолбинларға ишонма, ҳаммасини фақат Аллоҳ билгүвчи», десам ҳам, барибир ўз билганидан қолмайди. Яқында яна бир фолбиннинг олдига борибди. «Ҳаётимнинг ҳаммасини түгри айтди», деб ўшанга ёнишиб олган. У фолбин: «Яқын кунларда ҳаётингда ёмон нарса, құнгылсизлик бұлади», дебди. Энди эса дұстим хавотирда. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Маслаҳат беринг, илтимос. Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмилахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом!

*Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кім фолбинга бориб, уни тасдиқласа, кім хотинига ҳайз өтіғида яқынлик қылса, кім хотинига орқа томонидан яқынлик қылса, батахқық, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил этилған нарсадан тонибди», дедилар».*

Дұстингиз дарқол тавба қилиши керак. *Валлоҳу аълам.*

**474-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Ҳали түгілмаган болага (яни ҳомиладор ҳолатида) олдиндан нарса олиш мүмкінми?*

**ЖАВОБ:** Бисмилахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Бу борада шаръий тақиқ ворид бўлмаган. *Валлоҳу аълам.*

## 475-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен билан келинимиз яқинда фарзандлик бўлдик. «Бир уйда иккита чиллали чақақоқ турса бўлмайди», дейишди. Бу гап қанчалик тўғри ёки нотўғри?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Нотўғри гап. Шариатда бундай гап йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## 476-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аввало бизга шундай савол сўраш имконини берганингиз учун раҳмат! Икки дунёда Ўзи азиз қиласин! Яратганинг инояти ила яқинда турмушга чиқдим. Эшишишимга қараганда, ҳомиладорлик пайтида соч кесиши мумкин эмас экан, болага таъсир қилиб, умрини кесармиш. Бу қанчалик тўғри? Соч кесиши ростдан ҳам ҳомилага таъсир қиласидими? Олдиндан раҳмат! Умрингиз зиёда бўлсин!*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Бу нотўғри гап. Соч кесиши умрни кесмайди. Умринг қанча бўлиши, уни қисқа ёки узун қилиш ёлғиз Аллоҳга ҳавола. *Валлоҳу аълам.*

## 477-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Менинг қайнонам ҳафтанинг айрим кунларида ва куннинг айрим қисмларида, масалан, шом пайлари «Кир ювии, чўмилиши мумкин эмас», дейдилар. Бу бидъат эмасми? Бидъатлигини билиб туриб, унга амал қиласа, гуноҳ бўлмайдими?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллахир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом! Ҳа, бу бидъат. Бу борада шариатимизда ҳеч қандай кўрсатмалар келмаган. Шариатда йўқ, бидъат амалларни қоида қилиб олиб, шариатда шундай дейилган, деб эътиқод қилиш ва уларга амал қилиб, бошқаларни ҳам уларни бажаришга буюриш гуноҳ ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

### 478-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Азадор киши қирқ кунгача жинсий алоқа қиласлиги, телевизор кўрмаслиги керакми?*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бўлмаган гап! Қирқ кун деган нарса шариатда йўқ. Динимизда фақат уч кун аза тутилади. Турмуш ўртоги вафот этган аёл эса тўрт ою ўн кун аза тутиб, идда сақлайди. Лекин аза уч кун дегани, уч кундан кейин телевизор кўриб, ўйин-кулги қилаверсин, дегани эмас. Ўлим мусибати бошига тушган ҳар қандай мусулмоннинг кўнглига маълум вақт ўтгунча бундай нарсалар сиғмаслиги табиий. Жинсий алоқага келсақ, бу ҳам инсоннинг кайфиятидан келиб чиқадиган нарса. Қирқ кунгача жинсий алоқа қиласлик керак, деган гап йўқ.

Хумайд ибн Нофеъ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Менга Зайнаб бинт Абу Салама ушбу уч ҳадиснинг хабарини берди. У шундай деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Умму Ҳабибанинг олдиларига кирдим. Ўша пайт унинг отаси Абу Суфён вафот этган кунлар эди. У сарик рангли бир аралашма ёки бошқа хушбўй нарса келтиришларини сўради. Ундан бир қизчага суртиб кўрди-да, кейин ўзининг икки юзига суртиб туриб: «Аллоҳга қасамки, ҳозир хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан

туриб: «Аллоҳга ва охират қунига иймон келтирган аёл учун бирор майитга уч кундан ортиқ аза тутиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ою ўн кун тутади», деганларини эшитган эдим», деди».

Зайнаб яна айтади: «Кейин Зайнаб бинт Жаҳшнинг олдига акаси вафот этган пайтида кирдим. У хушбўй нарса сўраб олди ва ундан суртди. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарда туриб: «Аллоҳга ва охират қунига иймон келтирган аёл учун бирор майийитга уч кундан ортиқ мотам тутиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ою ўн кун тутади», деганларини эшитган эдим», деди».

Зайнаб яна айтади: «Онам Умму Саламанинг айтишларича, бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, қизимнинг эри вафот этди. Унинг кўзи оғриб қолди, сурма суртса майлими?» деди. «Йўқ», дедилар ва сўнгра: «У (мотам) тўрт ою ўн кундир. Жоҳилият даврида ҳар бирингиз бир йилдан сўнг тезак отар эдингиз», дедилар».

Хумайд айтади: «Зайнабга: «Бир йилдан сўнг тезак отар эдингиз», дегани нима?» дедим. У: «Эри ўлган хотин тор уйга кириб, энг ёмон кийимларини кийиб ўтирас эди. Бир йил ўтгунча шундай ҳолда хушбўйлик ҳам, бошқа нарса ҳам суртмай ўтирасди. Сўнгра унинг олдига бир жонивор – эшакми, қўйми ёки қушми, келтириларди. Кейин у ўшанг олдини артарди. Кўпинча у олдини артган нарса ўларди. Сўнг ташқарига чиқар, унга тезак берилар, у эса ўша тезакни отарди. Шундан кейингина унга ўзи хоҳлаган хушбўйлик ёки бошқа нарса суриш мумкин бўлар эди», деди».

*Бешовлари ривоят қилишганлар. Валлоҳу аъلام.*

## 479-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Агар она ўз фарзандини бирор сабаб билан күйдириб қўйса, онанинг фарзандида ҳаққи қолмайдими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бундай гап йўқ. Онанинг ҳаққини ҳеч нарса билан тугатиб бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 480-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Бош ва қўрсаткич бармоқларга узук тақиши мумкинми? Эшишимча, қиёмат куни шу бармоқда турилар экан. Агар тақилса, бармоқсиз қолинар экан. Шу гап қанчалик тўғри? Чунки мен баъзан уларга ҳам узук тақаман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Бош ва қўрсаткич бармоқларга узук тақиши мумкинмас экани, қиёматда шу икки бармоқда турилиши, агар иккисига узук тақилса, икки бармоқдан маҳрум бўлинниши – ҳаммаси асоссиз гаплар. *Валлоҳу аълам.*

## МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

## 481-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Яқинда бирор ҳақида нотўғри гўмонда гап айтувдим, ошкор бўлиб қолди, тавба қилиб, қайтиб тақрорламасликка аҳд қилдим. Лекин яна хато қилиб, бирорни гийбат қилиб қўйдим. У ҳам дарров ошкор бўлди. Жабрланган одамдан қайта-қайта кечирим сўрадим, лекин у аёл мен ҳақимда*

*нотўғри гаплар тарқатиб юрибди. Бу йил ҳаж жибодатини адо қилгандим. Орқамдан «Ҳаж қилсаям, булар бунақа, бизнинг эса қалбимиз тоза», деб оғиз кўпиртириб юрибди. Улар тушунмаганлари сабабли «Иймонлилар шунақа бўлишиади», деб безиллашларига сабаб бўлмаяпманмикан?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум асссалом. Хатоингизни англаб етганингиз яхши бўлибди. Тушунибсиз, тавба қилибсиз, бандадан узр сўрабсиз. Қолгани Аллоҳга ҳавола. Инсофли киши узрни қабул қилиши керак эди. Сиз энди бу хатони қайтарманг. Аллоҳдан астайдил сўранг. Бефаҳм кишиларнинг ўй-фикрлари ва гап тарқатишлари билан Исломнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам обрўси тушиб қолмайди, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

**482-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Ҳазратимнинг қизлари Одинахон она! Сизга эътиқодимни ҳал қилувчи савол бермоқчиман. Мен ёшлигимдан кундалик тутаман ва мактаб давримдан қаттиқ ўзгаришини хоҳлаганман. Бирон воқеа ёки эшиитган ҳадисимдан таъсирлансан, яхши томонга бурилишимга кучли иштиёқ пайдо бўлади. Кундалигимга кун давомида мўмин инсон қилиши керак бўлган хайрли амаллар, энг зарур ишларим, вақтни бўши ўтказмаслик, сониягача иймонга кувват бўлувчи амалларни ёзиб, тўлдирапдим. Мана, 20 ёш бўлдимки, бу одатимни ҳали тарқ этганим йўқ. Минг афсуски, бирон маротаба тўлиқ бажара олмаганман. Бундан қаттиқ тушкунликка тушиб, бор хайрли амалларимни ҳам ташлаб кўйдим. Чунки шундай васваса бўлар эдики, тақдирни ўз қўлинг билан ёзолмай-*

сан, бунинг иложси йўқ, деган ўйлар келарди. Умидимни узмай, «қила олганимча» деб, мактабдалигимда, коллежеда ҳам вақтларга мос қилиб режсалар тузардим...

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Мўмин ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Яхшиси, сиз бирор тажрибали киши билан режаларингиз хақида маслаҳатлашиб кўринг. У табиатингиз, имкониятларингиздан келиб чиқиб, сизга режа тузишга кўмаклашсин, иложи бўлса, назорат ҳам қилиб турсин. Банда яхши нияти учун ҳам савоб олаверади. Тавфиқни Аллоҳдан деб билинг. Ҳозир бўлмаса, У Зот ирода қилган пайт натижага бўлади. Сиз эса ҳимматни пасайтируманг. *Валлоҳу аълам.*

### 483-САВОЛ

*Ассалому алайкум, илтимос, маслаҳат беринглар! Мени 14 ёшимда унаштириб қўйишди. У инсонга нисбатан умуман кўнглим бўлмаган. Тўйдан кейин яхши кўриб қоларман, деб ишонардим. Лекин менинг битта қариндошим Россияяга – мен яшаб турган шаҳарга ишилагани келиб, кўнглим йўқлигини билиб, у йигитни йўлдан ура бошлади. Орада анча гап-сўзлар, ҳатто жанжаллар ҳам бўлиб ўтди. Охири фотиҳамиз бузилди. Аммо ота-оналаримиз вақт ўтиши билан яна унаштириб қўйишди. У қариндошимни ҳам Аллоҳ учун кечириб, яхши гаплаша бошладик.*

*Сўнг бир куни: «Ораларингда нима бўлган?» деб ҳақиқатни сўрадим. У: «Ҳеч нима бўлмаган», деб қасам ичди. Ўзим эса ҳамма ёқдан суриштириб, унинг кўп гаплари ёлғон эканини сезиб қолдим. Кейин у қариндошим билан гаплашмай қўйдим.*

**Яқинда тўйи бўлиб ўтди ва яна менга ҳат ёзишини бошлади.** Энди нима қилишини билмаяпман, бутунлай алоқани узай десам, қариндошлиқ бузилиб кетади. Яна яхши гаплашиб кетаверай десам, менга жуда кўп ёмонлик қилди. Қандай йўл тутишини билмаяпман.

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Мусулмон киши аввало яхши гумонда бўлиши, яхшиликни умид қилиши керак. Бўлган ишларни унутинг. Аллоҳ учун уни афв этинг. Аллоҳ бандаларини кечирганида, биз кечира олмаймизми? Ҳамма ҳам ҳато қиласди. Ўзи айбини эътироф қилибдик! У уламоқчи бўлган силаи раҳм ришталарини узманг, гуноҳкор бўласиз. *Валлоҳу аълам.*

### 484-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа!* Жуда ҳам қийналган аҳволимда ёрдам берган, маслаҳатларини аямай келган инсоним икки ҳафтадан кейин тўйи бўлиши кераклигини ва бўлажак аёли шубҳагумонга бориб қолиши мумкинлигини айтиб, мен билан алоқани узди. Бу инсонга заррача ёмонлигим йўқ, ҳурматим баланд, уни яхши кўраман ва согинаман. Менга қилган яхшиликларини хизматини бажариб қайтаришни астойдил хоҳлайман. Одинахон опа, Аллоҳдан бу кишининг дилига мени иккинчи хотин қилиб олишини солишини сўрашим гуноҳ бўлмайдими? Шундай ният қилаётганим, Аллоҳимдан туну кун сўраётганим учун гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Маслаҳат беринг, илтимос. Кўнглимни узолмаяпман. Уч ярим ишллик суюнчиғимдан айрилиб қолдим...

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Мана шундай оқибатларнинг олдини олиб, шариатимиз номаҳрамлар билан яқин муносабатда бўлишни тақиқлаган. Шаръий жиҳатдан никоҳ дуруст бўлади. Лекин сизга маслаҳатим, агар шу инсонга чиндан муҳаббатли бўлсангиз, Аллоҳдан хайр бўладиган ишни сўраб дуо қилинг, кўнглингиз тусаганини эмас. Биз кўпинча муҳаббат билан кўнгил истагини чалкаштирамиз, кўнгил эса нималарни хоҳламайди... *Валлоҳу аълам.*

### **485-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, устоз! Менга маслаҳат беринг, илтимос. Яқин бир қариндошимиз қайнонам билан мени тўйга айтиб кетдилар. Уларнинг тўйларида аёллар ва эркаклар аралаши бўлиб, стол устига спиртли ичимликлар ҳам қўйишади. Айтинг-чи, бундай тўйга борсам бўладими? Агар боришим мумкин бўлса, уларнинг гуноҳига шерик бўлиб қолмайманми?*

**ЖАВОБ:** *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Ва алайкум ассалом. Ношаръий тўйга борманг. Лекин алоқани сақлаб қолиш учун тўйдан бир кун аввал ёки бир кун кейин йўқлаб қўйинг. *Валлоҳу аълам.*

### **486-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Ёшим 23 да. Ўзим университетда 5-курсда ўқийман. Ҳозирда бизда қисқа муддатли таътил. Уйга келгандим. Ҳаётимда бошимдан жуда кўп синовлар ўтаяптики, баъзан: «Буларнинг якуни бормикан?!» деб ўйланиб қоламан. Ҳали турмушга чиқмаганман, лекин бир марта унаштирилиб, у йигитнинг хиёнатидан сўнг фотиҳамиз*

**бузилган. Ундан кейин бир йигит билан гаплашгандим, у ҳам хиёнат қилди. Ота-онам: «Энди ўқишини тугатасан, бирортасига турмушига чиқшишинг керак, ўзинг яхширогини топ», дейишяпти. Мен: «Қиз бола бошим билан энди йигит излашим қолганди», деб роса йигладим. Ҳеч қайси йигиттга ишонгим келмай қолган. Маслаҳат беринг. Олдиндан раҳмат!**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Аллоҳнинг иродаси билан сизга шундай инсонлар рўпара келибди. Аммо бу дунёдаги барча йигитлар шунақа, дегани эмас. Мўмин-мусулмон инсон тушкунликка тушмайди, умидсиз бўлмайди. Ҳали ёшсиз ва ҳамма нарса олдинда. Ҳақиқий мусибат, муаммолардан Аллоҳ асрасин. Ёмон инсонга турмушга чиқмаганингиз учун, ёмон одам билан яшашга мажбур бўлмаганингиз учун Ўзига шукрлар қилинг. Сиз ҳожат намозини ўқиб, Аллоҳдан баҳтингизни сўранг. Ҳамма иш Аллоҳнинг қўлида. *Валлоҳу аъلام.*

**487-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Саволим қуийдагича: ичкиликдан қандай воз кечиш керак?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Тавба қилинг. Тавба уч нарса или амалга ошади: кучли надомат, ўша тавба қилинган амалга мутлақо қайтмаслик ва мустаҳкам азму қарор.

Шунингдек, иччилик ҳақида келган шаръий маълумотларни ўқиш керак. Мисол тариқасида шулардан биргина ҳадисни келтирамиз:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким маст қилувчи нарса исча, намози қирқ кунга қис-қаради. Агар у тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини

қабул қиласы. Агар түртінчи марта яна қайтса, уни «хабол тийнаси» билан суғориш Аллоҳнинг зиммасида бўлади», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, «хабол тийнаси» нима?» дейишиди.

**«Дўзах ахлининг йириңгидир. Ким у(хамр)ни ҳалолни ҳаромдан ажратса олмайдиган болачага ичирса, унга «хабол тийнаси»ни ичириш Аллоҳ учун ҳақ бўлур», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

Ўзига кучи етмай қолган майхўрларга бу дарддан даволайдиган марказлар бор. Ўша ерларга мурожаат қилиш керак. Шунингдек, яқинлари ҳам ёрдам бериб, назорат қилиб, бу балодан қутулишида ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур. *Валлоҳу аълам.*

#### 488-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа. Ўзлим 21 ёшда. Иккита жойга совчиликка бордик. Биринчи сининг қизи коллежсда, ҳижобини ечган, ота-онаси: «Никоҳ куни ҳижобга кирасан», дейишиган. Иккинчи қиз эса 18 ёшда, ҳижобга кирган, 30 пора Қуръон ёдлаган, аммо бўйи пастроқ. Менга иккинчи қиз маъқул келди. Ўзлим бу қория қизни кўрмасдан рози бўлган эди. Кўрганидан сўнг эса: «Бўйи паст ва чиройли эмас экан», деди. Бироқ иккиланиб рози бўляпти. Кўпроқ унга биринчи қиз ёқибди. Устига-устак, иккинчи қизни суриштираётганида 17 ёшли укаси қамалгани маълум бўлди. «Кейинчалик муаммо чиқмасмикан?» деб ўйланниб қолдик. Маслаҳат берсангиз, илтимос. Аллоҳ рози бўлсин. Жавобингиз учун раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир рохманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Келин танлаганды суннатта мұвоғиқ, динига қараб ихтиёр қилинади.

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Аёл түрт (нарсаси) учун никоқланади: моли учун, ҳасаби учун, жамоли учун ва дини учун. Сен диндорини танла, қўлинг тупроққа қорилгур», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишганлар.*

Истихора қилиб кўринглар. *Валлоху аълам.*

### 489-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Биз оиласда түрт фарзандымиз, мен биринчисиман. Онам 2015 йил августда вафот этдилар. Дадам кейинги йил март ойида бошқа аёлга уйландилар. Мен бунга қарши эмасман, лекин 14 ёшли синглим ўзини яхши тутмаяпти. Дадамнинг айтганларини ҳам, менинг сўзларимни ҳам қулогига олмайди. Икки ўт орасида қолдим, нима қилишини билмаяпман...*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Аввало Аллоҳдан сўранг, мудом дуода бўлинг. Синглингизга босим ўтказманлар. Ўзига яраша руҳий кечинмаларни кечираётган бўлиши мумкин. Энг муҳими, доимий равишда назорат қилинг ва отангиздан ҳам шуни талаб қилинг. У кишини хабардор қилиб туринг. Синглингиз билан қилинадиган муомалада мутахассислардан маслаҳат олинглар, масалан, психологлардан. Айни ўспирин ёшида унинг қалби мусибатзада бўлибди. Яқинлардан бирор киши, мисол учун, момонгиз ёки холангиз ёрдам беришсин. Йўлини билиб муроса қилсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади. Сиздек ғамхўр опаларнинг борига шукр. Иншааллоҳ, ҳаммаси яхши бўлади. *Валлоху аълам.*

**490-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Менга масла-  
ҳат ва насиҳатингиз керак. Ҳазратимизни Аллоҳ  
раҳматига олсин. Уларни жуда яхши қўриб, хурмат  
қиласман. У кишининг китоблари сабабли мен ҳидоят  
топдим. Алҳамдуиллаҳ, ибодатдаман. Имконим бо-  
рича Аллоҳнинг буйруқларини, Пайгамбаримиз алай-  
ҳиссаломнинг суннатларини баъжаришга ҳаракат  
қиляпман. Лекин мени атрофимдагиларнинг тушун-  
масликлари қийнамоқда. Уларга узун кийишим ёқмай-  
ди. Рўмол ўрашимга қаршилар. Куръондан, ҳадисдан  
далил келтирсам ҳам, фойдаси бўлмади. Ишхонада  
ҳам нафл рўзани яширинча тутаман, баъзан яшириш  
учун ёлғон ҳам ишлатаман. Биламан, бу синов, бироқ  
яқинларимнинг тушунмаслигидан қийналиб кетдим.  
Менга қандай йўл тутишни маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Буларнинг ҳаммаси синов,  
сабр қилганингиз учун ажр бор, иншааллоҳ. Бундай ҳо-  
латлар ўтиб кетади, уларни ажр-савобларга эга бўлиб  
олиш учун фурсат деб билинг. Мұхими, сиз Аллоҳнинг  
буорганини бажаряпсиз. Шундан хурсанд бўлинг. Бан-  
даларининг эмас, Ўзининг розилигига интилинг. Ин-  
шааллоҳ, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Аллоҳ мададкор  
бўлсин. **Валлоҳу аълам.**

**491-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Менинг тўртта фарзандим бор, бири ҳали эмизикли. Рамазон ойи келяпти (ўз ота-онам билан тураман, турмуш ўртогим бошқа шаҳарда ишлайдилар). Шариат нуқтаи назаридан қайнонам билан турганим тўғрими ёки ота-онам билан? Рўза тутсам, барибир уларга фарзандларимдан ортиб, хизмат қила олмайман. Қайнонамнинг олдидағи бурч юзасидан ҳайронман. Маслаҳат беринг. Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Турмуш ўртоғингиз ва ота-оналар розилиги билан шу икки ернинг қай бирида турсангиз ҳам жоиз. *Валлоҳу аълам.*

**ФАЗИЛАТЛИ ОЙЛАР ВА КУНЛАР****492-САВОЛ**

*Ассалому алайкум. Муборак меърож кечасида Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратлари қандай ибодат қилиши, қайси дуо ва салавотларни ўқишини маслаҳат берганлар? Жавоб учун раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Шайх ҳазратлари шариатда қандай кўрсатма берилган бўлса, шуларни айтар эдилар. Шариатда бу кечада қилинадиган тайинли ибодат кўрсатилмаган. Ижозатингиз билан меърож кечаси ҳақидаги баъзи маълумотларни берсак.

**Меърож кечасининг фазилати**

Халқ орасида ражаб ойининг 27-кечаси меърож кечаси бўлиб, уни қадр кечаси каби ўтказиш керак, деган гап-сўзлар машҳур бўлиб қолган. Ҳатто баъзилар меъ-

рож кечасида ўқиладиган махсус намозлар борлигини ҳам айтиб юришади. Яна айтишларича, меърож кечасида ўқиладиган намозларнинг ҳар бир ракъатида фалон, фалон хос суралар ўқилар эмиш. Меърож кечасида одамлар орасида яна қандай тафсилотга эга намозлар машхур бўлиб кетганини Аллоҳ билади. Ҳар биримиз яхшилаб билиб олишимиз керакки, бу гапларнинг ҳеч бири шариатда бирор асосга суянган эмас.

### **Меърож кечасини тайин қилишдаги ихтилоф**

Аввало шуни билишимиз керакки, ражаб ойининг 27-кечаси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга чиққанлар, деб аниқ ишонч билан айтиб бўлмайди. Чунки бу борада турли ривоятлар мавжуд. Баъзи ривоятларда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга ражабъул аввал ойида чиққанлар, дейилса, баъзиларида ражаб ойи, яна бошқа ривоятларда эса бошқа ойларнинг номи зикр қилинган. Шунинг учун аниқ ишонч билан «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фалон кечада меърожга чиққанлар», деб айтиш дуруст эмас.

### **Нима учун меърож воқеасининг санаси маълум эмас?**

Агар меърож кечаси Қадр каби махсус кеча бўлганида, албатта, Қадр кечаси каби у ҳақда ҳам оят ёки ҳадислар орқали махсус бир ҳукм собит бўлган ва у куннинг тарихини, ойини ёдда тутишга катта эътибор қаратилган бўлар эди. Лекин меърож кечасининг тарихини ёдда тутишга қаттиқ эътибор берилган эмас. Демак, «Ражаб ойининг 27-кечаси меърож кечасидир», деб аниқ тарзда айтиш дуруст бўлмайди.

## У улуғ кечадир

Меъроj кечасида буюк воқеалар содир бўлганида шак-шубҳа йўқ. Чунки унда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам осмонга кўтарилиб, у зотга «қурб мақоми», умматларга намоз тухфаси ато этилган. У кеча улуғ кечадир эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бирор мусулмон у кечанинг улуғлигига шубҳа қилмайди.

### **Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меъроjлари содир бўлган сана**

Меъроj кечаси пайғамбарликнинг бешинчи йили содир бўлган. Шу воқеадан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн саккиз йил яшадилар. Лекин шу йиллар мобайннида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам меъроj кечаси борасида бирорта маҳсус ҳукмга буюрмаганлар ёки у кечага алоҳида эътибор қаратмаганлар, ёхуд «Меъроj кечасида қилинадиган ибодатлар учун Қадр кечасидаги каби зиёда ажру савоб берилади», деган эмаслар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан бу кечадир каби бирор амал событ бўлган, на у зот даврларида у кечани нишонлашга алоҳида эътибор қаратилган, на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари у кечага алоҳида эътибор қаратганлар ва на саҳобийлар у кечадир каби бирор сўз айтганлар, на алоҳида эътибор билан нишонлаганлар.

## У каби бирор аҳмоқ йўқ

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оламни тарк этганларидан кейин юз йилгача саҳобийлар бу дунёда мавжуд бўлганлар. Ана шу юз йил ичida бирор саҳобийнинг ражаб ойининг 27-кечасига алоҳида эътибор

бергани ҳақида ҳеч нарса событ бўлмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида мавжуд бўлмаган нарсалар саҳобийлар замоналарида ҳам мавжуд бўлмаган. Шундай экан, меъроҳ кечасини диннинг бир бўлағи деб айтиш ёки суннат дейиш ё у билан суннат каби муомала қилиш бидъатdir.

Қайси кеча қандай фазилатга эга эканини ким Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра яхши билувчи ёки саҳобаи киромлардан кўра ибодатга шавқлироқ бўлиши мумкин? Айтинг-чи, у зот айтмаган гапларни айтиб, саҳобалар қилмаган ибодатни қилишга уринган кишидан кўра аҳмоқроқ киши борми?

### **Динни саҳобийлардан кўра яхшироқ билувчи борми?**

Саҳобий, тобеъин ва табаъа тобеъинлар динга тегишли ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини барчадан зиёда билувчи, яхши тушунувчи ва динга мукаммал тарзда амал қилувчи инсонлар бўлишган. Агар бир киши: «Мен уларга нисбатан динни яхши билувчиман» ёки «Диннинг завқини улардан яхшироқ ҳис қилувчиман», ё «Улардан кўра ибодатлиман», деса, ҳақиқатда у киши телбадир ва диннинг ҳақиқатини тушунмабди.

### **Бу кечада хос тарзда ибодатга эътибор бериш – бидъат**

Ражаб ойининг 27-кечасида хос тарзда ибодатга эътибор қаратиш бидъатdir. Аслини олганда, Аллоҳ таоло қайси кечада ибодат қилишга тавфиқ берса, нур устуга нур. Лекин бир кунни алоҳида ибодатга хос тарзда тайин қилиб бўлмайди.

قالَ الطّيّبُ: وَفِيهِ أَنَّ مَنْ أَصَرَّ عَلَىٰ أَمْرٍ مَنْدُوبٍ وَجَعَلَهُ عَزْمًا  
وَلَمْ يَعْمَلْ بِالرُّخْصَةِ فَقَدْ أَصَابَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ مِنِ الْإِضْلَالِ فَكَيْفَ  
مَنْ أَصَرَّ عَلَىٰ بِدْعَةٍ أَوْ مُنْكَرٍ؟

Тийбий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Бундан келиб чиқадики, ким мустаҳаб ишда бардавом бўлиб, буни қилмасам бўлмайди, деган эътиқодда бўлса ва рухсатга амал қилмаса, шайтон уни адаштиришга муваффақ бўлибди. Энди бидъат ва мункар ишда қаттиқ туриб олган кишининг ҳоли қандай бўлади?» («Мирқотул мафотиҳ»)

## 27 ражаб рўзаси

Шунингдек, 27 ражаб кунининг рўзаси ҳақида баъзи одамлар «Ашуро ва арафа кунларининг рўзаси каби, ражаб ойи рўзасининг фазилати бор», деб тушунадилар. Ражаб ойининг рўзаси ҳақида бир-иккита заиф ривоятлар нақл қилинган. Лекин бу ҳақда саҳиҳ санад билан бирор ривоят событ бўлмаган. **Валлоҳу аъلام.**

## ТУРЛИ МАСАЛАЛАР

**493-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Аллоҳ сиздан рози бўлсин!  
 «Muslimaat.iz» сайтини мунтазам кузатиб боришига ҳаракат қиласман. Ҳозир турмуш ўртогим билан Санкт Питербургдамиз. Қиблани аниқ белгилаб олиши усулларини айтсангиз (фақат компас билан эмас, чунки компасимиз йўқ).*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Ҳозирда буни аниқлайдиган дастурлар чиқиб кетган. Уяли телефон жиҳозларида ҳам компаслар мавжуд. Шулардан фойдаланинглар. Ўша жойнинг аҳли илмларидан сўраб аниқлаш ҳам мумкин. *Валлоҳу аълам.*

**494-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Мен ҳали турмушига чиқмаганман. Саволим шуки, кимларга силаи раҳм қилишим керак? Агар силаи раҳм қилмасам, менга гуноҳ бўладими? Мабодо бошқа юртда яшасам-у, ота-онамни ва бувимни бирор сабаб билан кўргани келмасам, силаи раҳмни тарк этган бўламанми?*

*Нима учун бу саволларни беряпман?! Сабаби, бувимни кўргани келсам, намозим ва рўмолимни гапириб, мени залолатга бошлийдилар. Тогамлар ҳам ўзаро сўзлашганларида сўкиниб гапирадилар. Уларни эшиятмаслик учун гоҳида кулогимни беркитиб оламан, аммо фойдасиз. Шундай экан, ушбу муҳитда уларга силаи раҳм қилишим шартми?*

*Одинахон опа, қўп саволларимга ечим топиб, ёрдам бердингиз, бунинг учун катта раҳмат. Илтимос, ушибу саволимга ҳам тўлиқ жавоб йўллассангиз. Бунинг учун сизга ягона ҳадям ҳаққингизга қиладиган самимий дуоларимдир.*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Устозимиз шайх Мұҳаммад Содик Мұҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ ҳазратларининг «Яхшилик ва силаи раҳм» ҳамда «Бахтиёр оила» номли китобларини олиб ўқисангиз, шу ва шу каби бошқа саволларингизга ҳам жавоб топасиз. Силаи раҳм қилиш керак. Яқинларингиз қилаётган номаъқулчиликлар улар билан бўлган алоқангизни узишга сабаб бўла олмайди. Улар ўз зиммангиздаги бурчингизни бажариб қўяверинг. *Валлоҳу аълам.*

**495-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Уйда Куръонни бошяланг ўқиса бўладими?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Ўқиш мумкин, лекин одобдан бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

**496-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Устоз, Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Саволим шуки, муслима қиз инстаграмм тармогидаги саҳифасига ўзининг аврати ёпиқ, ҳижсобда, юзи кўринмаган ҳолда тушган расмларидан қўйиши мумкини? Саҳифасида номаҳрамлар бўлмаган ҳолати албатта инобатга олинади. Жоиз бўлмаса,*

**жавобингизни муслималарга Аллоҳ қодир қилганча етказар әдим, инишааллоҳ.**

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкүм ассалом! Юзи күринмаган суратни қўйишидан мақсад нима? Муслималаримиз тармоқлардан фақат яхшиликлар йўлида, асосан динимизга, илмимизга нафи тегадиган тарафдан манфаатланишлари керак. Тақвони ҳамма жойда ушлаш зарур. Демакки, аёлликка ва унинг қоматига далолат қиласидиган суратларни ижтимоий тармоқларга қўймаган яхши. *Валлоҳу аълам.*

**497-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Шайх ҳазратларининг меросхўрлари – сизларнинг қилаётган ишларингиздан Аллоҳ рози бўлсин. Аллоҳ сизларга икки дунё саодатини ато этсин.*

*Сизлардан бир илтимосим бор. «Омина» журналига қандай обуна бўлсақ бўлади? Мен ўзим Хоразм вилоятиданман, қизиқувчилар кўп, аммо бу ерда сотилмас экан. Шунга ёрдам берсангизлар, илтимос.*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкүм ассалом! «Омина» электрон журнал бўлиб, уни «muslimaat.uz» сайтидан юклаб оласиз. *Валлоҳу аълам.*

**498-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Инсоннинг юлингандан сочи најосат ҳисобланадими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкүм ассалом! Юлингандан сочга најосат тегмаган бўлса, ўзи најас бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

**499-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Аёл киши турмушига чиқиши учун домлага бориб ўқитса бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Куръон тиловати ва дуолар баракотидан умидвор бўлиб, солиҳ кишига дам солдирса бўлади. *Валлоҳу аълам.*

**500-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Уй – ҳовлисида катта иссиқхона бор. У иссиқхонада сабзавот етиштирилади ва со-тилади. Уй ва ҳовли учун ер, газ, сув солиқлари тўлаб турилади, лекин иссиқхона учун алоҳида солиқ тўланмайди ва рухсатнома ҳам йўқ. Билишимча, агар катта иссиқхона мавжуд бўлса, унга албатта алоҳида солиқ тўланиши керак, яъни қонуний бўлиши лозим.*

*Савол шуки, бундай (рухсатсиз) иссиқхонада ишилаш ва у ерда етиштирилаётган сабзавотларни истеъмол қилиши мумкини? Булар ҳалолми ёки ҳаром?*

**ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Бундай нарсалар қонуний бўлиши керак, албатта. Қонунан тўлов талаби бўлса, ундан тўловсиз фойдаланиб бўлмайди. Лекин истеъмоли шаръян ҳаром бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

**501-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Раҳматли бувимнинг қазо рўза ва намозлари сонини билмасам ҳам фидя берсан бўладими? Фидянинг ҳозирги кундаги нархи қанақа? (Албатта, бугунги кунда имконим бўлмаслиги мумкин, лекин бўлганда бераман, инишааллоҳ.)*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Сонини билиш керак. Бунинг иложи бўлмаса, тахминан чиқариш жоиз. Бир кунлик фидя бир мискинни тўйдириш, яъни бир кунлик таом билан таъминлашдир. Вақт ўтиши билан унинг миқдори ўзгариб туради. *Валлоҳу аълам.*

### 502-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Мен тушиимда ўтиб кетган бир одамни тирикдек, кулиб юрган ҳолида баъзида ҳар куни, баъзида ҳар замонда кўрляпман. Лекин гаплашмайман. Ҳар намозларимда унга ҳам савобини багишлаб турман. Жуда ҳам хавотирдаман.*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Ўша кишини кўп ўйласангиз керак. Ҳаққига дуода бўлинг. *Валлоҳу аълам.*

### 503-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Церебролизин дори воситаси маркибига чўчқанинг миясидан олинадиган суюқлик қўшилар экан. У суюқлик ўз аслини йўқотадими?*

## ЖАВОБ: Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Уламолар тўнғиз тўнғизлиқ хусусиятини йўқотса, жоиз деб фатво беришган. Энди айнан сиз айтган дорида шу жараён ҳосил бўлганми-йўқми, уни дори-дармон мутахассисларидан сўраб билиш керак.

Яна қўшимча равищда қўйидагиларни айтиш мумкин. Бу ерда икки масала хусусида сўзлаш мақсадга мувофиқдир: биринчиси – мазкур дорининг ҳалол ёки ҳаромлиги, иккинчиси – агар ҳаром бўлса, ундан фойдаланиш жоиз ёки жоиз эмаслиги. Тўнғиздан олинадиган

моддалар қўшилган дорилар ҳаром бўлиши тайин. Агар қайта ишлов берилганда аслини йўқотса, уни истеъмол қилиш жоизлиги ҳақида уламолар фатво берганлар. Лекин йўқотмаса-чи? Ҳалол дори топилмаса, ундан фойдаланиш жоиз. Бироқ бу ҳам икки суратда бўлади. Биринчиси – аслида ҳалол маҳсулотлардан тайёрланган дорилар бор, лекин уларнинг истеъмоли даво муддатини кечиктиради. Ҳаром аралашган дори бор, лекин у давони тезлаштиради. Бу ҳолатда фуқаҳолар ҳалолини истеъмол қилишга буюрадилар. Ҳаромдан бошқа ҳалол ўринбосар дори бўлмаса ва ана шу ҳаром шифо бўлиши аниқ бўлса, уни истеъмол қилиш жоиз. **Валлоҳу аълам.**

#### 504-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Муслима аёл-қизларда бирон нуқсонни бартараф этиши учун жарроҳлик амалиётини ўтказса бўладими? Масалан, оёқ қийшиқлигини ([ortopedia.ru](http://ortopedia.ru)). Бу жуда муҳим масала, чунки айнан бизнинг худудда бундай нуқсонни кўплаб учратишимиш мумкин. Ҳар бир аёл гўзал ва баҳтли бўлишини исташи табиий. Бу истакни тўғри тушунишимиз керак, деб ўйлайман. Бу шариатда мумкинми?*

**ЖАВОБ:** **Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бу саволингизга жавобни «Кифоя» китобидан келтирамиз. Холосани ўзингиз чиқариб оласиз.

#### **Косметик жарроҳлик ва унинг ҳукми**

Бу мавзу бўйича тақдим қилинган илмий ишлар муноқаша қилиниб, у ҳақда бўлиб ўтган тортишувларни эшишиб, Ислом Конференцияси Ташкилоти қошидаги ҳалқаро Ислом фиқҳи академияси куйидагича қарор қиласиди:

## **Биринчи: косметик жарроҳликнинг таърифи;**

Косметик жарроҳлик – инсоннинг зоҳирий жисмидаги бўлаклардан бирини ўзгартириш орқали чирой киритиш ёки шикаст етгани сабабли вазифасини қайта изга тушириш учун хизмат қиласиган жарроҳликдир.

## **Иккинчи: косметик жарроҳлик мобайнидаги умумий шартлар ва нормаларга амал қилиши;**

1. Жарроҳлик шаръий эътибор билан амалга оширилган бўлмоғи лозим. Масалан, вазифани қайта йўлга қўйиш, айбни ислоҳ қилиш ва хилқатни аслига қайтариш.

2. Жарроҳлик умид этилган манфаат ўрнига зарарни ошириб юбормаслиги керак. Бу ишни мутахассис ва ишончли кишилар амалга оширмоғи лозим.

3. Жарроҳлик амалиётини қилувчи табиб ёки ҳамшира ўша касбнинг аҳли ва мутахассиси бўлиши ҳамда бу масъулият академиянинг 142-қарорига мувофиқ келиши керак.

4. Жарроҳлик амалиёти беморнинг изни билан бўлиши даркор.

5. Табиб онгли ва вое бўлиши мумкин бўлган хатарларни кўра-била оладиган бўлиши лозим.

6. Жарроҳликдан таъсири оз бўлган бошқа муолажа бўлмаслиги керак.

7. Шаръий манбаларга мухолиф бўлмаслиги ҳам зарур. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилишларича, у зот игна билан баданига сурат чизувчи аёл ва чиздирувчини, соч улайдиганни ва улатадиганни, хусн учун тишлирининг орасини очувчини ва Аллоҳ халқ қиласиган нарсани ўзгартирувчини лаънатлаган», дедилар (*Имом Бухорий ривоят қиласиган*).

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан қилинган ривоятда келтирилишича, соч уловчи аёл ва соч улатувчи аёл,

игна билан баданига сурат чизувчи аёл ва чиздирувчи, оғриқсиз баданига сурат чизувчи лаънатланган (*Абу Довуд ривояти*).

Ва яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини аёлларга ўхшатувчи эркакни ҳамда ўзини эркакка ўхшатувчи аёлни бундай қилишдан қайтаргандар.

8. Даволаниш қоидаларига амал қилмоғи керак. Но маҳрам билан холи қолмаслик, авратларни очмаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан четланиш мухимдир. Зарурат учун ёки мажбур бўлиб қолганда, зарари йўқ.

#### **Учинчи: шаръий аҳқомлар:**

1. Косметик жарроҳлик зарурат ва ҳожат юзасидан шаръян жоиздир.

а) Жисмдаги аъзо шаклини Аллоҳ ҳалқ қилган ҳолатига қайтариш.

Аллоҳ таоло Қуръонда бу ҳақда: «**Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик**», деб айтган (*Тийн сураси, 4-оят*).

б) Жисм аъзосига тааллукли маълум вазифани қайтариш.

в) Халқий айбларни ислоҳ қилиш, масалан, ёрилган лаб, қийшиқ бурун, хол, бармоқ ва тишларнинг ортиқчаси ёки бармоқ ёпишиб қолиб, унинг шу тарзда туриши моддий ёки маънавий зарар келтирса.

г) Бахтсиз ҳодисалар сабабли, масалан, ёнғин, касаллик ва шунга ўхшаш нарсалар. Мисол учун, касал терини олиб ташлаб, соғ терини ямаш амалиёти, кўқрак бези касалликка олиб боришидан хавфга тушилса, баъзи қисмини ёки барчасини олиб ташлаш, соч тўкилиб кетгандан соч экиш. Бу хусусан, аёлларда учрайди.

д) Бадбашараликни йўқотиш, айнан бу нафсий азиятга сабаб бўлса.

2. Косметик жарроҳлик амалиёти тиббий муолажа бўлмай, балки инсоннинг асл хилқатини ўз ҳавоий нафсига эргашиб ёки бошқаларга тақлид қилиб, рағбатларини рўёбга чиқариш мақсадида бўлса, жоиз эмас. Юзнинг муайян суратда кўриниши учун ёки фириб қасди ва адолатни бузиш маъносида бўлиши, бурун шаклини ўзгартириш, лабни катта ёки кичик қилиш, кўз шаклини ўзгартириш ҳамда лунжни кенгайтириш кабилар.

3. Вазнни илмий воситалар билан камайтириш, агар вазн касалликни келтириб чиқарса. Жарроҳликдан бошқа йўл қолмаса, заардан омонда бўлиш шарти билан жарроҳлик амалиёти ўтказиш жоиз.

4. Ажинни жарроҳлик йўли орқали ёки укол билан кетказиш, модомики касаллик ҳолати бўлмаса, заардан сақланиш учун жоиз эмас.

5. Қизлик пардаси баҳтсиз ҳодиса ёки зўравонлик оқибатида, ё мажбурлаш билан йиртилиб кетган бўлса, уни тикиш жоиз. Аммо фоҳишалик сабабли ўша қилган гуноҳини ёпиш учун бўлса, шаръян жоиз эмас. Бу амалиётда аёл шифокорлар бошчилик қилмоғи лозим.

6. Мутахассис табиб тиббий амалларда шаръий қоидаларга амал этмоғи ва жарроҳлик килдираётганларга насиҳат қилмоғи лозим. Чунки «Дин насиҳатдир», деб айтилган.

Кўйидаги нарсалар тавсия қилинади:

1. Шифохона ва хусусий клиника шифокорлари, Аллоҳга тақво қилишни лозим тутинг. Амалиёт давомида ҳаром нарсаларга йўл қўйманг.

2. Табиблар ва жарроҳлар хос тиббий машғулот ҳамда косметик жарроҳликка тааллукли нарсаларда фикҳни билишлари, у ишларда шаръий ҳукмни аниқламас-

дан туриб, фақат моддий манфаатни ўйламасликлари лозим. Ҳамда ҳаққа муҳолиф бўлган савдога тарғиб қилувчи нарсага ҳам бормаслиги даркор. *Валлоҳу аълам.*

### 505-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Одинахон опа! Агар протез ёки керамика ва шунга ўҳшиши даволаши усулларини қўллаётгандан узрли ҳолатда ё бетаҳорат бўлса, бунинг ҳукми қандай бўлади? Мабодо даволатишининг иложи бўлмаса, олдирса-чи?*

*Мен тишларнинг орасини очтириши лаънатланган ишилгини билиб қолдим. Бу мавзудаги ҳадис қанчалар саҳих?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Тишни мутахассисларнинг берган маслаҳатига амал қилган ҳолда даволатиш керак. Агар шифокор тишнинг яроксизлигини ва олиб ташлаш кераклигини айтса, тиш олдирилади. Пломба қўйдириш ва тиш қоплатишда пок ҳолда бўлиш шарт эмас.

Ҳадисда айтилган нарса ўша замонда урф бўлган соғлом тишларнинг орасини бехуда очтиришdir. Даволатиш у маънога кирмайди. *Валлоҳу аълам.*

### 506-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Уламоларнинг «Ҳомилани 40 кунгача олдирса бўлади», деган фатволари қанчалик даражада асосли?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Уламолар айтилганининг ўзи етарли. Жон кирмаган нарса ҳомила эмас, танадаги бир жонсиз аъзо деб ҳисобланади. Ўша нарсага жон кирга-

нидан кейин у тирик нарсага айланади. Шунинг учун уламолар уни тушириб юбориш жоиз бўлмайди, деб айтадилар. *Валлоҳу аълам.*

**507-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Туғуруқхонада она фарзандига аzon айтиши дуруст бўладими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Азонни аёл киши эмас, эркак киши айтади. Боланинг отаси туғуруқхонада боланинг қулоғига аzon айтиб қўйиши жоиз, албатта. *Валлоҳу аълам.*

**508-САВОЛ**

*Ассалому алайкум! Мен маҳалламиз идорасига кириб, 2 ёшли фарзандимга нафақа пули беришни сўраганимда, у ердагилар: «Харажати бўлади, бир ойлигини ва яна 100 минг сўм берасиз», дейишди. Мен бунга рози бўлмадим, чунки мени б ой судраб юришди. «Даромадларинг ошиб кетяпти», деб ҳар хил баҳоналар билан нафақа пулинин атайлаб чиқаришимади. Энди уларнинг ҳам камчилигини айтиб, шикоят қилсан, шариатга тўғри келадими? Илтимос, маслаҳат берсангиз.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Агар шу ёрдамга ҳақли бўлсангиз ҳамда ҳақиқатда ҳам унга эҳтиёжингиз бўлса, ёzsангиз ва ҳаққингизни талаб қилсангиз бўлади. Сизга нисбатан ноҳақлик бўлганида шикоят қилишингиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*

## 509-САВОЛ

**Янги уйга ҳафтанинг қайси куни қўчиши яхши, баракали ва Аллоҳга хуш ёқадиган бўлади?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Аллоҳнинг ҳар бир куни муборакдир. Уни ким қандай ният ва амаллар билан бошлишига боғлиқ. Динимизда фалон кун хосиятли ёки хосиятсиз, деган гап йўқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи яхши ишларни маълум қунларда қилганлари ҳадисларда ривоят қилинган. Лекин қайсиdir қунларда мана бу ишни қилмаганлар, деган маънодаги ҳадис ривоят қилинмаган. *Валлоҳу аълам.*

## 510-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли устоз! «Бемор одамини кимдир уқаласа, массаж қиласа, унга пул бериш керак. Акс ҳолда bemornining юки уқалаётган одамга тушади», деган гаплар тўғрими?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Шариатда bemor кишига дам солиш ва шунинг эвазига тўлов олиш бор нарса. Буни саҳобалар қилишган ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишганида у зот ижозат берганлар, икror бўлганлар. Уқалаш муолажаси учун ҳақ олишни шунга қиёсан жоиз дейиш мумкин. Лекин «Юки тушади», деган гап йўқ. Бу хизмат ҳақини олиш учун ўйлаб топилган гап.

عَنْ خَارِجَةَ بْنِ الصَّلْتِ التَّمِيمِيِّ، عَنْ عَمِّهِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: أَقْبَلْنَا مِنْ  
عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ فَمَرَرْنَا عَلَى حَيٍّ مِنَ الْعَرَبِ فَقَالُوا: إِنَّا أُنْبِئْنَا

آنکүм جئتم منْ عندَهَا الرَّجُل بخَيْر، فَهُلْ عِنْدَكُمْ دَوَاءً أَوْ رُقْبَةً؟  
 فإنَّا عَنْدَنَا مَعْتُوهَا، فَقُلْنَا: نَعَمْ، فَجَاءُوا بِعَتُوهِ فِي الْقِيُودِ، فَقَرَأْتُ  
 عَلَيْهِ فَاتَّحَةَ الْكِتَابِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ غُدْوَةً وَعَشِيَّةً، كُلَّمَا خَتَمْتُهَا أَتَفْلَلُ  
 بِبُزُاقِي عَلَيْهِ، فَكَانَنَا نُشَطَ مِنْ عَقَالِ، فَأَعْطَوْنِي جُعْلًا، فَقُلْتُ: لَا،  
 حَتَّى أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَأَلْتُهُ، فَقَالَ: كُلُّ، فَلَعْمَرِي مِنْ أَكَلَ  
 بِرُقْبَةِ بَاطِلٍ لَقَدْ أَكَلْتَ بِرُقْبَةَ حَقٍّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدْ بِسْنَدٍ صَالِحٍ.

*Хорижса ибн Солт Тамимиидан, унинг амакиси розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ху-  
 зурларидан чиқиб, араб маҳаллаларидан бирининг ол-  
 дидан ўтдик. Улар бизга: «Бизга хабар беришларича,  
 сизлар анави одамнинг ҳузуридан яхшилик билан кел-  
 ган эмишсизлар. Сизларда даво ёки дам солиш борми?  
 Бизнинг бир мажнунимиз бор», дедилар.

«Ҳа», дедик.

Улар кишанланган бир мажнунни олиб келишди.  
 Мен унга уч кун эрталаб ва кечкурун Фотиҳани ўки-  
 дим. Ҳар ўқиб тугатганимда унга суфлар эдим. У худди  
 тушовдан бўшатилгандек бўлиб кетди. Улар менга ҳақ  
 беришди.

«Йўқ! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан  
 сўрамагунимча олмайман», дедим.

У зотдан сўраган эдим: «Еявер! Умрим ила қа-  
 самки, кимдир ботил дам солиш билан еган бўлса,  
 сен ҳақ дам солиш билан единг», дедилар».

*Абу Довуд саҳих санад ила ривоят қилган. Валлоҳу  
 аълам.*

**511-САВОЛ**

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ. Ҳозирги кунда 1 бурууд масофа неча километр ёки метр ҳисобланади? Олдиндан раҳмат!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ. Буруд эмас, барид. «Барид» луғатда почта маъносини билдиради. Илгариги вақтда Ислом ўлкаларида почта ишлари отда юриб амалга оширилган. Шаҳарлар орасидаги почтахоналар маълум масофага қурилган. Бир барид билан иккинчисининг ораси 4 фарсаҳ, яъни 22.176 метр бўлган. Ҳар почтахона – баридда ходимлар отларини боқиб, шай бўлиб турганлар, аввалги бариднинг ходимлари узокдан кўриниши билан йўлга тайёр бўлиб, отни менинг чиққанлар. Улар келиб, почтани топшириши билан от чоптириб, олға босганлар. Биринчи почтахона билан иккинчисининг ораси километр деб эмас, ўша вақтнинг таомилига кўра «барид» деб айтилган. *Валлоҳу аълам.*

**512-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Саволим шуки, ойим бир китоб сотиб олибдилар. У китобда «Ганжул ариш», «Дуруду тоҷс», «Мухри нубувват», «Дуруду муаззам» номли дуолар ёзилган экан. Ҳақиқатда шундай дуолар борми ёки буни ўйлаб чиқаришганми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом! Буларнинг ҳаммаси асоссиз нарсалар. Уларнинг бирортаси ҳадиси шарифларда ворид бўлмаган. *Валлоҳу аълам.*

**513-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм! Одинахон, мен Пайғамбари-  
миз соллаллоху алайҳи васаллам ҳаққариды ёзилган  
«Мавлид»ни ўзим ўқиб юрсам бұладими? Аллоҳ ил-  
мингизни зиёда қылсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Уни аввал бирор илмли кишига күрсатыб, түғрилигини тасдиқлатып олинг. Кейин ўқиб юраверсанғыз бўлади. Чунки бу ном билан чиққан китоблар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам эътиқодга тўғри келмайди. *Валлоҳу аълам.*

**514-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм! Аллоҳ илмларингизни хайрли  
ва давомли қылсин.*

*Бир ҳикоя ўқигандим. Унда ёзилишича, Жаброил  
алайҳиссалом оятларни келтиради: «Эй Мұхаммад,  
ул йигитга айтгин, Бизнинг ҳузуримизда парҳез қил-  
ди, Биз унга најсот бердик, охират балосидан ҳалос  
қилдик, у икки тұядаги дон яшиликтинг баҳосидир». Шу сўзлар қайси суранинг неchanчи оятыда келгани  
ёзилмаган экан. Илтимос, шуни аниқ айтиб беринг.  
Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир роҳманир роҳийм.

Ва алайкүм ассалом. Ушбу маънода оят йўқ. *Валлоҳу аълам.*

**515-САВОЛ**

*Ассалому алайкүм. Ўй шароитимиздан интернетдан  
фойдаланишининг имкони йўқ. Шунинг учун шаръий  
масалалар бўйича муаммолар юзасидан сиз билан те-*

*лефон орқали ҳам гаплашиб, жавоб олишининг имкони борми? (Аёлим сиз билан телефонда гаплашиб туриши ва сизга яқин бўлишини истайди, Аллоҳнинг розилиги учун.) Лекин телефон рақамингиз бизда йўқ-да...*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Бўш вактим деярли йўқлиги сабабли вақтида жавоб бера олмаслигим мумкин. «Muslimaat.uz» сайтининг Фейсбуқ саҳифасидаги ходималаримизга мурожаат қилинг. Улар имкон қадар ёрдам беришади, керак пайтда шу орқали мулоқот қилсак бўлади, иншааллоҳ.

### 516-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Одинахон опа. Саволим нотўғри бўлса, олдиндан узр сўрайман. Бундан бир неча йил олдин оламдан ўтган марҳума опам тез-тез тушимга кирадиган, маслаҳат қиласадиган бўлиб қолдилар. Бунда бирор маъно борми? Одатда нимани ўйласанг, ўша тушга киради, деб ўйлардим. Аммо анча ёдимдан кўтарилган опам ҳозир тушимга киряптилар. Маслаҳатингизни аяманг, илтимос. Нимадир қилишим ё қабрларига зиёратга боришим керакмикан?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

Ва алайкум ассалом. Уларга атаб Қуръон тиловат қилиш, ҳақларига дуо қилиш керак. *Валлоҳу аълам.*

### 517-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Эридан ажраган қиз отаникida ўтиrsa, бирор жойига бориши учун отасидан рухсат сўраладими ёки ихтиёри ўзида бўлиб, хоҳлаган жойига изнисиз бораверадими?*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Кимнинг күл остида ўтирган бўлса, ўшандан рухсат сўралади. Отанинг қарамоғида бўлса, отадан изн сўрайди. *Валлоҳу аълам.*

**518-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, Одинахон опа. Аёл киши фарзанд дунёга келтираётганида ўлим билан олишади, дейшишади. Бунда қабринг оғзи очиқ туради, деган гап ҳам бор. Шунинг учун аёл фарзандини дунёга келтирганида ўзи ҳам чақалоқ каби пок бўлиб, гуноҳлари тўкиладими? Бундай гапларни одамлар ўйлаб топганми ёки ҳадисларда келганми? Жавобингиз учун катта раҳмат. Аллоҳ хизматларингиздан рози бўлсин!*

## ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом! Айнан ушбу маъноларда ҳадис йўқ. Аммо ҳомиладор аёл Аллоҳ йўлида жанг қилувчи мақомида, тўлғоқ пайтида ёки фарзандини дунёга келтириши билан вафот этган аёл эса шаҳид мақомида бўлиши ҳадисда айтилган. *Валлоҳу аълам.*

**519-САВОЛ**

*Ассалому алайкум, ҳурматли устоз! Биз аёллар ҳар доим соглигимиз учун ҳаракат қиласмиз, согломлаштириши марказларига борамиз, табиийки, турли хил енгил ва оғир машқлар қилишимизга тўгри келади. Яқинда мен йога билан шугулланишини бошладим. Фақат бу согломлаштириши машқларини руҳий енгилликни сезиш учунгина эмас, умуртқа погонамга керакли муолажани олиш учун бажармоқдаман. Ва яхши натижаларни сездим. Йога, десам, ҳамма оёқларни*

чалқанча қилиб, кўзларни юмиб, ички хотирэжамликни ҳис этиши учун қилинадиган машқ, деб ўйлаяпти. Мен эса айнан умуртқа погонасини чўзадиган, қоматни тик қиласидиган машқлар турини бажаряпман, мисол учун, олдинга чўзилиш, орқага энгасиб, кўприк ташлаш, оёқларни юқорига кўтарган ҳолда мувознатни сақлаш каби машқлар шулар жумласидандир.

*Билишимча, йога аслида буддистлик динига хос бўлган машқлар туркуми бўлиб, ўзга олам билан мулоқотга киришиш маъносида амалга оширилар экан. Яъни руҳларни чақириб, улар билан алоқага чиқилар эмиш. Лекин мен бу мақсадда машқ қилаётганим йўқ. Ёшлигимдан менда остреохондроз, яъни умуртқа погонаси касаллиги мавжуд ва шуни тўгриласи учун қилган машқларим комплекси йога машқларининг ичига киради. Энди иккиланиб қолдим. Машқ сифатида ўзимга фойдали бўлгани учун шуларни бажарсам бўладими? Олдиндан жавобингиз учун миннатдорчилик билдираман.*

### ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ва алайкум ассалом. Сизнинг соғлифингиз учун керакли бўлган машқларни бошқа шаклда килишнинг имкони йўқми? Ўзингиз айтганингиздек, йоганинг бизнинг исломий эътиқодга тўғри келмайдиган руҳий маънолари бор. Умуртқа погонаси муолажаси ва бошқа керакли нарсалар учун ўзгача услублар ҳам мавжуд. *Валлоҳу аълам.*

## МУШДАРИЖА

Қуръон.....	3
Суннат .....	12
Ақийда.....	14
Ибодатлар.....	22
Поклик.....	22
Намоз.....	42
Намоздаги хушуъ .....	42
Тавба намози.....	65
Рўза .....	81
Закот .....	88
Илм .....	89
Рұхий тарбия .....	108
Охират .....	109
Зикрлар, дуолар .....	111
Ахлоқ ва одоб .....	120
Саломлашиш одоби .....	121
Қабристон одоби .....	122
Уйқу одоби.....	124
Оила.....	124
Эр-хотин муносабатлари .....	125
Ақийқа.....	151
Никоҳ.....	157
Қайнона-келин муносабатлари .....	171
Нозик масала .....	173
Фарзанд тарбияси.....	176
Ғазабнинг амалий давоси .....	177
Ғазабни ютишнинг фазли.....	179
Талоқ .....	188
Ислмлар.....	193

Никоҳ тўйи.....	196
Маҳрам .....	202
Аврат .....	203
Такиқ ва рухсатлар .....	208
Аёлларнинг соч бўяши ҳақида.....	215
Сочни қорага бўяш.....	218
Соч бўяшнинг шартлари.....	220
Таомлар ва ичимликлар .....	224
Бидъатлар.....	232
Маслаҳат беринг.....	237
Фазилатли ойлар ва кунлар .....	246
Турли масалалар.....	251



ОДИНАХОНГ МУҲАММАД СОДИҚ

БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
**ШИФОСИ**  
САВОЛ

ИККИНЧИ КИТОБ

*Муаллиф руҳсатисиз нусха кўчиришининг  
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш  
шаръян ҳаром, қонунан ман этилади.*


«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент — 2021

Ношир: Исмоил Муҳаммад Содиқ

Мухаррир: *Барно Саидраҳмон*  
Арабча матн мусаххихи: *Нодирбек Қаршибоев*  
Техник мухаррир: *Мансур Қаюмов*  
Бадиий мухаррир: *Абдулбосит Қамбаров*  
Сахифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*  
Мукова дизайнери: *Үйгун Солиҳов*  
Мусаххих: *Ғиёсiddин Юсуф*

**Тасдиқнома рақами: 7798, 11.03.2021 йил.**

Босишга рухсат этилди 16.04.2021. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоги 17.  
Шартли босма табоги 18,48. Адади 10000 (иккинчи завод 5000).  
Буюртма №63. Баҳоси келишилган нархда.



**«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси**  
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5  
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478  
<http://hilolnashr.uz> e-mail: [info@hilolnashr.uz](mailto:info@hilolnashr.uz)





64,556



БИЛИМСИЗЛИКНИНГ  
**ШИФОСИ**  
САВОЛ



ISBN 978-9943-5774-9-7

9 789943 577497